

Х. Раҳимова, А. Аъзамов, Т. Турсунов

# Мехнатни муҳофаза қилиш



**Х. Раҳимова, А. Аъзамов, Т. Турсунов**

# **МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим  
вазирлиги олий ўқув юртлари талабалари учун  
ўқув қўлланма сифатида тавсия этган*

**ТОШКЕНТ — «ЎЗБЕКИСТОН» — 2003**

65 . 9 (2) 24


Р 271

Тақризчилар:

Ў. Р. Йўлдошев — Ў. Р. Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига  
нинг «Техника» бўлими бошлиғи, т. ф. н.

Х. Х. Шомирзаев — Тошкент Давлат техника университети  
тоғ-металлургия факультети, ер ости ишлаб чиқариш ишлари  
кафедраси мудири, т. ф. н.

Муҳаррир: С. Мирзааҳмедова



M = 2104000000-33 2003  
M351(01)2003

ISBN 5-640-02162-5

© «Ўзбекистон» нашриёти. 2003 й.

## **КИРИШ**

**Жамиятни асосий ривожлантирувчи ва ишлаб чиқариш тизимини бошқарувчи куч инсон эканлигини эътиборга олиб, унинг ишлаб чиқариш фаолиятини ва соғлигини сақлаш ижтимоий социал тараққиёт йўлидаги муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам саноат корхоналарининг муҳим талаби, фақат сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўлиб қолмасдан, балки ишлаб чиқариш шароитини яхшилаш, ишлаб чиқаришда жароҳатланиш ва касб қасалликлари келиб чиқишига сабаб бўлган манбаларни йўқотиш, иш фаолияти инсон учун чарчашиб, толиқишиб ва қасалликлар манбаи бўлмасдан, қувонч ва баҳт келтирувчи фаолият бўлишини таъминлашга ҳаракат қилиш зарур.**

Саноат корхоналарида нормал санитария-гигиена шароитларини яратиш, оғир қўл кучи билан бажариладиган меҳнатни тугатиш ва ақлий меҳнат ролини ошириш, саноатда жароҳатланиш ва касб қасалликларини бутунлай тугатиш чора-тадбирларини амалга ошириш натижасида меҳнат қилиш яшаш воситасигина бўлиб қолмасдан, ҳаёт талаби бўлишига эришилади.

Инсон меҳнатини муҳофаза қилишни яхшилаш — давлатимиз амалга ошираётган асосий ва муҳим ижтимоий вазифалардан биридир.

Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган.

Инсоният қандай хавф қаршисида турганлигини, атроф муҳитга инсон фаолияти туфайли етказилаётган зарар қандай натижаларга олиб келганлигини яққол ҳис этиш қийин эмас.

Турли кимёвий воситалар, заарли моддалар, минерал ўғитларни, саноат ва курилиш материалларини сақ-

лаш, ташиш ва улардан фойдаланиш қоидаларининг кўпол равища бузилиши ернинг, ҳавонинг ифлосланишига олиб келмоқда.

Радиоактив ифлосланиш, айниқса, катта хавф тугдирмоқда, Мойлисув (Қирғизистон) дарёсининг қирғоқдари ёқасида 1944 йилдан то 1996 йилгача уран рудасини қайта ишлаш чиқиндилари кўмилган.

Республикамиздаги дарёлар, каналлар, сув омборлари ва ҳатто ер ости сувлари ҳам ҳар тарафлама инсон фаолияти таъсирига учрамоқда.

Ҳозирги пайтда эскирган ускуналарни алмаштириш, янги технологияларни жорий этиш, айрим цехлар, участкалар ва бутун бошли корхоналарни реконструкциялаш асосида фойдали қазилмаларни саноат усулида янада тўлиқ ва оқилона қазиб олиш муҳим вазифа бўлиб турибди.

Охирги пайтда ишлаб чиқариш корхоналарида иш шароити нисбатан яхшиланган бўлсада, кўп жойларда бу шароит оғирлашган. Бунга ишлаб чиқаришдаги асбоб-ускуналарнинг эскириб, ишдан чиққанлиги, иш жойининг етарли даражада ёритилмаганлиги, ҳаво ҳарорати нормаси бузилганлиги, ҳаво алмаштириш тизимлари ва шахсий ҳимоя воситаларининг камлиги ёки умуман йўқлиги сабаб бўлмоқда.

1995 ва 1996 йилларда ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказилган 2200 тажриба ва текширувлар натижаси шуни кўрсатдики, 1100 та иш жойларида заҳарли моддаларнинг концентрацияси йўл қўйилиши мумкин бўлган даражадан ошибб кетган.

Республикада ривожланиш билан бир қаторда экологик муҳитнинг бузилиши, хавфсизлик норма қоидаларига эътиборсизлик оқибатида ҳамда ускуна-курилмаларнинг эскирганлиги ва технологияларни замонавий эмаслиги натижасида шикастланиш, касалланиш ҳоллари мавжуд. Масалан, 1995—2000 йилларда Ўзбекистонда бир йилда тахминан 2000 га яқин одам ҳар хил даражада тан жароҳати олган. Электр токидан шикастланиш унинг 37,3%ни ташкил этган. Ноқулай меҳнат шароити туфайли 350 киши ногирон бўлиб қолган. 2,5 миллионга яқин ишчи хавфсизлик талабига жавоб бермайдиган иш жойларида ишлаган.

Саноат корхоналарида хавфсиз, соғлом меҳнат шароитини яратиш, камчиликларни йўқотиш, ўз навбатида, бир қанча чора-тадбирларни кўришни, илмий тадқиқот

ишларини олиб боришни, хавфсиз услубларни қўллашни, мутахассисларнинг билим даражасини оширишни талаб қиласди.

Кимё, озиқ-овқат саноати корхоналарига таалуқли меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларини ечиш ва инсоннинг саломатлигини сақлаш Ўзбекистон давлати тараққиётида муҳим ўрин эгаллади.

Президент И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ биринчи сессиясида таъкидлаганидек, «Олдимизга қўйган эзгу мақсадларимиз билан узвий боғланган бугунги кундаги яна бир долзарб масала кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, бу борада бошланган ишларимизни изчил давом эттириш ва кучайтириш бундан бўён ҳам биз учун устувор вазифа бўлиб қолади. Бу масала марказда ва жойлардаги давлат ва жамоат ташкилотларининг, биринчи галда, барча катта-кичик раҳбарларнинг энг муҳим вазифаси ва бурчи бўлмоғи зарур».

Замонавий илмий-техника ривожи талабларига фақат ҳар томонлама чукур таҳтил этиб ишлаб чиқилган меҳнат муҳофазаси мажмуи тизимиギна жавоб бера олади. Унинг асосини ишлаб чиқаришга юқори самарали ва хавфсиз янги техника ва технологиялар, меҳнатни ташкил қилишнинг илгор усулларини татбиқ қилиш ташкил қиласди. Ушбу соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш ҳозирги кун талабидир.

Меҳнатни муҳофаза қилиш фани ижтимоий, иқтисодий, техника, гигиена, ташкилий чора-тадбирлар, меҳнат қонуниятлари тизимидан иборат бўлиб, узлуксиз меҳнат қилиш жараёнида инсон соғлиги ва меҳнат қилиш қобилиятини сақлашни таъминлашга қаратилган.

Фан асосан тўрт қисмдан иборат:

1. Меҳнатни муҳофаза қилиш қонуниятлари.
2. Саноат корхоналаридаги меҳнат гигиенаси ва ишлаб чиқариш санитарияси.
3. Хавфсизлик техникаси.
4. Ёнфинга қарши кураш асослари.

Меҳнатни муҳофаза қилиш (ММҚ) ишлаб чиқаришда юз бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, огоҳлантириш, меҳнат шароитини яхшилаш, ишлаб чиқариш жараёнларининг хавф-хатарсиз ўтишини таъминлаш ва хавфсизлик тадбирларини илмий асосда иш-

лаб чиқаришдан иборат. Бу тадбир-чоралар техника ва технологиянинг тўхтовсиз ривожланаётганлигини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади. Меҳнат муҳофазаси илмий тадқиқот ишларини олиб боришда технологик жараёнлар бўйича ускуна ва аппаратларнинг жойланиши, қўлланилаётган хом ашё ва олинаётган маҳсулот ҳисобга олинади ва ўрганилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш фанининг вазифаси бўлаjak ҳар бир муҳандисга меҳнат муҳофазаси қонуниятлари, ишлаб чиқариш хавфсизлиги масалаларини ечиш усулларини ўргатиш, уларни саноатда шикастланиш ва касб касалликларига қарши курашиш, кимё ва озиқ-овқат саноати корхоналарида бўладиган ёнғин ва портлаш ҳодисаларининг олдини олиш чоралари билан таништиришдан иборат.

Меҳнатни муҳофаза қилиш фани бир қанча фанлар билан узвий боғлиқ. Унинг асосий текшириш манбай меҳнат жараёнида саноат муҳити ва шароитнинг одам организмига таъсири, шунингдек саноат жиҳозлари, технологик жараён, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилиш билан инсон ўртасидаги боғланишни ўрганишдан иборат. Бу вазифани бажаришда қуйидаги фанларнинг ютуқларидан кенг фойдаланилади:

1. Ижтимоий-хуқуқшунослик ва иқтисод фанлари — меҳнат ҳуқуқшунослиги, социология, меҳнатни илмий ташкил қилиш, иқтисод ва бошқалар.

2. Тибиёт фанлари — меҳнат гигиенаси, ишлаб чиқариш гигиенаси-санитарияси, саноат токсикологияси, меҳнат физиологияси, меҳнат психологияси ва бошқалар.

3. Техника фанлари — умум муҳандислик ва иқтисод бўйича, ёнғинга қарши кураш техникаси, саноат эстетикаси ва бошқалар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш фанининг ривожланишига М.В. Ломоносов, И.М.Сеченов, Ф.Ф.Эрисман, М.Д.Зелинский, Н.Н.Семенов, Я.Б.Зельдович, М.С.Кюри, А.С.Скочинский, И.С.Стекольников каби кўпгина чет эл олимларининг илмий ишлари ва кашфиётлари катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Октябр тўнтаришидан кейин меҳнатни муҳофаза қилишга катта аҳамият берилди ва у фан даражасига кўтарилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш илмий асосда амалга оширилмоқда. Саноат, қурилиш, ишлаб чиқаришнинг

бошқа кохоналарида ҳимоя воситаларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш, меңнат шароитини яхшилашга доир вазифаларни, меңнат санитарияси ва гигиенаси масалаларини ҳал қилиш мақсадида Москва, Санкт-Петербург, Свердловск, Тбилиси, Қозон, Тошкент шаҳарларида Меңнатни муҳофаза қилиш илмий-текшириш институтлари ишлаб турибди.

Бундан ташқари 400 га яқин тармоқ илмий-текшириш институтлари лабораторияларида, 900 дан ортиқ олий ўқув юртларининг меңнатни муҳофаза қилиш факультетларида самарали ишлар олиб борилмоқда.

Ёнғинга қарши чора-тадбирларни амалга оширишда (ВНИИПО) ёнғин мудофааси илмий-текшириш институти, олий мактабининг ҳам ҳиссалари каттадир.

**НИИОГАЗ, ВНИИВОДГЕО** институтлари бошқа тармоқ институтлари билан ҳамкорликда атроф-муҳит ва сув ҳавзаларини заарли чиқиндилардан тозалаш масалаларига алоҳида эътибор бермоқдалар. Касб касалликлари ва меңнат гигиенаси институтлари ҳам меңнатни муҳофаза қилиш борасида катта ҳажмдаги ишларни олиб бормоқдалар.

Давлатимиз хавфсиз иш шароитини яратиш борасида доимий ғамхўрлик қилиб келмоқда. Бу соҳада назарий ва амалий масалаларни мувваффақият билан амалга ошириш мақсадида ҳукумат ўзининг дастлабки қадамларидан бошлаб бирмунча ҳуқуқий, техник ва ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқди ҳамда амалга ошириди.

Октябр тўнтаришидан сўнг дарҳол саккиз соатлик иш куни ҳақидаги декрет чиқарилди, меңнатни муҳофаза қилиш инспекциясини ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилинди ва биринчи меңнат қилиш қонунлари кодекси тузилди.

Ҳукуматимизнинг бир қанча қарорларида меңнат шароитларини яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш масалалари кўрилди. Иш шароитини яхшилаш мақсадида олиб борилаётган ишлар ижобий натижалар бермоқда.

Бизда янги техника, технологияни жорий этиш меңнат муҳофазаси хавфсизлиги, стандартлар тизими (ММХСТ) асосида бажарилади ва жараёнларни бошқариш, меңнат шароитини яхшилаш, машина-ускуналардан унумли фойдаланишга қаратилган масалалар, чора-тадбирлар режа асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон хукумати меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилаш, саноат корхоналарида фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиб меҳнат шароитини юқори даражага кўтариш, шикастланиш ва касалланиш даражасини пасайтирищ, меҳнат унумдорлигини кўтариш ва ишчи-хизматчиларни рағбатлантириш мақсадида мавжуд қонунлар асосида иш олиб бораяпти, қўшимча қарор, фармон ва йўлланмалар ишлаб чиқилаяпти ҳамда амалда кўлланилаяпти.

Меҳнатни муҳофаза қилиш фанининг вазифаси бўлажак мутахассисларга хавфсизликнинг илмий асосини тушунириб, ишлаб чиқаришда хавфсиз меҳнат шароитини яратиш ва ишлаб чиқаришдаги хавфсизликни тўла таъминлашнинг оқилона йўлларини ўргатишдан иборат.

# МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ

## 1- боб

### МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ҚОНУНИЯТЛАРИ АСОСЛАРИ

Меҳнатни муҳофаза қилиш қонуниятлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари кодекси асосида олиб борилади. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг қатор масалалари Конституцияда акс эттирилган. Меҳнаткашларни хавфсиз ва соғлом меҳнат шароити билан таъминлашни давлат ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди, бунинг учун зарур бўлган чора-тадбирларни қонун асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 8 декабрида 12-чақириқ II сессиясида тасдиқланган Конституциянинг 18—20, 27, 29, 36—42-моддаларида меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари баён этилган.

Конституция барча фуқароларни меҳнат қилиш хукуқини таъминлайди, яъни меҳнаткашлар маълум миқдорда ҳақ олиш ҳисобига иш билан таъминланадилар. Бу хукуқ ҳафтасига 41 соатдан ошмаган иш соати белгилаш асосида ва йилига бир марта ҳақ тўлланадиган (дам олиш) таътил бериш йўли билан амалга оширилади.

Конституция бепул даволаниш, қариганда ёки меҳнат қилиш қобилиятини қисман ёки батамом йўқотганда социал таъминланиш хукуқларини ҳам беради.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қилиш қонуниятлари меҳнаткашларга яратиб берётган шароитлар ва хукуqlар ҳамда уларни назорат қилиш жиҳатидан дунёда энг илфор ҳисобланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қонунларини яратиш ва амалга оширишда касаба уюшмалари фаол қатнашади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари кодексида соғлиқни сақлаш, хавфсиз ва соғлом шароит яратиш, халқ учун маданий ва майший фаровонликни таъминлашга оид кўпгина масалалар кўриб чиқилган. Маса-

лан, жамоа шартномаси, меҳнат шартномаси, иш билан таъминлаш, иш вақти, дам олиш вақти, иш ҳақи, кафолатлар ва компенсациялар, меҳнат муҳофазаси, аёллар меҳнати, ёшлар меҳнати, имтиёзлар, меҳнат низолари, назорат, меҳнат интизоми ва ҳ. к. 1960—1961 йиллар давомида 7 соатлик иш қунига ўтилди ва шанба қуни 6 соатлик иш қуни деб белгиланди. 1967 йил 1 январидан эътиборан 41 соатлик иш вақти сақланган ҳолда 5 қунлик иш ҳафтасига ўтилди. Бу ўзгариш меҳнаткашларнинг иш шароитларини яхшилаш билан бирга, ўқишилари ва меҳнат қилишлари, мутахассислик малакаларини оширишлари учун маълум янгиликлар туғдирди. Меҳнат қонуниятлари иш вақтидан ортиқ меҳнат қилишни бутунлай таъқиқлади. Ортиқча меҳнат қилишга корхона касаба уюшмаси қўмитаси рухсати билангина йўл қўйилади.

Меҳнаткашлар ҳар йили бир марта 24 қундан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланадиган таътил билан таъминланадилар. Бу уларнинг меҳнат фаолиятини тиклаш, соғликларини мустаҳкамлаш имкониятини туғдирди. Мавсум давомида ва вақтинча ишловчилар учун таътил фарқли даражада бўлиши мумкин.

Мамлақатимизда аёлларнинг эркаклар билан тенг хукуқлиги таъминланган. Аёллар организмининг баъзи хусусиятларини, аёлларнинг оиласидаги, жамоадаги меҳнатини ҳисобга олиб, қонунда улар учун маълум янгиликлар ва маҳсус нормалар белгиланган.

Аёллар соғлиғига зарар келтиришини ҳисобга олиб, баъзи бир ишларда аёллар меҳнатидан фойдаланиш таъқиқланади. Масалан, кимё саноатининг баъзи тармоқларида, ер ости ишларида ва бошқа бир қанча ишларда аёлларнинг меҳнат қилишига йўл қўйилмайди. Баъзи ҳолларда корхона участкаларида юқларни қўл билан кўтариб кўчириш ҳоллари учраб туради. Шунинг учун аёллар учун юқ кўтариш нормаси қўлда 20 кг, замбилғалтакда 50 кг дан ошмаслиги кераклиги белгилаб қўйилган.

Ҳомиладор ва эмизикли аёллар учун енгилликлар яратилган. 1 ёшгача болалари бўлган аёлларни тунги (соат 22 дан соат 6 гача), ишдан ташқари, дам олиш қунларидаги ишларга жалб қилиш ва хизмат сафарларига юбориш таъқиқланади. Маъмурият баъзи ҳолларда шундай аёлларни

шифокор хулосасига асосан, ўртача иш ҳақини сақлаган ҳолда енгил ишларга ўтказиши лозим. Аёлларга туғищдан олдин ва түргандан кейин 70 кундан ҳақ тўланадиган таътил берилади. Ундан ташқари фарзанд кутаётган ва эмиликли аёллар учун бир қанча имтиёзлар берилади. Корхоналарда ишловчи аёллар учун бола эмизиш хоналари, душ хоналари ва шахсий гигиена хоналари ташкил қилинади.

Меҳнат қонунияти ўсмиirlар меҳнатини муҳофаза қилишга ҳам алоҳида аҳамият беради. 16 ёшга тўлмаган ўсмиirlар ишга қабул қилинмайди. Баъзи ҳолларда улар завод, фабрика, касаба уюшмаси қўмитаси руҳсати билан ишга қабул қилиниши мумкин. 16 ёшгача бўлган ўсмиirlар учун 24 соатли, 18 ёшгача бўлганлар учун 36 соатли иш ҳафтаси жорий қилинган. Улар учун тўланадиган иш ҳақи айнан шу категориядаги ишларда ишлайдиган балоғат ёшидаги ишчиларнинг ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

Ўсмиirlар учун йилнинг энг яхши даврларида ёки ўзи хоҳлаган вақтда бир календар ой миқдорида таътил берилishi керак. Уларнинг меҳнатидан тунги ишларда, дам олиш кунларида фойдаланиш бутунлай таъқиқланади. Уларни соғлиқлари учун заарали бўлган ишларни бажаришга жалб қилиш мумкин эмас.

18 ёшга тўлмаган ўсмир болаларга 16 кг гача, қизлар учун эса 10 кг гача бўлган юкларни ташишга руҳсат этилади. Улар балоғат ёшига етгуналрига қадар режага мувофиқ тиббиёт кўригидан ўтказилиб турилади, зарур бўлганда дарҳол хавфсиз ва енгилроқ ишга ўтказилади.

Бизнинг давлатимизда саноат корхоналарини механизациялаш, автоматлаштириш ва саноат корхоналари технологиясига янгидан-янги фан ва техника ютуқларини жорий этиш натижасида ишлаб чиқариш санитария гигиена шароити яхшилаб борилмоқда. Лекин баъзи бир участкаларда заарали иш шароити бўлган жойлар ва муҳит учраб туради. Меҳнат қонуниятига асосан бундай жойларда ишловчилар учун устама ҳақи тўланади ёки иш соати қисқартирилади. Иш соатининг қисқартирилиши натижасида ишчи заарали муҳитда камроқ бўлади ва натижада камроқ заарланади. Кўпгина кимё саноати корхоналарида иш соати кунига 4 ёки 6 соат қилиб белгиланган. Бундан ишловчиларнинг 30%и фойдаланади.

Бундан ташқари заарли мұхитда ишловчилар учун күшимча таътил жорий қилингандың бўлиб, у 12—36 қунгача бўлиши мумкин. Кўшимча таътилдан ишловчиларнинг 70% фойдаланади.

Заарли жойларда ишлаган ишчилар учун устама ҳақи тўлаш ҳам жорий қилинган. Бу имтиёз бир қанча цехларда ойликнинг 13% ни, ўта заарли ишларда эса 30—35% ни ташкил этади. Корхоналардаги ишчи-хизматчиларнинг 80% устама ҳақ олиш имкониятидан фойдаланадилар.

Софлик учун ўта хавфли шароитларда ишлаётганларнинг касб касалликларига чалинмасликларини таъминлаш ва соғлиқларини мустаҳкамлаш мақсадида уларга бепул озиқ-овқат маҳсулотлари (сут ва ҳ.к.) берилади. 0,5 литр сут ёки бошқа маҳсулот олиш зарур бўлган касбларни корхона раҳбарлари касаба уюшмаси қўмитаси билан келинган ҳолда белгилайдилар. Бундай имтиёздан 30% ишчи ва хизматчилар фойдаланадилар.

Шунингдек, заарли мұхитда ишлаётганлар учун хавфсизликни таъминлаш, соғлиқни сақлаш мақсадида меҳнат қонунчилигига асосан шахсий муҳофаза воситалари корхона ҳисобидан бепул берилади. Газниқоб, респиратор, кўзойнак, ҳимоя мосламалари, дизелектрик калиш, поёндоз, кийимлар, халат ва қўлқоплар ана шундай ҳимоя воситаларига мисол бўла олади. Корхоналарда ишчиларнинг 80%, мұҳандис-хизматчиларнинг 20% ҳимоя воситаларидан фойдаланади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида заарли ва оғир меҳнат шароитида ишлаётганлар касб касалликларига учрамасликлари ва саломатликларини мустаҳкамлаш мақсадида (ҳар 3, 6, 12 ойда) тиббиёт кўригидан ўтказилади, заруриятга қараб қўшимча чора-тадбирлар кўрилади.

Хавфсиз ишлаш шароитини яратиш борасида йўл қўйилган ҳар қандай камчилик ёки хавфсиз ишлаш шароитини яхши ташкил қиласлик натижасида ишчининг баҳтисиз ҳодисага учраши саноат корхонасининг ёки раҳбар ходимларининг айби ҳисобланади. Моддий йўқотишни қоплаш миқдори ва тартиби маҳсус қоидалар асосида олиб борилади.

## **1.1. Саноат корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини уюштириш**

Давлат корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларида хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш

маъмуриятнинг асосий вазифаси эканлиги Меҳнат қонунлари кодекси (МҚҚ ёки КЗОТ)да ёзиб қўйилган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини уюштириш 1980 йил 10 июля тасдиқланган ва 1984 йил 14 ноябрдан кучга кирган ягона «Низом»га асосланади. Ишлаб чиқаришда техника хавфсизлиги, санитария-гигиена ҳолати бўйича жавобгарлик корхона бошлиғи — директор ва муҳандис зиммасига юклатилган. Цех, бўлим, участка, лабораторияларда уларнинг бошлиқлари жавобгардирлар.

Корхона бошлиғи ажратилган маблағ ва воситаlardан режали фойдаланилиши, хавфсизлик техникаси қонун-қоидалари ва нормаларига риоя қилиниши, меҳнат қонунчилигига амал қилиниши, вазирликдан ва давлат назорати инспекциясидан бериладиган фармойиш, кўрсатмаларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатади. Меҳнат хавфсизлиги стандартлар тизимининг татбиқ қилинишини таъминлайди, меҳнат шароитини яхшилаш, санитария соғломлаштириш тадбирлари ҳақида тузилган режаларни кўриб чиқади ва уларни юқори ташкилотга тасдиқлаш учун тақдим этади, касаба уюшмаси қўмитаси билан келишади. Номенклатура чора-тадбирларнинг бажарилиши учун зарур бўлган маблағни ажратади, бажарилишини текширади.

Ҳар йили муҳандис-техник ходимлар билан кенгаш ўtkазади. Статистик ҳисобот, баҳтсиз ҳодисалар ахборотини ўз вақтида тавсия этилишини таъминлайди.

Бош муҳандис корхонада барча ташкилий-техникавий ишларни бажаради, бунинг учун меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси бўйича бош муҳандис ўринбосари лавозими бўлиши мумкин. Катта корхоналарда ишлаб чиқариш қуввати хавфлилиги жиҳатидан меҳнат муҳофазаси бўлими ташкил этилади. Кичик корхоналарда эса хавфсизлик муҳандиси иш юритади ва у бош муҳандисга бўйсунади.

Бош муҳандис корхона бўйича меҳнат муҳофазаси хизмати ишларига раҳбарлик қиласи, тузилган режани кўриб чиқади ва тасдиқлади.

Бош муҳандис касаба уюшмаси қўмитаси билан бирга хавфсизлик режалари, йўриқномаларини кўриб чиқади, тасдиқлади. Малака ошириш, хавфсизлик техникаси бўйича синов, текшириш ва ўқитиш ишларини уюштиради. Корхона бўлимларининг хавфсизлик ҳолатини шах-

сан кўриб чиқади, қонун-қоидаларга амал қилиш жараёнларининг бажарилишини текширади, сұхбатлар ўтказади. Камчиликларни мутасадди шахсларга кўрсатиб маҳсус дафтарга белгилаб қўяди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими (ММҚБ) ўз фаолиятини корхонанинг бошқа бўлимлари, касаба уюшмаси қўмитаси, меҳнат бўйича техник назоратчи, маҳаллий давлат назорат органлари билан биргаликда тасдиқланган режа асосида олиб боради.

Бўлим қўйидаги вазифаларни бажаради:

- хавфсиз, соғлом меҳнат шароитини яратиш учун ишларни такомиллаштириш;
- шикастланиш, касаллиқдан огоҳлантириш;
- илфор, самарали тажриба, илмий усувларни татбиқ қилиш;
- корхонада назорат ўрнатиш, шикастланиш ва қасалланишларнинг сабабларини текшириш;
- шароитни яхшилаш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- қайта таъмирланган, янги қурилган бинолар, ўрнатилган асбоб-ускуналарни қабул қилиш комиссиясида иштирок этиш;
- инструктаж ўtkазиш, ишчиларнинг билимини текшириш;
- баҳтсиз ҳодисаларни текширишда иштирок этиш, ҳисобот тузиш ва бошқалар.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими, хавфсизлик муҳандислари қўйидаги ҳуқуқларга эга:

1. Корхона барча бўлимларининг ҳолатини текшириш, камчиликларни ва уни бартараф этиш муддатини кўрсатиб ёзма равищда буйруқ бериш.
2. Ишлайдиганлар ҳаётига, саломатлигига хавфли бўлган машина, аппарат, мосламалардан фойдаланишни тақиқлаш, бу ҳақда бош муҳандисни огоҳлантириш.
3. Хавфсизлик бўйича бўлимлардан ёзма равища хужжат-маълумотларни талаб қилиш.
4. Меҳнат муҳофазаси бўйича қонун-қоида ва кўрсатмаларни бузган, айбдор шахсларни ишдан четлатиш.
5. Корхона раҳбариятига бўлим ҳодимларининг намунали хизматини тақдирлаш, айбдор шахсларни ахлоқий жавобгарликка тортиш ҳақида тавсия бериш ва ҳ.к.

## **1.2. Мәҳнатни муҳофаза қилиш ишларини режалаштириш ва маблағ таъминоти**

Касаба уюшмаси низомига асосан фабрика, завод касаба уюшма құмитаси воситачилигіда ҳар йили маъмурология билан ишчи-хизматчилар ўртасыда үзаро мәҳнат муносабатлари түгрисида жамоа битими тузилади. Бу битимда ишчи ва хизматчиларнинг мәҳнат қилиши, маданий ва майший дам олиш тадбирлари ҳақида келишиб олинади.

Тузиладиган битимда мәҳнатни муҳофаза қилиш чоратадбирлари, мәҳнат шароитини яхшилаш масалалари ҳам эътиборга олинади ва бу масалалар маълум тартибга келтирилиб, мәҳнатни муҳофаза қилишнинг номенклатура чора-тадбирлари сифатида битимга қўшиб қўйилади.

Номенклатура чора-тадбирлари режасини касаба уюшма құмиталари билан келишилган ҳолда корхона маъмурияти тузади. Унда ушбу корхонада ҳозирги мәҳнат шароити, касб касалликлари ва саноат корхонасида инсон организмига таъсир қилувчи заарлар омилларнинг мавжудлиги асос қилиб олинади. Бу режа касаба уюшмаси билан келишилгандан кейин ишчиларнинг умумий мажлисида муҳокама қилинади.

Номенклатура чора-тадбирларига асосан бажарилиши зарур бўлган, иш шароитини яхшилашга олиб келадиган чора-тадбирлар киритилиб, уларни шартли равишда қўйидаги уч гуруҳга бўлиб қараб чиқиш мумкин:

1. Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар. Бунга қўшимча ҳимояловчи ва муҳофаза қилувчи тўсиқ туркумларини ўрнатиш, тўсиқлаш, муҳофаза қилишнинг автоматик туркумларини қўллаш, олистан туриб бошқариладиган асбоблар жорий қилиш, огохлантириш тизимлари, жараённи механизациялаш усуллари ва бошқалар киради.

2. Саноат корхоналарида касб касалликларини камайтирадиган чора-тадбирлар. Бунга ишчиларга ҳар хил заарлар таъсир кўрсатувчи моддалардан муҳофаза қилувчи қурилмалар ва мосламалар тайёрлаш ёки сотиб олиш, ҳаво алмаштиргич ва кондиционер тизимларини ўрнатиш, эски турларини қайта жиҳозлаш, умумий ҳаво алмаштириш усуллари ўрнига моддалар ажраладиган жойни тўсиқлаш, аспирация усули, мукаммаллаштирилган машиналардан фойдаланиш, ҳаво ҳолатини, таркибини кузатадиган асбоблар ўрнатиш ва бошқалар мисол бўлади.

3. Иш шароитини умумий яхшилашга қаратилган чоратадбирлар. Бунга рационал ёритиш, санитария-маиший хизмат күрсатылған хоналари ҳолатини яхшилаш, маңсус кийим-бөш ва оёқ кийимлари билан вактида сифатли таъмирлаш, меңнатни муҳофаза қилиш хоналари, бурчаклари ва күргазмаларини ташкил қилиш ва бошқалар киради.

Саноат корхоналарида технологик жараёнлар тақозо қылған чора-тадбирлар меңнат шароитини яхшилашга боғлиқ бўлишидан қатъи назар номенклатура чора-тадбирларига киритилмайди. Номенклатура чора-тадбирлари иш битимиға киритилганлари ва ишчиларнинг умумий мажлисида тасдиқланганлари сабабли, бу чора-тадбирларни корхона маъмурияти томонидан бажарилиши шарт бўлиб қолади ва унинг бажарилиши ҳақида маъмурият ишчиларга ахборот бериб туриши керак.

Унга сарфланган маблағ саноат корхонасининг асосий фондидан олинади, яъни бу харажатлар умумзеке ва умумзавод харажатлари ҳисобига киради. Меңнатни муҳофаза қилиш номенклатура чора-тадбирларига ажратилган маблағни бошқа мақсадларда сарфлаш мутлақо таъкиланади.

Юқорида санаб ўтилган меңнатни муҳофаза қилишнинг номенклатура чора-тадбирлари саноат корхоналарида ўтказилиши лозим бўлган ва корхоналарнинг бош лойиҳа режасига киритилган, республика миқёсида ҳисобга олинган, амалга оширилиши маълум вақтга режалаштирилган тадбирларнинг бир қисми ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, корхона жойлашган туман, вилоят миқёсида ҳисобга олинади ва унга маълум миқдорда маблағ ажратилишини талаб қиласи.

## 2-б о б

### ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА СОҒЛОМ ВА ХАВФСИЗ МЕҢНАТ ҚИЛИШ ШАРОИТИНИ ЯРАТИШ

Бу вазифани бажаришда ва нормадаги шароитни таъминлашда меңнат муҳофазасини бошқариш тизими—системаси (ММБТ) инобатга олинади. ММБТ фаолиятига меңнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни режалаштириш, амалга ошириш, баҳолаш, ишларни барқарорлаштириши киради. Шунингдек, меңнатни муҳофаза қи-

лиш бўйича ташвиқот олиб бориш, хавфсизлик талабига биноан ўқитиши, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, ускуналар, жараёнлар, бино ва қурилмалар хавфсизлиги ни таъминлаш, санитария-гигиеник меҳнат шароитини яхшилаш, ишчиларни шахсий муҳофаза воситалари ва меҳнатни нормадаги режими, дам олиш билан таъминлаш, санитария-маиший хизмат, мутахассисларни касби бўйича танлаш каби вазифалар тизимнинг таркиби ҳисобланади.

Тизимни бошқариш услуби асосини меҳнат қонунчилиги ҳужжатлари, давлат ва касаба уюшмаси қарор, йўлланма ва фармонлари, техникавий норма-хужжатлар ташкил этади. Кимё ва нефть кимёси саноати корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизими учун 1980 йил 10 июля тасдиқланган 480-сонли бўйруқ ва тармоқ касаба уюшмаси марказий қўмитаси билан келишилган, 1984 йил 14 ноябрдан кучга кирган Низом эътиборга олинади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида хавфсиз ва соғлом меҳнат шароитини таъминлашда хавфсизлик техникаси, санитария-гигиена ва ёнгин хавфсизлигига боғлиқ қоида, норма, йўриқномалар катта аҳамиятга эга. Улар умумий, тармоқ ва оралиқ турларига бўлинади.

Умумий норма қоидаларига «Курилиш норма ва қоидалари» (СНиП), «Саноат корхоналарини лойиҳалаш санитар нормалари» СН-245-71, «Нурланиш хавфсизлиги қоидалари» (НРБ 78), «Электротехник мосламалар тузилиши қоидалари» (ПУЭ), «Портлашдан ҳимояланган электр ускуналарни танлаш қоидалари» (ПИВРЭ), босим остида қўлланадиган идишларнинг тузилиши ва хавфсизлиги қоидалари ва бошқалар мисол бўлади.

Вазирлик, илмий текшириш, лойиҳалаш институтлари ўзаро ҳамкорликда тармоқ қоида ва нормаларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаб, уларни бир ёки бир неча тармоқ корхоналарида қўллаш учун тавсия этадилар. Оралиқ қоида ва нормалари корхоналарда заруриятта қараб бажариладиган иш ва жараёнлар учун хавфсизликни таъминлаш мақсадида тавсия этилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини ташвиқот қилиш, амалга ошириш, режалаштириш учун ҳужжатлар тайёрлашда 1974 йил 1 июлдан амалда бўлган меҳнат хавфсизлиги стандартлар системаси (МХСС) дан фойдаланилади.

МХСС беш турга бўлинган, масалан:

0. Ташкилий-услубий стандартлар — ГОСТ 0.001—82, ГОСТ 12.0.002—74, ГОСТ 12.0.003—74, ГОСТ 12.0.004—79.

1. Ишлаб чиқаришдаги заарли, хавфли бирликларга талаб ва нормалари стандартлари — ГОСТ 12.0.003—74.

2. Ишлаб чиқариш ускуналарига хавфсизлик талаблари стандартлари — ГОСТ 12.2.003—74.

3. Ишлаб чиқариш жараёнлари хавфсизлиги талаблари стандартлари — ГОСТ 12.3.003—74.

4. Ишчиларнинг ҳимоя воситаларига бўлган талаблари давлат стандартлари — 12.4.001—74 (МХСС)

1973 йилдан эътиборан 300 дан зиёд стандартлар тасдиқланиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди.

## **2.1 Инструкциялар ва ишчиларни хавфсиз ишлаш усулларига ўргатиш**

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқаришга янгидан-янги технология ва машина-ускуналарнинг жорий этилиши ишлаб чиқаришда ишлаётган ҳар бир ходимдан юқори малакани эгаллашни, техника қонунларини яхши тушунишни ва унга амал қилишни талаб қилмоқда. Ҳозирги вақтда ишчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўплаб қоида, норма, инструкциялар ишлаб чиқилган бўлишига қарамай, саноат корхоналарида баҳтсиз ҳодисаларнинг бутунлай йўқолиб кетишини таъминлайдиган ва тартибга соладиган шароит мавжуд эмас. Саноат корхоналарининг хилма-хиллигини ҳисобга олиб ўзи учун мос келадиган меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган инструкциялар тизими ГОСТ 12.0.004—79 (МХСС) ташкил қилинган.

Бу тизимлар ишчиларнинг хавфсизлигини таъминловчи иш усулларини ўргатиш билан ишчининг меҳнат хавфсизлигини сақдаш чора-тадбирларини ҳам ўз ичига олади.

ГОСТ 12.0.004—74 (МХСС)га асосан кимё саноати муҳандис-техник ходимлари, асосий ва қўшимча цехларнинг ишчилари, корхона хизматчилари, кимё саноати вазирлиги хизматчилари ишлаб чиқариш хавфсизлиги хусусияти даражасидан, иш стажи ва ишнинг туридан қатъи назар инструктаждан ўтишлари керак.

**Инструктажларни асосан бешта гурухга бўлиш мумкин:**

1. Кириш инструктажи.
2. Иш жойидаги инструктаж.
3. Режали инструктаж.
4. Режадан ташқари инструктаж.
5. Кундалик инструктаж.

Ишга янги кираётганлар учун кириш инструктажи ўтказилади. Бу инструктажнинг асосий мақсади ишга кираётган янги кишига меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси тўғрисида маълумот бериш, уни саноат корхонаси майдонида ва цехларидаги тартиб-қоидалардан хабардор қилишдан иборат. Кириш инструктажи хавфсизлик техникаси муҳандиси томонидан яхши жиҳозланган ва кўргазмали куроллар ўрнатилган меҳнатни муҳофаза қилиш хонасида ўтказилади.

Кириш инструктажи вақтида меҳнатни муҳофаза қилиш асослари, саноат корхонасида ўрнатилган ички тартиб, қоидалар, хавфсизлик техникасининг умумий талаблари, иш жойини ташкил қилиш, ускуна-қурилмалардан хавфсиз фойдаланиш усуллари, баҳтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш усулларини тушунтириш, хавфли моддалар билан ишлаш тартиби, жиҳоз-ускуналарни тўхтатиш усуллари, зарур вақтда кўрсатиладиган биринчи ёрдам ва бошқа масалаларга эътибор берилади.

Ишга кираётган янги ходимга кириш инструктажи ўтказилганини, унинг билими текширилганини ҳақида маҳсус дафтарга ёзиб қўйилади.

Иш жойидаги инструктаж ишга янги кирган, бир ишдан бошқа ишга, бир машинадан иккинчи машинага, бир участкадан иккинчи участкага ўтказилган ишчиларга ўтказилади. Иш жойидаги инструктажда куйидаги маълумотлар берилиши керак:

Ишчининг доимий иш жойи, цехдаги технологик жараён, хавфли участкалар, ишлатиладиган ускуна ва дастгоҳ тузилиши, хавфли жойлари, муҳофаза қурилмалари ва вазифалари, ишга тайёрланиш қоидалари, ускуна, мосламаларнинг созланганлиги ва ерга уланганлиги, ёрдами чи иш қуролларининг мавжудлиги, шахсий муҳофаза воситаларининг вазифалари ва бошқалар.

Иш жойидаги инструктаждан ўтказилган ишчилар билими текширилгач, улар 2—5 кун давомида бригадир на-

зоратида иш бажарадилар, сўнгра мустақил иш юритиш ҳақида рухсат расмийлаштирилди ва инструктаж дафтирига ёзиб қўйилади. Унга имзо қўйилиб инструктаж олган сана куни кўрсатилади.

Режали ёки такрорий инструктаж ўтказиш вақти корхона касаба улошма қўмитаси билан келишилган ҳолда белгиланади. Бу инструктажнинг мазмуни иш жойидаги инструктаж мазмуни билан бир хил бўлиб, ҳамма ишчилар иш стажи, касби, разрядидан қатъи назар уни ўтишлари керак.

Агар, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларида, технологик жараёнда, ускуна-мослама тузилишида, хом ашё материалларида ўзгариш бўлса, меҳнатга хавфли бирликлар мавжуд бўлса, шунингдек баъзи бир ишчилар хавфли иш усулларидан фойдаланаётганлиги сезилса, баҳтсиз ҳодисалар содир бўлса, меҳнат интизоми ва хавфсизлик техникаси қоидалари бузилса, ишчи ишлаётган жойда бирон бир сабаб билан (30—60 кун) узилиш рўй берса ва бошқа ҳолларда режадан ташқари инструктаж ўтказилиши мумкин. Саноат корхонасида авария сабабли баҳтсиз ҳодиса рўй берганлиги ҳақида хабар эшитилгандан кейин ҳам дарҳол режадан ташқари инструктаж ўтказилади.

Кундалик инструктаж наряд-руҳсат билан бажариладиган хавфли ишлар учун иш бошланишидан олдин ўтказилади. Бу инструктажнинг ўтказилганлиги ҳақидаги маълумот наряд-руҳсатта ёзиб қўйилади.

## **2.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва нормаларини бузганлик учун жавобгарлик**

Баъзи бир раҳбар шахсларнинг, ишчиларнинг ўз ишига совуққонлик ва лоқайдлик билан қараши натижасида меҳнатни муҳофаза қилиш тартиб-қоидалари бузилиб, баҳтсиз ҳодиса рўй беради. Баҳтсиз ҳодисанинг оғир-енгиллиги ва оқибатини ҳисобга олиб тўрт хил жавобгарлик чора-тадбирлари белгиланган.

*Интизом жавобгарлиги.* Ҳар бир саноат корхонаси ўз ички тартиб-қоидаларини ишлаб чиқади. Бу тартиб-қоидаларнинг барчаси соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш, жараёнларни нормада бажаришга қаратилган. Талабларни бажармаслик баҳтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, ишчи-хизматчиларнинг тартиб-қоидаларга амал қилмаслиги иш режимининг бузилиши-

га, касаллик, баҳтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва бошқа ҳоди-саларнинг содир бўлишига олиб келиши мумкин. Улар учун интизом жавобгарлиги таъсис этилган.

Бу жавобгарлик ишчилар учун: огоҳлантириш, хайфсан эълон қилиш, жиддий хайфсан эълон қилиш, уч ой муддат билан ойлиги кам бўлган ишга ўтказиш ёки шу муддатга паст разряд ишга ўтказиш, ишдан бўшатиш каби тартибда амалга оширилади.

Раҳбар шахслар учун жавобгарлик огоҳлантириш, хайфсан эълон қилиш, бир йилгача лавозимини пасайтириш, ишдан бўшатиш йўли билан олиб борилади.

Ишчилар корхона раҳбарлари, цех ва бўлим бошлиқлари томонидан интизом жавобгарлигига тортилиши мумкин. Раҳбар ходимлар эса юқори раҳбарлик ходимлари томонидан интизом жавобгарлигига тортилиши мумкин.

Раҳбар ходимлар жамоа битимида кўрсатилган талабларни, юқори ташкилот буйруқларини бажармаганликлари ва асосан хавфсизлик техникаси, саноат гигиенасисанитарияси талаб-қоидаларига амал қилинмаганлиги учун жавобгарликка тортиладилар.

*Маъмурий жавобгарлик* кўйидаги уч турда белгиланиши мумкин:

1. Ахлоқий характердаги жавобгарлик (огоҳлантириш, жамоат тартибидаги чоралар).

2. Маблағ ва пул ундириш, бунда жарима ва мусодара қилиш усули қўлланилади.

3. Тартиб бузувчининг шахсига тааллуқли бўлган жавобгарлик (ахлоқ тузатиш ишлари, маъмурий-қамоқ жазоси, вазифасидан четлатиш).

Меҳнат хавфсизлиги қоида ва нормаларини бузган ишчи ва хизматчиларга маъмурий жавобгарлик тартибида огоҳлантириш, жамоат тартибидаги чоралар ва маълум миқдорда жарима тўлаш белгиланади. Жарима ва огоҳлантириш бўйсуниш тартибида раҳбар ходимлар томонидан эмас, балки меҳнатни муҳофаза қилишининг давлат назорат органлари ёки шаҳар ва туман депутатлари кенгаши ижроия қўмиталари томонидан ташкил қилинган комиссияларнинг қарори билан белгиланади.

*Жиноий жавобгарлик.* Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларининг қўпол бузилиши натижасида оғир жароҳатланиш ёки бир неча кишининг оғир жароҳатланиши содир бўлса ёки баҳтсиз ҳодиса ўлим билан тугаса, қоидани

бузишда айбланган раҳбар ходим жиноий жавобгарликка тортилади. Жиноий жавобгарлик раҳбар ходимни вазифасидан четлатиш ёки маълум муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан белгиланади.

**Моддий жавобгарлик.** Бу ишчи ва хизматчилар ишлаётган корхонада унинг айби билан корхонага келтирилган моддий зарарни қоплашдир. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва нормаларининг ишчи ва хизматчи томонидан бузилиши натижасида саноат корхонаси моддий зарар кўрса, шу зарарнинг бир қисмини ёки ҳаммасини айбдор шахс томонидан тўланиши моддий жавобгарлик чорасига киради. Моддий жавобгарлик чегараланган ва тўлиқ жавобгарлик тартибида белгиланиши мумкин.

Чегараланган моддий жавобгарликда саноат корхонасига етказилган зарар маъмурият буйругига асосан ишчи ва хизматчининг ойлигидан ундириб олинади. Бунда айбдор шахснинг розилиги билан ойлигидан (учдан биридан ошмаслиги шарти билан) ушлаб қолинади.

Тўлиқ моддий жавобгарлик жиноят содир бўлган тақдирда ва айбдор жиноий иш қилган бўлса, уни жавобгарликка тортиш билан бир қаторда саноат корхонасига келтирилган моддий зарарни ҳам тўлиқ қоплашга мажбур қилинади. Бундай жавобгарлик қарорларини туман ёки шаҳар суди органлари чиқаради. Бу ҳолда корхона маъмурияти томонидан айбдорнинг ҳақиқатдан ҳам айбдор эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар кўрсатилиши керак.

### **2.3. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг давлат назорати ташкилотлари**

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва нормаларини, меҳнат қилиш қонуниятларининг бажарилишини текшириш ва таъминлаш учун умумий ҳамда маҳсус назорат ташкилотлари тузилган.

Ҳамма вазирликлар, бошқармалар ва саноат корхоналарида меҳнат қонуниятларининг аниқ бажарилишини олий ташкилот — Ўзбекистон Прокуратураси кузатиб боради. Прокуратура ташкилотлари қонунларининг бузилмаслигини режа асосида, меҳнаткашларнинг арзи ёки корхона ва айрим шахсларнинг маълумотлари асосида меҳнатни муҳофаза қилиш талабларининг қандай бажарилаётганлигини текшириш йўли билан амалга оширади.

Прокуратура умумий назорат тартибида текшириш на-  
тижаларидан саноат корхоналари раҳбар ходимларини  
хабардор қилади, раҳбар ходимларга маъмурий жазо кўри-  
лишини талаб қилиб, юқори раҳбар ходимларга мурожа-  
ат қилади. Агар жиноят содир бўлганлиги аниқланса (хавф-  
сизлик техникаси қоидаси бузилган бўлса), раҳбар ходим-  
ларни жиноий жавобгарликка тортади. Ўлим билан тугаган,  
оғир ва кўпчилик баҳтсиз ҳодисага учраган ҳолатларни ба-  
тафсил текширади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари кодек-  
сининг 286-моддасига асосан маҳсус назоратни ўз фао-  
лияти жиҳатида шу корхоналарга ва вазирликка бўйсун-  
майдиган маҳсус давлат органлари ва инспекциялари олиб  
боради. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг маҳсус давлат на-  
зорат органларига қуидагилар киради:

1. Касаба уюшмаси марказий қўмитаси техник инспек-  
тори-инспекцияси.
2. Саноатда хавфсиз иш олиб бориш ва тоғ ишлари  
хавфсизлиги техник давлат назорати.
3. Давлат санитар назорати.
4. Давлат энергетика назорати.
5. Давлат ёнғин хавфсизлиги назорати.
6. Табиятни муҳофаза қилиш давлат назорати.
7. Сув ва сув манбаларининг тозалигини ҳимоялаш дав-  
лат назорати.
8. Жамоат назорати.

*Касаба уюшмаси техник инспектори.* Ҳар бир саноат  
корхонасига тармоқ бўйича ишчи ва хизматчилар касаба  
уюшмаси марказий қўмитаси техник инспектори бирик-  
тириб қўйилган. У корхонада меҳнатни муҳофаза қилиш  
масалаларини кузатиб турувчи давлат назоратчиси ҳисоб-  
ланади.

Унинг асосий вазифалари қаторига баҳтсиз ҳодисалар-  
ни текшириш, ҳисобга олишни корхона маъмурияти то-  
монидан тўғри олиб борилаётганлигини кузатиб бориш,  
ўлим билан тугаган ҳамда оғир ва кўпчилик баҳтсиз ҳоди-  
сага учраган ҳолларда текширишда қатнашиш, текшириш  
материаллари ва айбдор бўлганлар ҳақидаги маълумотлар-  
ни, айбдорларни жиноий жавобгарликка тортиш матери-  
алларини текшириш органларига жўнатишдан иборат.

Касаба уюшмаси техник инспектори янги ускуналар-  
ни, қурилмаларни ишга қабул қилиш, фойдаланишга топ-

шириш давлат комиссияси таркибида қатнашади. Межнатни мұхофаза қилиш бүйіча номенклатура чора-тадбирларининг амалга оширилишини кузатиб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг саноатда хавфсиз иш олиб бориш назорати ва тоғ ишлари назорати давлат құмитаси тоғ саноати, тоғ руда саноати, нефть қазиб чиқариш, металлургия, геология қидируд назоратидан ташқари 70КПа (0,7 атм) дан ортиқ босимда ишлайдиган бүг қозонлари ва идишлари, 115 °С дан ортиқ ҳароратта эга бўлган сув иситиш қозонлари, бүг ва иссик сув қувурлари, юк кўтариш кранлари, лифтлар, эскалаторлар, осма пассажир йўллари ишларини назорат қиласди.

Улар қозон ва юк кўтариш қурилмалари қуриш учун саноат корхоналарига рухсатнома беради, иншоотларни ҳисобга олади, фойдаланишга рухсат беради. Техника талаблари жиҳатидан ишга яроқли эканлигини тасдиқлайди. Бу назорат ташкилотлари инспекторлари капитал қурилиш иншоотларини ва янги ускуналарни қабул қилиш ва фойдаланиш учун топширишда давлат комиссияси таркибида назорат олиб борилаётган корхонада юз берган, ўлим билан тугаган, оғир, кўпчилик билан юз берган баҳтсиз ҳодисаларни текширишда қатнашади.

Давлат санитария назорати соғлиқни сақлаш вазирлиги билан боғлиқ бўлган «санитария-эпидемиология хизматлари» орқали амалга оширилади. Санитария назоратининг асосий вазифаси ташқи мұхитни (сув ҳавзалари, тупроқ, атмосфера) саноат чиқиндилари билан ифлосланмаслигининг олдини олишдан иборат. Шунингдек, корхоналарнинг санитария-гигиеник ҳолатини яхшилаш ва касб касалликларининг келиб чиқмаслиги чора-тадбирларини амалга оширади.

Санитария-эпидемиология хизмати (СЭХ) ходимлари янги қурилган иншоот, корхоналарни қабул қилишда қатнашади, саноат корхоналарида касб касалликлари ва заҳарланиш ҳолатларини текширади ва маъмурият билан бирга уларни йўқотиш, олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Давлат энергетика назорати Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги томонидан амалга оширилади. Уларнинг асосий вазифаси электр ва иссиқлик ускуналаридан тўғри фойдаланишни кузатиш ва уларнинг хавфсиз ишлатилишини таъминлаш борасида ишлаб чиқилган чора-тадбирларининг амалга оширилишини кузатиб боришдан иборат.

Назорат вазифаларини амалга ошириш, йўл қўйилган камчиликларни тузатиш ва айбдорларга жазо чораларини белгилаш мақсадида назорат ташкилотлари катта хукуқларга эга.

Ёнғинга қарши кураш давлат назорати республика Ички ишлар вазирлигининг ёнғиндан муҳофаза қилиш бош бошқармаси зиммасига юклатилган. Шунингдек, маҳаллий органлар, меҳнаткашлар депутатлари кенгаши, уларнинг ижроия қўмиталари томонидан ҳам ёнғин назорати амалга оширилади. Ёнғиндан муҳофаза бўлимлари, маҳаллий бошқариш органлари, ўт ўчириш бўлимлари саноат корхоналарида назорат қилиш мақсадида куйидаги вазифаларни бажарадилар. Масалан, ёнғинга қарши чора-тадбирларнинг корхона бўлимларида бажарилиши, мавжуд бўлган ёнғин хавфсизлигига оид тартиб-қоидларга амал қилинишини, ёнғинга қарши хизматнинг жанговар ҳолатини, ўт ўчириш воситаларининг тайёрлиги ва қобилиятини текшириш ва бошқалар.

Жамоат назорати касаба уюшмаси федерацияси томонидан амалга ошириладиган назорат турига киради ва бирмунча кенг маънога эга, яъни корхона маҳаллий касаба уюшмаси қўмитаси орқали назорат ишларини амалга оширади. Меҳнатни муҳофаза қилиш комиссиялари ва жамоат инспекторларининг таркиби касаба уюшмаси федерацияси томонидан тасдиқланган қарорлар билан белгиланган.

Меҳнатни муҳофаза қилиш назорати меҳнат қонуниятлари, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси норма ва қоидаларининг бажарилишини кузатиб боради, саноат корхоналарида баҳтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқшини, касб касалликларини камайтиришни таъминловчи чора-тадбирларни амалга оширилаётганини назорат қилади. Жумладан, ишлаб чиқариш жиҳозлари ва қурилмаларининг созланганлигини, ишчиларнинг маҳсус кийим ва шахсий муҳофаза воситалари билан таъминланганлигини, маҳсус овқатларни ўз вақтида бериб борилишини, сут билан таъминлашни, иш кунининг давом этиш соатларини, дам олиш кунлари ва таътилнинг ўз вақтида берилишини, танаффуслар, аёллар ва ўсмирлар меҳнатидан тўғри фойдаланишни ва бошқаларни текширишда фаол қатнашади.

Жамоат назорати олиб бораётган шахсларга ва ташкилотларга режаланган барча ишларни амалга оширишла-

рида корхона маъмурияти ёрдам бериши керак. Маъмуриятни касаба уюшма ташкилотлари билан биргаликда олиб бораётган назорат усулларидан бири уч босқичли назоратдир.

### 3- б о б

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДА МЕҲНАТ ШАРОИТИНИ ТЕКШИРИШ ВА БАҲОЛАШ

### 3.1. Жароҳатланиш, баҳтсиз ҳодиса ва касб касалликлари ҳақида тушунча

Саноат корхоналарида хавфсизлик техникаси, саноат санитарияси ва ёнғин хавфсизлиги қоида, норма ва йўриқномаларига риоя қилмаслик жароҳатланишга, заҳарланишга ва касб касалликларига олиб келиши мумкин.

Инсон танасининг тери ёки айрим қисмларига ташқи механик, кимёвий, иссиқлик ва электр таъсири натижаси шикастланиш деб тушунилади.

Урилиш натижасида лат ейиш терининг кесилиши, суяқ синиши ва чиқиши, куйиш, совуқ уриши, электр токи уриши ва инсон ҳаёти фаолияти бузилишига олиб келадиган бошқа чекланишлар жароҳатланишга мисол бўлади.

Жароҳатланишни баҳтсиз ҳодиса деб ҳам юритилади ва уч турга бўлиб қаралади ҳамда баҳоланади:

1. Ишлаб чиқаришда, иш жойида жароҳатланиш.
2. Иш билан боғланган, лекин ишлаб чиқариш билан боғланмаган.
3. Ишлаб чиқариш ва иш билан боғланмаган жароҳатланиш.

Биринчи турдаги жароҳатланишга ишчининг маъмурият томонидан буюрилган ишни бажариши давомида, иш жойида, цехда, корхона майдонида, юк ортиш ва тушириш ёки юкларни бошқа жойга кўчириш вақтида олган жароҳати киради.

Иккинчи турдаги жароҳатланишга ишчининг ишхона транспорт воситаларида, ишга бориб келиши вақтида, командировка вақтида, корхона маъмурияти топшириги билан бошқа жойларда ишларни бажарганда олган жароҳати киради.

Учинчи турдаги жароқатланишга майший ҳолатларда, масть бўлиш натижасида, давлат мулкини ўғирлаш вақтила, уй шароитида вужудга келган жароқатланишлар киради.

Биринчи икки турдаги баҳтсиз ҳодиса — жароқатланишга, агар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлса, маъмурият жавобгар ҳисобланади ва жароқатланиш вақтида йўқотилган иш кунлари учун ҳақ тўланади. Агар жароқатланиш ишчининг меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва нормаларига амал қиласлиги натижасида келиб чиқсан бўлса, унда ишчи маъмурият ходими билан бирга жавобгар ҳисобланади. Моддий тўлов миқдори маъмурият ходими ва ишчининг айборлик даражасига қараб белгиланади.

Саноат санитарияси нормаларининг бузилиши натижасида ишлаб чиқариш зоналаридан ажралиб чиқсан зарарли омиллар таъсирида ишчи заҳарланиши ёки касб касаллигига чалиниши мумкин.

Касбий заҳарланиш бир смена давомида юз берса, уни ўткир заҳарланиш дейилади. Агар одам танасида узоқ муддат давомида заҳарли моддалар йигилса, уни сурункали заҳарланиш дейилади ва у келажакда касб касалликлари га олиб келади.

Ишлаб чиқаришда жароқатланиш, заҳарланишнинг содир бўлишига ёки касб касаллигининг келиб чиқишига саноат корхоналарида йўл қўйилган ташкилий ва техник хатолар натижаси деб қаралади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш корхоналарида юз берган ҳар қандай баҳтсиз ҳодиса ҳар томонлама текширилади ва ҳисобга олинади. Текшириш ва ҳисобга олиш натижалари баҳтсиз ҳодиса келиб чиқиши сабабларини аниқлаб, келажакда жароқатланиш, касалланишнинг қайтарилмаслиги учун зарур бўлган чора-тадбирларни кўриш имкониятини яратади.

Баҳтсиз ҳодиса иш бошланишидан олдин, иш давомида, ишдан кейин, иш жойида, корхона майдонида, маъмурият топшириғи билан корхона майдонидан четда юз берганлигидан қатъи назар текширилиши лозим.

Текшириш, ҳисобга олиш ишларини касаба уюшмаси федерациясининг низомига асосан цех бошлиғи, хавфсизлик техникасининг муҳандиси, жамоат инспектори ва бош муҳандис иштирокида тузиладиган комиссия олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июнданги 286-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш» түғрисидаги Низомда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек, меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган айрим фуқаролар билан меҳнат фаолиятига боғлиқ ҳолда юз берган ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олишнинг ягона тартиби белгиланган. Ушбу Низомда ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисани ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишларини текшириш ва ҳисобга олишнинг умумий қоидалари ва тартиби кўрсатилган.

Бир кундан кам бўлмаган иш куни йўқотилган баҳтсиз ҳодисалар 3 кун давомида текширилиб маҳсус форма (Н — 1) бўйича 4 нусхада акт тузилади. Актда баҳтсиз ҳодисага учраган киши ҳақидаги ахборотдан ташқари аниқланган баҳтсиз ҳодисанинг сабаблари, бундай ҳодисалар тақрорланмаслиги учун қандай тадбир-чоралар кўрилиши кераклиги ҳақидаги маълумотлар берилади.

Актни бош муҳандис тасдиқлади. Актнинг бир нусхаси цех бошлиғига юборилади, иккинчи нусхаси касаба уюшмаси қўмитасига, учинчи нусхаси тармоқ касаба уюшмаси марказий қўмитасига—техник назоратчига, тўртинчи нусхаси корхона меҳнатни муҳофаза қилиш бўлимига назорат ўрнатиш учун берилади. Баҳтсиз ҳодисанинг асоратлари кейин ҳам келиб чиқишини ҳисобга олиб тузилган актларни 45 йилгача сақлаш тавсия этилади. Текширишдан сўнг корхона маъмурияти йўл қўйилган хатоларнинг қайтарилмаслигини таъминлашга қаратилган буйруқ эълон қиласи, баҳтсиз ҳодисанинг келиб чиқишида айбдор кишиларни жавобгарлиги аниқланади.

Ўлим билан тугаган, гуруҳ билан баҳтсиз ҳодисага учраган, оғир жароҳатланган ҳоллар маҳсус комиссия томонидан текширилади.

Комиссия таркибиға касаба уюшмаси техник назоратчиси, юқори ташкилотнинг вакили, давлат назорат органдари ходимлари ва бошқалар киради. Текшириш материаллари 15 кунда тайёр бўлиши керак. Бундай баҳтсиз ҳоди-

салар корхона касаба уюшмасы құмитасида, юқори ташкілот касаба уюшмасы құмитасида батағсил күриб чиқилиши керак.

### 3.2. Саноат корхоналарида жароҳатланиш ва касб касаллукларини ўрганиш усуллари

Саноат корхоналарида баҳтсиз ҳодисаларни ўрганиш баҳтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган омилларни аниқлаш, уларни йўқотиш чора-тадбирларини кўриш имконини беради. Бу ишлар асосан самарали хавфсиз иш усулларини қўллаш, баҳтсиз ҳодиса ва касб касаллукларининг келиб чиқишидан ҳоли бўладиган иш шароитини ташкил қилиш ҳисобига амалга оширилади.

Баҳтсиз ҳодисаларнинг сабаблари асосан икки усул ёрдамида аниқланади.

1. *Статистик усул.* Бу усул саноат корхоналарида статистик ҳисобга олинган баҳтсиз ҳодисалар материалларини чукур ўрганишга асосланган. Статистик усул баҳтсиз ҳодисаларни камайтириш борасида чора-тадбирлар кўриш учун амалий маълумот беради ва саноатда жароҳатланишини таърифловчи частота коэффициенти, жароҳатнинг оғирлик коэффициенти ўртача кўрсаткичини олиш имкониятини беради.

Частотали коэффициент ( $K_{\chi}$ ) 1000 ишчи ҳисобига маълум вақт давомида саноат корхоналарида тўғри келадиган баҳтсиз ҳодисаларнинг ўртача миқдорини кўрсатади. Уни қўйидаги тенглама орқали аниқлаш мумкин:

$$K_{\chi} = \frac{H}{P} \times 1000$$

Бунда:  $H$  — маълум вақт ичиде жароҳатланганлар — б/ҳодисалар сони;

$P$  — шу вақт ичиде корхонада ишлаган ишчиларнинг ўртача сони.

Баҳтсиз ҳодисанинг оғирлик коэффициенти ( $K_o$ ) ҳар бир жароҳатланиш туфайли ўртача йўқотилган иш кунлари миқдорини ифодалайди ва қўйидаги тенглама билан аниқланади:

$$K_o = \frac{D}{H}$$

Бунда:  $D$  — баҳтсиз ҳодисага учраганлар томонидан йўқотилган иш кунлари сони;

$H$  — шу давр ичиде баҳтсиз ҳодисалар сони.

Корхонанинг шикастланиш даражаси, баҳтсиз ҳодиса асорати 1000 киши ҳисобига қўйидаги тенглама билан аниқланади:

$$Кд = Кч \times Ко = Д \cdot 1000 / Р$$

Гуруҳлаш усули баҳтсиз ҳодисаларни бир хил шароитларда ва айрим белгилари билан гуруҳланган ҳолда жароҳатланишларнинг содир бўлиш частоталарини аниқлаш имкониятини беради.

Тапографик усулда маълум иш участкаларида баҳтсиз ҳодисаларни частоталари ҳақида кўргазмали маълумот олинади. Статистик усул асосида шикастланиш ишчи ва хизматчилик орасида қандай тақсимланганлиги баҳоланади. Баҳолашда ишчининг ёши, стажи, касби, жинси, мутахассислиги, иш вақти, иш тури ва бошқа омиллар эътиборга олинади. Статистик усулда аниқланишича асосий баҳтсиз ҳодисалар кечки сменада, кам стажли ишчилар орасида, ёши катта бўлган ишчилар орасида (50%) содир бўлади.


2. *Монографик* усул. Бу усул баҳтсиз ҳодиса юз берган айрим цех, участка ёки корхона бўлимларини ҳар томонлама чуқур ўрганишга асосланган. Асосий диққат-эътибор технологик жараёнларнинг чекланишига, ишлаб чиқаришнинг хавфли лаҳзаларига ва санитария-гигиеник меҳнат шароитига қаратилади. Бу корхонада рўй берган баҳтсиз ҳодисалар, авариялар, касб касалликларининг келиб чиқиш сабаблари аниқланади. Корхонада келиб чиқиши мумкин бўлган баҳтсиз ҳодисаларни аниқлаш имконини беради. Бу маълумотлар курилаётган ёки лойиҳаланаётган ўхшаш корхоналарда айнан худди шундай баҳтсиз ҳодисалар келиб чиқмаслиги учун огоҳлантириш ва жараёнларни ўзгартириш, мукаммалаштириш чора-тадбирларини кўришда катта аҳамиятга эга.

### 3.3. Жароҳатланиш сабабларини ўрганиш

Рўйхатга ва ҳисобга олиш баҳтсиз ҳодисаларнинг сабабларини аниқлаш имконини бермайди, фақат баҳтсиз ҳодиса содир бўлиш сабабларини аниқлаш учун материал бўлади холос.

Ишчининг иш шароитида ишлаш фаолиятини ўрганиш унинг ишлаш қобилияти билан иш вақти ўртасида

боғланиш борлигини аниқлаш имконини беради. Бу боғланиш график шаклида 1-расмда күрсатылғандек ўзгари-ди, яъни ишчи иш бошланғандан кейин ярим соат давомида иш шароитига тушмаган ва созланмаган ҳолатда бўла-ди. Ярим соатдан кейин иш шароитига мувофиқлашади



1 - расм . Ишлаш қобилияти билан иш вақти ўртасидаги боғланиш.



2 - расм . Бахтсиз ҳодисага олиб келиши мумкин бўлган сабаблар

ва бу бир меъёрда тахминан 3,5 соат давом этади, сўнгра яна пасайиш бошланади. Бахтсиз ҳодисаларнинг юз берини ҳам худди шу график асосида бориши аниқланади. 4 соат давомида ишчининг иш қобилияти чарчаш ҳисобига камайса, худди шу сабабга кўра бахтсиз ҳодисалар ҳам вужудга келади.

Ишчининг иш шароитида шикастланишига таъсир кўрсатиб, бахтсиз ҳодисага олиб келиши мумкин бўлган сабабларни 2-расмда кўрсатилган схема асосида изоҳлаш мумкин.

1. *Ташкилий сабаблар*. Саноат корхоналарида лойиҳалаш вақтида йўл қўйилган хатолар, ишчи ва хизматчиларни хавфсиз ишлаш усуслариiga ўргатилмаганлиги, йўриқномалар нотўғри ўтказилганлиги, ишчилар меҳнатидан мутахассислиги бўйича фойдаланмаслик, хавфсиз меҳнат қилиш техник назоратининг йўқлиги, нотўғри тартиб бўйича иш олиб бориш, ишчиларнинг ўзаро келишмасдан иш олиб боришилари, ускуна-мосламаларни ўрнатишда лойиҳа талабидан четга чиқиши, технологик жараёнларнинг ҳамда меҳнат қилиш ва дам олиши тартибларининг бузилиши, иш жойларини нотўғри режалаш, корхона майдони ва юзасида йўлка ва ўтиш жойларини нотўғри жойлаштириш, иш жойларини нотўғри ташкил қилиш, нобоб иш қуролларидан фойдаланиш, шахсий муҳофаза воситалари ва аслаҳаларининг иш шароитга тўғри келмаслиги, тўсиқларнинг йўқлиги, хавф ҳақида огоҳлантирувчи белгиларнинг бўлмаслиги ташкилий сабабларга мисол бўлади.

2. *Техник сабаблар*. Дастгоҳлар, иш қуроллари, ёрдамчи воситалар, ҳаракатланувчи ва юк кўтарувчи қисмларнинг камчиликлари, ускуна мосламалари айрим қисмларининг синиб ёки узилиб кетиши, технологик жараёнларнинг номукаммаллиги, тўсиқ қурилмалари ва ҳимояловчи воситаларнинг пухта бўлмаганлиги ва бошқалар техник сабабларга мисол бўлади.

3. *Санитария-гигиеник сабаблар*. Метереологик шароитнинг қониқарсиз бўлиши, корхоналардаги ҳаво мұхитининг чангланганлиги, заарали моддаларнинг мавжудлиги, иш жойи, ўтиш йўллари, майдоннинг нормада ёритилмаганлиги, шовқин ва тебранишнинг мавжудлиги, ишлаб чиқариш хоналари ва санитария-маиший хоналарнинг етарли эмаслиги ёки талабга жавоб бермаслиги, шахсий

Гигиена талаб ва қоидаларига риоя қымаслик санитария гигиеник сабабларга мисол бўлади.

4. *Психофизиологик сабаблар*. Ишчи психологик режимининг бузилиши, чарчаши, касаллик ҳолатлари, танадаги физик камчиликлар, оилавий нотинчлик, иш жамоасидаги келишмовчилик, аввалги касаллик асоратининг таъсири ва бошқалар психофизиологик сабабларга мисол бўлади.

### 3.4. Бахтсиз ҳодисалардан келадиган моддий зарар

Саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнларидағи жароҳатланиш саноат корхонасига моддий зарар ҳам келтиради.

Бу моддий зарарни қуидагича ҳисоблаш мумкин:

$$Q_3 = P_3 + K_3$$

бунда  $Q_3$  — етказилган умумий зарар.

$P_3$  — тўғридан-тўғри етказилган зарар (касаллик вараси бўйича тўланган маблағ).

$K_3$  — бевосита келтирадиган зарар, у қуидагича аниқланади:

$$K_3 = \frac{P \times D_n}{D_p}$$

бунда  $D_n$  — бахтсиз ҳодиса сабабли йўқотилган иш куни.

$D_p$  — йил давомида ишчи куни.

$P$  — бахтсиз ҳодисага учраганлар сони.

Юқорида айтиб ўтилганидек, агар бу формула билан ҳисобланган зарарни қўшсак, корхона бўйича юз берган ўлим билан тугаган ва енгил бахтсиз ҳодисалар ҳисобга кирмай қолган бўлар эди. Шунинг учун бу формулага қуидагича аниқлик киритамиз:

$$D_n = \sum q + 1,5 H + \sum T$$

бунда  $q$  — 3 кундан ортиқ бахтсиз ҳодисага учраганлар йифиндиси олинади.

$H$  — енгил жароҳатланганлар сони.

$T$  — ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар йифиндиси.

$$T = (S - h) D_p$$

бунда  $S$  — ишчининг пенсияга чиқиш ёши;  
 $h$  — баҳтсиз ҳодиса юз берган вақтидаги ёши.

Бу келтирилган формулалар асосида корхонага баҳтсиз ҳодисалар туфайли етказилган заарни ҳисоблаб чиқиш мумкин.

**II ҚИСМ**  
**САНОАТ САНИТАРИЯСИ**  
**ВА ГИГИЕНАСИ**

Меҳнат гигиенаси ишлаб чиқариш мұхитининг одам танасига таъсирини ўрганади. Меҳнат шароитини яхшилаш мақсадида ташкилий, гигиеник, техникавий чоратадбирлар ишлаб чиқади ва ишчи-хизматчилар орасыда меҳнат гигиенаси норма, қоидаларига роия этиш бўйича ташвиқот ишлари олиб боради. Ишлаб чиқаришда доимо назорат бўлишини талаб қиласди.

Ишлаб чиқариш санитария-техник, ташкилий тадбирларни ифодалайди ва ишлаб чиқаришда соғлом меҳнат шароитларини таъминлайди. Шу мақсадда ишчи-хизматчиларнинг саломатлигига таъсир қилувчи технологик жараён ва ускуналардаги камчиликларни йўқотиш йўлларини ишлаб чиқади. Бунинг учун саноат корхоналарида техника тараққиёти ютуқларидан унумли фойдаланишни, жараёнларни олисдан бошқариш ва ишчиларни зарарли мұхитда ишлашларининг олдини олишни, ускуналарни, қурилмаларни очиқ майдонда жойлаштиришни, ҳаво таркибини текшириб туришни, қўл меҳнатини талаб қиласиган ишларда имкони борича механизация воситалари ва замонавий ускуналарни қўллашни, ҳимоя воситаларидан фойдаланишни зарур деб ҳисоблади. Натижада меҳнат гигиенаси ва санитария шароити тубдан ўзгариши мумкин.

Саноат гигиенасининг вазифаси ишлаб чиқаришдаги заҳарли газлар, чанглар, буғ ва туманлар таъсири натижасида вужудга келадиган касб касалликларининг олдини олишдан иборат. Саноат санитарияси ва гигиенасининг мақсади инсон организмига заҳарли моддаларнинг тушишини бутунлай йўқотиш ёки камайтиришдан иборат.

Ишлаб чиқариш заҳарлари деб ишчига меҳнат фаолияти шароитида таъсир этадиган ва иш қобилиятини пасайти-

радиган, шунингдек соглиғига зарар етказадиган касбий ёки ишлаб чиқаришда рўй берадиган заҳарланишга айтилади. Заҳарланишнинг ҳамма хилларини токсикология фани (захарларнинг хусусияти ва таъсирини ўрганадиган фан) ўрганади.

Ишлаб чиқаришда хавфсизликни таъминлашда эса эргономика фанининг аҳамияти каттадир. Эргономика сўзи лотин тилидан олинган бўлиб «Эрго» — (работа) иш, «номика» — (наука) фан, яъни «иш тўғрисидаги фан» деган маънони билдиради.

#### 4 - б о б

### МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШДА ЭРГОНОМИКАНИНГ АҲАМИЯТИ

«Меҳнатни муҳофаза қилиш» фанини ўрганишда бошқа ижтимоий, техникавий, гуманитар фанларнинг маълумотлари этиборга олинади. Шулар қаторида эргономика фанининг маълумотлари ҳам катта аҳамиятга эга. Эргономика инсоннинг меҳнат фаолияти жараённида қулай, хавфсиз шароитларни яратишга, меҳнат унумдорлигини оширишга боғлиқ бўлган имкониятларини ўрганади. Бу вазифани бажаришда инсон ва муҳит тавсифномалари аниқ ёки маълум даражада мос тушиши ўрганилади ва хавфсизлик билан боғлиқ маълум муҳим вазифалар ечилади. Шундай қилиб эргономика муҳим воситаларни ечадиган бирлик сифатида техникани инсонга яқинлаштиришга ҳаракат қиласи, «инсон — техника» тизимидағи мавжуд муаммоларни кўриб чиқади.

Эргономика доирасида беш хил — мослик-маълумотахборот, биофизик, энергетик, фазовий-антропометрик ва техник-эстетик мосланиш мавжуд бўлиб, уларни таъминлаш ва амалга ошириш ишни—вазифани муваффакиятли якунланишини кафолатлайди.

Бажарилаётган турли жараёнлар ва унга боғлиқ бўлган ускуна, қурилмалар доирасида ахборотни етказувчи-кўрсатувчи мослама—машина модели бўлса, оператор мураккаб тизимда бўлса ҳам бошқариш ишларини амалга оширади. Бу вазифани бажариш учун эргономика нуқтаи назаридан шундай ахборот модели яратилиши керакки, бу модел ўз вақтида машинага тааллуқли таърифни бериши, натижада оператор толикмасдан, фикрлаб ва эътибор билан ахборотни хатосиз қабул қилиб қайта ишлаши лозим.

Мураккаб ҳисобланган вазифани ечиш операторнинг хавфсизлигига, аниқ-сифатли ишлашига, меҳнат унумдорлигига, шунингдек инсоннинг психофизиологик имкониятларини ахборот моделига мос бўлишига боғлиқдир.

Биофизик мослик операторнинг иш қобилиятини, нормадаги физиологик ҳолатини таъминлайдиган атроф-муҳитнинг яратилишини ифодалайди. Бу вазифа меҳнат муҳофазаси талаблари билан боғланган. Атроф-муҳитнинг кўпгина омиллари, чегара миқдорлари қонуният билан белгиланган ва улар операторнинг иш вазифаси билан доимий боғланмаган бўлиши мумкин. Шунинг учун машиналарнинг яратилишида шовқин, тебраниш, ҳаво муҳити каби барча бирликларнинг маҳсус текширилиши талаб қилинади.

Инсоннинг кучи ва энергетик қобилияти маълум чегарага эга. Шунинг учун иш жараёнида бошқариш тизимида чарчаш мақсадга мувофиқ бўлмаган оқибатга олиб келиши мумкин. Шунингдек, иш тизимидағи аниқлик пасайди. Бундай чекланиш ёки атроф-муҳитга боғлиқ бўлган вазият, омиллар эътиборга олиниши керак.

Энергетик мослик операторнинг оптимал имкониятлари асосида талаб қилинадиган куч, сарфланадиган қувват, ҳаракатнинг аниқлиги ва тезлиги билан машинани бошқарилишидаги келишувни ифодалайди.

Фазовий-антропометрик мослик инсон танаси ўлчами, ташки фазонинг таъсири имкониятлари, иш жараёнида операторнинг вазияти, гавданинг туриши ҳисобга олинишини ифодалайди. Вазифанинг тўғри ҳал қилинишида иш жойи ҳажми, оператор ҳаракатланадиган масофа, баландлик, бошқарув пультигача бўлган оралиқ ва бошқа кўрсаткичлар аниқланади.

Мосликни таъминлашда инсонларда антропометрик кўрсаткичларнинг ҳар хил бўлиши мураккаб ҳолатга олиб келади ва бу вазифани ечишда эргономика ёрдам беради.

Техникавий-эстетик мослик инсонни меҳнат жараёнида, машина билан бўладиган мулоқотида қониқарли шароит билан таъминлашни англатади. Кўп сонли ва фавқулодда муҳим техник-эстетик масалаларни ҳал қилишда санъаткорлар, конструкторлар, рассомлар ва бошқалар жалб қилинади.

#### **4.1. Хавфсизликни таъминлашда психологиянинг аҳамияти**

Меҳнатни муҳофаза қилишда психология ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Замонавий ишлаб чиқаришда авариялар, шикастланишлар муаммоси фақат муҳандислик услублари билан ечилмайди. Тажрибалардан маълумки, авария ва шикастланишлар муҳандис-конструкторлик ишларидаги камчиликлар асосида юзага келади. Шунингдек ташкилий-психологик сабаблар, масалан касб бўйича хавфсизлик талабларига паст даражада тайёргарлик кўрилиши, етарли бўлмаган тарбия, мутахассисларнинг хавфсизлик чораларига эътиборсизлиги, хавфли ишларга юқори малакага эга бўлмаган шахсларни жалб қилиш, ишда одамларни толиққан ва психологик ҳолатда бўлиши ҳам сабаб бўлади. Булар мутахассиснинг фаолиятига ишончсизликни (хавфсизликни) пасайтиради. Ҳалқаро тажриба, изланишларнинг кўрсатишича майший ишлаб чиқаришдаги шикастланишларнинг 60—90% зарар кўрган кишиларнинг айби билан содир бўлади. Хавфсизлик психологияси меҳнатни муҳофаза қилишда психологик билимларни татбиқ қилишни ифодалайди. Бу ерда меҳнат фаолияти жараёнида кўринадиган психологик ҳолатлар турлари тўлиқ текширилади, психологик жараёнлар, психик хусусиятлар кўриб чиқилади.

Инсоннинг психик фаолиятида учта асосий гуруҳ (қисм) — психик жараёнлар, хоссалар, ҳолатлар фарқланади.

Психик жараёнлар психик фаолиятнинг асосини ташкил қиласди. Бусиз билимларни жамлаш, ҳаётий тажрибага эга бўлиш мумкин эмас. Психик жараёнлар билиш-сезиш, ҳис-туйғу қабул қилиш, ирода, хотира ва бошқаларга фарқланади.

Психик хоссалар шахснинг ўзига хос хусусиятини, фазилатини (йўналиши, характеристи, темпераменти) ифодалайди. Шахснинг сифатлари (хоссалари) ичida зукколик, заковатлилик, ҳис-туйғу, ирода, одоб-ахлоқ, меҳнат ажралиб туради ва у ўзгармас ҳамда доимийдир.

Психик ҳолатлар хилма-хиллиги, вақтинча характеристи билан фарқланади ва психик фаолиятнинг хусусиятларини аниқлайди, психик жараёнларга фойдали ёки фойдасиз боғланиши мумкин.

Меҳнат психологияси вазифалари ва хавфсизлик муаммоларидан келиб чиқиб ҳолатларни ишлаб чиқариш ва

максус психик ҳолатларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Бу ишлаб чиқаришдаги шикастланиш, авариянинг олдини олиш чораларини ташкил этишда муҳим ўрин тутади.

Инсоннинг қобилияти, самарали меҳнат фаолияти унинг психик (рухий) кучланиши даражасига боғлиқ. Психик кучланиш инсоннинг меҳнатига маълум даражаси—чегарагача ижобий таъсир этади. Фаолликни критик нуқтадан юқорига кўтариш иш қобилиятини йўқотишгача олиб келиши мумкин.

Оператор учун нормал шароитдаги ҳис-туйғу ва меҳнат қилиши учун руҳий кучланиш даражаси 40-60 %дан ошмаслиги кўзда тутилади, акс ҳолда бу унинг иш қобилиятининг пасайишига олиб келади.

Психик кучланишнинг чегарадан юқори шаклида инсоннинг шахсий хусусиятлари пасаяди, ҳаракат координати ўзгаради, хулқи самараасиз ҳолатга ўтади ёки ҳаёт фаолиятида бошқа салбий ўзгаришлар намоён бўлади.

Чегарадан юқори психик кучланишни хусусиятига қараб тормозловчи (тўхтатувчи), қўзғатувчи турларга ажратиш мумкин.

Тормозлаш хили инсон ҳаракатининг пасайишига ва чекланишига олиб келиши билан ифодаланади. Касб эгаси вазифани аввалгидек шиҷоат билан бажаришга қодир бўлмайди, жавоб бериш хусусияти ва тезлиги пасаяди. Хотиралаш, фикрлаш жараёни секинлашади, ёмонлашади ва шу каби бошқа салбий омиллар кузатилади.

Қўзғатувчи хилида эса инсонда фаолликнинг пасайиши, кўп гапириш (сергаплик), овознинг титраши кузатилади. Натижада, яъни психик кучланишнинг юқори шаклида одамларда-операторларда мураккаб шароитларда нотўғри ҳаракатланиш ва хатоларга йўл қўйиш, толиқиши содир бўлади. Юқоридагиларни ҳисобга олиб инсон психик ҳолатининг назоратига катта эътибор берилади.

Инсоннинг психик ҳолатига таъсир этадиган омиллар — умидсизланиш, кайфиятнинг бузилиши, қўполлик аломатлари, йиқилиб тушиш, толиқиши кабилар бўлмаслиги учун ташкилий тадбир-чоралар амалга оширилади.

Шу жумладан, инсоннинг саломатлигига, иш ҳолатига, психологик фаолиятига ижобий таъсир этадиган психофармокологик воситалар ишлаб чиқилган ва улар тавсия этилган тақдирда қўлланади.

Енгил стимуляторлар (чой, кофе) ни қўллаш инсоннинг иш қобилиятини қисқа вақтга оширади, уйқусини

қочиради. Айниқса актив стимулятор (первитин, фенамин)ларни истеъмол қилиш билан ҳаракатчанлик, сезиш қобилияти пасаяди.

Транквилизаторлар (седуксен, элениум ва ҳ.к.) ичилса, инсон бир оз тинчланади, лекин невроз касаллиги келиб чиқади, уйқу элитади, фаоллик, психик ҳолат пасаяди.

Инсоннинг иш қобилиятига, психик ҳолатига жиддий таъсири этадиган алкоголь ичимликларни истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Хуллас, майший ва ишлаб чиқариш шароити асосида инсоннинг психик ҳолати барқарор бўлиши учун тадбирчоралар кўриш, такомиллашган назорат усулини ўюштириш асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

#### **4.2. Заарли моддалар ва касб касалликларидан огоҳлантириш**

Одам танасига ўтиб, унинг тўқималарига кимёвий, физик-кимёвий таъсири қиласиган, меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келадиган моддалар заарли ва заҳарли моддалар деб аталади. Улар кимё саноати корхоналарида ишлаб чиқарилади ва қўлланилади.

Саноатда заҳарли моддалар одам танасига нафас олиш йўли ёки тери орқали, овқат ейиш вақтида, ифлосланган сувни истеъмол қилганда ўтиди ва сакланувчан заҳарлашига олиб келади.

Кучли заҳарланиш кўпроқ миқдордаги заарли моддаларни тўсатдан танага ўтиши билан содир бўлади. Шунингдек, заарли моддаларни танага оз-оздан ўтиши ва йиғилиши натижасида касб касалликлари келиб чиқади.

Заарли ва заҳарли моддаларнинг таъсири уларнинг таркибига, тузилишига, физик-кимёвий хусусиятига, хоссаларига, миқдорига, танага ўтиш йўлларига, ҳолатига, учувчанилигига ва сувда, ёғда эрувчанилигига боғлиқ.

Кимё саноати корхоналарида олинадиган, ишлатиладиган моддалар ва маҳсулотларнинг кўпчилиги, масалан, аммиак, газлар, бензол, бензин, керосин, карбон водородлар, спиртлар, эфирлар, кислоталар, ишқорлар ва бошқалар заҳарли ҳисобланади.

Нефть маҳсулотлари таркибидаги паст молекулали карбон водородлар молекуляр оғирлиги ошиши билан улар-

нинг заҳарлаш қобилияти ортади. Масалан, бутаннинг таъсири этандан, этилен эса этандан, ацетилен эса этилендан кучлидир. Нормал тузилищдаги моддаларга нисбатан тармоқланган, занжирли бирикмаларнинг таъсири камроқ бўлади.

Моддаларнинг учувчанлиги камайиб бориши билан декан ( $C_{10}H_{22}$ )дан бошлаб уларнинг таъсирчанлиги ҳам камаяди. Карбон водородлар таркиби галогенлар киритиш уларнинг заҳарлаш қобилиятини оширади, аксинча, гидроксил гурухининг киритилиши таъсирчанлик хусусиятини камайтиради.

Карбон водородлар молекуласидаги водородни нитро ( $NO_2$ ), амино ( $NH_2$ ) гурухларга алмаштириш уларнинг заҳарлаш хусусиятини ўзгартиради.

Моддаларнинг валентлиги ортиб бориши билан уларнинг таъсирчанлиги ҳам ўзгаради. Масалан, б валентли хром 3 валентликдан, марганец оксиди марганец сульфатдан, темир оксиди темир сульфатдан кучлидир.

Кимёвий моддалар вакилларининг гомологик қаторини ўрганиш натижалари кўпгина ўхшаш моддалар ҳақида фикр юритишда, касалликнинг ва заҳарланишининг оддини олишда маълум даражада ёрдам беради. Заҳар моддаларни сувда, танадаги суюқликларда эрувчанлигининг ошиши билан уларнинг таъсирчанлиги ҳам ортиб боради. Масалан, сувда эрувчан оқ мишъяк ( $As_2O_3$ ) кучли заҳар, кам эрувчани ( $As_2S_3$ ) заҳарсиз, эрувчан барий хлориди ( $BaCl_2$ ) заҳарли, барий сульфат ( $BaSO_4$ ) эса заҳарсиз ва ҳ.к.

Заҳарли моддалар одам танаси ва айрим тўқималарига кўрсатадиган таъсирига қараб шартли равишда тўқиз гурухга бўлинган:

1. **Асаб заҳарларига** бензин, керосин, ёғ спиртлари, карбон водородлар, метанол, анилин, водород сульфиidi, диоксан, амиак, никотин, кофеин, тетраэтил қўрғошин, фосфорли органик бирикмалар ва бошқалар мисол бўлади. Улар асосан марказий асаб системасини шикастлайди.

2. **Жигар заҳарларига** таркибида хлор, бром, фтор, йод бўлган бирикмалар мисол бўлади. Улар жигар тўқимаси фаолиятининг бузилишига, жигарнинг қаттиқ яллиғланишига олиб келади.

3. **Қон заҳарларига** карбон ангидриди, амино-нитро бирикмаларнинг ароматик қатори ва ҳосилалари, фенил

гидразин, мишъяқ, бензол, толуол, ксиол ва бошқалар мисол бўлади. Улар қон таркибининг бузилишига, карбоксил ва метгемоглабин ( $\text{CoHb}$ ,  $\text{MtHb}$ ) ҳосил бўлишига, тўқимада кислороднинг камайиб кетишига, ҳатто ўлимга ҳам олиб келади.

4. **Фермент заҳарларига** кирувчи симоб, мишъяқ, циан бирикмалари, фосфорли ва органик бирикмалар (тиофос, метафос) танани биологик катализаторлари ҳисобланадиган ферментларнинг ( $\text{Sn}$ ) гуруҳлари билан боғланиб, улар фаолиятининг бузилишига, заҳарланишга олиб келади.

5. **Қитиқловчи, куйдирувчи заҳарлар** юқори ва қуий нафас олиш йўлларини шикастлайди, касалланишга олиб келади. Бундай заҳарларга хлор, амиак, азот оксиди, фенол, кислоталар, ишқорлар мисол бўлади.

6. **Аллерген заҳарлари.** Никель, бериллий бирикмалари, нитрохлорбензол, пиридин бирикмалари, урсол ва бошқалар тананинг реакцион қобилиятини ўзгартиради, терининг яллигланишига, нафас олиш йўлларнинг торайишига ва бошқа касалликларга олиб келади.

7. **Концероген заҳарлар** ҳисобланган тошкўмир смоласи, амино ва изобирикмалар, хлорбензидин, қурум, қоракуя ва бошқалар танада шиш, рак касаллигини келтириб чиқаради.

8. **Мутаген заҳарларга** этиленимин, этилен оксиди, хлорли карбонводородлар, қўроғошин ва симоб бирикмалари мисол бўлиб, улар одам ва ҳайвонлар жинсий органдарига қаттиқ таъсир этади.

9. **Эмриотроп заҳарлар** (толид амид ва бошқалар) одам ва ҳайвонларнинг туғилишига салбий таъсир этади. Наслини йўқ қиласи.

#### 4.3. Ишлаб чиқариш чанги

Саноатда, транспортда, қишлоқ хўжалигига қўп ишлар ва жараёнлар чанг ҳосил бўлиши ва ажралиши билан амалга оширилади. Ҳар хил технологик жараёнларни бажаришда юзага келадиган ва ҳавода муаллақ ҳолатда бўладиган қаттиқ моддаларга ишлаб чиқариш чанги деб айтилади. Чанг заррачалари катта-кичиклигига қараб кўринадиган (10 мкдан катта), микроскопик (катталиги 0,25-1 мк) ва ультрамикроскопик (0,25 мкдан кичик), органик ва неорганик чантларга бўлинади.

Катталиги 4—5 мк бўлган чанглар ҳавфли ҳисобланади. Йирик заррачалар нафас олганда бурун бўшлиғида ушланиб қолади. Майда заррачилар эса ўпкага ўтгач, чангли «пневмокониоз» касалликларини вужудга келтиради. Кремний оксиди чанги таъсиридан «силиказ», кўмир чангидан «антракоз», алюминий оксиди чанги таъсиридан «алюминоз», силикатлар таъсиридан «силикатоз» каби касаллик турлари юзага келади. Чангнинг одам организмига таъсири унинг ҳаводаги миқдорига, катталигига ва майдалигига, электрланишига боғлиқ.

**Кимёвий** бирикмалар чанги заҳарли ҳисобланади. Масалан, нафтен кислоталари, амино-нитробирикмалар чанги, олти ва уч валентли хром бирикмаси, шунингдек этиленмеркурхlorид, уран, бериллий, меркуран, ваннадий бирикмалари-аэрозоллари организмга ўтгач, қорин, ичак йўлида ва ўпкада касалланиш-заҳарланиш ҳосил қилади.

Ишлаб чиқариш биноларида чанг ҳосил бўлиши, уни организмга ўтишининг олдини олиш ва унга қарши курашиб мақсадида технологик тартибда чора-тадбирлар туркуми амалга оширилади. Масалан, курук чангланувчи материалларни нам ёки паста ҳосил қилувчи ҳолатга, кукунларни донадор (таблетка) кўринишига алмаштирилади. Ускуналарнинг пишиқлиги, герметиклиги оширилади.

Агар чанг ажralиб чиқишини бартараф қилиш имконияти бўлмаса, сувдан, намловчи моддалардан фойдаланилади. Шунингдек, чанг ажralишини бутунлай йўқотиш учун ҳаво алмаштириш тизими, якка тартибдаги ҳимоя мосламалари ишлатилади, санитария норма ва қоидалари (СН 245-71, СН 4088-86) га амал қилинади. Касаллик, заҳарланиш содир бўлмаслиги учун чанг санитария нормасида белгиланган йўл қўйилиши мумкин бўлган охирги даражадан ( $\text{mg}/\text{m}^3$  ҳисобида) ошиббет маслиги керак.

#### **4.4. Ишлаб чиқариш ҳаво мұхитида заарли моддаларни йўл қўйиш мүмкин бўладиган чегара концентрациялари (ЙҚБЧК)**

Технологик жараёнлар ва иш зонасининг заҳарли моддаларсиз бўлиши касаллик, заҳарланиш содир бўлмаслигининг асосидир. Аммо бундай шароитта ёки норма талабига эришиш жуда мушкул техник вазифа бўлиб, уни бажариш катта сарф-харажатлар билан боғлиқ. Шунга кўра

мөхнат гигиенасида йўл қўйса бўладиган безарар концентрацияларни асослаш зарурияти вужудга келди.

ГОСТ 12.1.014-89 нинг «Иш зонаси ҳавоси» бўлимида бу концетрация қуидагича белгиланади. Иш зонаси ҳавосида зарарли моддаларнинг йўл қўйиладиган концентрациялари — 8 соат давомидаги кундалик ишда, ҳафтасига 41 соатдан ошмаган мөхнат жараёнида, бутун иш стажи давомида ёки ҳозирги ва келгуси авлодлар ҳаётининг кейинги муддатларида замонавий текшириш усуслари билан аниqlанадиган касаллик ёки саломатликда четланишлар келтириб чиқармайдиган концентрациялардир.

Йўл қўйса бўладиган концентрация  $\text{mg}/\text{m}^3$  бирлигига ўлчанади ва ҳозирги вақтда 800 дан ортиқ моддалар учун шундай концентрация нормаси белгиланган. Зарарли моддаларнинг туар жойлардаги ҳаво таркибидаги концентрацияси ишлаб чиқариш биноларидаги миқдорига нисбатан 100 марта кам бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш бинолари ҳавоси таркибидаги зарарли газ, буғ, чанг, аэрозоллар учун ЙҚБЧК Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ва СН 245-71, СН 4088-86га киритилган.

Мөхнат муҳофазаси қонунчилиги корхона маъмурияти зиммасига корхоналарда ҳаво таркибида зарарли моддаларнинг бўлишига йўл қўймаслик ва санитария-гигиена норма қоидаларига амал қилиш вазифасини юклайди. Зарарли моддалар хавфлилиги жиҳатидан фавқулодда хавфли, юқори хавфли, ўртача хавфли ва камроқ хавфли гурӯҳларга бўлинган.

СН 245-71, СН 4088-86 га асосан баъзи моддалар учун йўл қўйса бўладиган концентрация  $\text{mg}/\text{m}^3$  бирлигига қуидагича белгиланган: симоб буғи учун 0,01  $\text{mg}/\text{m}^3$ , мишъяк ва циан водороди —0,1, акрилонитрил —0,5, эпихлоргидрин, хлор, диметиламин—10, бензол, метанол, фенол, стирол, ксилол—5,0, винилацетат, диметилформалид, капролактам, бутанол, фурфурол—10, аммиак, нафталин, карбон ангидриди, тўртхлорметан, метакрилат—20, толуол—50, ацетон—200, бензин, керосин, уайтспирит—300, этанол учун 1000  $\text{mg}/\text{m}^3$ .

ДДТ аэрозоли учун 0,1 $\text{mg}/\text{m}^3$ , алюминий аэрозоли—2, никел—0,5, рух оксиди—5, ишқорлар аэрозоли—0,5, оҳак, фосфорит—6, минерал ва шиша толаси чанги —3,0,

фенопласт, аминопласт, пресспорошоклар-6, асбестли бакелит, резина—6, нефть кокси—5, поливинилхлорид — 30, акролеин 0,2 мг/м<sup>3</sup>, оқактош —6,0, буғдой чанги — 4,0, ун чанги —6,0, шакар чанги —10,0, тамаки — 3,0, тальк— 4,0, сирка кислотаси — 5,0, чой 3,0 мг/м<sup>3</sup> ва ҳ.к.

Касбга боғлиқ заҳарланишга қарши бизда бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилганки, натижада заҳарланишларнинг умумий сони мунтазам камайиб бормоқда. Касбий заҳарланишларга, ҳаво таркибида заҳарли моддаларнинг бўлишига қарши кураш бир неча йўналишда олиб борилади:

1. Технологик жараёнларда заҳарли моддалар ажралишини бартараф этиш.
2. Технология ва зуурур ускуна-мосламаларни такомиллаштириш.
3. Санитария ва гигиена тадбирлари.
4. Санитария, даволаш, соғломлаштириш тадбирларига доир қонуниятта амал қилиш.

#### **4.5. Ишлаб чиқариш муҳитидаги заҳарли моддалар миқдорини аниқлаш**

Меҳнат муҳофазаси қонунларига асосан ҳар бир ишлаб чиқариш биноларида ҳаво таркибидаги заарарли моддалар миқдори мунтазам равишда текшириб турилиши керак.


Заарарли модданинг ҳаводаги миқдори лаборатория усули билан аниқланади. Ҳаво таркибини текширишда фотокалориметрия, газохроматография, спектроскопия, электрокимё усулларидан ҳам кенг фойдаланилади.

Тезкор синама олиш учун учта вариантдан бири қўлланилиши мумкин:

1. Суюқликни идишдан тўкиш усули, тўкилган суюқлик ўрнига синама ҳаво тўлади ва идиш тиқин билан беркитилиб текширишга жўнатилади. 2. Ҳаво алмаштириш усули, бу усулда синама олиниши керак бўлган идиш орқали кўп марта цех ҳавоси ўтказилади ва тиқин билан беркитиб текшириш учун жўнатилади.

3. Олдиндан вакуум ҳосил қилинган идиш тўлдирилади. Идиш очилиши натижасида идиш цехдаги ҳаво билан тўлади ва тиқин билан беркитилиб текширишга жўнатилади.

Ҳаво таркибидаги заҳарли моддалар миқдорини кимёвий газ ўлчагичлар ГХ-1,2,3,4 ва универсал газ аниқловчи асбоблар УГ-1,2,3,4,5,6 (З-расм) ёрдамида аниқлаш мум-



3 - расм.

Универсал газ анализатор УГ-2 нинг умумий кўришиши.

кии. Бунда ҳар бир заҳарли модда учун олдиндан тайёрланган, шиша найчага тўлдирилган адсорбент модда заҳарли газни ютиши натижасида ўз рангини ўзгартиради.

Корхона биноларида ҳаво таркибидаги моддаларни аниқлаш учун ФКГ-ЗМ, СИРЕНА, Атмосфера-11 М, Атмосфера-11М1, Гамма-М, ГИП 10МБ-ЗА, ИФАН-З, ГИАМ-1М, ГМК-З, Палладий-М, Платон-З, ЭХА-221, Миндалъ, Нитрон каби турли хилдаги газ ўлчагичлардан фойдаланиш мумкин. Шунингдек, корхона биноларида ҳаво таркибидаги моддалар миқдорини тўхтовсиз ҳисобга олиб туришда ва хавфли вазият вужудга келганда огоҳлантириш ёки белги бериш мақсадида автоматик ишлайдиган газ ўлчагичлар ўрнатилиши мумкин. Огоҳлантириш ёки белги бериш йўл кўйса бўладиган концентрациядан ( $\text{мг}/\text{м}^3$ ) ошганда содир бўлади.

Саноат корхонаси ҳаво муҳитидаги чанг миқдори асосан оғирлик тортиш усули билан аниқланади. Бу усул чангланган ҳаводаги чанг заррачаларини ушлаб қоладиган фильтр орқали сўрилишига асосланган. Ҳаво синамаси олингунга қадар ва олингандан кейин фильтр оғирлигини, шунингдек сўрилган ҳаво миқдорини билиш билан ҳажм бирлигидаги ҳавода бўлган чанг миқдорини аниқлаш мумкин (4, 5-расм). Ҳаво таркибидаги чанг миқдори қуидаги тенглама орқали топилади:

$$C = \frac{q^2 - q^1}{V_0 \cdot \tau} \cdot 10^3 \text{ мг}/\text{м}^3$$

Бунда:  $q^1$  — тоза фильтрнинг оғирлиги, мг;

$q^2$  — чангланган фильтрнинг оғирлиги, мг;

$V_0$  — нормал шароитта келтирилган ҳаво ҳажми, л;

$\tau$  — синама вақти, минут.

Нормал шароитга келтирилган ҳавонинг ҳажми қуидаги формула орқали изоҳланади;

$$V_0 = \frac{Vt \cdot 273}{273 + t}, \text{ л}$$

$V_t$  — фильтрдан ўтётган ҳавонинг ҳажми, л;

$t$  — синама олиш вақтидаги ҳавонинг ҳарорати,  $^{\circ}\text{C}$ ;

273 — мутлақ ҳарорат,  $\text{K}^{\circ}$ .

#### **4.6. Кимёвий, термик куйиш ва улардан огоҳлантириш**

Кимёвий куйиш қаттиқ, суюқ, ва газ ҳолидаги актив моддаларни тери, нафас олиш йўли ва кўзга таъсири на-тижасида содир бўлади.

Ёнаётган суюқлик, буғ, қиздирилган жисмлар, аланга таъсирида тўқималарнинг шикастланиши термик куйиш деб тушунилади. Организм тўқималарининг шикастланишига қараб куйиш тўрт хил даражада ифодаланади.

**Биринчи даражали** куйишда тери қизариб, оғрийдиган шиш пайдо бўлади.

**Иккинчи даражали** куйиш терининг касалланиши ва пуфакчалар пайдо бўлиши билан характерланади.

**Учинчи даражали** куйишда тери қисман ёки тўлиқ шикастланади ва тўқималарнинг қорайиши (некроз) рўй беради.


**Тўртингчи даражали** куйишда тери юзаси тўлиқ шикастланиши билан бир қаторда тўқима органларининг ҳам қорайиши, шикастланиши содир бўлади.

Сульфат, азот, сирка, шавел, чумоли кислоталари, азот ва хлорли кислота аралашмаси таъсирида тери қаттиқ куйиши мумкин. Ишқорларнинг концентрланган аралашмаси, эритмалари таъсирида оқсил моддалар эриб, терининг ёғли қатлами совунланади, натижада тери чукурроқ жароҳатланади.

Кўзга, сочга қаттиқ ишқорнинг тушиши хавфлидир. Аммиак, водород пероксиди ҳам терининг куйишига олиб келади. Агар улар кўзга тушса, инсон кўриш қобилиятини йўқотиши мумкин. Хлорли оҳакнинг терига бўлган таъсири бир неча соатдан сўнг сезилади.


Иссик смолалар, сариқ фосфор, нафталин ва бошқалар терига аввал термик, кимёвий таъсир этиб, сўнгра организмнинг умумий заҳарланишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, ишқор, кислота буглари, аммиак, ароматик бирикмалар, бензин, керосин ва бошқа нефть маҳсулотларининг терига узоқ вақт таъсир этиши натижасида тери касаллиги (дерматит) пайдо бўлади.

Кимёвий куйишдан огоҳлантириш, унинг олдини олиш ишлатиладиган ускуна, қурилма, коммуникация тузилишига боғлиқ. Шунинг учун уларни хавфсиз ишлатиш тартибига тўғри келадиган даражада танлаб, ўрнатиб мўлжалланган жараённи технологик режим асосида амалга ошириш керак.



4 - расм.

Чанги ҳаводан синама олиш учун кассеталар ва аллонжлар.  
1-калкадан ясалган пакетдаги ФПП газмолидан ишланган фильтрлар.  
2-пластмасса алонж фильтр билан бирга, 3-аллонж, 4-кассета корпу-  
си, 5-кассета гайкаси, 6-кассетадаги прокладка ҳалқаси.



5 - расм.

Электр аспиратор аллонж билан бирга.

Куйдирувчи ишқор, кислота ва бошқа суюқликларни узатишга мұлжалланған қувурларнинг герметик-бутун бўлиши, нишаблик ҳамда фланецли бирикмаларнинг сони камроқ бўлиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шу жумладан, куйдириш хусусиятига эга бўлган, қотиб қолган моддаларни эритиб иссиқ ҳолида узатиш учун мўлжалланған қувурлар хавфсиз иситиш мосламалари билан таъминланган бўлиши керак.

Иссиқликдан (термик) куйишнинг олдини олишдаги энг муҳим чоралардан бири юқори ҳароратли барча ускуналарни ташқи томондан материал билан қоплашдан иборат.

Жараённи узоқ масофадан бошқариш, ҳимоя тўсиқларини ўрнатиш, шахсий муҳофаза воситаларидан фойдаланиш иссиқликдан куйишнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Куйиш ҳодисаси содир бўлмаслиги учун ускуна, жиҳоз ва қувурларни тайёрлашда ишқор ва кислоталар таъсирига чидамли материаллардан фойдаланиш лозим. Ускуна, жиҳоз ва коммуникациялардан куйдирувчи моддалар бутунлай олингандан сўнг тузатиш ва созлаш ишларини олиб бориш ишчиларни куйишдан маълум даражада сақлайди.

Шикастланган инсонга ўз вақтида биринчи ёрдам кўрсатилиши унинг келажакдаги ҳаёти, соғлигини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳар бир ишчи ва хизматчи маълум шароитларда кўрсатма (инструкция) бўйича биринчи ёрдамни кўрсата олиши зарур. Иш инструкцияларида моддаларнинг заҳарли таъсирида биринчи ёрдам кўрсатиш усуллари, тибиёт аптечкасидаги дорилардан тўғри фойдаланиш йўллари тўғрисида кўрсатмалар берилган бўлади.

Иссиқ сув, бүғ, аланг, қизиган ускуна ва қувурлар таъсирида куйган кийим, қирқиб олиб ташланади. Агар куйишдан терида пуфакчалар ҳосил бўлган бўлса, уларни олиб ташламай устига қайнатилган тоза боғлагич кўйиш, сўнгра шифокор маслаҳатига амал қилиш зарур бўлади.

Ишқорлар, кислоталар таъсирида куйган жойни тезроқ сув оқими билан ювиш талаб қилинади. Бунинг учун ишлаб чиқариш бинолари ва курилмаларда тез очиладиган алоҳида сув жўмраклари ўрнатилган бўлиши керак. Шунингдек, куйган жойни қайта ишлашда сода, бор кислотаси, калий перманганат тузининг кучсиз сувли эрит-

маларидан фойдаланилади. Кўзни эса алоҳида сув фонтанчалари ёрдамида ювилади.

Заҳарли қаттиқ, суюқ моддалар баданга тушган бўлса, уни терига ишқаламасдан пахтали тампон ёки фильтр қозоз билан олиб ташлаш, сўнгра сув билан ювиш зарур. Моддалар таъсирида организмда кучли заҳарланиш содир бўлса, беморни очиқ ҳавога олиб чиқиб, таъсир қилаётган заҳарли ва ишқорий моддалар имконияти борича тезроқ олиб ташланади. Агар bemornинг нафас олиши сустлашган ёки хушсиз ҳолатда бўлса, дарҳол қўл ёки айрим аппаратлар ёрдамида сунъий нафас олдириш чораси кўрилади ва юраги массаж қилинади. Бемор жонланиб ўзи нафас ола бошлагач, сунъий нафас олдириш тўхтатилиб, бадани иссиқ кийим ва бошқа воситалар ёрдамида қизитилади.

Ошқозон, ичакка тушган заҳарли моддаларни зарарсизлантириш учун ион алмаштирувчи смолалар, активланган кўмир, махсус тузларнинг кучсиз эритмаси ишлатилади. Шу жумладан, заҳарли моддаларни зарарсиз ҳолатга ўтказиш учун комплекс тузлар, дитиоллар, аминокислоталар, цитратлар, витаминлар ва бошқа моддалардан фойдаланилади.

Зараарли моддаларнинг жигарга бўладиган таъсирини бартараф қилиш учун таркибида витамин В<sub>12</sub>, холин, коэзин бўлган сутдан фойдаланиш жуда катта аҳамиятга эгадир. Заҳарланган организмни тузатиш ва соғломлаштириш шифокор назоратида белгиланган тиббиёт йўллари билан олиб борилади.

## 5-боб

### **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУҲИТИДА МЕТЕРЕОЛОГИЯ ШАРОИТЛАРИ**

Саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш зоналари ҳаво муҳитининг метереологик шароитлари ҳаво ҳарорати (°C), нисбий намлиги (%), ҳаво босими (мм. симоб уст. ёки Па) ва ҳаво тезлиги (м/с) билан ифодаланади. Булардан ташқари метереологик шароитга таъсир қилувчи ишлаб чиқариш омиллари мавжуд, яъни ишлаб чиқариш корхоналаридаги ҳар хил қурилма-ускуналар ва ишлов бериладиган иссиқлик нурлари ҳаво ҳароратининг ошишига олиб келади. Бу омиллар таъсирида ишлаб чиқариш зонасидаги

хосил бўладиган ҳаво муҳити саноат микроиқлими деб юритилади.

Метереологик бирлик ва омилларнинг ҳар бири айрим ҳолда ёки бир нечтаси биргаликда инсоннинг меҳнат қилиш қобилиятига, соғлиғига жуда катта таъсир қиласди. Баъзи ҳолларда бундай таъсир кўрсатиш фойдали бўлиши мумкин. Масалан, салқин шароитда иситувчи омил ва шу билан бирга технологик жараёнлардан ажralиб чиқаётган буғ ва парлар ҳисобига нисбий намлик ортиб кетганда, уни нормаллаштирувчи омил бўлиши мумкин. Баъзи вақтларда эса омилларнинг бир-бирига қўшилиши натижасида заарли таъсир даражаси ортиб кетиши мумкин. Масалан, нисбий намлик ва ҳароратнинг ортиб кетиши инсон учун оғир шароит вужудга келтиради. Бундан ташқари иш жойларидаги ҳаво ҳаракатининг ошиши ҳарорат юқори бўлган вақтда, ижобий натижа беради, ҳарорат паст бўлган вақтда эса салбий натижа беради. Бундан кўриниб турибдики, метереология омиллари баъзи бир ҳолларда инсон учун ижобий ва баъзи бир ҳолларда салбий таъсир кўрсатиб, инсон организмининг иссиқлик бошқарилишини бузуб юбориши мумкин.

Инсон организмининг иссиқлик бошқарилиши физиологик ва кимёвий жараёнлар асосида тана ҳароратини бир хил чегарада ( $36-37^{\circ}\text{C}$ ) сақлаб туриш қобилияти демакдир. Метереология шароити доимо ўзгариб турган ҳолатда тана ҳароратининг ўзгармаслигини сақлаш, инсон ҳаётининг асоси бўлган организмдаги биохимик жараёнларнинг нормал бўлишини таъминлайди. Тана ҳароратининг юқорида кўрсатилган даражадан ортиб кетишини «иссиқлаш», совишини эса «совиш» деб аталади.

Иссиқлаш ва совиш меҳнат фаолиятини бузувчи ҳало-катли ҳолатни вужудга келтириши мумкин. Шунинг учун ҳам инсон организмида «иссиқлик бошқарилишининг» физиологик механизми мавжуд бўлиб, у марказий асаб системасининг назорати остида бўлади. Бу физиологик механизмнинг асосий вазифаси организмда модда алмашинуви натижасида ажralиб чиқаётган иссиқликнинг ортиқчасини ташқи муҳитга чиқариб, иссиқлик балансини ушлаб туришдир. Иссиқлик бошқарилиши икки хил—физик ва кимёвий бўлиши мумкин.

Кимёвий иссиқлик бошқарилиши организмнинг иссиқлаш даврида модда алмашинувини камайтириши ва

совиши натижасида модда алмашинувини ошириши мумкин. Аммо кимёвий иссиқлик бошқарилишининг ташқи муҳитнинг кескин ўзгариши борасида физик иссиқлик бошқарилишига нисбатан аҳамияти катта эмас. Асосан ташқи муҳитга иссиқликни алмаштиришда физик иссиқлик бошқарилиши аҳамиятлидир.

Организмдан ташқи муҳитга уч хил йўл билан иссиқлик чиқиши мумкин:

1. Одам танасининг умумий юзасидан инфрақизил нурланиш орқали (радиация) ҳаво алмашинуви.

2. Танани ўраб турган ҳаво муҳитини иситиш.

3. Терининг терлаб, буғланиши ва нафас олиш йўллари орқали суюқликларнинг буғланиши натижасида.

Нормал шароитда кучсиз ҳаво ҳаракати бўлган ҳолда ҳаракатсиз одам организмни радиация йўли билан организм ишлаб чиқараётган иссиқликнинг 45%, конвекция (иситиш) натижасида 30% ва терлаш орқали 25% ни йўқотиши аниқданган. Бунда тери орқали умумий иссиқликнинг 80%дан ортифи, нафас олиш органлари орқали 13% ва тахминан 5% иссиқлик овқат, сув ва ҳавони иситишга сарфланади.

Радиация ва конвекция орқали иссиқлик йўқотиш фақат ташқи муҳит ҳарорати тана ҳароратидан кам бўлган ҳолларда бўлиши мумкин. Ташқи муҳит ҳарорати қанча паст бўлса, иссиқлик йўқотиш ўнчча кучли бўлади. Ташқи муҳит ҳарорати тана ҳароратидан юқори ёки тенг бўлса, у ҳолда иссиқлик ажратиш терлаб, буғланиш ҳисобига бўлади. Бир грамм терни буғлатиш ҳисобига 2,5Кдж (0,6 Ккал) иссиқлик йўқотилиши мумкин.

Организмдан чиқадиган тернинг миқдори ташқи муҳит ҳароратига ва бажариладиган иш категориясига боғлиқ. Ҳаракатсиз организмда ташқи муҳит ҳарорати 15 °С ни ташкил қиласа, терлаш миқдори жуда кам миқдорни (соатига 30мл) ташкил қиласи. Юқори ҳароратларда (30 °С ва ундан юқори), айниқса оғир ишларни бажарганда организмнинг терлаши жуда ортиб кетади. Масалан, иссиқ цехларда, оғир ишларни бажариш натижасида терлаш миқдори соатига 1—1,5 литрга етади ва бу миқдор тернинг буғланиши учун 2500—3800 Кдж (600—900 Ккал) иссиқлик сарфланади.

Терлаш йўли билан иссиқлик сарфлаш фақат тана юзасидан тер буғлангандагина амалга ошади. Тернинг буғла-

ниши эса ҳавонинг ҳаракатига, нисбий намлигига, кийилган кийимнинг материалига боғлиқ.

Иссиқлик йўқотиши фақат терлаш йўли билан амалга оширилаётган шароитда ҳавонинг нисбий намлиги 75—80 %дан ортиқ бўлса, тернинг буғланиши қийинлашади ва организмнинг иссиқлик бошқарилиши бузилиши натижасида «иссиқлаш» юз бериши мумкин.

Иссиқлашнинг биринчи белгиси тана ҳароратининг кўтарилишидир. Кучсиз иссиқлашни тана ҳароратининг енгил кўтарилиши, ҳалдан ташқари тер чиқиши, кучли ташналиқ, нафас олиш ва қон томирлари уришининг тезлашиши билан ифодалаш мумкин. Агар кучли иссиқлаш юз берса, унда нафас олиш қийинлашади; қаттиқ бош оғрийди, бош айланади, гапириш қийинлашади. Иссиқлик бошқарилишининг бу хилдаги бузилиши ва тана ҳароратининг кескин кўтарилиши иссиқлик төптермияси дейилади.

Иссиқлашнинг иккинчи белгиси терлаганда инсон организмнинг кўп микдорда туз йўқотиши натижасида келиб чиқади (45г). Бу ҳолат тери ҳужайраларида тузнинг камайиши билан терининг сувни ушлаб қолиш қобилияти сусайгаилигидан келиб чиқади. Ичилётган сувнинг тинмай тер бўлиб чиқиб кетиши сабабли организм кучли чанқоқлик сезади. Ичилган сувни тезда чиқиб кетиши чанқоқликни янада кучайтиради, натижада заҳарланиш ҳолати вужудга келиши мумкин. Бунда организмнинг пайларида қалтираш пайдо бўлади, кучли терлаш ва қоннинг суюқланиши кузатилади. Кейин иссиқ уриши вужудга келади. Тана ҳарорати 40—41 °С га кўтарилиб, одам ҳушини йўқотади ва қон томирларининг уруши кучсизланади. Бу вақтда организмдан тер чиқиши бутунлай тўхтайди. Қалтираш касали ва иссиқ уриши «ўлим» билан тугаши мумкин.

Инсон организмига фақатгина юқори ҳарорат таъсир қилиб қолмасдан, балки паст ҳарорат ҳам таъсир кўрсатади. Узоқ вақт паст ҳарорат таъсирида бўлиш асосий физиологик жараёнларнинг бузилишига, иш қобилиятининг сусайишига ва организмнинг касалланишига олиб келади. Паст ҳарорат таъсирида қон томирлари тораяди, узоқ вақт таъсир қилиш натижасида капилляр қон томирларининг фаолияти бузилади, шундан кейин организмнинг бутунлай совиши сезилади.

Ташқи асаб системаларининг совуққа қотиши натижасида сүяк системаларида радикулит, оёқ, күл ва белда, унинг пайларида ревматизм касаллиги, шунингдек «плеврит», бронхит ва шамоллаш билан боғлиқ бўлган бошқа юқумли касалликлар келиб чиқиши мумкин. Одам танасига совуқнинг, айниқса, ҳаво ҳаракатининг таъсири кучли бўлади. Ҳавонинг нисбий намлиги юқори бўлган вақтда таъсир айниқса кучли бўлади, чунки совуқ, ҳароратдаги нам ҳаво иссиқликни яхши ўтказади ва конвекция орқали иссиқлик йўқотишни кучайтиради.

### **5.1. Ишлаб чиқариш микроиқлимининг гигиеник нормалари**

Ишлаб чиқариш микроиқлими нормалари «Саноат корхоналарини лойиҳалаш санитария нормалари» (СН 245—71)га, «Мехнат хавфсизлиги стандартлари тизими», «Иш зонаси микроиқлими» ГОСТ 12.1.005-76га асосан белгиланади. Улар гигиеник ва техник-иктисодий тартиблар ҳамда талабларга асосланган.

Саноат корхоналарида хоналарнинг хили (оддий, иссиқ), йил фасллари (иссиқ, совуқ, ўзгарувчан) ва иш категориясига (енгил, ўртача ва оғир) қараб, улардаги ҳарорат, нисбий намлик ва ҳаво ҳаракати тезлигининг иш жойлари учун рухсат этилган, оптималь нормалари белгиланган. Иш категориялари қуйидагича белгиланади:

**Енгил жисмоний ишлар** (1-категория)га ўтириб, туриб ёки юриш билан боғлиқ бўлган ҳолда бажариладиган, бирон мунтазам жисмоний зўриқиши ёки оғир юкларни кўтариш талаб қилинмайдиган ишлар мисол бўлиб, бунда соатига 150 Ккал (172 ж/с) энергия сарф қилинади.

**Ўртача жисмоний ишлар** (2-категория)га соатига 150—250Ккал (172—293 ж/с) энергия сарфланадиган фаолият турлари киради. Бунга доимий юриш ва оғирлиги 10кг гача бўлган юкларни ташиш билан боғлиқ бўлган ишлар мисол бўлади.

**Оғир жисмоний ишлар** (3-категория) га мунтазам жисмоний зўриқиши, оғир (10 кг дан кўп) юкларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, кўриш билан боғлиқ бўлган ишлар киради.

Ҳарорат, нисбий намлиқ ва ҳаво ҳаракати тезлиги оптимал ва йўл қўйилиши мумкин бўлган миқдорлар кўринишида нормаланади. Оптимал миқдорлар деганда одамга узоқ муддат давомида ва муңтазам таъсир қўпайтирмасдан организмнинг нормал функционал ва иссиқлик ҳолатини саклашни таъминлайдиган микроиқлим параметрларининг йифиндиси тушунилади. Улар иссиқлик сезиш мўътадиллигини вужудга келтиради ва иш қобилиятини оширишда муҳим шарт-шароит ҳисобланади.

Йўл қўйилиши мумкин бўлган микроиқлим шароитлари организмнинг функционал ва иссиқлик ҳолатдаги ўзгаришларини, физиологик мослашиш имкониятларидан четга чиқмайдиган иссиқлик бошқарилиши реакцияларининг кучайишини бартараф этадиган ва меъёрга соладиган микроиқлим параметрлари йифиндисини ифодалайди. Бунда соғлиқ учун хатарли ҳолатлар вужудга келмайди, бироқ номўтадил иссиқлик сезгилари, кайфиятнинг ёмонлашуви ва иш қобилиятининг пасайиши кузатилиши мумкин.

Куйидаги 1, 2, 3-жадвалларда совуқ ва ўзгарувчан давр учун микроиқлимнинг оптимал ва йўл қўйилиши мумкин бўлган (ЙҚМБ) параметрлари келтирилган:

ГОСТ 12.1.005-76 да хоналарнинг катта-кичиклиги, иссиқлик ва намлиқ ажратилишининг бирга учраши, доимий ҳарорат ёки ҳарорат ва намликни сунъий усулда ушлаб туриш шароитларини ҳисобга оладиган қатор қўшимча тавсиялар, аниқликлар берилган.

СН 245-71 да баён этилганидек, иш жойларида иссиқликнинг нурланиш интенсивлиги 300 Ккал/м.с дан юқори бўлганда, албатта ҳаво душлари курилиши зарур эканлигини назарда тутиш керак. Бунда бериладиган ҳаво ҳарорати, ҳаво ҳаракати тезлиги йил фаслига, иш категорияси ва иссиқлик нурларининг кўп ёки камлигига боғлиқ. Иш нечоғлик оғир бўлса, ҳарорат шунчалик паст ва ҳаво ҳаракати юқори белгиланади.

## 5.2. Нормал метереология шароитларини яратиш чора-тадбирлари

Ишчиларни нормал метереологик шароитлар билан таъминлаш учун саноат корхоналарида бир қанча муҳим чора-тадбирлар амалга оширилади. Масалан, корхонани лойиҳалаш, ишга тушириш ва ишлаб чиқариш жараёни

## 1-жадвал

**Ишлаб чиқариш хоналари иш зонасидаги ҳавонинг ҳарорати, нисбий намлиги ва ҳаракат тезлигининг йўл кўйиладиган нормалари**

Йил фасли	Иш категориялари	Ҳаво ҳарорати °C	Нисбий намлиги, %	Ҳаракат тезлиги, м/с
Совуқ давр	Енгил-1	20—23	60—30	0,2
	Ўртacha оғирликдаги-11a	18—20	60—40	0,2
	Ўртacha оғирликдаги-11б	17—19	60—40	0,3
	Оғир-111	16—19	60—40	0,3
Илиқ давр		20—25	60—40	0,2
	Енгил-1	21—23	60—40	0,3
	Ўртacha оғирликдаги-11a	20—22	60—40	0,4
	Ўртacha оғирликдаги-11б	18—21	60—40	0,5
Иссик давр	Оғир-111			
	Енгил-1	20—30	60—40	0,3
	Ўртacha оғирликдаги-11a	21—25	60—40	0,4—0,5
	Ўртacha оғирликдаги-11б	21—25	60—40	0,5—0,7
	Оғир-111	21—25	60—40	0,5—1,0

## 2 - жадвал

**Йилниң совуқ ва илиқ даврида ишлаб чиқариш хоналари ҳарорати, нисбий намлиги ва ҳаво ҳаракат тезлигининг йўл кўйиладиган нормалари**

Иш категориялари	Ҳаво ҳарорати °C	Нисбий намлиги, %	Ҳаракат тезлиги, м/с	Ташқари- даги ҳаво ҳарорати, °C
Енгил-1	19—25	75	0,2	15—30
Ўртacha оғирликдаги-11a	17—23	75	0,2	15—30
Ўртacha оғирликдаги-11б	15—21	75	0,4	15—30
Оғир-111	13—19	75	0,5	15—30

**Йилнинг иссиқ давридаги ишлаб чиқариш хоналари ҳарорати,  
нисбий намлиги ва ҳаво ҳаракати тезлитетининг йўл  
кўйиладиган нормалари**

Иш категориялари	Ҳаво ҳарорати °C	Нисбий намлиги, %	Ҳаво ҳаракати тезлиги, м/с
Енгил-1	Энг иссиқ ойнинг соат 13 да ташқи ҳаво ўртacha ҳароратидан 5 °Сдан юқори бўлмаслиги, бироқ 28 °Сдан ошмаслиги керак	28 °Сда 55 27 °Сда 60 26 °Сда 65 25 °Сда 70 24 °Сда 75	0,1–0,5 0,3–0,7 0,3–0,7 0,3–0,7 0,3–0,7
Ўртача оғирликдаги-11a			
Ўртача оғирликдаги-11b			
Оғир-111	Энг иссиқ ойнинг соат 13 да ташқи ҳаво ўртacha ҳароратидан 5 °С дан юқори бўлмаслиги, бироқ 26 °Сдан ошмаслиги керак	26 °Сда 65 25 °Сда 70 24 °Сда ва бундан паст бўлганда 75	0,5–1,0 0,5–1,0 0,5–1,0

давомида юқорида келтирилган санитария нормаларига амал қилиш, инсон организмида қўшимча иссиқлик ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлган оғир меҳнат талаб қиладиган ишларни механизациялаш ва автоматлаштириш, иссиқлик ажратувчи ва инфрақизил нурлар ҳосил қилувчи жараёнларни, ускуналарни олисдан бошқариш, иссиқлик ва нур ажратувчи ускуна-жиҳозларни алоҳида хонага жойлаштириш, изоляция материаллари билан ўраш ёки шароитга қараб уларни ташқарида жойлаштириш, иссиқ цехларда қисқа дам олиш хонасини ташкил этиш, ишчиларни 0,2–0,5% ли тузли ичимлик суви билан таъминлаш, хонани шамоллатиш, иситиш, ҳимоя тўсиқлари ўрнатиш, сув ва ҳаво пардаларидан, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ва бошқа тадбирлар мисол бўлади.

Саноат микроиқлим бирликларини ўлчашда турли асбоблардан фойдаланилади. Масалан, ҳаво ҳароратини ўлчаш учун спиртли, симобли, юқори ва қуий контактли термометрлар ишлатилади. Нисбий намлик эса Ассман, Август (б а, б-расм) психрометрлари ёрдамида аниқланади.

ди. Ҳаво ҳаракати тезлиги парракли (6 м, с-расм), чўмичли анемометрлар билан аниқланади. Иссиқлик нурланиши актинометр билан, атмосфера босими Анероидбарометр (7-расм) билан аниқланади.

### 5.3. Ишлаб чиқариш биноларини шамоллатиш ва унинг турлари

Ишлаб чиқариш биноларини нормадаги метереологик ва санитария-гигиена шароитлари билан таъминлашда, иш жараёнида заарли ва заҳарли маҳсулот-моддаларнинг микдорини чегараланган даражада бўлишида, меҳнат шароитларини янада соғломлаштиришда, меҳнат унумдорлигини ва меҳнат ҳавфсизлигини оширишда шамоллатиш катта аҳамиятга эга.

Шамоллатиш натижасида ишлаб чиқариш биноларидаги ифлосланган, ўта қизиган ёки совиган ҳаво тоза, совитилган ёки қиздирилган ҳаво оқими билан тўхтовсиз алмаштирилади.

Биноларда ҳаво тоза бўлиши учун аввало ишлаётган аппарат-ускуналар герметик бўлиши, ёпиқ ҳолдаги транспорт воситаларидан фойдаланиши, буғланувчи суюқлик идишлари юзаси ҳамда чанг чиқадиган жойлар берк бўлиши, шунингдек чангли материалларни намлаш ва бошқа чоралар қўллаш талаб қилинади.


Биноларда ҳавонинг аралашиш усулига қараб шамоллатиш табиий ва сунъий (механик) турларга бўлинади. Табиий шамоллатиш ташқаридағи ва бинодаги ҳаво ҳароратининг фарқига қараб содир бўлади, бунда шамол босими ҳам катта роль ўйнайди.

Сунъий (механик) шамоллатиш механик қурилмалар—шамоллатгичлар, эжекторлар ва бошқа мосламалар ёрдамида амалга оширилади. Шамоллатиш қурилмалари ҳаво оқимининг йўналишига қараб узатувчи, сўрувчи ёки узатувчи-сўрувчи ҳолатда бўлиши мумкин.

Узатувчи шамоллатишда тоза ҳаво ташқаридан бинонинг бутун ҳажмига узатилиб тақсимланади, ифлосланган ҳаво эса эшик, дераза ва бошқа жойлардан сиқиб чиқарилади.

Сўрувчи шамоллатиш бино ичидаги ифлосланган ёки ўта қизиган ҳавонинг йўқотилишини, эшик, дераза ва бошқа жойлардан тоза ҳаво берилишини таъминлайди.

Узатувчи-сўрувчи шамоллатишда эса тоза ҳаво алоҳида тизимдан берилса, бошқа тизимдан ифлосланган ҳаво



6 - расм. Ўлчов асбоблари:

*a* — Ассман психрометри MB-4 M, *b* — Август психрометри, *c* — парракли анемометр, *d*, *d* — цилиндрли ва чўмичли катотермометрлар, *e* — чўмичли анемометр.



7 - расм.  
Барометр-анероид БАММ-1

сўрилади. Хоналарни шамоллатиш ГОСТ 12.028-84 талабларида асосан амалга оширилади.

Табиий шамоллатишда тартибли ва тартибсиз ҳаво алманиниши содир бўлади. Тартибсиз ҳаво алманиниши бинодаги иссиқ ҳаво ва ташқаридаги совуқ ҳавонинг солиштирма оғирлиги фарқига ҳамда ҳавонинг босимига асосан амалга оширилади.

Тартибли ва бошқариладиган табиий шамоллатиш аэрация дейилади. Табиий шамоллатиш қўшимча иссиқдик ажралиб чиқадиган, таркибида заарарли моддалар бўлган иссиқ ҳаволи ишлаб чиқариш биноларида қўлланилади. Ифлосланган ёки қизиган ҳаво эса дераза дарчаси, аэрация фонарлари, дефлекторли сўриш қувурлари орқали йўқотилади.

Тартибли ҳаво алмаштиришнинг фойдали томони шундаки, кўп ҳажмдаги ҳаво паст босимда бинога шамоллатгич ва қурилмалардан мустасно узатилади. Камчилиги эса, ҳаво дастлабки тозаланмасдан, қиздирилмасдан бинога узатилади, ифлосланган ҳаво тозаланмайди ва ташки атмосфера ҳавосини янада ифлослантиради.

Бинодаги ҳаво алманиниши маълум миқдорда бўлиши учун девор, дераза, ёпма ва фонарлардаги дарчалар

күпроқ ёки камроқ очилиб, шамол йўналишига қараб мосламалар ёрдамида бошқарилади.

Шамол босимидан фойдаланиш ва иссиқлик босими ни ошириш мақсадида дефлекторлардан фойдаланилади. Қиши вақтида бинодаги ва ташқи ҳаво ҳароратидаги фарқ катта бўлганлиги учун, бинодаги ҳавони алмаштириш камроқ талаб қилинади. Шунинг учун ҳам ҳаво берувчи дарчаларнинг юзаси камайтирилиб, улар пол юзасидан 5–6 м баландликда ўрнатилади. Ёз фаслида эса ҳаво оқими 1,5–2 м баландликда уюштирилса етарли.

Аэрация усулини қиши вақтида фақат күпроқ иссиқлик ажralиб чиқадиган ишлаб чиқариш корхоналарида қўллаш тавсия этилади. Бунда ортиқча иссиқлик миқдори хонанинг иситилиши талаб қиладиган иссиқлик миқдоридан 4–5 марта кўп, яъни  $60-80 \text{ Вт}/\text{м}^2$  ( $50-70 \text{ Ккал}/\text{м}^3 \cdot \text{соат}$ ) кўп бўлган цехларда ишлатилиши мумкин. Одатда аэрация усулларидан механик шамоллатиш билан биргаликда фойдаланилади.

Сунъий (механик) шамоллатиш маҳаллий ва умумий шамоллатиш турларига бўлинади. Маҳаллий шамоллатишда ифлосланган ҳаво заарли маҳсулот ажralиб чиқадиган жойнинг ўзидан йўқотилиб, моддаларнинг бино ичida тақсимланишига йўл қўйилмайди. Лаборатория шкафлари, ярим очиқ ёки ёпиқ ҳолидаги сўрувчи зонтлар, ҳаво душлари, ёнлама сўрувчилари, ҳаво пардалари ва бошқалар маҳаллий шамоллатишга мисол бўлади.

Маҳаллий сўриш хизмат эшикчаларини тўғри танлаш, қўллаш аппаратларини режим бўйича хизмат қилишида анча енгиллик яратади. Ишлаб чиқариш корхоналарида қиздириш жараёнлари бўлмасдан заҳарли моддаларнинг йўл қўйиш мумкин бўлган концентрацияси (ЙҚБК)  $100 \text{ мг}/\text{м}^3$  ва ундан ортиқроқ бўлганда сўриш тезлиги  $0,5-0,7 \text{ м}/\text{сек}$  деб қабул қилинган. Заарли ва заҳарли моддаларнинг ЙҚБК  $100 \text{ мг}/\text{м}^3$  дан кам ва қиздириш жараёнлари мавжуд бўлганда ҳавонинг сўриш тезлигини  $0,7-1,5 \text{ м}/\text{сек}$  ёки  $3-5 \text{ м}/\text{сек}$  гача кўпайтириш мумкин.

Шкаф орқали сўриладиган ҳаво ҳажми қуйидаги тенгламадан аниқланади:

$$W = V(F_u + F_k) \cdot I \cdot 3600 + Vt \quad (1)$$

Бу ерда:  $W$ —шкаф орқали сўриладиган ҳаво ҳажми,  $\text{м}^3/\text{соат}$ ,

$V$  —эшикча кесим юзасида ҳаво тезлиги, м/сек,  
 $F_u$  —хизмат эшикчаси юзаси,  $m^2$ ,  
 $F_k$  —құшимча эшик юзаси,  $m^2$ ,  
 $I$  —зичликни ҳисобға оладиган коэффициент,  
 $V_t$  —реакция вақтида берк ҳажмда ажралиб  
 чиқаёттан газ ёки буғларнинг ҳажми,  $m^3$ .

Ҳаво души 15—25 °C гача қыздырылған ва иссиқлик күпроқ ажралиб чиқадиган жойларда ишләётганларга 2—4 м/с тезлик билан юбориладиган ҳаво оқимидан иборат. Ҳаво пардаси эса, иссиқ ҳавони совутишга ёки совуқ ҳавонинг бинога киришини камайтиришга хизмат қиласы. Маҳаллій шамоллатиш ёрдамида ажралиб чиқаёттан зарарлы моддалар, маҳсулотлар массаси йүқотилгач, нормал санитария шароитларига умумий шамоллатиш йўли билан эришилади. Бунинг учун ифлосланган ҳаво қисми маҳсус техник мосламалар ёрдамида тоза ҳаво билан алмаштирилади ва аралаشتарилади. Күпроқ барқарор режим (умумий алмаштиришда) механик шамоллатишнинг узатувчи-сўрвучи тизими билан амалга оширилади.

Санитария нормалари (СН 245-71)га асосан иссиқлик, буғ, газ ажралиб чиқмайдиган биноларда ҳар бир ишловчиға ҳаво алмаштириш  $20 \text{ m}^3/\text{с}$ , дераза ва дарчалари бўлмаган биноларда эса  $40 \text{ m}^3/\text{с}$  дан кам бўлмаслиги керак.

Бинодаги ҳаво алмаштириш асосан алмаштириш карралилиги  $K$  билан характерланади:

$$K = \frac{W, \text{м}^3/\text{соат}}{V_b, \text{м}^3}, \text{ соат}^{-1} \quad (2)$$

Бу ерда:  $W$ —бинодан йўқотиладиган ҳаво ҳажми,  $\text{m}^3/\text{соат}$ ,  
 $V_b$ —бино ҳажми,  $\text{м}^3$ .

Алмаштирилиши зарур бўлган ҳаво миқдори бинодаги ажралиб чиқаёттан иссиқликка, намликка, заарарли моддалар (газ, буғ, чанг) миқдорига боғлиқ бўлади.

Вакуум, босим остида ишләётган ускуналар, қувурлар ҳамда насос, компрессор, аралаشتиргич, реактор сальниклари пишиқ ва мустаҳкам бўлмаслиги, даврий жараёнларда юклаш ва туширишда, синама олишда, хом ашёни очиқ ҳолда сақлаш, авария ва тузатиш ишлари натижасида заарарли моддалар ҳавога ажралиб чиқади.

Ҳаво алмаштириш карралилиги ( $K$ ) саноат тармоқлари нормаларида кўрсатилади. Саноат корхонасини лойиҳалашда маълум даражадаги ҳаво алмаштириш каррали-

лигини қабул қилишга рухсат этилмайды. Айрим ҳолларда лойиҳалаш учун ўхшаш ишлаб чиқаришдаги шамоллатиш тажрибалари ҳисобга олинади. Баъзи моддаларни ишлаб чиқаришда ҳаво алмаштириш карралилиги К қўйидагича белгиланган. Масалан, этил суюқликлари учун 50 соат  $^{-1}$  (2-формулага қаралсин), пропан, бутан, крекинг газ, нефть учун 12—14, майловчи ёғлар, парафин учун 4—6, сульфат ва хлор кислотаси учун 10—12, ишқорий эритмалар учун 3—5, кимёвий лаборатория бинолари учун 6, этил суюқлиги омбори учун 10—20, идиш ва ускуналар омбори учун 2 ва ҳ.к. бўлиши керак.

Хона муҳитидаги заарли моддалар йигилган ҳавони рухсат этиладиган концентрациягача суюлтирадиган ҳаво миқдорини қўйидаги тенглама билан аниқлаш мумкин:

$$W = q \cdot 10^6 / C_{\text{икч}} \cdot C_0, \text{ м}^3/\text{соат} \quad (3)$$

Бу ерда:  $q$ —вақт бирлигида ишчи хонада ажралиши мумкин бўлган заарли моддалар миқдори, г/с,

$C_{\text{икч}}$  — санитария нормаси бўйича заарли модданинг йўл қўйиш мумкин бўлган чегара концентрацияси, мг/м<sup>3</sup>,

$C_0$  — юборилаётган ҳаводаги заарли модда миқдори, мг/м<sup>3</sup>.

Санитария нормаларида белгиланишича  $C_0$  миқдори Сийқчк миқдорининг 30% дан ошмаслиги керак. Агар тоза ҳаво берилаётган бўлса,  $C_0$  миқдори ноль бўлади.

Хона ҳажмидаги ҳар хил ускуналардан ажралаётган намлики камайтириш мақсадида хонага юборилиши зарур бўлган ҳаво миқдорини ( $W$ ) қўйидаги тенгламадан аниқлаш мумкин.

$$W = G \cdot 1000 / 1.29(d_2 - d_1), \text{ м}^3/\text{соат} \quad (4)$$

Бунда:  $G$ —ҳавога ажралиб чиқаётган буглар миқдори, г/с,  
 $d_1$ —киритилаётган ҳаводаги намлик миқдори, кг/с,  
 $d_2$ —хонадан чиқариб юборилаётган ҳаводаги намлик миқдори, кг/с.

Умуман санитария нормаларида саноат корхоналари хоналаридаги ҳавода намлик миқдори белгиланмайди, аммо ҳаводаги нисбий намлик миқдори белгиланади.

Саноат корхоналари зоналарида ажралиб чиқаётган иссиқлик миқдорини белгиланган меъёрга келтириш учун амалга ошириладиган шамоллатишда керак бўладиган соф

ұаво миқдори (W) ГОСТ 12.2.028-84 га асосан қүйидаги тенглама билан топилади:

$$W = Q_{opt}/c \cdot \rho (t_u - t_k), \text{ м}^3/\text{соат} \quad (5)$$

Бунда: W—нормал шароит яратиш учун зарур бўлган ұаво миқдори,  $\text{м}^3/\text{с}$ ,

Q<sub>opt</sub>—ортиқча иссиқлик миқдори, Ккал /с, Вт,  
C—ҳавонинг иссиқлик сифими, Кдж/кг.К,  
 $\rho$ —293 °К ҳароратдаги ҳавонинг зичлиги, кг/м<sup>3</sup>,  
 $t_u$ —чиқариб юборилаётган ҳавонинг ҳарорати, К,  
 $t_k$ —зонага киритилаётган ұаво ҳарорати, К.

Ортиқча иссиқлик миқдори (Q<sub>opt</sub>)ни ҳар хил иссиқлик манбаларидан чиқаётган иссиқликлар миқдорининг йиғиндиси сифатида топилади.

#### 5.4. Портлашга ҳавфли ишлаб чиқаришда ва авария вақтидаги шамоллатиш

Ёнғинга ва портлашга ҳавфилиги жиҳатидан СниП 2.01.01-85, ОНТП 24/86 га асосан А, Б, В категорияларга мансуб биноларда хизматда бўладиган шамоллатиш мосламалари алоҳида, чегараланган шамоллатиш сифимларида жойлаштирилиб, улар ёнмайдиган материаллардан тайёрланади. Ұаво йўллари ҳам ёнмайдиган материаллардан тайёрланади, металл қисмлари эса ерга (узатувчи ва сурувчи қурилмалар сингари) улаб қўйилади.

Ёнғин ва портлашнинг олдини олиш учун шамоллатиш тизимидағи шамоллатгичлар, сўргичлар, қопқоқлар, зичлаш қисмлари тайёрлашда чақнаш ҳосил қилмайдиган материаллардан фойдаланилади. Шунингдек, ұаво алмаштиргични ҳаракатга келтирувчи электромотор портлашдан ҳимояланган ҳолатда тайёрланган бўлиши керак. Баъзи ҳолларда кучли коррозиялайдиган ва портлашга ҳавфли моддалар бўлганда ҳавфсизликни таъминлаш учун вентилятор-шамоллатгичлар ўрнига қўпроқ эжекторлар ишлатилади.

Ишлаб чиқариш шароитига қараб қисқа вақт ичидан тўсатдан ажралиб чиқадиган ва бино ҳажмига тарқалиши мумкин бўлган заарарли, портлашга ҳавфли газ, буғларни тоза ұаво билан алмаштириш ва ҳавф-хатарнинг олдини олиш мақсадида авария шамоллатгичлар-вентиляторларни маълум жойларга ўрнатиш ҳисобга олинади. Бундай

вентиляторлар (ЦАГИ ва бошқа турдаги) фақат авария ҳолатида ҳаракатта келтирилади.

Ифлосланган ҳавони сүриш құшни бинодан ёки очиқ дарчалардан тартибсиз ҳаво оқимини бериш ҳисобига амалға оширилади. Авария вентиляторлари учун ҳаво алмаштириш карралилиги (К) ишлаб чиқаришнинг хусусиятига, ишлатиладиган мөдданинг турига, тармоқ нормаларига асосан ҳар хил қабул қилинган, яъни К камидә 10 бўлиши керак. Ҳозирги вақтда қўлланиладиган авария вентиляторлари газ ўлчагичлар маълумоти таъсирида автоматик усулда ҳаракатта келади.

## **5.5. Шамоллатиш тизимлари ва мосламаларини текшириш**

Шамоллатиш тизимларидан тўғри фойдаланиш, уларни тўғри тартибда ушлаб туриш катта аҳамиятга эгадир. Шамоллатиш тизимлари ишга туширишдан аввал техник ва санитария-гигиена синовидан ўтказилади. Техник синовда шамоллатиш қурилмасининг техник хусусияти—тавсифномаси, ишлаш унумдорлиги, босими, ҳаво ҳарарати тезлиги ва бошқа бирликлари аниқланади.

Санитария-гигиена синовида эса шамоллатиш қурилмалари ва тозалаш мосламаларининг фойдалилиги, улар ёрдамида нормал метереологик ва санитария-гигиена мөҳнат шароитлари яратилиши мумкинлиги текширилади. Олинган барча маълумотлар қурилманинг техник паспортида қайд қилинади. Бу паспорт шамоллатиш тизими нинг техник ҳолатини аниқлайдиган асосий хужжат бўлиб ҳисбланади. Иш жараёнида содир бўладиган баъзи чекланишлар ёки камчиликлар ишлаш қобилиятининг камайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам шамоллатиш қурилмаларини тартиб асосида режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш, вақти-вақти билан уларга қараб туриш талаб қилинади. Бундай вазифа маҳсус тайёргарликдан ўтган ишли-хизматчиларга топширилади.

Умуман корхонада шамоллатиш қурилмаларидан тўғри фойдаланиш, уни тўлиқ ишлайдиган ҳолатда бўлиши учун жавобгарлик баш механик, цехда эса цех бошлиги ва механик зиммасига юклатилган.

Биноларда шамоллатиш қурилмалари иш бошланишидан 10—15 минут аввал ишга туширилиб, иш тамом бўлганидан 10—15 минут кейин тўхтатилади. Баъзи ишлаб

чиқаришларда шамоллатгичлар иш бошланишидан 30—60 минут аввал соат механизми ёрдамида автоматик усулда ишга туширилади.

## 5.6. Ишлаб чиқариш корхоналарида иситиш

Ишчи-хизматчи ходимлар узоқ ва доимо бўладиган ишлаб чиқариш биноларини мълум ҳароратда ушлаб турish учун иситиш қурилмалари ўрнатилади. Иситиш тизими маҳаллий ва марказлашган ҳолда бўлиши мумкин.

Юзаси  $500 \text{ m}^2$  гача бўлган оддий биноларни иситища маҳаллий иситиш қурилмаларидан фойдаланилади. Ёнгин хавфсизлиги жиҳатидан А,Б,В категорияларга мансуб ишлаб чиқаришларда маҳаллий иситиш қурилмаларидан фойдаланишга рухсат берилмайди.

Кимё саноати корхоналарида марказлашган иситиш тизимидан фойдаланилади. Иситиш эса буғ, сув ва ҳаво ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Лекин ишқорий металлар, металл-органик бирикмалар, карбидлар ва портловчи, заҳарловчи моддалар ажралиб чиқиши мумкин бўлган биноларда сув ва сув буғи билан иситишга йўл кўйилмайди. Бундай ишлаб чиқариш биноларида ҳаво билан иситиш усулидан фойдаланилади.

Бунда иссиқ сув ёки буғ билан қиздириладиган калориферлар орқали ҳаво пулланиб, сўнgra бинога берилади. Ҳаво билан иситиш шамоллатгич билан бирга уланади. Калориферни хавфсиз ва унумли ишлаши учун шамоллатгич ва калорифер таркиби огоҳлантирувчи-даракловчи мосламалар билан боғланган бўлиши керак.  $70^\circ\text{C}$  гача қиздирилган ҳаво юзадан  $3,5 \text{ m}$  баландликда,  $45^\circ\text{C}$  ҳароратли ҳаво эса ишлаётганлардан  $2 \text{ m}$  масофада берилади.

Сув ва ҳаво билан иситиш ёнгин нуқтаи назаридан хавфсиз, гигиена жиҳатидан ҳам қулай ҳисобланади. Сув билан иситилишда радиаторлар юзаси ҳарорати  $85^\circ\text{C}$  дан ошмайди. Бундай ҳароратда чангларнинг ёниши учун имконият бўлмайди.

Хозирги вақтда ишлаб чиқариш биноларини қуришда девор, пол, том оралигига жойлаштириладиган ва иссиқ сув ёки буғ билан иситиладиган иситиш панелларини кенг кўллаш ҳисобга олинган. Улар гигиена жиҳатидан жуда қулай бўлиб, ишлатилиши мумкин бўлган биноларда кўлланилмоқда.

## 6 - б о б

### РАДИАЦИЯ ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ

Саноат корхоналарида, илмий тадқиқот ишларида, баъзи технологик жараёнларда, маҳсулотлар, материаллар ва моддаларнинг сифатини, камчилигини аниқлашда радиоактив моддалар ёки радиоактив модда жойлаштирилган ўлчов асбоблари кенг қўлланилади. Улардан фойдаланиш ишчи, хизматчи ва аҳоли меҳнат фаолиятига салбий таъсири қиласиган мұхит ҳосил бўлиши билан боғлиқ. Шунинг учун радиация хавфсизлиги ҳақидаги қонун асосий хужжат сифатида, соғлом ва хавфсиз шароитни таъминловчи асос бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун унга эътибор бериш тавсия этилади.

Иш мұхитини аниқлайдиган, у эътиборга олинадиган хужжатлар қабул қилинган. «Радиация хавфсизлиги нормалари» (НРБ-76), «Ионловчи нурлар манбалари билан хавфсиз ишлаш асосий қоидалари» (ОСП-72/80) ана шундай хужжатлардандир. Норма ва қоидалар асосида радиация хавфсизлиги тизими икки вазифани ҳал қиласи.

1. Лойиҳа, техник, тиббий, санитария ва гигиеник чоратадбирларни қўллаш билан аҳоли ва ишловчиларнинг нурланиш даражасини йўл қўйиладиган чегарагача камайтириш.

2. Аҳоли ва корхона ходимларининг атроф-мұхитни радиоактив ифлосланиши, нурланиш ҳақида мулоҳаза юритишилари, шароитни меъёрга келтириш учун самарали назорат тизимини яратиш.

#### 6.1. Ионловчи нурларнинг асосий тавсифномалари

Мұхит билан таъсиrlаниб, турли сонларда электр разрядларини ҳосил қиласиган нур ионловчи ҳисобланади. Табиатда корпускуляр ва фотон ионловчи нурлар мавжуд.

Корпускуляр ионловчи нурланиш элементар заррачалар оқимининг радиоактив бўлинишидан ёки тезлатгичларда бўладиган жараёндан ҳосил бўлади. Нурланишга  $\alpha$ ,  $\beta$ -заррачалар, ( $h$ ) нейтронлар, ( $p$ ) протонлар ва бошқалар мисол бўлади.

**$\alpha$ -нурланиш** Гелий атоми ядроси оқимидан иборат бўлиб, камроқ ўтиш ва юқори даражада ионлаш қобилиятига эга. Биологик тўқимада 31—105 мкм, ҳавода

2,5—8,6 мм ни ташкил этади.  $\alpha$ -заррачаларнинг қуввати эса 2—8 Мэв миқдорга тенг.

$\beta$ -нурланиш электрон ёки позитронлар оқимидан иборат бўлиб,  $\alpha$ -заррачага нисбатан кўпроқ ўтиш ва камроқ ионлаш қобилиятига эга. Тўқимага ўтиш 2,5 см, ҳавода 1800 см ни ташкил этади.  $\beta$ -заррачаларнинг энг юқори қуввати 3,0—3,5 Мэв бўлиши мумкин.

**Фотон нурланиш** 300000 км/с доимий тезликда тарқаладиган электромагнит тебраниш оқимидан иборат бўлиб, унга  $\gamma$ -нури, рентген нури мисол бўлади.

$\gamma$ -нурланиш гамма квантлар оқими ҳисобланиб тўлқиндаги ( $10^{-9}$ ,  $10^{-12}$  см) электромагнит нурларидан иборат ва юқори даражада тўқимага, ҳавога ўтиш қобилиятига эга. Рентген нурланиши қуввати 1 Кэв-1 Мэв бўлган тормозлаш нурлари йиғиндицидан иборат бўлиб, қисқа тўлқинда ( $10^{-6}$ — $10^{-9}$  см) ва частотада ( $10^{19}$ — $10^{22}$  Гц) мавжуддир.

Радиоактив нурларнинг моддалар билан ўзаро таъсиридан зарядланган атомлар, молекулалар ҳосил бўлади. Ионловчи нурларнинг одам организмига таъсири натижасида мураккаб физик ва биологик жараёнлар содир бўлади. Масалан, бадандаги (66—70%) сувнинг парчаланиши (радиолиз), кимёвий бирикмалар таркибининг ўзгариши, заарли бирикмалар ҳосил бўлиши намоён бўлади. Натижада ички органларнинг нормал ишлаш фаолияти бузилиб, қаттиқ ва сақланувчи хилдаги «нур» касаллиги пайдо бўлади.

Сақланувчи хилдаги нур касаллиги организмга ташқаридан узоқ вақт ташқи нур таъсири қилишидан ёки озгина миқдордаги радиоактив изотопнинг организмга тушишидан ҳосил бўлади. Бу вақтда бош оғрийди, уйқу режими бузилади, иштача камаяди, модда алмашиниш жараёни, ошқозон ва юрак фаолияти ўзгарамади. Юрак мускулида қон қўйилиши ва жинсий органларнинг ишдан чиқиши содир бўлади. Шунингдек, терининг қуриб қолиши, мўртланиши, сочнинг тўкилиши, кўр бўлиб қолиш ҳолатлари содир бўлиши мумкин. Шу сабабдан одам организмини нурланишдан сақлаш мақсадида хавфсиз меҳнат шароити яратилади. Бунинг учун радиоактив моддалар ишлатиладиган барча ишлар жараёни санитария нормаларига амал қилган ҳолда «Нурланиш хавфсизлиги маҳсус хизмати» назорати остида олиб борилади.

## **6.2. Нурланинг дозиметрик миқдорлари ва уларнинг ўлчов бирликлари**

Нурланиш дозаси деб, ионлаш ва молекулалар мұхитини үйғотишига сарф бўладиган масса бирлигидаги нурланувчи модда ютадиган энергия миқдорига айтилади. Нурланиш миқдорлари турлича бирликда ифодаланади. Масалан, ютиладиган (жалб қилинган) доза бирлигини Грей (Гй), дж/кг, рад, эрг/г да ифодалаш қабул қилинган.  $1 \text{ Гй} = 1,0 \text{ Дж/кг}$ ,  $1 \text{ рад} = 100 \text{ эрг/г} = 1 \cdot 10^{-2} \text{ Дж/кг}$ .

Экспозицион миқдор учун бирлик сифатида кулон-килограмм (Кл/кг), рентген (р) қабул қилинган. Рентген (р) заряд йиғиндиси бир электростатик бирликка тенг электр ташкил қиласидаги ( $1 \text{ см}^3$  ҳавода, нормал шароитда)  $0,001293 \text{ г}$  ҳаводаги ионлар ҳосил қилувчи рентген ёки  $\gamma$ - нурни ифодалайди.  $1 \text{ Р} = 2,58 \cdot 10^{-4} \text{ Кл/кг}$ . Бир рентген дозада  $2.08 \cdot 10^9$  (пар) жуфт ионлар ҳосил бўлади.

Эквивалент доза бирлиги учун Зиберт (Зв) ва бэр қабул қилинган.  $1\text{зв} = 100$  бэрга тенг. Рентгеннинг биологик эквиваленти (бэр) қуйидаги формула билан аниқланади  $D = 5(h-18)$ . БЭР (бунда 5БЭР — ҳар бир шахс учун йўл қўйиш мумкин бўлган бирлик миқдор;  $n$  - шахснинг ёши) ва унинг биологик таъсири бир «радга» тенг бўлган рентген ёки нурнинг энергиясини ифодалайди. Радиоактив моддаларни ионлаш таъсирини таққослаш учун «гамма-эквивалент» қабул қилинган. Гамма-эквивалент бирлиги сифатида «Радий»нинг мг. эквиваленти (мг.экв.Ра) олинган.

Нурланиш касаллигидан сақланиш, ишлаётган ходимларни хавфсиз меҳнат шароити билан таъминлаш ва уларни хавфли вазиятдан огоҳлантириш мақсадида йўл қўйиладиган доза миқдори (ЙҚДМ) ва йўл қўйиладиган изотопнинг активлиги (ЙҚИА) радиация хавфсизлиги нормаларига (РХН-76) асосан белгилаб қўйилган.

Вақт бирлигига нурланиш миқдорининг энергияси қуйидагича ифодаланади: Р/соат, мкР/соат, мбэр/ҳафта, мбэр/йил, мЗв/йил ҳафта бирлигига ўлчанади.

Инсон организмига таъсир қилиб, унда 50 йил мобайнида замонавий усуслар билан аниқланадиган, хавфли ўзгаришларга олиб келмайдиган дозанинг катта миқдори йўл қўйиладиган доза миқдори (ЙҚДМ) дейилади.

**Нурланиш хавфсизлиги нормаларига (НХН-76) асосан ҳар хил турдаги ионловчи нурларнинг йўл қўйиладиган доза миқдори 100 мбэр/ҳафтадан ошмаслиги керак. Доза миқдорини белгилашда шахсларнинг нурланиш бўйича А, Б, В турларга гурухланиши, одам танаси аъзоларининг уч хилга бўлиниши эътиборга олинади.**

**А гурухга** ионловчи нурлар манбалари билан доимо ёки вақтингча ишлайдиган касбдаги шахслар мансубдир.

**Б гурухга** радиоактив нурлар манбалари билан ишлайдиган, лекин иш жойи ва яшаш шароити бўйича радиоактив моддалар ёки бошқа манбалар таъсирида бўладиган шахслар киради.

**В гурухга** яшаётган барча аҳоли мансубдир.

Тана аъзоларининг **биринчи турига** бадан, суяқ, қизил танача ва б.к. тааллуқли. **Иккинчи турига** мушак, қалқонсимон без, ёғли тўқима, жигар, буйрак, қора талоқ, ошқозон-ичак йўллари, ўпка, кўз қорачиги ва б.к. киради. **Учинчи турга** тери қопламаси, суяқ тўқимаси, қўл бармоқлари, билак, кафт, товон киради.

Ионловчи нурлар манбалари билан ишлайдиган шахслар учун ташқи нурланиш доза йифиндиси бир йилга 5 бэр белгиланган ва 30 йил давомида танада йифилган доза миқдори 60 бэрдан ошмаслиги керак.

Радиоактив изотопнинг йўл қўйиладиган миқдори активлиги (РИЙҚА) деб, табиий йўл билан танага ўтиб, йўл қўйиладиган дозадан ошмайдиган нурланиш дозаси ҳосил қиласидиган изотопнинг ҳажми ёки масса бирлигидаги миқдорига айтилади. Изотопларнинг активлиги (ИЙҚА) кюри/литр бирлигига ўлчанади. Радиоактив моддалар активлиги бўйича тўрт гурухга бўлинади.

**Биринчи гурухга** ўта юқори радиоактив изотоплар ( $S_2$ ,  $Po$ ,  $Pb$ ,  $Ro$ ,  $Pa$  ва бошқалар) киради. ИЙҚА  $1,10^{-13}$  кюри/литр белгиланган.

**Иккинчи гурухга** юқори радиоактив изотоплар ( $Na$ ,  $Co$ ,  $S_2$ ,  $Ag$  ва бошқалар) мисол бўлади. ИЙҚА  $1,10^{-13} - 1,10^{-11}$  кюри/литр белгиланган.

**Учинчи гурухга** ўртача радиоактив изотоплар ( $Ba$ ,  $Na$ ,  $P$ ,  $S$ ,  $Mn$ ,  $Zn$  ва бошқалар) мансуб бўлиб, ИЙҚА  $1,10^{-11} - 1,10^{-9}$  кюри/литр белгиланган.

**Тўртинчи гурухга** активлиги  $1,10^{-9}$  кюри/литр бўлган кам радиоактивли изотоплар, масалан, водород, карбон, азот, аргон, индий ва б.к. тегишилдири.

### **6.3. Радиоактив моддалар, нурланиш манбалари билан ишлашни ташкил қилиш ва нурланишдан ҳимоялаш чоралари**

Радиоактив моддалар ва нурланиш манбалари билан ишлашда меҳнатни тўғри ташкил қилиш катта аҳамиятга эга. Бу радиация хавфсизлигини таъминлаш, аҳолини нурланишдан сақлаш ёки нурланиш дозаси мўлжалланган нормадан ошиб кетмаслиги учун муҳим чора-тадбирларни амалга ошириш демакдир. Бу чора-тадбирларга ташқи нурланиш оқимидан ҳимоялаш, нурланишнинг ташқи муҳитда тарқалишига йўл қўймаслик, бино ва хоналарни тўғри лойиҳалаш, пардозлаш, радиация назорати ва санитар текшириш режимини ўрнатиш, радиоактив моддаларни жўнатиш, етказиш, транспорт хизматини таъминлаш, қолдиқ моддаларни йигиши ва кўмиш, шахсий муҳофаза воситаларидан фойдаланиш, муҳитни заарсизлантириш ишларини олиб бориш, ҳаво алмаштириш, уни чанг-газдан тозалаш, иситиш, сув таъминоти, канализация тармоқлари ишлари ва бошқалар мисол бўлади.

Радиоактив моддалар билан ишлашга мўлжалланган корхона, муассаса, лаборатория хоналари фойдаланишдан аввал комиссия томонидан қабул қилиниши керак. Қабул акт билан расмийлаштирилади. Санитария назорати органлари корхона ва муассасаларга уч йил муддатга санитар паспортини тақдим этади.

Корхона, ташкилотлар бир йилда ишлатиладиган радиоактив моддалар миқдорига қараб учта тоифага бўлинган. Биринчи тоифага 100 Кю дан кўпроқ, иккинчи тоифага 10 Кю дан бошлаб, учинчи тоифага 10 Кю гача ишлайдиган корхоналар мансубдир. Масалан, контейнер, транспорт воситалари, асбоб, аппаратларда, биноларда радиация хавфсизлигига оид белги ўрнатилган бўлиши керак.

Корхона маъмурияти радиоактив моддалар билан ишлаш, моддани ҳисобга олиш, манбалардан фойдаланиш, бажариладиган ишнинг тартиби, шахсий профилактика, дозиметрик назорат-ўлчов ишлари тартиби бўйича кўрсатма ишлаб чиқиши ва ишларни хавфсиз уюштириши керак. Ишга кирувчи шахслардан дастлабки ва такрорий тиббий кўрикдан ўтиши талаб қилинади.

Ҳимоялаш тадбир-чораларини ишлаб чиқишида нурланиш манбаининг хусусияти, радиоактив моддаларнинг

тури, физик ҳолати, нурланиш тури ва энергияси, активлиги, парчаланиш даври, заарали хоссалари, ишлатила-диган миқдори, манба билан ишлаш вақти, радиоактив модда ишлатиладиган технологик жараённинг хусусияти ҳисобга олинади.

Ташки нурланиш оқимидан ҳимоялаш нурлантириш вақтини камайтириш, манбагача бўлган масофани кўпайтириш, ҳар бир қалинликда тайёрланган ҳимоя экранларидан фойдаланиш билан олиб борилади. Ҳимоя экранларининг мустаҳкамлиги, пишиқлиги дозиметрик асбоблар билан текшириб турилади.

**Ички нурланишдан ҳимоялашда** очиқ ҳолдаги радиоактив моддалар билан алоқанинг мутлақо бўлмаслиги, ҳавонинг радиоактив моддалар билан ифлосланмаслиги, иш зонасидаги ҳавода радиоактив моддаларнинг бўлмаслиги ҳисобга олинади. Радиоактив моддалар қўлланадиган ишда 18 ёшга тўлмаган, тиббий кўрикдан ўтмаган шахсларнинг ишлашига руҳсат этилмайди.

Ишчилар радиоактив моддалар билан бажариладиган ишни хавфсиз бажариш йўлларини, нурланиш таъсирини камайтириш, нурланиш активлигини ўлчаш усула-рини, шахсий ҳимоя воситаларидан унумли фойдаланиши, ишни хавфсиз олиб бориш қонун-қоидаларини мукаммал билишлари керак.

Очиқ ҳолдаги радиоактив моддалардан фойдаланила-диган, ҳавони ифлослаши мумкин бўлган ишлар кимёвий лаборатория талабларига жавоб берадиган ва асбоб-ускуна билан жиҳозланган биноларда қаттиқ режим, назорат остида олиб борилади. Барча ишчилар доимо тиббий на-зорат остида бўладилар.

Радиоактив моддалар ва нурланишнинг таъсирини ка-майтириш, ҳимоялаш мақсадида узоқдан бошқарилади-гап автоматик ускуналар, механизм воситалари, электрик, гидравлик, пневматик мосламалар, монипуляторлар, қисқичлар ва бошқа воситалардан фойдаланилади.

Радиоактив моддалар маҳсус белгили контейнерларда сақланади ва ташилади. Ишлар эса маҳсус жиҳозланган стол-бокс шкафларида олиб борилади. Шахсий ҳимоя воситалари сифатида пахта толасидан тайёрланган халатлар, комбинезон, бош кийимлар, маҳсус кийимлар, резина қўлқоплар, маҳсус жиҳозлар, оёқ кийимлари, ойнаклар, газниқблар, респираторлар ва бошқалардан фойдаланилади.

Радиоактив чиқиндиларни сүгориладиган далаларга, сув ҳавзаларига, канализацияга ташлаш таъқиқланган. Чиқиндилар агрегат ҳолатига қараб активлик даражаси йўл қўйиладиган миқдоргача бўлса, маҳсус контейнерларда жўнатилади ва белгиланган жойга кўмилади. Кўмиладиган жой доимий назоратда бўлади.

Нурланишни ўлчаш учун турли хилдаги ўлчов асбобларидан фойдаланилади. Масалан, рентген ва гамма нурлари учун РМ-ИМ, ПМР-І, Кектус, нейтрон нурланиши учун РУС-5, 7, РПН-І, ИД-І, КИД-І, ДК-О.2, ИЛК, ИФК, ДРГЗ, Аргунъ дозиметрлари, ТИСС, ДП-ИБ, РА-12СМ радиометрлари мавжуд. Радиоактив модда миқдорини аниқлаш учун РПС-4-01 (Гагара), РМГЗ-О1 (Плутон) лаборатория радиометрлари, сигнализаторлари ва бошқа ўлчов асбоблари қўлланади.

Инсоннинг нурланиш дозасини олиши шароитга қараб турлича миқдорда бўлиши мумкин. Масалан, очик майдонда нурланиш фони бир йилда 100 мбэрни, ҳар куни 3 соатдан телевизор кўришда 1 мбэрни, флюрография вақтида 370 мбэрни, тайёрада 2400 км масофага учишда нурланиш I мэбрни ташкил қиласди.

## 7 - б о б

### **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ХОНАЛАРИНИ ЁРИТИШ**

Саноат корхоналарининг санитария-гигиеник ҳолатини яхшилашда корхона хоналарини, майдонларини ёритиш алоҳида ўринда туради. Чунки тўғри ва режали ёритилган хоналарда иш унумдорлиги ошади, толиқиши камаяди ва корхонанинг хавфсизлиги таъминланади. Яхши ёритилмаган хоналарда ишлаётган ишчи атрофда жойлаштирилган нарса ва буюмларни яхши кўрмайди, ишлаб чиқариш шароитига мослаша олмайди, натижада ишчи меҳнат фаолиятида кўзнинг кўшимча зўриқиши вужудга келади. Ҳаддан ташқари ёритиш ҳам кўзга ёмон таъсир кўрсатади. Меъёрда ёритилмаган ишлаб чиқариш хоналарида баҳтсиз ҳодисага олиб келадиган ҳолат-хавф пайдо бўлади.

Кўз учун энг яхши ва беғубор ёруғлик қуёш нури ёруғлигидир. Ёруғликни қўйидаги бирликлар ифодалайди: ёруғлик оқими F-нур энергиясининг кучланиши бўлиб, кўз билан қабул қилинадиган ёруғлик сезувчанлиги билан баҳоланади. Бирлиги сифатида люмен (лм) қабул қилинган.

Маълум бир ёруғлик манбаидан маълум бурчак остида тушган ёруғлик оқими белгиланган юзани ёритиши ёруғлик кучи деб аталади.

$$J_{\alpha} = dF / dw \quad (1)$$

Бунда:  $J_{\alpha}$  —  $\alpha$  бурчак остида ёритилган юзанинг кучи,

$dF$  — ёруғлик оқими,

$dw$  — ёруғлик оқимининг тарқалиш бурчаги.

Ёруғлик кучи бирлигига Кандела ( $K_d$ ) қабул қилинган. Бир кандела  $1/600000$  м платинанинг қотаётган юзасидан перпендикуляр ҳолатда ажралиб чиқаётган ёруғлик кучи (давлат ёритиш эталони) қабул қилинган. Бунда платинанинг қотиш ҳарорати  $2046,65$  К ва  $101325$  Па ( $760$  мм симоб устуни) босими белгиланган.

Ёритилиш  $E$  — юза бўйича тарқалаётган нур оқими-нинг зичлигидир.

$$E = dF / dS \quad (2)$$

Бунда:  $dF$  — нур оқими,

$dS$  — нур оқими тушаётган текислик юзаси.

Ёритилиш бирлиги сифатида люкс ( $лк$ ) қабул қилинган. Люксметр Ю-1, Ю-116 билан ўлчанади ва хонанинг санитария-гигиеник шароити нормага асосан баҳоланади.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг хоналари кундуз кунлари одатда табиий ёритилади. Баъзи бир хоналар, масалан, технологик жараёнда табиий ёритилиш салбий таъсир кўрсатадиган ишлар, ишчиларнинг ҳамма вақт бўлиши шарт бўлмаган жойлар, жойланиши бўйича табиий ёритилиш имконияти бўлмаган ерлар — ер ости хоналари, қурилмалари ва омборлар ҳамма вақт сунъий ёритилиши мумкин.

Куёш ёруғлиги ўзининг таркиби, спектр, бошқа хусусиятлари билан энг яхши ёруғлик ҳисобланади. Лекин қуёш ёруғлиги билан табиий ёритишнинг ўзига хос томонлари бор. Масалан, Ўрта Осиё шароитида саноат корхоналари биноларида табиий ёритиш иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Агар бу минтақада ёруғлик тушадиган дераза ва дарчалар қуёш тик тушадиган жанубга қаратиб қурилса ва бу деразалар ёруғлик нурининг нормал ёритиши асосида лойиҳага киритилган

бұлса, бундай биноларда ёз күнлари ҳаддан ташқари ис-  
сиқ бўлади. Натижада ишчиларнинг меҳнат фаолиятига  
салбий таъсир қилиши мумкин.

Лойиҳа ишларини олиб борувчи кишилар бу омиллар-  
ни албатта ҳисобга олишлари керак.

Табиий ёритилиш ён, тепа томондан ва аралаш ҳолат-  
да уюштирилади. Бунда ён томондан ёритиш ташқарига  
қараган деразалар орқали, юқорида ўрнатилган маҳсус  
фонарлар ёрдамида, аралаш ёритиш эса икки усулни  
кўшиб амалга оширилади.

Табиий ёритилиш географик кенглик, йил фасли, кун-  
нинг вақти, ҳавонинг ҳолати ва бошқа бирликларга боғ-  
лиқ. Шунинг учун табиий ёритилишни нормаллаштириш  
учун олиб бориладиган ҳисобларда табиий ёритиш коэф-  
фициенти (ТЭК) дан фойдаланилади. Бу коэффициент  
бино ташқарисидаги ёритилишни бино ичкарисидаги ўлча-  
наётган жойдаги ёритилишга нисбатини фоиз ҳисобида  
олинган бирлигига тенг миқдорда қабул қилинади:

$$K_o = Eu \cdot 100 / Et \cdot \% \quad (3)$$

Бунда:  $K_o$  — табиий ёритиш коэффициенти,

$Eu$  — бино ичидаги ўлчанаётган жойдаги ёрити-  
лиш,

$Et$  — бино ташқарисидаги ёритилиш.

Саноат корхоналари бинолари, майдонлари учун та-  
биий ёритилишнинг нормалари табиий ёритиш коэффи-  
циентларига асосланиб «Курилиш қоида ва нормаларига  
(СНиП-11-4-79) асосан қабул қилинади. СНиП-11-4-79  
га асосан бажарилаётган барча ишлар ёритилиш даража-  
сига қараб тўққиз хилга бўлинган ва улар учун табиий  
ёритиш коэффициенти белгиланган. Масалан ён томон-  
дан ёритилишда (I-IX) ишлар учун ТЭК-3,5 дан 0,1% гача,  
аралаш ёритилишда эса ТЭК-10 дан 0,5% гача бўлиши  
керак.

Деразалардан тушаётган ёруғлик нурини тахминан  
ҳисобга олишда «ёруғлик коэффициенти» деб аталувчи  
бирлиқдан фойдаланилади. Ёруғлик коэффициенти ёруғ-  
лик тушаётган юзанинг хонани юзасига нисбати сифати-  
да қабул қилинган.

## **7.1. Сунъий ёруғлик манбалари**

Сунъий ёритилиш икки хил усулда олиб борилади:  
а) умумий ёритилиш, бунда саноат корхонасининг бинолари бир хил ёритгичлар ёрдамида ёритилади, б) аралаш усулда ёритилиш, бунда умумий ёритилиш билан бир қаторда иш жойларининг ўзи алоҳида-қўшимча ёритилади ва бу иш жойларини ёритиш деб аталади. Фақат иш жойларинигина ёритиш мумкин эмас, чунки бундай ҳолда кўзда кескин кучланиш вужудга келиши, натижада кўз толиқиши ва бошқа баҳтсизликлар содир бўлиши мумкин.

Ёритиш тизими турларини танлаш асосан бажарилаётган ишнинг технологик жараёнига, категориясига боғлиқ бўлиб, СНиП-11-4-79 асосида белгиланади.

Хозирги замон саноат корхоналарининг бир қаватли биноларини ёритишида сунъий ёритиш билан бир қаторда ён томондан — деразадан тушадиган табиий ёритилишлан кенг фойдаланилади. Бунда ёритилишни вақт бўйича мувофиқлаштириш мақсадида люминесцент ёритгич лампаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

## **7.2. Чўғланувчи ёритгич лампалар**

Чўғланувчи ёритгич лампалар қуйидаги хусусиятларига кўра саноат корхоналари ва хўжаликларида кенг ишлатилади. Улар осон тайёрланади, фойдаланиш учун қулай ва қўшимча аслаҳаларсиз ёнади. Аммо бу лампалар камчиликлардан ҳам холи эмас. Нурланиши жуда оз бўлиб 7—20 лм/Втни ташкил этади. Фойдали иш коэффициенти 10—13% га тенг, хизмат қилиш муддати 800—1000 соат. Бу ёритгич лампаларнинг спектрида қизгиш-сарғиш нурлари борки, бу кўзга ёқимсиз бўлиши билан бирга атрофдаги нарса—буюмларнинг рангини бузиб кўрсатади. Уларнинг асосий хусусиятлари—нурланиши, нур оқими, хизмат қилиш муддати ГОСТ билан чегараланган.

Йодли лампалар колбасида йод буғлари бўлиб, бу буғлар чўғланувчи спиралнинг қизишига ижобий таъсир кўрсатади ва шу билан бирга вольфрам симни эриб кетишдан саклайди. Натижада лампаларнинг хизмат муддати 3000 соатгача узаяди ва нурланиши 30 лм/Вт га ортади.

Люминесцент лампаларнинг асосий хусусияти шундаки, улардан олинадиган ёруғлик табиий ёруғликка жуда

яқин бўлади. Бу лампаларда электр энергияси иссиқлик энергиясига ўтмасдан, тўғридан-тўғри ёруғликка айланади. Люминесцент лампаларнинг ёруғлик спектрлари табиий ёруғлик спектрига жуда яқин бўлганлиги сабабли кўзга зарарли таъсири кам ва у инсонни толиқишдан-чарчашибдан сақлади.

Люминесцент лампаларнинг ижобий хусусиятлари сифатида уларнинг юқори нурланишга эга эканлигини айтиб ўтиш керак ( $60 \text{ лм}/\text{Вт}$ ), яъни бу лампалар чўғланувчи лампаларга нисбатан  $2,5$ — $3$  марта самаралидир. Лампаларнинг хизмат муддати  $5000$  соатга боради. Шиша най бутун узунлиги бўйлаб нур тарқатилиши сабабли люминесцент лампанинг ялтироқлиги ва кўзни қамаштирувчи хусусиятлари чўғланувчи лампаларга нисбатан анча кам. Бундан ташқари лампа қизимаганлиги сабабли (атрофмуҳит ҳароратидан  $5^\circ\text{C}$  ортикроқ бўлади) ёнгин учун хавфсиз ҳисобланади.

Люминесцент ёритгичлар камчиликлардан ҳам холи эмас. Масалан, нур оқимининг таъсири натижасида стробоскопик самара-битта предмет бир нечта бўлиб кўринади, айланувчи ва ҳаракатланувчи деталларнинг айланиш ва ҳаракатланиш йўналиши ўзгаргандек кўринади. Бундан ташқари уларни электр тармоғига улаш мураккаб схемалар талаб қиласи, бу уларни ўрнатиш таннархининг ошиб кетишига сабаб бўлади. Ёритгичларнинг ташқи муҳит ҳавосининг ҳароратига қараб нур тарқатиш даражаси камайди.

Хозирги вақтда очиқ зоналарни ва саноат корхоналарининг баланд хоналарини ёритишида катта босимдаги ёйсимон симобли люминесцент лампалари (ДРЛ) дан кенг фойдаланилмоқда. Бу лампалар катта электр ва ёруғлик қувватига эга. Улар  $250$  дан  $1000$  Вт гача бўлган оралиқда ишлаб чиқарилмоқда. Бундай лампаларни оддий ёритгичларда чўғланувчи ёритгичлар ўрнида ҳам қўллаш мумкин. Лампаларнинг камчилиги ёниш даврининг узунлиги бўлиб, у  $5$ — $7$  минут давом этади.

Хозирги вақтда спектр таркиби табиий ёруғликка яқин келадиган ёйсимон кварц лампалари ДКОТ ишлаб чиқарилмоқда. Бу лампалар кварц ойнасидан ясалган бўлиб, унга катта босим остида ксенон тўлдирилади. Бундан ташқари натрий ва галоидли лампалар ҳам мавжуд. Бундай лампалар катта нур ажратиш қобилиятига эга ( $110$ — $130 \text{ лм}/\text{Вт}$ )

бўлиб, 1—2 квт кувватга эга бўлган лампалар ишлаб чиқарилади. Улардан саноат корхоналарининг баландлиги 10 м ва ундан юқори бўлган хоналарини ёритишда фойдаланилади.

Ёритгичлар ёруғлик тарқатиш хусусиятига қараб уч синфа бўлинади: тўғридан-тўғри нур тарқатувчи, нур ёйувчи, нурни қайтариш қобилиятига эга бўлган лампалар.

Тўғридан-тўғри нур тарқатувчи лампалар турига қуий ярим сфераси бўйлаб ўз нурининг тахминан 30% ни тарқатидиган лампалар киради. Бу ёритгичларнинг кенг тарқалган турлари — «Универсал», «Чукур нур тарқатувчи», «Кенг нур тарқатувчи», «Сут рангидаги юмалоқ», «Люцетта» ва бошқалардир. Шу турга киравчи «альфа» ёритгичлари иш жойларини ёритишда қўлланади.

Нур ёювчи ёритгичлар ўз нурларини юқори ва қуий сфералар ўртасида тақсимлашга асосланган. Бунда умумий нурнинг 90% юқори сфера бўйлаб, 10% қуий сфера бўйлаб тарқалади. Бундай лампалар ҳар қандай сояларга барҳам бериб, ёруғликни бир текисда тарқатиш имкониятини беради. Улар шиплари ва деворлари ёруғлик қайтариш хусусиятига эга бўлган хоналарга ўрнатилади. «Люцетта» ва «сут рангидаги юмалоқ» хил лампалар кенг қўлланади.

Нур қайтариш хусусиятига асосланган ёритгичларда асосан 90% дан кўпроқ нур юқори сферага йўналтирилади ва ёритиш асосан қайтган нур ҳисобига бўлади. Бундай ёритгичлар ҳеч қандай соя бўлмаган ҳолда, юмшоқ ва беозор ёритилишни таъминлайди. Шунинг учун ҳам улар омавий биноларда қўлланади.

Ёниш ва портлаш бўлиши мумкин бўлган хоналарни ёритишда маҳсус, ёнғинга ва портлашга қарши ускуналар билан жиҳозланган ёритгичлардан фойдаланилади. Бу лампаларнинг патронлари учқун чиқмаслигини таъминловчи мустаҳкам боғланишга эга бўлади. Қўллаш учун чиқарилган лампалардан В4А, В3Г ва бошқа турлари энг кўп тарқалган.

Ишлаб чиқариш хоналарида электр энергияси тўхтатилган пайтда ёки авария содир бўлган ҳолатда қўшимча ёритиш воситалари ҳисобга олиниши шарт. Бу ёритиш воситаларининг манбай алоҳида аккумулятор билан ишлайдиган ва кўчма ҳолатда энергия берувчи восита бўлиб, куввати хона учун мўлжалланган электр энергиясининг 10%ни ташкил қилиши ва бу мақсаддада чўғланма лампалардан фойдаланиш тавсия этилади.

## 8 - б о б

### ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАГИ ШОВҚИН, ТИТРАШ (ЧАЙҚАЛИШ) ВА ТЕБРАНИШ

Шовқин ҳар хил частота ва тезликка эга бўлган товушлар йиғиндиси бўлиб инсон организмига нохуш тъясир этади.

Шовқин — бу ҳаво мұхитининг тебранишидир.

Тебраниш ва чайқалиш деб асбоб-усқуналар, машиналар, қувурларнинг ёки жамики қаттиқ материалларнинг титрашига айтилади. Бу ҳодиса асбоб-усқуналар нотекис ўрнатилганда вужудга келади.

Инсон қулоги 16 герцдан 20000 герцгача частотага эга бўлган ҳаво мұхитининг тебранишини қабул қила олади (Герц 1 секунддаги тебраниш частотасидир).

Шовқин манбаларига компрессорлар, ҳаво алмаштиргичлар, майдаловчи ва сараловчи курилмалар, қувурларда юқори босимда ўтаётган суюқлик ва газ аралашмаларининг юқори тезликдаги ҳаракати киради.

Давомли шовқин тъясиринда инсоннинг эшитиш қобилияти пасайиб бориб, ҳаттоки кар бўлиб қолиши мумкин. Шовқин аввало инсон марказий асаб системасига тъясир этиб, унинг кўриши, фикрлаш қобилиятини пасайтиради ва ҷарчашини тезлаштириб, жароҳатланишга олиб келади.

Тебраниш шовқинга нисбатан марказий асаб система-сига кучлироқ тъясир ўтказиб, юрак, қон-томир системасига ва шунингдек тананинг мувозанат аъзоларига салбий тъясирини кўрсатиб, касб касаллиги бўлган — тебраниш ёки титраш касаллигини вужудга келтиради. Бу касалликнинг белгилари қуйидагича: одамнинг тез ҷарчаб қолиши, боши айланиши ва оғриши, кўз нурининг камайиши, қон босимишнинг кўтарилиши, тана ва баъзи аъзоларнинг титраши, қўл бўғимидағи ўзгаришлар.

**Шовқин ва тебранишининг тъясир даражаси унинг кучига, частотасига, тъясир давомлилигига ва қайталаниб туришига боғлиқ.**

Товушнинг физикавий кучи — товуш тўлқинининг энергияси ( $\text{Bt}/\text{m}^2$ ), товушнинг босими (Па) билан характерланади.

Инсон қулоги қабул қила оладиган энг кичкина кучга эга бўлган товушга эшитишнинг бошланиши деб айтилади ва у қуйидагича белгиланади.

$$I_0 = 10^{-12} \text{ Bt}/\text{m}^2 \quad \text{ёки} \quad R_0 = 2 \cdot 10^{-5} \text{ Па}$$

Инсон қулоги оғриқсиз қабул қила оладиган энг катта күчтә эга бўлган товушга **оғриқ билан эшитишнинг бошланиши деб айтилади** ва мана шу ўрталиқда эшитиш чагараси мавжуддир.

Инсон организмига шовқиннинг субъектив таъсирини баҳолаш учун **шовқин даражаси** тушунчаси киргизилган бўлиб, у катта h- билан белгиланиб халқаро бирлик бўлган бэл да ўлчанади. Амалда 10 марта кичик ўлчам бирлиги — децибел (дб) қабул қилинган.

Шовқин даражаси қуйидаги формула орқали изоҳланади:

$$h = 10 \lg \frac{I}{I_0} = 10 \lg \frac{I}{10^{-12}}, \text{ дб}$$

товуш босими орқали

$$h = 20 \lg \frac{P}{P_0} = 20 \lg \frac{P}{2 \cdot 10^{-5}}, \text{ дб} \quad \text{ёки}$$

$$h = 10 \lg \frac{P^2}{P_0} = 20 \lg \frac{P}{P_0} = 20 \lg \frac{P}{2 \cdot 10^{-5}}, \text{ дб}$$

I — шовқин товуш тўлқинининг энергияси, Вт/см<sup>2</sup>

P — товуш босими, Па

Агар эшитишнинг бошланишини О дб деб баҳоласак, унда оғриқ билан эшитишнинг бошланиши 130÷140 дб га тенгдир.

Товушнинг физиологик таъсири унинг фақат кучига эмас балки частотасига ҳам боғлиқдир. Чунки инсоннинг эшитиш қобилияти ҳар хил частотали товушларда бирдай эмас.

1000—4000 гц частотага эга бўлган товушлар ҳаммадан яхши қабул қилинади. Даражаси бир хил бўлиб, ҳар хил частотага эга бўлган товушлар бир хил қабул қилинмайди. Шунинг учун шовқин баландлиги бирлигига фон қабул қилинган.

1 фон — бу шовқин даражаси 1 дб бўлганда унинг частотаси 1000 гц га тенгдир.

Санитар нормаларида СанПиН № 0120—01 СанПиН № 0122—01 шовқиннинг рухсат этилган миқдор даражаси аниқланган бўлиб, у товушнинг частотасига боғлиқдир ва 8 октавадаги чизиқлар орқали изоҳланади.

63, 125, 250, 500, 1000, 2000, 4000, 8000 гц. Мисол учун 250 гц частота учун шовқин даражаси 91 дб дан ошмаслиги керак. 1000 гц бўлганда шовқин даражаси — 85 дб ва 4000 гц — 81 дб ҳ.к.

Шовқин частотаси ошиши билан унинг салбий таъсири ҳам ошади.

Ишлаб чиқаришдаги шовқинлар частотасига қараб 3 синфга бўлинади.

1. Паст частотали шовқинлар < 300 гц.
2. Ўртача частотали шовқинлар < 800 гц.
3. Баланд частотали шовқинлар > 800 гц.

Иш жойидаги тебраниш айланма ҳаракат қилувчи асбоб-ускуналар, иш қуроллари нотекис ҳаракатда бўлган тақдирда вужудга келиб, инсон танасининг айрим аъзоларига, масалан қўлига таъсир этиши мумкин.

Умумий тебраниш эса асбоб-ускуналарнинг ишлаши натижасида вужудга келган титраш пол, ўтиргичлар орқали инсоннинг бутун танасига берилади. 6—9 гц частотага эга бўлган умумий тебраниш анча хавфли ҳисобланади. Сабаби инсон ички организми частотаси ҳам юқорида кўрсатилган частотага tengdir.

Тебраниш куйидаги параметрлар билан характерланади: тебраниш тезлиги  $V$  (м/с), тебраниш амплитудасининг қулоч кенглиги  $A$  (м), тебраниш частотаси  $f$  (гц), тебраниш тезланиши  $W$  м/сек<sup>2</sup>. Агар тебраниш тезлиги ва амплитуда қулоч кенглиги маълум бўлса (бу параметрларни ВИП-2 асбоби ёрдамида аниқласа бўлади), унда тебраниш частотаси ва тезланиши куйидаги формула билан аниқланади.

$$f = \frac{V}{2\pi A}, \quad W = 4\pi^2 f^2 A \text{ м/сек}^2$$

$$\pi = 3,14$$

Худди шовқин каби тебранишнинг ҳам инсон қабул қила оладиган частота спектрлари мавжуд бўлиб, улар куйидагича изоҳланади.

1,2,4,8,16,32,63, 125, 250, 500, 1000,2000 гц.

Тебранишнинг тезлик даражаси — бу тебраниш бошланиши давридаги (хавфсиз) тезликни, энг юқори (хавфли бўлган) тезлигига бўлган нисбат логарифми билан характерланади ва у куйидаги формула билан ифодаланади.

$$L = 20 \lg \frac{V}{V_0} = 20 \lg \frac{V}{5 \cdot 10^{-8}}, \text{дБ}$$

$V$  — ҳақиқий ўртача квадратли тебраниш тезлигининг миқдори, м/с.

$V_0$  — тебраниш бошланиши давридаги тезланиши бўлиб, у  $5 \cdot 10^{-8}$  м/с га tengdir.

## **8.1. Шовқин ва тебранишга қарши курашиш усуллари**

Шовқин ва тебранишга қарши курашишни машина ва механизмлар, технологик жараёнларни лойиҳалашнинг дастлабки босқичларида бошлаш керак. Корхона бош пленини тузганда, албаттга шовқинга қарши баъзи чора-тадбирлар кўриб қўйилган бўлиши керак. Бунда асосий сершовқин цехларни бир жойга жойлаштириш, агар иложи бўлса, бундай цехларни ишлаб чиқариш майдонининг чекка томонларига жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Сершовқин цехларни бошқа цехлардан товуш ўтказмайдиган тўсиқлар билан ҳимоялаш керак. Цехларнинг эшик ва деразалари товуш ўтказмайдиган ёки камроқ ўтказадиган маҳсус материаллардан тайёрланган бўлиши зарур.

Шовқин ва тебранишга қарши курашишда технологик жараёнларни тўғри танлаш, яъни жараёнда иштирок этажётган машина ва механизмларнинг минимал куч билан ишлашини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Мослама ва механизмларни сифатли йиғиш, кузатиб бориш, тузатиш ишларини режали бажариш шовқиннинг камайишига олиб келади. Шу мақсадда амалий далиллар асосида ташкилий ва техник тадбирлар ишлаб чиқарилган. Улар қуйидагилардан иборат:

Технологик жараёндан сершовқин ва тебраниши кучли бўлган машина ва механизмларни чиқариб ташлаш, шовқин манбаси бўлган машина, қурилмаларни айрим хоналарга жойлаштириш, сершовқин цехларни алоҳида ажратиб жойлаштириш, кучли тебранишга эга бўлган сершовқин механизмларни узоқдан туриб бошқариш тизимини қўллаш, шахсий муҳофаза воситаларидан кенг фойдаланиш ва бошқалар.

Асосий техник тадбирларга қуйидагилар мисол бўла олади:

Тебранувчи механизмларнинг пойдевори асосий конструкция ва коммуникация тизимларидан ҳимоя қилинishi, тебранувчи механизм ва асос ўртасига эластик тўсиқ ўрнатиш, асос юзасини тебранишни ютувчи резина материаллар билан қоплаш, сершовқин машина ва механизмларнинг ҳаракатлантирувчи қисмларини товушини тўсадиган маҳсус филоф билан ҳимоялаш ва б.к.

Иш жойлари, асбоб-ускуналар ва қурилиш конструкцияларини машина механизмлар ҳосил қиласиган тебра-

ниш таъсиридан сақлашниң ижобий усулларидан бири тебранишнинг тўсиқлаш усулидир. Бу мақсадда механизм ва асос ўртасига эластик элемент ўрнатилади. Тебраниш «тўсиқлари», амортизаторлари пўлат пружина, резина ва бошқа эластик материаллардан тайёрланади. Пўлат пружинадан тайёрланган амортизаторлар узоқ вақт хизмат қилиши билан бирга юқори тебранишдан ҳимояланади. Аммо узоқ тебраниш энергиясининг тезда йўқолишини таъминлай олмайди. Шунинг учун ҳам пружина устига ўрнатилган механизмлардан тебраниш тезда сўнмайди, тебраниш маълум вақтгача давом этади. Бу айниқса резонанс режими бўлганда сезилади. Резинадан тайёрланган амортизаторлар пружина амортизаторларидан фарқ қилиб, ички ишқаланиш коэффициенти катта бўлганлиги сабабли тебранишни тезда сўндиради. Шунинг учун ҳам уларнинг бирга қўшиб ишлатиш фойдали деб ҳисобланади.

Шовқинни йўқотиш ва ундан сақланишда қўлланадиган турли тадбир-чоралар, масалан, ҳаракатланувчи қисмлар подшипниклари ҳолатини ўз вақтида текшириш, мойлаш, деталлар туташган жойларда бўшлиқ бўлмаслиги, зарба билан ишлайдиган қисмларни йўқотиш, айланувчи қисмларни мувофиқлаштириш, механизмларнинг қобиқлари ва тўсиқлари қурилмалари мустаҳкам ўрнатилганлигини текшириб туриш ишлаб чиқаришда катта аҳамиятга эга.

Саноат ишлаб чиқариш корхоналарида шовқин ва тебранишни ўлчаш, шароитни баҳолашда Ш-3, Ш-60, Ш-71, ИШВ-1, ВШВ-003, ВИП-2, ВИП-3М, ВМВ-201 каби турли хилдаги ўлчов асбобларидан фойдаланилади.

## 9 - б о б

### **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ НУРЛANIШИДАН ҲИМОЯ. РАДИОЧАСТОТА ДОИРАСИДА ЭЛЕКТРОМАГНИТ НУРЛANIШИДАН ҲИМОЯ**

Технологик жараёнлар (масалан, куритиш, иссиқ ҳолатда ишлаш, қайнатиш, экстракция, пишириш, ёпиш ва бошқалар) моддаларнинг иссиқ ҳолатини ўзгартириб, ўта юқори частотали энергия куввати қурилмаларида амалга оширилади. Ўта юқори частотали энергия куввати қурилмаларидан фойдаланиш термик ишлаш вақтини камайтириш имконини беради ҳамда маҳсулот, хом ашё

сифатини яхшилашга, кам чиқинди ёки чиқиндисиз жараённинг амалга оширилишига, меҳнат шароитининг яхшиланишига, иш жойларида иссиқлик нурланишининг ва ҳаво таркибида заарли газларнинг камайишига олиб келади. Кимё ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхоналаридан янги технологик жараёнларни амалга ошириш, шу жумладан юқори ва ўта юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш меҳнат муҳофазаси нуқтаи назаридан ишчиларни электромагнит нурланишдан ҳимоялаш каби қатор муаммоларни ҳал қилишни талаб этади.

Ўта юқори частотали (ўюч) майдоннинг инсонга таъсири электр ва магнит майдони кучланишига, оқим кувватига, тебраниш частотасига, тананинг қўлланадиган юзаси миқдорига, нурланиш вақтига ва организмнинг шахсий хусусиятларига боғлиқ.

Нурланишининг биологик хавфлилиги танага ўтган кувватнинг миқдори билан баҳоланади:

$$W = \alpha \cdot Sc$$

Бу ерда:  $W$ —жалб қилинган қувват, Вт

$\alpha$ —майдон қуввати зичлиги, Вт / $m^2$

$Sc$ —инсон танасининг самарали нур оладиган юзаси ўлчами. Ўта юқори частотали (ўюч) майдоннинг таъсири-чанлиги даражаси (одамга) нурланадиган тўқима терисида қон томирларининг мавжудлигига боғлиқ.

Тўқималарга ютилган (жалб қилинган) электр магнит майдони қуввати иссиқликка айланади. Қўшимча бу иссиқлик аввалига инсон танасидан иссиқлик бошқариш механизми орқали ташқарига чиқарилади. Лекин қувват  $\alpha > 10$  МВт/ $cm^2$  ошиши билан механизм ўз вазифасини бажармайди ва тана ҳарорати 15–20 минутда 1–2°C га ошиб кетади. Шундан сўнг қон оқимининг тезлашиши билан ҳарорати пасаяди. Ўта юқори частотали нурланишга қон томирлари бўлмаган тўқималар мойил бўлиб, бунда иссиқлик чиқариш жараёни содир бўлмайди. Бунга ошқозон-ичак тракти мисол бўлади. Нурланиш қайтмас ўзгаришларга олиб келиши мумкин, масалан кўз қорачиғининг хиралашиши содир бўлади. Электромагнит майдони таъсирида бир қатор тормозлаш жараёнлари намоён бўлади, яъни бош оғриш, ланжлик, ухлаш, тез чарчаш, лоҳаслик, ҳарорат кўтарилиши, қон таркибининг ўзгари-

ши, лейкоцитнинг ошиб кетиши, эритроцит миқдорининг камайиши, томир уришининг тезлашиши ва бошқалар. Мөхнат шароити яхшиланиб нурланишдан ҳимояланилса **ўюч-биологик таъсир** инсонда функционал чекланиш бўлишига олиб келмайди, танада қайтариладиган ўзгаришлар хусусияти сақланиб қолади.

## 9.1. Ўта юқори частотали (ЎЮЧ) нурланиш нормаси

Ўта юқори частотали тўлқин фазода тарқалиб ҳажм зичлиги ( $\text{Дж}/\text{м}^3$ ) бирлигидаги маълум миқдордаги энергияни олиб ўтади. Электромагнит тўлқин тарқалиш фаолияти манбагача бўлган масофа билан баҳоланди. Шунга қараб тўлқинли, дифракцияли, индукцияли зоналарга фарқланади. Манбадан  $R > \lambda/2n$  масофада тўлқинли зона мавжуд бўлиб, электрон ва магнит майдони бир-бiri билан универсал боғланишга эга, яъни  $E = 377 \text{ H}$  ( $E, H$  электрон ва магнит кучланиш).

Майдон югураётган тўлқинлар кўринишида тарқалади.

$R \leq \lambda/2t$  масофада тўлқин дифракцияси зонасига ўтади, энергия (кувват) тўлқин оқимида тарқалади.

Ўта юқори частотали қурилмаларда иш жойи тўлқинли ёки дифракция зонасида жойлашганлиги учун нурланиш оқим қуввати зичлиги йиғиндиси билан баҳоланди. Рухсат этиладиган нурланиш даражаси вақтга боғлик. Иш куни давомида нурланиш (даражаси) миқдори  $001 \text{ мВт}/\text{см}^2$ , 2 соатли нурланиш ишида  $01 \text{ мВт}/\text{см}^2$ , ҳимоя кўзойнаги билан  $15-20$  минут иш бажаришда нурланиш миқдори  $1 \text{ мВт}/\text{см}^2$  белгиланган.

Нурланиш бўлмаслиги учун белгиланган муддатда қурилмаларнинг иш қобилиятини текшириш нурланиш, миқдорини ўлчаб туриш ва назорат ўрнатиш талаб қилинади.

ЎЮЧ қурилмаларда ҳосил бўладиган майдон оқими энергиясининг вақт бирлигидаги ўртacha миқдори ПО-1, Медик, ВИМ-1, МЗ-1а, радар-тестеров, ГК7-14, ГК4-3А, ПЗ-13, ПЗ-9 каби ўлчов асбоблари ёрдамида олиб борилади. Нурланиш даражасини назорат қилиш учун индикатор (сигнализатор) П2-2 ўрнатилади.

Ўта юқори частотали (ЎЮЧ) нурланишдан ҳимоялаш учун ўюч — энергия зичлигини ва кучланишини камайтириш қурилма ва жойини тўсиқлаш—парда қўйиш, тех-

нологик жараённи бошқариш, қурилмаларни мақсадга мувофиқ ўрнатиш иш зонасида иш режимига риоя этиш, дам олиш, шахсий муҳофаза воситаларидан фойдаланиш, огоҳлантирувчи сигнал-воситалар ўрнатиш, қурилмада хавфсиз ишни таъминловчи мосламалар бўлишини таъминлаш каби тадбирлар амалга оширилади.

Вақти-вақти билан ишлайдиган ЎЮЧ печлар зарур вақтда бутунлай тўхтатиладиган, узиб қўйадиган (манбадан) мосламалар билан жиҳозланади. Печь эшиклариининг зичлиги ва пишиқлигини таъминлашда сиқилган ҳаво, электромагнитли восита ва сувдан фойдаланилади.

ЎЮЧ печларда маҳсулотларни иссиқ ҳолатда ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган сув буғи камерадан вентилятор ёрдамида чиқариб ташланади. Бунинг учун маълум узунликдаги думалоқ ва тўртбурчакли қувурлар ўрнатилади.

Қўлланиш манбай ва иш жойини тўсиш учун панжалар, ютувчи тўсиқ ўрнатилади.

Ишчиларни электромагнитли нурланишдан ҳимоялаш мақсадида нур йўлига маҳсус камера, шкаф, филоф, соябон кўринишидаги ерга уланган экран-пардалар ўрнатилади.

Экран-парда учун филоф каби ҳимоя воситалари сифатида радио частота тўлқинларини ютадиган материаллар қўлланади. Бу материаллар юпқа резина поёндоз, эгиладиган ёки қаттиқ паралон, толасимон ёғоч ва ферромагнитли пластинкадан тайёрланади, бажариладиган технологик жараён турига қараб ЎЮЧ-қурилма умуман бинода ёки алоҳида жойлаштирилиши мумкин.

Қуввати 30 КВт гача бўлган қурилма  $25 \text{ m}^2$  юзага, қуввати 30 КВт дан катта бўлган қурилма эса  $40 \text{ m}^2$  юзага жойлаштирилади. Тўсиқлари бўлмаган ЎЮЧ-қурилма қувватига қараб маҳсус хонага ўрнатилади.

Нурланиш таъсирини камайтириш учун девор қалинлиги ҳисобланади ва қўлланган қурилиш материалларини ютувчанлик хусусиятлари эътиборга олинади.

Инсон кўзини электромагнит нурланишдан ҳимоялаш учун маҳсус ОРЗ-5, ЗП5-90 хилдаги кўз ойнаклардан фойдаланиш тавсия этилади.

## **9.2. Ўта юқори частотали энергиядан ҳимояланишни ташкил қилиш чоралари**

Ўта юқори частотали қурилмаларда 18 ёшга тўлмаган ўшларнинг ишлашига рухсат берилмайди. Шунингдек, қон касаллиги, марказий нерв системаси, кўз касаллиги, актив хилдаги туберкулёз-ўпка касаллиги, нерв системаси фаолияти издан чиққан ҳолатдаги касаллик асорати сақланган инсонларни ҳам нурланиш бўлган иш жойларида меҳнат қилиши мумкин эмас.

Нурланиш қуввати  $10 \text{ мкВт}/\text{см}^2$  дан юқори бўлган қурилмаларда ишлайдиган ишчиларга меҳнат қонунчилиги асосида қисқартирилган иш куни белгиланиб, қўшимча меҳнат таътили берилади.

Нурланиш бўладиган ва таъсир этадиган қурилмалар билан боғлиқ ишларда ишлайдиган барча одамлар режаланган тиббий назоратга олинади ва уларнинг саломатлиги текшириб турилади.

Ўта юқори частотали қурилма жойлаштирилган бино хонаси ҳавосини алмаштириб туриш мақсадида вентиляторлар билан жиҳозланади. Юқори частотали қизиш бўлмаслиги учун вентилятор-мосламалари асбоцемент, текстолит, гетинакс каби нометалл материаллардан тайёрланади ёки қопланади.

## **9.3. Инфрақизил нурланишдан ҳимоя**

Озиқ-овқат ишлаб чиқариш корхоналарида ва бошқа жойларда ускуна-қурилма, материаллар асосида жараёнлар бажарилиши инфрақизил нурлар ажралиши билан боради. Қиздирилган ускуна, материал, юза, қувур ва алангя яқинида турган одамга инфрақизил нур таъсир этади. Иссик нурларнинг ютилиши туфайли одам танаси ҳарорати, бино девори, ёпмаси ва бошқа элементлари ҳарорати кўтарилади, натижада бино ички ҳарорати ўзгариб иш зonasи микроқлименини маълум даражада ёмонлаштиради. Бу, ўз навбатида, одам танасида морфологик ва функционал ўзгаришларга олиб келади.

Инфрақизил нурлар квант ва тўлқин хоссаларига эга бўлган материал заррачалар оқимини ифодалайди, тўлқин узунлиги 760 мкм дан 540 мкм гача чегарада мавжуд бўлиб, квант энергияси 0,0125—1,25 эВ атрофида.

Иссиқликнинг 60 % атроф-муҳитга инфрақизил нурланиш йўли билан тарқалади. Ҳар хил материалларнинг нурланиши қуйидаги тенглама билан ифодаланади:

$$E = \epsilon \cdot C_o \cdot (T/100)^4$$

Бу ерда:  $E$  – нурланиш, Вт/м<sup>2</sup>,  $C_o$  – коэффициент 5,67  
Вт/ м<sup>2</sup>·К<sup>4</sup>

$T$  – нурланадиган тана ҳарорати, К.

$\epsilon$  – қорайиш (нурланиш) даражаси.

Инфрақизил нурланишнинг одамга (иссиқ) таъсири самараси тўлқин узунлигига боғлиқ бўлиб, нур ўтиш чукурлиги асосида баҳоланади. Шу муносабат билан нурланиш ўнта қисмга бўлинган.

А қисмига тўлқин узунлиги 0,76–1,4 мкм бўлган ва терига кўпроқ ўта оладиган қисқа тўлқинли инфрақизил нурлар тааллуқли.

В қисмига инсон танасига жалб қилинадиган тўлқин узунлиги 1,4–3 мкм, С қисмига эса тўлқин узунлиги 3 мкмдан юқори бўлган нурлар киради. Қисқа тўлқинли инфрақизил нурларнинг шиддатли (тез) таъсиридан иссиқ уриши, яъни бош оғриши, бош айланиши, томир уриши тезлашиши, нафас олиш тезлашиши, хушини йўқотиши, ҳаракатнинг издан чиқиши, мия фаолиятининг бузилиши содир бўлади.

Узун тўлқинли инфрақизил нурлар таъсиридан одам марказий нерв, юрак-томир системасида ўзгариш бўлади, яъни томирнинг тез уриши, қон босимининг ўзгариши, тана ҳароратининг кўтарилиши, терлаш, ошқозон фаолиятининг бузилиши кузатилади. Иссиқлик – нурнинг доимий таъсиридан одамнинг шамоллаш қасаллигига мойиллиги ортади, толиқиши-чарчаши, эътиборнинг пасайиши сезилади.

Инфрақизил (иссиқ) нурланиш тезлиги актинометрлар, инфрақизил спектрометрлар ИКС-10, ИКС-12, ИКС-14 ёрдамида ўлчанади.

Инфрақизил нурланиш таъсиридан ҳимояланиш мақсадида иссиқ юзаларни тўсиқлаш, иссиқ нур тарқатувчи юзаларни совитиш, манбаларни пардалаш, ҳаво души ўрнатиш, мақсадга мувофиқ иш режимини ва дам олишини уюштириш усуслари, тадбирлари қўлланади.

СН 4088-86 га асосан бинолардаги ускуна ва қурилма юзаси ҳарорати 45°C дан ошмаслиги керак. Бунинг учун камроқ иссиқлик ўтказадиган турли материаллар (ҳимоя)

ниқоб сифатида ишлатилиши мүмкін. Бунда материалларнинг механик хоссалари, хусусияти, юқори ҳароратга чидамлилиги эътиборга олинади.

Танланган ҳимоя материали қалинлиги ҳисобланади ва ҳимоя учун кўлланади:

$$\text{б}_{\text{ҳимоя}} = \lambda_{\text{ҳимоя}} (1/k - 1/\alpha - b \text{ дев}/\lambda \text{ дев}), \text{ м}$$

Бу ерда: б — ҳимоя—ҳимоя қалинлиги,  $\lambda$  — ҳимоя қилувчи материалнинг иссиқлик ўтказиш коэффициенти ( $\text{Вт}/\text{м} \cdot ^\circ\text{C}$ ) қалинлиги (м), К — иссиқлик узатиш коэффициенти.

$\alpha$  — иссиқлик бериш коэффициенти ( $\text{Вт}/\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C}$ ) б дев,  $\lambda$  дев — ҳимояланадиган девор қалинлиги ва иссиқ ўтказиш коэффициенти ( $\text{Вт}/\text{м}^2 \cdot ^\circ\text{C}$ ).

## 10 - боб

### ЛАБОРАТОРИЯ ХОНАЛАРИГА БЎЛГАН ХАВФСИЗЛИК ТАЛАБЛАРИ

Лаборатория ва тажриба қурилмаларида бажариладиган ишлар ёнфинга, портлашга хавфли ёки заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш билан бажарилади. Шунинг учун цех, корхона марказий лабораторияси, марказий илмий-тадқиқот лабораторияси муҳим аҳамиятга эга. Чунки цех лабораториясида тадбиқ қилинган услублар асосида оралиқ ёки якуний назорат техникавий воситалар билан олиб борилади, маҳсулотта ёки модда хусусиятига холоса берилади.

Корхона марказий лабораториясида ва марказий илмий-тадқиқот лабораториясида эса текшириш услублари такомиллаштирилади, яъни асбоб-ускуналар ва услублар асосида янги маҳсулотлар, моддаларнинг хоссалари ва янги технологик жараёнлар ўрганилиб, уни қўллаш тавсия этилади. Бу ишларни бажаришда ўрганилмаган моддалардан фойдаланилганлиги сабабли шикастланиш, юқори даражада хавф ёки заҳарланиш содир бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳар куни хавфсизлик, санитария талаб ва қоидаларига алоҳида эътибор бериш талаб қилинади.

#### 10.1. Кимёвий лаборатория тузилишига қўйиладиган талаблар

Кимёвий лаборатория биноси ёнгин хавфлилиги бўйича СНИП-II-90-81, ОНТП 24-86 га асосан В категорияга

mansub. Baъzi iш binolari A kategoriyaiga taallukli бўлиб, бошқа laboratoriya binoсидан aloҳида ёки чекка қисмida ёки binonинг энг юқори қаватida жойлаширилади.

Laboratoriya binoси ўтга чидамлилик даражаси камиди II бўлган ёнмайдиган materialлардан қурилади, пол эса суюқлик ютмайдиган, ёнмайдиган ёки қийин ёнадиган metalли плитка, ксилолит, линолеум каби materialлар билан қопланади. Laboratoriya учун мўлжалланган engil алангаланадиган суюқликлар, заҳарли modдаларни сақлаш омборлари aloҳида қурилади. Kислота, reaktivlar сақланадиган кундалик харажат омборлари яқинроқ масофада жойлаширилади.

Cиқилган, суюлтирилган газлар билан тўлдирилган ballонлар laboratoriyaдан ташқарида, қуёш нуридан ҳимояланадиган, қишида иситиладиган ҳолатда сақланади.

Radioaktiv modдалар қўлланадиган, рентгенли ва юқори кучланишли laboratoriyaлар maxsus қоида-нормага binoan жиҳозланади, simob, brom, miшъяк, ўта заарли modдалар билан ишланадиган laboratoriya хонаси aloҳида жойлаширилади ва жиҳозланади.

Laboratoriyaга газ, сув ўтказиб бериш тармоқлари пўлат қувурлардан тайёрланади ва умумий ўчирадиган газ, сув жўмраклари билан таъминланади. Шит (ҳимоя ва tусик moslamalari билан) laboratoriyaдан ташқарида — йўлакларда ўрнатилади, сув, суюқлик қўйиш, канализация манбаида панжара ва ушлагичлар қўйилади.

Қолдиқ modдаларни йиғиш, жўнатиш учун сопол идиш қўйилади. Ёнадиган, ўювчан modдалар қолдиқларини канализацияга тўкиш ман этилади. Engil учувчан, заарли modдалар билан барча iшлар ҳаво сўриладиган шкафларда шахсий муҳофаза воситалари ёрдамида олиб борилади, ҳаво сўриш тезлиги 0,3—0,8 м/с бўлиши керак, умумий ҳаво алмаштириш даражаси 4—6, ўта заарли modдалар билан iшлашда эса 8—10 марта бўлиши керак. Ishning xususiyatiga қараб laboratoriya ёнфинга қарши воситалар билан жиҳозланади, ўтни ўчириш анжомлари maxsus жойларга қўйилади. Shuningdek laboratoriya binoси йўлагида ёнгин жўмраги, шланг ўрнатилади. Kислоталар, iшқорлар таъсиридан инсон танаси қувиши mumkin. Bu vaqtda kуйgan жойни тезлиқда ювиш учун iш жойига ўрнатилган сув жўмрагидан fойдаланиш керак. Shuningdek laboratoriya da дастлабки тиббий ёрдам бериш учун қўлланадиган aptechka бўлиши мақсадга мувофиқ.

## **10.2 Лабораторияларда ишлашни ташкил этишга қўйиладиган талаблар**

Агар лабораторияда иш тўғри ташкил этилган бўлса, хавфсизлик қоидаларига тўлиқ амал қилинса, заҳарланиш, куйиш, шикастланиш, ёнгин ва портлаш имконияти бўлмайди.

Юқоридагиларга жавобан физик-кимёвий текширишнинг замонавий усуллари билан кам миқдордаги хавфли моддалар учун микроанализ ўтказиш хавфли бўлмайди. Хавфли хусусиятни ҳисобга олиб, лаборатория учун хавфсизлик бўйича йўлланма-кўрсатма ишлаб чиқилади.

Лаборатория мудири, илмий ишнинг раҳбари томонидан кўрсатма тузилишида қуйидагилар, масалан, ишнинг тури, синтез ёки анализ хили, вазифани ёки илмий ишни бажариш йўли, қайта ишланадиган моддаларнинг руҳсат этиладиган максимал концентрацияси, эритмаларнинг концентрацияси, реактивларнинг тозалик даражаси ва қолдиқларнинг руҳсат этиладиган миқдори, ҳарорат, босим ва бошқа шартлар, ишни хавфсиз бажариш усуллари кўрсатилиши шарт.

Кўлланадиган моддалар миқдорий сифат белгиларига, хусусиятларига катта эътибор берилиши керак.

Ишни бажарувчи ходимлар кимёвий идиш, асблолар, кислоталар, ишқорлар енгил алгангаланувчи суюқликлар, газлар, шиша буюмлар-воситалар билан тўғри мулоқотда бўлишга ўргатилиши керак. Шунинг учун улар ишни хавфсиз бажаришга ўқитилади, билим даражаси вақти-вақти билан текшириб турилади, аттестациядан ўтказилади. Ута хавфли ишларнинг бажарилишида, авария ҳолатларида бир жойда камида икки киши бўлиши талаб қилинади. Ҳар бир бўлим, хавфли жой учун хавфсизлик техникаси масъул вакили (жавобгар шахс) тайинланади.

Барча хавфли ва хавфсиз моддалар номи, тозалиги, концентрацияси аниқ кўрсатилган ёрлиқ ёпиштирилган ёпиқ идишларда сақланиши тавсия этилади.

Ҳар бир сақланадиган маҳсулот, модда учун маҳсус жой (шкаф, папка, стеллаж) бўлиши ва рўйхат кўрсатилиши шарт. Вақтинча бўлса ҳам кимёвий маҳсулот, модда, қайта ишланаётган **синама** ювилаётган сувни, тугалланмаган ишнинг қолдиқларини белгисиз кўрсатилган жойда қолдириш ёки эътиборсизлик қўнгилсиз воқеаларга олиб келиши мумкин.

Енгил аланталанадиган моддалар лабораторияда бир ёки уч кунга етадиган миқдорда қалин деворли шиша идишларда сақланади. Идишлар ёнмайдиган материалдан тай-ёрланган ёпиқ кутиларга жойланади.

Тутунли азот кислотаси, бром, қўланса ҳидли моддалар ҳавоси доимий сўриладиган газ ва электрга боғланган шкафларда сақланади.

Кучли таъсир этувчи заҳарлар алоҳида бекиладиган, сўрғичланадиган кутиларда сақланади. Уларни тайинланган шахс назоратида берилади.

Заҳарли моддаларни бериш ҳисботи иш юритиш (улар билан) маҳсус қоидаларига риоя этиб амалга оширилади ва якунланади.

### 10.3 Шиша ва шиша (идишлари) аппаратлари ёрдамида иш бажарини

Кимёвий лаборатория идишлари, асбоблари ва кичик ҳажмдаги аппаратларни шишадан тай-ёрлашда эҳтиётсизлик, нотўғри иш юритиш шикастланишга олиб келади. Шунинг учун шишани қайта ишлаш, буюм ёки буюртма воситалар тай-ёрлаш жараённида белгиланган кўрсатмалар талабига амал қилинади.

Шиша буюмлар синиб кетмаслиги учун уни оловда тобланади ва иш қобилияти полярископ ёрдамида текширилади. Юпқа қатламли шиша идишлар—никнометрлар, бюксслар, колбалар маълум даражада босим остида ишлатилса, уларни текширилган ва пишиқ эксиқаторга жойлаштириш фойдалидир.

Вакуум, босим остида ишлатиладиган шиша идиш, асбоб, аппаратлар аввал текширилади, синалади. Шиша ёрилиб, унинг бўлакларидан шикастланишни олдини олиш мақсадида, буюм ёки аппарат металл тўр, поливинил хлорид тасмаси, жуда бўлмаса сочиқ билан ўралиши зарур.

Шиша қурилмалари идишларининг бўлинниб кетиш ҳолати бўладиган ишларда хавфсизликни таъминлаш учун ҳимоя пардалари — тўсиқлар металл тўрлар, қатламлар ўрнатилади. Қиздирилган шиша идишларининг оғзини совитмасдан, зич тўсиқ билан бекитиш мумкин эмас. Баъзи ҳолларда идишнинг оғзини очиш, шиша ёки резина тикинини олиш учун иссиқ сувда иситишга тўғри келади.

Концентрланган кислоталар, ишқорларни юпқа қатламли кимёвий идишларда сақлаш тавсия этилмайди.

Портлаш билан парчаланадиган моддаларни ампулаларга солиб бекитиш мумкин эмас. Шиша ампулаларга (одатда 50% ҳажмда) моддалар қайнаш ҳароратидан паст шароитда совитилиб солинади, бекитилади, сақланади ва металл патронларда қайта ишланади. Ампулани очиш учун у ердаги моддани қайнаш ҳароратидан паст миқдоргача совитилади.

Шиша асосида иш олиб бориш учун маҳсус устахона жиҳозланиши, ҳаво алмаштириш, ёритиш нормада бўлиши керак. Компрессор карбюратор алоҳида жойлаштирилади. Шиша буюмлари устахонасига тузатиш, ўзгартириш учун бериладиган барча восита қурилма, аппаратлар, идишлар кимёвий маҳсулотлардан тозаланган, ювилган ва қуритилган бўлиши керак. Шу жумладан янги буюм—мослама тайёрланиши учун талабга тўғри келадиган щиша турини таңлаш ҳам хавфсизликни таъминлашга ёрдам беради.

## 11-боб

### САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИНИ ТОЗАЛАШ

Атмосфера ҳавосини, сув ҳавзаларини тоза сақлаш инсон саломатлиги билан узвий боғлиқ бўлган муҳим вазифа ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ҳалқ ҳўжалигининг барча тармоқларига тааллуқли бўлган муҳим қонунлар қабул қилинган, тадбирлар ишлаб чиқилган. Келажакда атрофмуҳитни, табиат муҳофазасини яхшилаш, табиат бойликларидан унумли фойдаланиш ҳақида қарорлар қабул қилинган.

Заарли аралащмалар (газ, буғ, чанг) ни етарли даражада тозаламасдан туриб тартибли ёки тартибсиз усулда ташқи муҳитга чиқариш натижасида атмосфера ҳавоси ифлосланади. Ҳавонинг ифлосланиши ҳалқ ҳўжалигига катта зарар келтирмоқда. Инсон, ўсимликлар, ҳайвонларнинг касалланиши, иншоот ва қурилмаларнинг емирилиши, қимматли хомашёнинг сабабсиз исроф бўлиш ҳоллари сезилмоқда.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланишига олиб келадиган саноат корхоналари манбаларини икки гурӯҳга бўлиш мумкин. Ускуна-мослама, коммуникацияларни яхлит ёки пишиқмаслигидан, корхона майдонида газ, чанг ажратадиган ҳамда материалларни ташиш ва юклашни ёмон уюш-

тиришдан, хомашё ва маҳсулот омборларидан ва бошқа ишлаб чиқариш бўлимларидан тартибсиз ҳолатда газ, буғ, чанг чиқарадиган жойлар биринчи гуруҳга мисол бўлади.

Шамоллатиш тизими шахталари, тутун қувурлари орқали газ, тутун, буғларни тартибли равишда атмосферага ташланадиган жойлар иккинчи гуруҳга мансубдир.

Ҳавони ифлосланишига қарши курашишнинг фойдали усулларидан бири саноат корхоналарида технологик тадбирларни амалга оширишdir. Чиқинди, газ, буғ, чангларни ҳаводан ажратиш ва қайта ишлаш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, механизациялаш, ускуналарни пишиқ тайёрлаш, маҳсулотларни юклаш-тушириш ишларини такомиллаштириш, буғ ва чанг ажратадиган транспорт воситаларини, ускуналарни ўраш (тўсиқлаш) ана шундай технологик тадбирлардандир.

Атмосферага газ, буғ, чанг чиқишини чеклайдиган, ташқи муҳит тозалигини таъминлайдиган технологик жараёнларни уюстириш муҳим йўл ва вазифа ҳисобланади. Камроқ чиқинди ҳосил қиласидиган ёки чиқиндисиз технологиянинг ривожланиши уч йўл билан амалга оширилади:

1). Ишлаб чиқариш чиқиндилари бошқа янги корхона ишлаб чиқариш жараённида асосий қўшимча хомашё бўлади, чиқиндиларни ҳавога ташлашни камайтиради.

2). Физикавий, кимёвий жараёнларда янги усулларни тадбиқ қилиш ҳавога чиқиндиларни ташлашни камайтиради.

3). Технологик жараён, режимларни такомиллаштириш билан тайёрланадиган асосий ва оралиқ маҳсулотларнинг сифатининг яхшилайди, ишлаб чиқариш умумий даражасини бирмунча оширади.

Режали тадбирларни амалга ошириш атроф-муҳитни тоза бўлишида, чиқиндилар таъсирини камайишида катта аҳамиятга эгадир. Режали тадбирлар бўйича СН 245-71 га асосан саноат корхоналари аҳоли яшайдиган жойдан маълум масофа 50—1000 м да жойлашади. Санитар-ҳимоя оралиқ ободонлаштирилади, чунки ўсимликлар ҳавони янгилайди ва тозалайди.

Саноат корхоналарида олинадиган, ишлатиладиган органик бирикмалар, уларнинг ҳосилалари (карбон оксиди, олтингугурт водороди, сульфат ангидриди, азот, хлор оксиди, қурум, кислота, альдегидлар, эфирлар, спиртлар ва бошқалар) ва ноорганик бирикмалар чанглари заарли ҳисобланиб, атмосферани ифлослантиради.

## 11.1. Саноат газларини атмосферага чиқариш

Атмосферага ташланадиган заарли моддалар (газ, буғ, чанг) нинг миқдори ерга яқин қатlamда СН 245-71 да кўрсатилган йўл қўйса бўладиган концентрациядан (ЙКБК) ортиқ бўлмаслиги керак.

Атмосферанинг ифлосланиши модда концентрацияси — газнинг миқдорига, уни чиқариш баландлигига, шамолнинг йўналишига, тезлигига, жойнинг тузилишига ва ҳароратга боғлиқ. Газ чиқадиган қувур-мўри қанча баланд бўлса, ерга яқин атмосфера қатламида заарли модда миқдори шунча кам бўлади ва ифлосланиш зонасидан газни маълум масофага узоқлаштиради.

Чиқинди газларни аэродинамик зона чегарасидан юқорига ташлаш (қувурлар ёрдамида) корхонадан маълум олисликда тарқалиш ва тақсимланишга олиб келади. Бунинг учун газларни ҳаво оқими зонасидан юқорироқقا ташлаш ва жўнатиш мақсадида ўрнатиладиган мўрининг баландлиги бино томи ёпмаси қиррасидан камида 5м баланд бўлиши керак.

Қувурлар орқали газ ва чангларни чиқариш, тарқатиш жараёнини аниқлаш учун ҳисоблаш тенгламалари ишлаб чиқилган. Масалан, мўрининг баландлигига шамол тезлиги ( $m/s$ ) қийидаги тенгламадан топилади:

$$V = \phi \cdot V_0$$

Бу ерда:  $V$  — ҳаво тезлиги,  $m/сек.$ .

$\phi$  — шамол тезлигини баландлик бўйича ҳисобга олувчи коэффициент (1-1,65).

$V_0$  — 10 м баландликдаги ҳаво тезлиги,  $m/c.$

Газларни атмосферага чиқариш фойдали масофаси  $H=h+\Delta h$  та teng.

Бу ерда:  $h$  — мўрининг баландлиги,  $m$ ,  $\Delta h$  — газ оқимини қувурдан юқорилашиш масофаси ( $m$ ) бўлиб, қийидаги тенгламадан топилади:

$$\Delta h = 1.9 \cdot D \cdot W/\phi \cdot V_0$$

Бу ерда:  $D$  — қувур диаметри,  $m$ .

$W$  — газни қувурдан чиқиш тезлиги,  $m/сек.$

Газларни атмосферага чиқариш манбасидан газларни юқори концентрацияда бўлган жойгача масофа  $X=20$  Н га тенгдир.

Атмосфера ҳавосини ифлослантирадиган модданинг юқори концентрацияси  $C_{\max}$  қуидаги тенгламадан топилади.

$$C_{\max} = 94 \cdot G/V_o \cdot H^2, \text{ мг/м}^3$$

Бу ерда:  $G$  — атмосферага ташланадиган ифлос модданинг тезлиги, г/с .

Агар модданинг юқори концентрация миқдори аввалдан маълум бўлса, юқоридаги тенгламадан фойдаланиб чиқиндиларни ташлаш фойдали масофаси топилиши ва қанча  $X$  масофада тақсимланиши, ютилиши ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин.

## 11.2. Атмосферага чиқариб ташланадиган ҳаво аралашмаларини зарарли моддалардан тозалаш

Кўлланадиган технологик ва режали тадбирлар атмосферага чиқариб ташланадиган газларни аралаштириб йўл қўйиш мумкин бўлган концентрацияга олиб келмаса, унда корхона ходимлари ташландиқ газларни мажбурий тозалашга жалб қилинади.

Ҳавога чиқариб ташланадиган зарарли моддаларни тозалаш усуслари ҳар хил бўлиб, улар арлашманинг кимёвий таркибига, агрегат ҳолатига, ҳажмига боғлиқдир.

Кимё саноатининг кўпгина корхоналарида чиқариб ташланадиган газлар таркибидаги газ ёки буг ҳолатидаги зарарли аралашмалар абсорбция ва адсорбция усули билан тозаланади. Баъзи ҳолларда зарарли аралашмалар катализитик тўлиқ ёқиц билан карбон ангидридига айлантирилади.

Кўпгина ишлаб чиқаришларда кўлланиладиган заҳарли, ёнфинга ва портлашга ҳавфли органик эритувчиларнинг буғлари рекуперация усули билан ажратиб олинади. Бунда эритувчи буғлари бўлган ҳаво ютувчи қурилма орқали ўтказилиб, буғлар адсорбентлар ёрдамида ютилади. Эритувчи модда адсорбент ёрдамида регенерация қилинади. Сув буғи ва эритувчи аралашма совитилиб конденсацияланади ёки ректификация қилинади ва жўнатилиади.

Лак, олиф ишлаб чиқаришда ташлаб юбориладиган газ таркибидаги құланса, заарарлы моддалар (акролеин, альдегид, органик кислоталар) сувда ювиб ажратиласы. Ювилган сув эса кальций хлорид ёки кальций сульфиттинг ишқорли эритмаси ёрдамида қайта ишланади ва ундан ишлаб чиқаришда фойдаланылади.

Газларни олтингугурт бирималаридан тозалашда Тошкент кимё-технология институти олимлари томонидан тавсия этилган «Каталитик хемосорбция» усули бошқа усуллардан бир қанча афзаллуклари билан ажралиб туралди.

### **11.3 Саноатда газ чиқиндиларини олтингугурт диоксидидан тозалашнинг янги усули**

Техника ва транспорт, айниңа автотранспортнинг кенг күламда тараққий этиши қаттық, суюқ ва газ ёқилғилардан күплаб фойдаланиш имконини бермоқда. Ёқилғиларга бўлган талабнинг йилдан-йилга ортиб бориши уларни күплаб ишлаб чиқаришни ва улардан халқ, хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланишни тақозо этади. Сўнгги йигирма-ўтиз йиллар мобайнида нефтнинг олтингугурт бирималарига бой хили борган сари кўп қазиб чиқарилмоқда. Бундай нефтдан олинган маҳсулот (бензин, керосин, дизель ёнилғиси ва бошқа оғир фракциялар ҳамда мазут) ёнганда олтингугуртнинг органик ва анорганик бирималари ҳам олтингугурт диоксидига айланади. Оқибатда ўёниш газлари билан биргаликда атмосфера ҳавосини ифлослантиради.

Маълумки, атроф-муҳитни турли заарарлы моддалар билан ифлосланишдан муҳофаза қилиш муаммоси жаҳон миқёсида муҳим масалаларданadir. Маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда бир йилда 200 миллион тонна газлар билан бирга ҳаво океанига олтингугурт диоксида чиқарип ташланади.

Олтингугурт диоксида рангсиз газ бўлиб, ҳаводан оғирроқ. Шу сабабли у замини пастроқ жойларда кўпроқ йиғилиб қолади. Тутун ва бошқа газларга аралашган олтингугурт диоксида тутун трубаларининг паст-баландлиги ва шамолнинг тезлиги ҳамда кучига қараб 350—400 км гача тарқалиб кетади.

Ёмғир ва қорда эриган диоксид ерга тушиб, кун исиши билан яна ҳавога кўтарилиб кетади. Фақат тупроқдаги

моддалар билан кимёвий бирикма ҳосил қылғандагина, у ерда қолади. Демак, олтингугурт диоксиди ҳавога чиқарыб юборилганда ўзидан ўзи йўқ бўлиб кетмайди.


Кўпинча ҳавога чиқарыб юбориладиган чиқинди газлардаги олтингугурт диоксиди миқдори бир процентдан анча кам бўлади. Шу сабабли газларни тозалаш анча мушкул иш.

Ҳозирги пайтда турли мамлакатларда ҳар хил тозалаш усуллари қўлланилмоқда. Аммо уларнинг кўпчилиги лабораторияларда ёки кичикроқ қурилмаларда синааб кўрилган усуллардан нарига ўтмаётир. Бунга сабаб шуки, чиқинди газлар ҳаддан ташқари кўп бўлгани учун, олтингугурт диоксидини боғлаб олиб қолувчи сорбентлар ҳам жуда кўплаб талаб қилинади, улар оз вақт ичидага яроқсиз бўлиб қолади. Демак, ишлатилмоқчи бўлган сорбент жуда арzon, сероб ва шу билан бирга адсорбердан чиқарыб олинганда кейин фойдаланишга яроқли бўлиши тозалаш усулнинг кенг жорий қилинишига олиб келадиган сабабларнинг асосийларидан бири ҳисобланади.

Таркибида 0,65 фоиз олтингугурт диоксиди мавжуд бўлган саноат чиқинди газларини тозалаш учун қўрғошинли рудаларни бойитиш фабрикасининг чиқиндиси ишлатилади. Бунда чиқинди таркибидаги металл оксидлар газ таркибидаги олтингугурт диоксиди ва ҳаво кислороди билан реакцияга киришиб, металл сульфат ҳосил қиласади. Ҳосил бўлган металл сульфат қиздирилганда парчаланиб, яна металл оксидига айланади. Шу тарзда жараён кўп марта такрорланаверади. Металл сульфатлар парчалангандага ажralиб чиқадиган  $\text{SO}_2$  ва  $\text{SO}_3$  газлардан сульфат кислота ёки бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Одатда адсорбент донадор бўлиши керак. Лекин мазкур изланишда кон комбинатларида уюлиб ётадиган ва шу чоққача ишлатилмай келинган чиқиндилар ҳеч қандай бошқа ишлов берилмай ёки қўшимча майдаланмай адсорберга солинади. Қизифи шундаки, 100-200 мкж ўлчамигача майдалангандаги тош чиқинди адсорбернинг қуий томонидан газ берилганда учуб чиқиб кетиши ёки зич жойлашса, заррачалар орқали газ ўтмай қолиши мумкин.

Муаллифлар бунинг учун маҳсус адсорбер ясадилар (8-расмга қаранг). Бу адсорбернинг бошқа хил адсорблардан фарқи шундаки, унинг сорбент солинадиган галвирак тўсиги ёй шаклида ясалган.



8 - расм

Адсорбернинг умумий схемаси: 1-корпус; 2-чинни шарчалар;  
3-перфорцияланган ёйсимон таг

Адсорберга аввал диаметри 5—6 мм ли чинни шарчалар солинади, унинг устига куқун ҳолидаги сорбент солинади. Адсорбернинг қуий томонидан тозаланувчи газ берилганида ғалвирак тагидан ўтган газ чинни шарчалар (насадкалар)нинг ён томонидан таъсир этиб, уларни адсорбернинг ички деворидан марказ томон юмалатишга ҳаратқат қиласди.

Натижада газ билан сорбент орасида контакт ҳосил бўлади ва газ тозаланиб, осонгина чиқиб кетади.

Адсорбернинг бу хил тузилиши илгари маълум эмас эди. Унинг шу тарзда қурилганлиги газни тозалаш имконини берди.

Юқорида айтиб ўтилган кон чиқиндисидан фойдаланиб, саноат газларини олтингутурт диоксидидан тозалаш имкони туғилди. Бу усулда, газ битта адсорбердан ўтка-

зилганды газ таркибидеги олтингүгүрт диоксиди 0,34 фоиз, кетма-кет улаб иккита адсорбердан ўтказилганды 0,08-0,09 фоиз миқдорда қолади. Бунда тозаланиши керак бўлган газ миқдорига кўра кичик адсорберлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, муаллифлар тақлиф этган бу усул саноатнинг турли тармоқларида кенг жорий қилиниши мумкин.

#### **11.4. Газларни чангдан ва суюқлик заррачаларидан тозалаш**

Ҳаво ва газларни маҳсус ускуналар ёрдамида ҳар хил усул билан чанг, суюқлик заррачалари ва аралашмаларидан тозаланади. Тозалаш усулини қўллаш муаллақ ҳолатдаги заррачалар катталигига, тозалаш даражасига боғлиқ. Масалан, катталиги 15—20 мк бўлган заррачаларни дастлабки тозалашда механик чанг ушлагич ускуналар қўлланади. Яъни чангни чўқтирадиган камералар, инерцион чанг ушлагичлар, циклон ва мультициклонларда газ, ҳавони чангдан тозалаш ташқи механик куч ҳисобига амалга ошади.

Газ, ҳавони механик тозалашда қуруқ, ҳўл тозалаш ва фильтрация усули қўлланади. Кимё саноатида кўпроқ газларни механик қуруқ тозалаш усули ва қурилмалари ишлатилади.

Газларни ҳўллаш усули билан тозалашда муаллақ заррачалар суюқлик ёрдамида ювиш билан ажратилади. Заррачалар ҳўлланиб, оғирлаштирилади ва ушлаб олинади, сўнгра шлам кўринишида йўқотилади. Бунинг учун ҳўллаш камералари, сугориш қурилмалари, каскад ва насадкали скрубберлар, механик скрубберлар, кўпикли ускуналар, марказдан қочма усулли нам ушлагичлар ишлатилади.

Газларни чангдан ҳўллаш усули билан тозалаш ускуналарининг тузилиши содда ва фойдали коэффициенти юқори бўлганлиги учун саноатда кенг ишлатилмоқда. Катталиги 0,5 мк бўлган қаттиқ ёки суюқ заррачаларни газдан мутлақ ажратишда фильтрлар ишлатилади.

Газни катталиги 0,01 мк бўлган қаттиқ ёки суюқ заррачалардан тозалашда электрофильтр усули қўлланади. Бу усул анча хавфли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бундай хавфли ускуналардан фойдаланишда куйиш ёки заҳарланиш ҳодисаси содир бўлмаслигини таъминлаш мақсади-

да махсус ўқитилган, комиссия кўригидан ўтган, имтиҳон топшириб электр қурилмаларда ишлаш учун рухсат олган ишчиларгагина ишлашга йўл қўйилади.

## 11.5. Саноат корхоналарида сув таъминоти

Кимё саноати корхоналарида ишлаб чиқариш-техник хўжалик мақсадлар ва истеъмол, ёнгинни ўчириш учун кўп миқдорда сув сарф бўлади. Масалан, каучук ишлаб чиқариш учун бир соатда  $40000\text{ m}^3$ , бир тонна аммиак ишлаб чиқаришга  $800\text{ m}^3$ , бир тонна кальцийли сода олиш учун  $115\text{ m}^3$ , бир тонна сульфат кислота олиш учун  $70\text{ m}^3$ , бир тонна капрон олиш учун  $5000\text{ m}^3$ , бир тонна акрилонитрил олишга  $1960\text{ m}^3$ , бир тонна кимёвий тола олиш учун  $6000\text{ m}^3$ , бир тонна ацетил целялюзоза олиш учун  $2800\text{ m}^3$  сув ишлатилиши талаб қилинади.

Озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноати корхоналарида, масалан, 1 тонна этил спиртини маромли усулда олиш учун  $0,6\text{ m}^3$ , картошкадан олишга  $1,12\text{ m}^3$ , буғдойдан олишда  $1,01\text{ m}^3$  сув керак. Бир тонна вино маҳсулоти олишда  $1,14\text{ m}^3$ , конъяк учун  $1,47\text{ m}^3/\text{дл}$ , шампан виноси учун  $0,04\text{ m}^3/1\text{ шиша}$ , узум виноси учун  $0,05\text{ m}^3/\text{дл}$ , пиво олиш учун  $0,13\text{ m}^3/\text{дл}$ , 1 тонна солода учун  $13,13\text{ m}^3/\text{тонна}$ , алькоголсиз ичимликлар тайёрлашда  $0,05\text{ m}^3/\text{дл}$  сув керак бўлади.

Техник ва хўжалик мақсадлари учун ишлатиладиган сув юмшоқлиги, таркиби, биологик хусусияти ва чиришга қарши кўрсаткичи билан қўйилган талабларга жавоб бериши керак. Агар сув сифати талабга жавоб бермаса, ишлатилган сув қайта тозаланади. Сувнинг асосий қисми ишлаб чиқаришдаги ҳар хил жараёнларда ҳосил бўладиган иссиқлик миқдорини чиқариш-ютиш, сувда эрийдиган аралашмалардан ҳар хил моддаларни ювиб ажратиш ва бошқа мақсадлар учун сарф бўлади.

Ичимлик ва хўжалик мақсадлари учун керакли бўлган сув СН 245-71 талабларига жавоб бериши керак. Ичиш учун цехларда фонтанли сув тақсимлагичлар ўрнатилади ёки камида  $75\text{ м}$  масофада қайнатилган сув солинган жўмракли идишлар қўйилади. Иссиқ цехларда эса, бир сменада ҳар бир ишчи  $4—5$  литрдан тузли сув билан таъминланади.

Ишлаб чиқариш ва техник мақсадлар учун ишлатилган сув кимёвий усувлар билан тозаланади, тузсизлан-

тирилади, юмшатилади ва қайтадан ишлатишга юборилади.

Хўжалик ва ичишга мўлжалланган сув қувурларини ишлаб чиқариш, техник ва ёнфинга қарши мўлжалланган сув тармоқлари билан бирлаштириш ва ишлатиш қатъий ман қилинади. Шунингдек, сув тармоқларини қуришда сув сифатини ўзгартирмайдиган материалларни ишлатиш, СНиП 11-04.01.85 кўрсатмаларига амал қилиш талаб қилинади.

Цехларда ҳар бир кишига сарф бўладиган сув бир сменада 25—45 л, юваниш душидаги манбага 500 л, ҳар бир юваниш сув жўмраги учун 180—200 л дан ошмаслиги керак.

## 11.6. Канализация ва унга бўлган талаблар

Канализация икки хил туркумда бўлиб, ундан ишлаб чиқариш тизими ва технологик ускуналардан чиқариб ташланганини, оқувчи сувларни ташлашда фойдаланилади. Хўжалик-фекаль тизимига санитария-маиший бинолардан, кир ювиш хоналаридан, ошхоналардан, ҳожатхоналардан чиқариб ташланган сувлар тушади. Бу сувлар маҳсус станцияларда, суғориш далаларида тозаланади.

Канализация тизими қабул қилиш қурилмалари, канализация тармоқлари, ҳайдаш-узатиш станциялари, нейтраллаш, тозалаш ва бошқа қурилмалардан иборат.

Кимёвий корхоналарда канализация тизимини доимо назорат қилиб туриш ва улардан фойдаланишда СНиП 11-12.04.01-85, СНиП-2.04.03.85 га амал қилиш талаб қилинади, чунки оқувчи сувларга қўшилиб қолган заҳарли, ёнфинга ва портлашга хавфли моддалар турли жойларда йигилиб қолиши, қабул қилиш мосламалари орқали ишлаб чиқариш ва майший биноларга ўтиб кишиларни заҳарлаши ҳамда ёнгин ва портлашларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш ва хўжалик фекаль канализация тизимини бир-бирига қўшишга рухсат берилмайди.

Заҳарли моддалар даслабки нейтраллаш босқичидан ўтказилмасдан канализацияга ташланмайди. Ёнфинга, портлашга хавфли моддалар эса авария ҳолатида канализацияга ташланмай, мўлжалланган маҳсус авария сифимига ёки хом ашё омборига жўнатилиши керак.

Бино хоналарига хавфли газ ёки буғ ажралиб чиқиши мүмкін бўлган канализация тармоғи қабул қилиш мосламалари, гидравлик воситалар билан жиҳозланади. Шу жумладан, ёнғинга, портлашга хавфли ишлаб чиқаришларда ҳам фойдаланилайдиган канализация йўлида ҳар 150-200 м масофада кудуқларда гидравлик воситалар ўрнатилади.

### 11.7. Ифлосланган сувни тозалаш усуллари

Таркибида заҳарли органик, ноорганик моддалар, аралашмалар бўлган ифлосланган сувларни сув ҳавзаларига ташлаш ҳалқ хўжалигига, инсонларнинг саломатлигига катта заарар келтиради. Шунинг учун ҳам сув ҳавзаларини, саноатни ифлосланган сув оқимларидан муҳофаза қилишга давлат аҳамиятига эга бўлган иш деб қаралади.

Оқувчи сувлар шу даражагача тозаланиши керакки, улар таркибидаги ташланадиган моддалар миқдори (ҳавзадаги сув билан аралашганда) йўл қўйиш мүмкін бўлган чегара концентрациядан ошиб кетмаслиги керак.

Ташланадиган саноат оқова сувларини шартли равишида тоза ва кучли ифлосланган оқова сувларига бўлиш мүмкін. Кимёвий моддалар аралашмаган, фақат совутиш ёки иситишда қўлланадиган сувлар «шартли тоза» сувлар ҳисобланади. Бундай сувлар ишлаб чиқариш корхоналарида қайта такрорий ишлатилади.

Ишлаб чиқаришда техник мақсадлар учун ишлатила-диган сувлар ифлосланганлиги сабабли улар албатта тозаланиб, сўнгра табиий сув ҳавзаларига ташаланади. Сув ҳавзаларига ташланадиган ифлос сувни чеклаш мақсадида технологик жарабённи ўзгартириш, ишлаб чиқариш чиқиндиларидан қимматли маҳсулотлар олиш, сувдан қайта фойдаланишини ташкил этиш (ҳалқали), оқова сувларни турли усуллар билан тозалаш зарарли моддаларни оқувчи сувлар таркибига қўшилиб кетиши ва ифлосланишнинг олдини олишда қўлланадиган асосий усуллар ҳисобланади.

Саноат оқова сувлари икки—регенератив ва деструктив усул билан тозаланади. Регенератив усул билан тозалашда оқова сув таркибидан ифлослантирадиган моддалар сорбция, экстракция, эвапорация, коагуляция, флотация, ион алмаштириш каби турли физик-кимёвий йўллар билан ажратиб олинади.

Сорбцияда ифлосланган сув қаттиқ сорбент орқали ўtkазилади, натижада сорбент билан бирга ифлос модда

ҳам йўқотилади. Сорбент қайта ишланиб, яна сорбциялаш жараёнида кўлланади.

Экстракцияда сувда эрийдиган ифлос моддалар сувда эримайдиган экстрагент ёрдамида ажратиб олинади. Ифлос моддалар сувга нисбатан экстрагентда яхшироқ эрийди ва йўқотилади.

Эвапорацияда сувни ифлослайдиган учувчан моддалар 100 °C гача қиздирилган буғ орқали ўтказилиб, ҳайдалади ва моддалар ажратиб олинади.

Коагуляцияда ифлос моддалар сувга қўшиладиган коагулянтлар ёрдамида чўктириб ажратилади.

Флотацияда сув таркибидаги ифлос моддаларни суюқлик юзасига кўтариб, кўпик ҳолида ажратиб олинади.

Ион алмашишда эса сувда эриган ифлос моддалар қаттиқ, табиий ёки сунъий ионитлар ёрдамида ион ва катион ҳолида ажратиб олинади.

Сувни деструктив тозалаш кимёвий ва биоактив усул билан олиб борилади. Кимёвий усул билан тозалашда тозаланадиган сув таркибига уни ифлослантирадиган моддалар билан реакцияга киришадиган реагентлар қўшилади. Натижада оксидланиш-қайтарилиш жараёни содир бўлиб, ифлос заарарли моддалар янги ва заарарсиз бирикмаларга айлантирилади. Бу бирикмалар қисман чўкма ҳолида ёки газ ҳолатида ажралиб чиқади.

Сувни тозалайдиган, заарарсизлантирадиган якунловчи усул биологик усул бўлиб ҳисобланади. Биологик усул билан ифлосланган сувни тозалашда баъзи бир микроорганизмлар ёрдами билан органик моддалар таркиби бузилиб, сув ҳавзалари учун заарарсиз бўлган карбонат ангидриди, азот бирикмалари, заарарсиз норганик бирикмалар ҳосил қилинади. Микроорганизмларнинг фаолиятини яхшилаш, улар учун қулай шароит яратиш мақсадида тозалаш жараёни кетаётган жойга сув билан ҳаво ҳамда азотли моддалар юборилади.

**ІІІ КИСМ**  
**ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ**  
**АСОСЛАРИ**

**12 - б о б**

**КИМЁ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ БИНО,  
ИНШООТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲАСИНИ ТУЗИШ ВА  
ҚУРИЛИШГА БЎЛГАН МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ**

Корхоналарда хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, ёнғинга ва уни тарқалишига олиб келадиган сабабларни бартараф этиш корхона лойиҳасини сифатли тузиш ва қурилиш ишларига боғлиқ.

Корхона биноларини қуриш учун майдонни тўғри танлаш, уни режалаш, ўтга чидамли қурилиш материалларини танлаб ишлатиш, одамларни хавфсиз жойга чиқариш йўллари ва бошқа зарур мосламалар билан таъминлаш қурилиш норма ва қоидалари (СНиП 11-89-90, СНиП 2.02.04-87, СНиП 11-90-81, СНиП 11-2-80 КМК-2.01.03-96, КМК 2.01.01-94 ва б.к.)га асосан амалга оширилади. Бунинг учун саноат корхоналарини ёнғинга, портлашга хавфлилиги жиҳатидан гуруҳланиши (ОНТП-24-86, СНиП 11-89-80), ишлаб чиқаришни санитария жиҳатдан синфланиши (СН 245-71, СН 4088-86) ҳисобга олиниб, хавфсизлик билан боғлиқ бўлган барча масалалар фан ва техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда ҳал қилинади.

Лойиҳа тузиш, қурилиш ишлари маҳсус ташкилотлар томонидан тасдиқланади ва олиб борилади.

**12.1 Саноат корхоналарининг санитария  
жиҳатидан синфланиши**

Барча саноат корхоналари атмосферага чиқарадиган ишлаб чиқариш заарли чиқиндилари (газ, тутун, чанг ва б.к.) СН 245-71га асосан беш синфга бўлинади. Корхоналарни санитария жиҳатидан бўлинишида асосан бажарилаётган технологик жараён шартлари, ишлаб чиқариш ҳажми ва атмосферага чиқарилаётган заарли чиқиндиларни тозалаш тадбирлари ҳисобга олинади.

1-синфга азот билан боғланган ишлаб чиқариш (амиак, азот кислотаси, ўғитлар) хлорли, гидрохлорли

карбонводородлар, симоб, мишьяк, фосфор, карбон олтингутурти ишлаб чиқариш, куввати йилига 1000 тоннадан ортиқ бўлган бензол ва унинг эфири асосида анилин бўёқ саноати хом ашёси ишлаб чиқариш, нафталин ва антрацен асосида маҳсулот ишлаб чиқариш (2000 тоннадан зиёд), сульфитли ва бисульфитли усул билан целлюлоза ишлаб чиқариш, сунъий вискоза толаси, концентрангланган минерал ўғит, органик эритувчилар, ёғлар, сульфат кислота ва олиум, кальций карбиди, ацетилен, капролактам, нитрон толаси, сунъий каучук, сунъий этил спирти ишлаб чиқариш, циан тузлари, катализаторлар, синтетик полимер материаллар учун хом ашёлар, сунъий даволаш дорилари ишлаб чиқариш, нефтни, торфни, ёнувчи сланецни, тошкўмирни қайта ишлаш корхоналари ва бошқалар киради.

2-синфга мочевина, тиомочевина, аммиак, табиий смола, сунъий этил спирти, кальцийли сода (йилига 400000 тоннадан ортиқ), аммиакли, калийли, натрийли ва кальцийли селитра ишлаб чиқариш, бензол ва унинг эфири асосида анилин- бўёқ саноати учун хом ашё (1000 тоннадан кам) олиш, сунъий ва синтетик кимёвий толалар (капрон, лавсан, хлорин, винол, анид, энант) ишлаб чиқариш, сунъий чарм, нефть гази асосида полиэтилен, полипропилен олиш, йилига 300 тоннадан зиёд фенол-альдегидлар, полиэфирли, эпоксидли ва бошқа смолалар ишлаб чиқариш, целлюлоза эфири асосида пластик массалар, органик реактивлар, мураккаб эфирлар ишлаб чиқариш ва бошқалар киради.


3-синфга битум ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш, кальцийли сода (400000 тоннадан кам) олиш, натрий ишқори, минерал тузлар, пластик массалар (карболит, хлорвинил ва бошқалар), фенолальдегид смоласи асосида пресс материаллар ишлаб чиқариш, резина буюмларини вулканлаш, резина ва каучукни регенерациялаш, шиналар тайёрлаш, кремний органик лак, смола ва суюқликлар ишлаб чиқариш, пластификаторлар, винил ацетат, поливинилацетат, поливинил спирти ва эмульсияси, алифлар, антибиотиклар, йилига 300 тоннадан кам фенол-альдегид, полиэфир, полиамид, эпоксид ва бошқа сунъий смолалар ишлаб чиқариш ва бошқалар киради.

4-синфга тайёр целлюлозадан қофоз олиш, глицерин, совун тайёрлаш, молибден ва кобалт тузларини ишлаб чиқариш, йилига 100 тоннадан кам фенолальдегидли пресс материаллар тайёрлаш, органик эритувчилардан мустасно резина буюмлар ишлаб чиқариш, соатига 1000 куб

метргача нефть газини олиш, поливинил хлорид асосида сунъий чарм ишлаб чиқариш, минерал сунъий бўёклар, парфюмерия маҳсулотлари, прессли материаллар, синтетик смолалар ва пластик массалар асосида буюмлар, синтетик ювиш қукунлари ишлаб чиқариш ва бошқалар киради.

5-синфга карбон кислота ва қуруқ муз олиш, карбон олтингугурти иштирокисиз резинани вулканлаш, механик йўл билан синтетик смола, пластик массалардан буюмлар ишлаб чиқариш, сиқилган ва суюлтирилган водород, кислород олиш, картон ва қофоз ишлаб чиқариш ва бошқалар киради.

Атмосферага ҳар хил зарарли моддалар чиқарадиган корхоналар аҳоли яшайдиган туманга нисбатдан «шамол йўналиши» томонига жойлаштирилади. Муайян бир жойда эсувчи шамоллар йўналишини кўрсатадиган схемада ёки қурилиш қоидаси ва нормаси СНиП 2-01-01-83 асосида шу турар жой учун «шамол йўналиши» ва унинг кучини қайталаниб туриши ифодаланади. Тураржой иқлими шароити ҳақида хабар берувчи хизматчилар маълумотига асосан йил давомида эсаётган шамолнинг маълум кунлардаги йўналиши ҳисобланади ва чизилади. Бир йилдаги кунлар сони 100 фоиз деб қабул қилинади ва ҳар бир йўналишида шамол эсишининг қайталаниши фоизи ҳисобланади. Графикни тузиш учун айлана олинниб уни тенг 8 қисмга бўлинади ва унинг ўртаси координат боши деб қабул қилинади. Ихтиёрий қабул қилинган масштабда фоизда шамол эсишининг қайталаниши белгиланади. Ҳосил бўлган нұқталар ўзаро бирлаштирилади. Графикда ҳосил бўлган чўзинчоқ томон шамол эсишининг асосий йўналишини кўрсатади (9-расм). Кўрсатилган кунларнинг фоиз кўриниши куйидагича аниқланади:



Ш. — 58 кун — 16%
Ш.Ш. — 80 кун — 22,2%
ШАРҚ — 22 кун — 6,1%
Ж.Ш. — 18 кун — 5,0%
ЖАНУБ — 22 кун — 6,1%
Ж.Ф. — 18 кун — 5,0%
ФАРБ — 20 кун — 5,5%
Ш.Ф. — 122 кун — 31,3%

9 - расм. Шамол эсишининг қайталаниб туриш груфиғи.

360 — 100%

58 — X

$$X = \frac{58 \times 100}{360} = 16\%$$

Шамол йўналиши билан бир қаторда унинг кучи ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки ёнғин пайтида бир бинода содир бўлган ёнғин шамол орқали яқин турган бошқа бинога ўтиши мумкин. Шунинг учун юқорида кўрсатилган усулда чизма чизганда шамол кучининг микдори асос қилиб олинади. Бош лойиҳалашда «муайян бир жойда эсувчи шамоллар йўналишини кўрсатадиган схема» чизманинг юқори чап томонида чизилади ва шунга асосан ишлаб чиқариш хоналарининг кўндаланг ўқлари, яъни узун томонлари шамол эсишининг асосий йўналишига параллел ёки 45° да жойланади.

Аҳоли ва корхоналар орасида санитария-ҳимоя оралиқ (зона) бўлиши ҳисобга олинади. Бу масофа корхоналарни санитария жиҳатидан синфларга бўлинишига қараб, 1-синф учун 1000 м, 2-синф учун 500 м, 3-синф учун 300 м, 4-синф учун 100 м ва 5-синф учун 50 м бўлиши керак. Баъзи ҳолларда санитария ҳимоя оралиғи (зонаси) кенглиги Давлат санитария назорати инспекцияси талаби билан Давлат қурилиш қўмитаси билан келишилган ҳолда 3 марта гача кенгайтирилиши мумкин. Санитария-ҳимоя оралиғида заарарлиги бўйича фақат қўйи синфга тааллуқли корхоналар ва ёрдамчи бинолар (омбор, ошхона, гараж ва ҳ.к.) жойлаштирилиши мумкин.

Саноат корхоналарининг хавфсизлиги қурилиш учун жойни танлаш ва майдонда бино, қурилмаларни тўғри жойлаштирилишга боғлиқ. Жой танлаш ва корхона қурилиши аҳоли яшайдиган жой ва туман бош лойиҳасига асосланниб Давлат назорат ташкилотлари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Қурилиш майдони лойиҳаси, коммуникацияларни улаш, сув мосламалари, оқова сувларни тозалаш, атмосферага кераксиз моддаларни чиқариб юбориш тизимлари мосламалари ва бошқа масалалар мөҳнаткашларнинг маҳаллий кенгаши депутатлари, ижроия қўмитаси, Давлат санитария назорати, Давлат ёнғин назорати ва бошқа ташкилотлар билан келишилган ҳолда амалга оширилиши ке-

рак. Шу жумладан қурилиш майдони рельефи, геологик, гидрогоеологик тавсифномаси, сув таъминоти, ер ости суви баландлиги, туманга тааллуқли об-ҳаво маълумотлари ҳисобга олинади.

Корхона учун жой танлаш ва уни лойиҳалаш, қуришда қўшни корхоналарда бўладиган ёнғин, портлаш, зарарли чиқиндилардан ҳимоя қилиш чоралари ҳамда аҳоли яшайдиган жойда нормал шароит бўлишини таъминлаш масалалари аввалдан эътиборга олинган бўлиши керак.

## 12.2. Корхона бош лойиҳасини тузиш

Корхона бош лойиҳаси — мавжуд бўлган ва қуриладиган барча бино, иншоотлар, асосий йўл ва йўлаклар, кўкаламзорлаштириладиган майдон юзасини маълум масштабда ифодаланган чизмасидир.

Бош лойиҳани тузишда йўриқнома, қурилиш норма ва қоидалари (СНиП 11-89-80, СНиП 2.02.02-85, СНиП 2.02.04-87, ОНТП 24-86, СН 245-71, ГОСТ 21508) ва бошқа тасдиқланган норматив ҳужжатлар талабларига амал қилинади. Шунингдек, ишлаб чиқаришни санитария жиҳатдан синфларга, ёнғин ва портлашга нисбатдан гуруҳларга бўлиниши эътиборга олинади.

Лойиҳада корхонанинг ишчи кучи, сув, электр, хом ашё билан таъминлаш, темир йўл, сув йўли ва транспорт алоқаси, корхона жойлашган жойда «шамол йўналиши», ҳаво оқими тезлиги, шовқиндан ҳимоя, чиқиндиларни тозалаш ва бошқа омиллар ҳисобга олинади.

Барча бинолар, иншоотлар, омборлар ишлаб чиқариш белгиси, хавфлилиги ва иш режимига қараб маълум ма-софада зоналарда жойлаштирилади.

Аввало кимё саноати корхоналари лойиҳасини иқтисодий нуқтаи назаридан тўғри ҳал қилиш учун технологик ускуналарни йириклиштириш, ускуналарни ташки қурилмаларга жойлаштириш, бинолар ва иншоотлар орасида хавфсизлик бўшлигини қолдириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун корхона бош лойиҳасини тузишда техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин хавфсизлиги ва бошқа муҳим масалалар бирга ечилиши керак.

Ишлаб чиқариш бинолари баландлиги камида 3,2 м, айрим ускуна ва қурилмалар орасидаги масофа камида

1 м, ҳаракатланувчи қисмли ускуна ва қурилмалар учун масофа 1,5—2 м, ускуналар қатори орасидаги масофа камидан 2,5 м бўлиши керак. Заарли моддалар ажратиб чиқарадиган технологик ускуна очиқ майдонда ёки ҳимояланган бинода, шунингдек, шовқин ва тебраниш билан ишлайдиган ускуна ҳам алоҳида ёки ҳимояланган бинода жойлаштирилиши лозим.

Ёнгин тарқалишига қарши курашиш, ёнгинни ўчириш учун ташқи қурилмаларнинг кенглиги ва юзаси чегара-ланган бўлиши керак. Шунингдек, енгил алангаланадиган суюқликлар, суюлтирилган газлар сақланадиган сифимлар ҳажми ва сони имкони борича қисқартирилиб, ҳимояланадиган оралиқ омборларида сақланиши мумкин.

Корхона бош лойиҳасини тузишда корхона майдонида одамларнинг, юклар ва транспортнинг хавфсиз ҳарарат қилишини уюштиришга катта эътибор берилади. Бунинг учун корхона майдонида, бинолар олдида кенглиги камидан 6 м бўлган йўлкалар бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш бинолари, қурилмалари ва омборлари орасидаги ёнгин хавфсизлиги бўйича масофа СНиП 11-2-80, СНиП-2.01.02-85га асосан қурилма ва биноларни ўтга чидамлилик даражасини ҳисобга олиб 9 метрдан 18 метргача белгиланган.

### **12.3 Санитария-маиший хизмат кўрсатиш биноларига қўйиладиган талаблар**

Ҳар бир саноат корхонасида дам олиш, овқатланиш, уй ва иш кийимларини сақлаш, заарсизлантириш, туза-тиш, ювиш, ювениш ва бошқа маданий-санитария хизматлари учун мўлжаланган қўшимча бинолар, уйлар бўлиши керак. Ишчи ва хизматчиларнинг эҳтиёжлари учун мўлжалланган санитария-маиший хизмат кўрсатиш уйла-ри-хоналарининг таркиби, ҳажми СНиП 2.02.04-87, СН 245-71 нормаларига асосан аниқланади ва қурилади.

Маиший хизмат уйларини жойлаштириш ишлаб чиқа-риш жараёнларига, ёнгин ва портлашга хавфлилигига, санитария жиҳатидан ишлаб чиқаришнинг синфларга бўлинишига боғлиқ. Ёнгин, портлаш ва газ ажралиб чи-киш хавфи бўлган ишлаб чиқаришда маиший-хизмат уй-лари асосий бинолардан ажратилган бўлиши керак. Маи-ший биноларни иш жойига яқин масофада жойлашти-

риш (давлат санитария назорати билан келишилган ҳолда) мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришдаги заарли муҳитнинг таъсири бўлмаслиги учун майший хизмат уйлари алоҳида курилган бинога жойлаштирилади. Катта бўлмаган баъзи корхона цехларида эса, санитария-гигиена талабларига тўлиқ жавоб берадиган хоналар жойлаштирилиши мумкин (ҳожатхоналар, дам олиш хонаси ва бошқалар).

Гардероб хонасида иш ва кўча кийимлари очиқ, ёпиқ ёки аралаш усулдаги шкафларда сақланиши мумкин. Шкафлар сони сменада ишлаётган ишчиларнинг рўйхатига қараб белгиланади. Шкафлар қатори орасида ўтиргичлар бўлса 2 м, ўтиргичлар қўйилмаган бўлса 1,5 м бўлиши керак.

Ювениш хонаси кийим сақлаш хонаси билан бирга жойлаштирилади. Ҳар 3—15 кишига биттадан душ тармоғи ҳисобга олиниб уларнинг умумий сони 30 дан ошиб кетмаслиги керак. Шунингдек, кийим сақлаш хонасида қўшилган ҳолда шкафлардан 2 м масофада қўл ювиш учун жўмраклар ўрнатилади. Уларнинг сони 0,65 м масофада 5 ёки 8 та бўлиши мумкин.

Бинода жойлашган ҳожатхона ва иш жойи орасидаги масофа 75 м, корхона майдонида жойлашган ҳолда эса оралиқ масофа 150 м дан ошмаслиги керак.

Бинода жойлашган дам олиш хонасида ҳар бир ишчига 0,2 кв.м юза тўғри келиши, умумий юзаси 18 кв.м дан кам бўлмаслиги талаб қилинади. Чекиш хонасида эркаклар учун 0,2 кв.м, аёллар учун 0,1 кв.м юза белгиланган ва чекиш хонаси умумий юзаси камида 9 кв.м бўлади.

Бир сменада 250 дан зиёд ишчи меҳнат қилаётган корхоналарда ошхона бўлиши ҳисобга олиниши керак. Ишчилар сони 250 дан кам бўлган ҳолда уларни иссиқ овқат билан таъминлайдиган буфет бўлиши керак. Агар сменадаги ишчилар сони 30 кишидан кам бўлса, давлат санитария назорати ташкилоти билан келишилган ҳолда бинода овқатланиш хонаси бўлиши назарда тутилади.

Шунингдек, ишчилар сони 500 ва ундан кўпроқ, бўлган корхоналарда соғлиқни сақлаш-тибиёт бўлими бўлиши керак. Агар корхонадаги ишчилар сони 3000—4000 бўлса (I-категория) 3-4 шифокор, 2001—3000 ишчи бўлса (II-категория) 2 та шифокор, 1201—2000 ишчи бўлса,

1 та шифокор ва 500—1200 ишчи бўлса 1 та фелдшер улар учун тиббиёт бўлимида хизматда бўлади. Тиббиёт ва иш жойи орасидаги масофа 1000 м дан ортиқ бўлмаслиги ҳисобга олинади.

## 13-боб

### ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАР ХАВФСИЗЛИГИ

Кимё саноати ишлаб чиқаришида хавфсизликка илмий жиҳатдан ҳар томонлама чуқур ўрганилган, янги технологик жараёнларни хавфсиз шарт-шароитлари ифодаланган лойиҳа қарорларини тўғри татбиқ қилиш ва амалга ошириш билан эришилади. Бу вақтда, албатта, жараённинг бажарилишида хавфли ҳолат-вазиятга олиб келадиган омиллар ҳисобга олинади.

Технологик жараёнларнинг хавфсизлигини таъминлашда ишлаб чиқариш турини танлаш, хом ашё ва материалларнинг агрегат ҳолати, жараённинг физик-кимёвий шартлари, жараённинг даври, ускуналарни йифиш ва созлаш, иситиш ва совутиш турлари, технологик регламентга риоя этиш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, жараённинг хавфсизлигини таъминлашда ишчиларни касб бўйича танлаш ва уларни ўқитиш, шахсий муҳофаза воситаларини қўллаш зарур.

Технологик жараёнлар атроф-муҳитга хавф туғдирмайдиган, ёнгин ва портлашга нисбатан хавфсиз бўлиши керак. Технологик жараёнларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- саломатлик учун заарали бўлган жараёнларни хавфсиз турларига алмаштириш;
- заарали, ёнадиган, портрайдиган моддаларни хавфсиз турига алмаштириш;
- заарали ва хавфли вазият мавжуд бўлган технологик жараёнларда механизациялаш, автоматлаштириш, узоқдан бошқариш усусларини қўллаш;
- ускуна-жиҳозлар пишиқлигини таъминлаш;
- ишчиларни ҳимоялаш, ускуналарни тўхтатиш мақсадида текшириш ва бошқариш тизимларини қўллаш;
- ишлаб чиқаришнинг хавфли ва заарали ҳолати ҳақида ўз вақтида маълумот олиш;
- хавфли, заарали бўлган ишлаб чиқариш чиқиндиларини йўқотиш, заарасизлантириш;

- ишчиларнинг ҳимоя воситаларидан фойдаланишлари;
- бир хил ва чарчашга олиб келадиган меҳнатда дам олишни, меҳнатни муқобил уюштириш.

Юқоридаги тадбирларнинг баъзиларини технологик жараёнларда фойдали бўладиган томонларини кўриб чиқамиз:

1. Ускуна, жиҳозларни пишиқ, герметик, ёпиқ ҳолда бўлиши, муҳитга зарарли моддалар чиқарадиган ускуналарни ҳимоя воситалари билан таъминлаш, ишчиларни зарарли моддалар билан очиқ муносабатда бўлиши ва ишлашини камайтиради.

2. Хавфли бўлган қаттиқ моддаларни эритма, суспензия, қорищма ҳолатида узатиш жараён хавфсизлигини таъминлайди, шунингдек, тўкиладиган кукунсимон моддаларни нам ҳолатда майдалаш ёки эритма, паста кўринишида қайта ишлаш фойдалиdir.

3. Ёнғин ва портлашга хавфли моддалар таркибига инерт қўшимчалар флегматизаторлар қўшиш жараён хавфсизлигини таъминлайди.

4. Технологик жараённи механизациялац инсонни оғир меҳнатдан, чарчашдан, зарарли моддалар билан тўқнашишдан халос этади.

5. Жараёнларни автоматлаштириш замонавий янги техникани қўллаш усусларидан бири бўлиб, муҳим экологик ва ижтимоий аҳамиятга эгадир. Уни қўллаш натижасида ишлаб чиқаришда ажралиб чиқадиган зарарли газ, чанг, буғ миқдори камаяди, зарарли муҳитда қўл меҳнатини чеклайди. Технологик жараёнларни автоматлаштиришда автоматик назорат-текшириш, дарак бериш, ҳимоя ва тўсиқлаш, бошқариш ва тўғрилаш воситаларидан фойдаланилади. Ишлаб чиқаришда инсон меҳнатини енгиллаштирадиган узокдан туриб бошқаришнинг беш тури — механик, пневматик, гидравлик, электрик ва комплекс хили кенг қўлланади.

6. Ускуналарнинг герметиклигини таъминлаш учун турли пишиқловчи қисмлар, тиқимлардан фойдаланилади. Натижада ҳавога зарарли (газ, буғ, чанг) моддаларнинг чиқиши чекланади. Шунингдек, босим муҳити, ҳарорат миқдори ва ҳаракат тезлиги маълум ҳажмда барқарор бўлиши таъминланади.

### **13.1 Технологик жараённинг хавфсизлигини таъминлашда автоматлаштиришнинг роли**

Ҳар қандай ишлаб чиқариш корхонасининг асосини олдиндан ишлаб чиқилган, амалда синаб кўрилган технологик жараён ташкил қиласди. Технологик жараён нормал ҳолатни ушлаб турадиган параметрлар билан аниқланади. Технологик параметрлар деб ўлчанадиган миқдор, модданинг ҳолати, унинг реакцион қобилиятини аниқлашга айтилади. Мисол учун буларга аппаратга тушаётган ва чиқаётган моддаларнинг ҳарорати, концентрацияси, қаттиқ материалларнинг таркиби, дисперсиялиги, суюқ ва газ ҳолатдаги маҳсулотларнинг босими, тушаётган моддаларнинг ҳаракат тезлиги кабилар киради.

Ҳозирги замон кимёвий технологик жараёнлар анча мураккабdir. Унда ҳар хил ўта заҳарли физик, кимёвий хусусиятларга эга моддаларга бардош бера оладиган асбоб-ускуналар ишлатилади.

Саноатда узлукли технологик жараёнларни узлуксизга ўтказиш замон талабидир. Бу, ўз навбатида, аппаратларнинг сонини камайтиришга ва уларнинг умумий зичлик даражасини оширишга олиб келади. Узлуксиз технологик жараёнлар фақат иш унумдорлигини оширибгина қолмасдан, балки меҳнат шароитини ҳам яхшилайди. Ҳар сафар ҳом ашёни юклаш, тайёр маҳсулотни тушириш, шу билан бирга инсонларни ва атмосферани заҳарли газ ва буғлардан ҳимоя қиласди.

Технологик жараённи автоматлаштириш — бу автоматик текшириш, бошқариш, ҳимоялаш, тўсиқлаш, режимга солиш ва сигнализациядир. Маълумки, белгиланган технологик параметрлар — идишдаги маҳсулотнинг сатҳи, ҳарорати, босими, концентрацияси ва аралашма нисбатининг ўзгариши ишлаб чиқаришда ёнғин, портлаш ва аварияларга олиб келиши мумкин. Масалан, нейтраллаш, хлорлаш, сульфатлаш жараёнлари ва органик бирикмаларнинг хавфсизлиги — бу аралашувчи моддаларнинг тўғри тақсимланиши, узлуксиз аралашиши ва белгиланган ҳароратда ушлаб туришдан иборатdir.

Юклашнинг бир маромда амалга оширилмаслиги, совutiш ва аралаштириш ишлари етарли даражада бўлмаганлиги юқори концентрацияли ва ҳароратли маҳаллий зоналарнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиб, бунда ҳом ашё-

нинг шиддатли оксидланиши, кўп миқдордаги ҳар хил қўшимча газли маҳсулотларнинг ҳосил бўлиши билан кузатилади ва портлашга олиб келади.

Кўпгина саноат корхоналарида жараён давомида кимёвий реакциялар натижасида кўп миқдорда иссиқлик ажралиб чиқади. Адсорбция, эритиш, нейтраллаш, галогенлаштириш, алкилланиш, ишқорий эритиш, сульфидлаш, полимерлаш, оксидлаш ва бошқалар шу каби жараёнларга мисол бўла олади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган жараёнларда кўпгина реакциялар натижасида ҳосил бўладиган ортиқча иссиқлик ташқи муҳитга етарли даражада чиқарилмаса ёнгин ва портлаш содир бўлиши мумкин.

Жараёнда қатнашувчи ва бу жараённинг маҳсулотлари кўпгина ҳолларда енгил алангаланувчи, ёнувчи суюқлик, газ ёки юқори ҳароратларда шиддатли бирлашадиган моддалардир.

Турли жараёнларнинг технологик параметрлари чегаравий кўрсаткичларининг автоматик кузатилиши сигнализацияси, ҳимояси ва бошқарилиши ускуналарнинг хавфсиз ва кафолатли ишлатилишидан, аппаратларнинг қизиб, куйиб кетишидан, юқори босим таъсирида ёрилиб кетишидан, маҳсулотни ташқарига чиқишидан, аппаратнинг ва хонанинг ичидаги портловчи концентрацияларнинг ҳосил бўлишидан ўз вақтида хабар бериб, бу нуқсонларни бартараф қилинишини таъминлайди.

**Автоматик назорат асбоблари** технологик жараён параметрларини кузатади ва жараён бузилишидан огоҳлантиради. Бунда меҳнат хавфсизлиги таъминланиб, ишчи ходимларга технологик жараён бузилишининг ўз вақтида оддини олиш чора-тадбирларини амалга оширишлари учун шароит яратиб беради. Саноатда асосан уч хил технологик хабар берувчи мосламалар(сигнализация) кенг жорий этилган. Булар назоратловчи, огоҳлантирувчи ва бузилишдан хабар берувчи (аварияли) мосламалардир.

Назорат қилувчи ва хабар берувчи мослама айрим асбоб-ускуналарнинг ишлаб туриши, тўхтатилиши ва коммуникацияларда тикилиб қолиш ҳолатидан вақтида хабардор бўлиш учун ишлатилади.

**Огоҳлантирувчи ва хабар берувчи мослама** технологик жараёнлардаги параметрларнинг белгиланган миқдори, ўзгариши ва бу ёнгин ҳамда портлашга олиб келиши тўғри-

сида ишчи-ходимларга автоматик хабар бериш воситаси сифатида ишлатилади.

Ишлаб чиқариш хоналарида заҳарли ва портловчи газлар пайдо бўлганда огоҳлантирувчи ва хабар берувчи мосламаларнинг аҳамияти жуда катта. Огоҳлантирувчи ва хабар берувчи мосламаларнинг тузилиши мустақил ҳаркатловчи ёки автоматик назорат, ҳимоя, бошқарув, созловчи асбобларга боғланган бўлиши мумкин.

**Бузилишдан** (авариядан) **хабар берувчи мослама** хизматчиларга асбоб-ускунанинг бузилиб қолганлиги тўғрисида хабар беради. Одатда бузилишдан хабар берувчи мосламанинг тузилиши ҳимоя ва тўсиқлаш тизимлари билан боғланган бўлади. Бузилишдан хабар берувчи мосламаларга маҳсус автоматик ёнғиндан хабар берувчи мослама ҳам киради.

Автоматик ҳимоя асбоблари фақатгина хавфли вазијатдан хабар берибина қолмай, иш жараёнида юзага келган баъзи бир параметрларнинг ўзгариши сезилганда ҳам жараённи қисман ёки бутундай тўхтатади, хом ашё ёки иссиқлик берилишини тўхтатади, ортиқча газ ва бувларни атмосферага ҳайдайди ва портлаш, ёниш, бузилиш каби жараёнларнинг олдини олади. Шундай қилиб бу асбоблар технологик жараённи бошқармасада, инсон иштирокисиз параметрларни критик ҳолатдан чиқишига ёрдам беради. Автоматик ҳимоя асбоблари кўпгина технологик параметрларнинг критик ва меъёрий миқдорига мосланган автоматик хабар берувчи мосламалар билан бирлаштирилади.

Бу асбоблар электр машина ва симларнинг қисқа туташувини, ортиқча кучланишини, компрессор қурилмаларининг қизиб кетиши ва босимининг ошишини, технологик асбобларни ёнувчи суюқликлар билан тўлиб кетишини, хона ва аппаратларда портловчи концентрациялар вужудга келишининг олдини олиш мақсадида кенг миқёсда ишлатилади.

**Автоматик тўсиқлаш** — автоматик ҳимоянинг асосий хилларидан бири бўлиб, бу машина ва аппаратларнинг нотўғри, бевақт уланиши ва ўчирилиши натижасида вужудга келадиган ёнғин, портлаш ва бузилишдан огоҳлантириш учун хизмат қиласи.

Автоматик тўсиқлаш технологик қурилмаларда портловчи концентрациялар, ишлаб чиқариш корхоналарида

эса заҳарли ва портловчи газ ва буғларнинг вужудга келишидан огоҳлантирувчи восита сифатида қўлланилади.

**Автоматик бошқарув** — ускуна ёки мослама жиҳозларини ишга туширади, тўхтатиш, тормозлаш, йўналишини ўзгартиради ва олдиндан белгиланган дастур асосида ҳар бир айрим ишларнинг кетма-кетлигини таъминлайди. Бунда инсоннинг роли фақатгина жараённи ишга туширишдан иборатдир.

Автоматик бошқарув қўшимча масофадан туриб бошқариш бўлиб, бу асбоб-ускунанинг келишилган ва хавфсиз ишлашини, талаб даражадаги хавфсизликни, шу билан бирга ёнгин хавфсизлигини таъминлайди.

## 13.2 Технологик регламент

**Технологик регламент** — технологик жараёнлар хавфсизлигини таъминловчи асосдир.

Технологик регламент юқори ташкилот ёки корхона раҳбари томонидан тасдиқланади. Корхона раҳбари замонавий техник назорат ва автоматик тўғрилаш, бошқариш воситаларини қўллаб жараёнлар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида технологик регламентга риоя этилишига эришиши керак. Технологик регламент таркиби куйидаги бўлимлардан иборат:

- 1) ишлаб чиқаришнинг умумий тавсифномаси;
- 2) тайёрланадиган маҳсулот тавсифномаси;
- 3) хом ашё, материаллар тавсифномалари;
- 4) технологик жараённинг мазмуни баёни;
- 5) технологик режим нормалари;
- 6) бир йилда хом ашё ва энергия сарфлаш нормалари;
- 7) ишлаб чиқариш назорати;
- 8) жараён бажарилишидаги хавфсизлик қоидалари;
- 9) моддий баланс;
- 10) қатъий риоя этиладиган йўлланмалар;
- 11) ишлаб чиқариш чиқиндилари, оқава сувлар, атмосферага моддалар ташлаш;
- 12) ишлаб чиқариш технологик схемаси;
- 13) йўл қўйиш мумкин бўлган носозликлар, уларнинг сабаблари ва йўқ қилиш усувлари;
- 14) асосий технологик ускуна ва жиҳозлар таърифи.

Технологик жараёнлар хавфсизлигини таъминлашда муҳандислик-техникавий воситалар қўлланади, яъни тў-

сиқловчи ва ҳимояловчи мосламалар ишлатилади. Тўсиқловчи мосламалар вақтинча, доимий, кўчириладиган, ҳаракатланмайдиган, яхлит, тўрсимон, очиладиган ҳолатда мавжуд.

Ҳимояловчи мосламалар технологик ускуналарни ишдан чиқиши ва авария ҳолатидан огоҳлантириш учун қўлланади. Улар механик, электрик ва аралаш турда мавжуд бўлади.

Ишлаб чиқаришда хавфсизликни тъминлаш учун нурёуғликка, товушга, рангга асосланган даракчилар ва турли кўрсаткичлар кенг қўлланади.

Хавфсизлик белгилари ГОСТ 12.4.026-86 га асосан тақиқловчи, огоҳлантирувчи, рухсат этувчи ва кўрсатувчи хилларда мавжуд бўлиб, улар зарур бўлганда белгиланган жойларда ўрнатилади.

## 14-боб

### ТЕХНОЛОГИК УСКУНА, МОСЛАМА, ҚУРИЛМА—АППАРАТЛАРНИНГ ХАВФСИЗЛИГИ

Саноат корхоналарида мўлжалланган ишларни, технологик жараёнларни бажариб, талабга мос келадиган маҳсулот ва моддалар олишда бир неча турдаги универсал, маҳсус, асосий ва қўшимча асбоб-ускуналардан фойдаланилади. Уларга насослар, компрессорлар, шамоллатгич (вентилятор)лар, центрифуга, қуритиш қурилмаси, экстракторлар, сепараторлар, газни ва чангни тозалаш ускуналари, транспорт воситалари, иссиқ алмаштиргичлар, ректификация колонналари, абсорберлар, каландрлар, грануляторлар, хлораторлар, сублиматорлар, пресслар, вальцлар, реакторлар, контакт аппаратлари, синтез колонналари, конвекторлар, сифим, идиш, сақлагичлар ва бошқалар мисол бўлади.

Саноатда қўлланадиган замонавий ускуналарни яратиш ва қўллашда умумий хавфсизлик йўлланмаси сифатида унификация, жадаллаштириш, кам қувват сарфлаш, эргономика, йириклиштириш, ишончлиликтни ошириш омиллари ҳисобга олинади, шунингдек, ускуналарга инсон хусусиятларини, фаолиятини ифодалайдиган антропометрик, психофизиологик, психологик, гигиеник талаблар қўйилади. Талаблар ГОСТ 12.2.032-78, ССБТ, ГОСТ 12.2.033-78, ГОСТ 12.2.049-80 га асосланиши лозим.

Ускуна, мослама-аппаратларнинг ишончлилик даражасини ошириш, баҳолаш, шунингдек бўладиган авария ва шикастланишдан огоҳлантириша ишлатиладиган металл-қотишмаларнинг механик пишиқлиги, иссиқлик таъсирiga, чиришга чидамлилиги ҳисобга олинади.

Механик пишиқлик материалларни, қисмларни, қурилмаларни ташқи куч таъсирида бузилишга бўлган қаршилик қобилияти билан ифодаланади. Пишиқлик, оқувчанлик чегараси, урилиш, қовушқоқлик, механик пишиқликнинг асосий кўрсаткичлари бўлиб ҳисобланади. Барча ускуналарнинг пишиқлигини баҳолашда захира коэффициентидан фойдаланилади.

Материалларнинг иссиқликка чидамлилиги уларнинг юқори ҳароратда ташқи механик куч таъсирида бузилишга бўладиган қаршилиги билан ифодаланади. Металларни тоблаш, таркибига бошқа қотишма материаллар (хром, вольфрам ва х.к.) қўшиш ва термик қайта ишлаш билан унинг пишиқлиги оширилади. Технологик ускуна-аппаратлар пишиқлигини таъминлаш, авария содир бўлмаслиги уларни тайёрлаш учун материалларни, шаклларини тўғри танлашга, қисмлар юзасини сифатли қайта ишлашга боғлиқ.

Тайёрланган ҳар бир ускуна, идиш, аппарат ишга туширилишидан аввал тўлиқ техник кўриқдан ўтказилади. Бунинг учун дефектоскопия усулларидан фойдаланилади. Чокларнинг сифати, механик пишиқлиги текширилганидан сўнг фойдаланишга рухсат берилади.

Идиш ва қурилмаларнинг ташқи томони бир йилда бир марта кўриб чиқилади. Чўзилиш, букилиш ва қовушқоқликка синалади. Материаллар ва идишларнинг баъзи қисмлари рентген ва гамма нурлари билан текширилади. Уланган жойларнинг зичлиги, мустаҳкамлиги сув ёрдамида синааб кўрилади.

Баъзи ҳолларда аппарат, ускуна қобиғида ташқи куч таъсирида вужудга келадиган ҳақиқий чўзилиш, сиқилиш кучланишни ва хавфсизлик даражасини аниқлашда механик ва электр тензометрлардан фойдаланилади. Саноатда кўлланадиган ускуна ва аппаратларнинг барчаси хавфсизликни таъминлаш мақсадида ГОСТ 12.2.003-79 ССБТ талабларига тўлиқ жавоб бериши керак.

Технологик ускуна, мослама, аппаратларнинг хавфсиз ишлатилишида, ишчиларни шикастланишдан сақлашда куйидаги умумий тадбир-чоралар кўрилиши зарур:

- 1) ускуна, аппарат таркибидаги қисмлар хавф турди-радиган даражада шикастланган бўлмаслиги;
- 2) ускуна, қурилма тайёрлаш учун кўлланадиган материал хавфли ва заарли бўлмаслиги;
- 3) ҳаракатланувчи ва хавфли қисмларни тўсиқлаш;
- 4) ускуна, аппаратнинг тўлиқ кўринишида ўткир қиралар, бўртиқлар, нотекис юзалар бўлмаслиги;
- 5) ишчиларнинг иссиқ ёки совуқ қисмларга тўсатдан, фавқулодда тегиши шароити бўлмаслиги;
- 6) ускуна, аппаратларни қулай, хавфсиз йўлак, воситалар билан таъминлаш;
- 7) маҳаллий ёритилишни тўлиқ таъминлаш;
- 8) ускуналарни уларга электр токини узатишни узиб кўядиган воситалар билан таъминлаш;
- 9) электр токи ёрдамида шикастланишдан ҳимоялаш;
- 10) шовқин, тебраниш, ультра товушнинг нормадан ошиб кетмаслигини таъминлаш;
- 11) хом ашё, маҳсулотни юклаш, тушириш, ташиш жараёнини механизациялаш;
- 12) босим остида бажариладиган ишларда кичикроқ ҳажмдаги аппаратлардан фойдаланиш;
- 13) суюқлик билан ишлаш жараёнларида аппарат-ускуналарни қўшимча сифим, қувур, қуйиш воситалари билан таъминлаш;
- 14) аппарат, ускуна, сифимларнинг герметиклигини таъминлаш;
- 15) ускуна, аппаратларни фақат ташқи томондан тозалаш, қисмларни алмаштириш;
- 16) ускуна, аппарат, сифимларни совитувчи сув қобиги билан таъминлаш;
- 17) аппарат, ускуна, қурилмаларни тузатиш, созлаш учун нарвон, майдонча, кўтарма кран ва бошқа зарур воситалар билан таъминлаш;
- 18) хоналар, ускуналар бўёғи ва ёритилиши чарчаш ёки толиқишига олиб келишини ҳисобга олиш ва хавфли жараёнларни олисдан туриб бошқариш.

#### **14.1. Ускуна, аппарат ва жиҳозларни коррозиядан сақлаш**

Ташқи муҳитнинг кимёвий ва электрокимёвий таъсири остида металлнинг бузилиши, яъни оксидланиши коррозия деб аталади. Коррозия аппарат, ускуна, коммуни-

кацияларнинг бузилишига, синишига, авария, порглаш, ва ёнғин содир бўлишига сабаб бўлади.

Коррозиянинг вужудга келиши металл таркибига, ҳароратга, босимга, намлика, коррозияни секинлаштирувчи ёки тезлаштирувчи моддаларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлиб, тўрт хилда намоён бўлади:

1) жараён бажарилиши бўйича—кимёвий ва электрокимёвий коррозия;

2) қўлланиш шароити бўйича—ишқаланиш, электрик, чарчаш, кучланиш остидаги коррозия;

3) бузилиш ҳусусиятига қараб—маҳаллий, сидирға, кристаллар орасидаги ва танланган коррозия;

4) коррозия бориши жараёнига қараб—газ, атмосфера, тупроқли, микробиологик, суюқлик, кислотали, тузли, ишқорли коррозия.

Коррозиянинг хавфлилик даражаси унинг тезлиги, бузилиш чуқурлиги ва юзаси ҳамда металлнинг механик хоссаси, оғирлитининг йўқотилиши билан аниқланади. Коррозия тезлигининг кўрсаткичи сифатида мм/йил бирлигига ифодаланадиган «коррозия ўтиши» олинган.

Коррозия агрессив моддалар (азот, сульфат кислотаси, ишқорлар ва б.қ.) таъсирида кимёвий аппарат ва ускуналарда тез кетади, натижада уларнинг пишиқлиги, қаршилик қобилияти камаяди.

Ҳар хил таркиб ва тузилишдаги материалларнинг коррозияга чидамлилик даражаси ўнта гуруҳга бўлинган. Улар учун «коррозия ўтиши» коэффициенти 0,01 мм/йилдан 10 мм/йилгача белгилаб қўйилган. Масалан, ҳаво қувурлари учун 0,05 мм/й, аппарат ва жиҳозлар — 0,1, қора металлдан тайёрланган ва тобланмаган аппаратлар — 0,2, қувурлар — 0,5, алмаштириб туриладиган қисмлар — 3,0, тез-тез алмаштирилладиган қисмлар 6,0 мм/й. га эга. Кимёвий ускуналарнинг хизмат мурдати 10 йилдан 25 йилгача белгиланган.

Технологик жараён шароитига қараб коррозия тезлиги 0,1 мм/й. дан ошмайдиган материал танлаш керак. Кўп ҳолларда зангламайдиган, ўтга ва иссиққа чидамли, пишиқ, кислота таъсирига бардош берадиган маҳсус пўлат ишлатилади. Шунингдек, пўлат ва чўяндан тайёрланган, сирланган, бўялган, чинни, шиша, сопол, графит, ёғочдан тайёрланган буюмлар коррозияга чидамли ҳисобланниб, улардан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилмоқда.

Фаолит, текстолит, винипласт, полизобутилен материаллари ҳам коррозияга чидамлидир. Улар агрессив мұхит шароитида ишлайдиган ҳаво ва газ йүлларини қуриш да ишлатилади.

Атмосфера коррозиясига чидамли бўлиши учун пўлат тунукаларнинг сирти қўрошин ва рух билан, буюм сирти алюминий чанги билан қопланади.

Коррозияга қарши курашишда ингибиторларнинг аҳамияти катта. Улар агрессив элементларни боғлаб, металлга кўрсатадиган таъсирини камайтиради, коррозияни тормозлайди. Масалан, натрий ва калийли ишқор эритмаларида пўлатни коррозияланишида калий сульфит, қора металларни коррозияланишида глицерин ва унинг ҳосилалари, қора металларни нефть маҳсулотларидан коррозияланишида алкиламинлар «ингибиторлар» сифатида ишлатилади.

Аппаратларнинг коррозияга чидамлиларини вақти-вақти билан текшириб туриш, таъмирлаш-тузатиш вақтида девор қалинлигини ўлчаш ва текшириш натижаларини маҳсус дафтарга ёзib бориш талаб қилинади.

#### 14.2. Технологик ускуналар герметиклигининг аҳамияти

Аппарат, ускуна, қурилма қувурларининг деворини ва бўлинадиган биректирувчи қисмларини газ, буф ва суюқ ҳолатдаги маҳсулотларнинг чантни ўтказмаслик қобилияти герметиклик дейилади. Герметикликтин портлаш, заҳрланиш, баҳтсиз ҳодисалардан огоҳлантиришда аҳамияти каттадир.

Герметиклик вақт бирлигига вакуумда аппаратдан чиқадиган ёки унга суриласиган газ, буф миқдори билан ифодаланади. Охирги босимнинг бошланғич босимга бўлган вақт бирлигидаги нисбати % ҳисобида герметиклик даражасини кўрсатади. Герметикликтин камайиши қуйидаги тенгламадан топилади:

$$N = \frac{100}{\tau} \left( 1 - \frac{P_2 T_1}{P_1 T_2} \right), \%$$

Бу ерда:  $\tau$  — текшириш вақти, соат,

$P_1$  — бошланғич босим, кгс/см<sup>2</sup>,

$T_1$  — бошланғич ҳарорат, °К,

$P_2$  — охирги босим, кгс/см<sup>2</sup>,

$T_2$  — охирги ҳарорат, °К,

Янги ёки қайта ўрнатиладиган аппаратлар сув ёрдамида пишиқликка текширилганидан сўнг, сиқилган ҳаво, азот ёки бошқа инерт газлар ёрдамида герметикликка синааб кўрилади. Синаш натижаси, агар янги ёки қайта ўрнатилган аппаратларда бир соатда босим пасайиши 0,2%, вақти-вақти билан синашда 0,5% бўлса, қониқарли ҳисобланади. Шунингдек, заҳарли, ёнувчи газлар учун мўлжалланган қувурларда босим пасайиши бир соатда 0,1%, бошқа газлар учун 0,2% бўлиши керак.

Аппарат ва қурилмаларнинг ҳар хил маҳкамловчи воситалар ёрдамида герметиклик даражасини ошириш мумкин. Ёнгин, портлашдан хавфли ва заҳарли моддалар учун маҳсус тузилишдаги герметик ускуна ва аппаратлар ишлатилади. Бўлинмайдиган бирикмали аппаратлардан амалда газ, буғ, моддалар чиқмайди.

Тез-тез ювиш, тозалаш учун мўлжалланган аппаратларда ишлатиладиган ва ажраладиган ҳолдаги қисмлар-бирикмалар (фланец, резбалар), ҳаракатланувчи қисмлар герметикликни тўлиқ таъминламайди. Едирилиш ва бўшлиқ ошиши билан герметиклик-босим камаяди, натижада аппарат ва ускуналар ичидан хавфли газ, буғ, моддалар чиқиб кетади.

Аппарат ва қувурларнинг қўзғалмас қисмлари герметиклиги фланецли қистирма бирикмалари билан таъминланади. Қистирма сифатида резина, фибра, паронит, асбест, поливинилхlorид, фторопласт, қўргошин, мис, алюминий ва бошқа материаллар ишлатилади. Герметиклик фланец орасидаги бўшлиқнинг тўлдирилишига, қистирманинг сиқилиш даражасига боғлик.

Паст босимда ишлатиладиган қувурларда резбали бирикмалар ишлатилади, бунда герметикликни таъминлаш учун ҳар хил тўлдирувчи, мойловчи моддалардан фойдаланилади. Ҳаракатланувчи қисмларни маҳкамлаш ва герметиклик даражасини ошириш учун эгилувчан материаллар билан тўлдириладиган ҳар хил сальниклар ишлатилади. Юқори босимда ва паст ҳароратда, тезликда герметикликни таъминлаш учун сальник ўрнига фторопласт, чарм, резина, металлардан тайёрланган манжет, ҳалқа, ёқалар-маҳкамлагичлар ишлатилади.

Заҳарли ва портлашдан хавфли моддалар билан ишлашда сальниклар ўрнига металл, поливинилхlorид, фто-

ропластдан тайёланган сильфонлар қўлланади. Шунингдек, аппаратларда лабиринтли ва сальниксиз маҳкамлагичлар ҳам кенг ишлатилади.

Барча аппарат, ускуналар маҳкамлагичларининг бутунлигини, герметиклигини текшириш ва синаш аппарат ва қувурларда иш босимини маълум вақтда пасайишини назорат қилишдан иборат. Босим пасайиши тенглама билан ҳисобланади. Герметикликни аниқлашда маҳсус ўлчов асбобларидан фойдаланилади (ПТИ-4А, ГТИ-2, ТП-48 НИВИ ва б. к.)

Зарарли, ҳидсиз газларни идишдан, сифимдан, аппаратлардан чиқишини аниқлашда апппаратга  $1000 \text{ м}^3$  газга 16-30 г микдорида зарарсиз, аммо ўткир ҳидли «одорант» моддалар қўшиш яхши натижа беради.

### 14.3. Босим остида ишлатиладиган аппарат ва идишларининг хавфсизлиги

Механик пишиқликнинг камайиши, ўта қиздириш ва бошқа таъсиrlар ҳисобига босим остида ишлаётган идиш ва аппаратларда маълум шароитда портлаш содир бўлиши мумкин. Идиш ва аппаратлар портлашдан бўлинниб, газ ёки буғнинг адиабатик кенгайиши ҳисобига энергия сарф бўлади, яъни маълум иш бажарилади ва бу қуидаги формула билан изоҳланади:

$$L = \frac{K \cdot P_1 V}{K-1} \left[ 1 - \left( \frac{P_2}{P_1} \right)^{\frac{K-1}{K}} \right], \text{ Дж.}$$

Бу ерда:  $L$  — бажарилган иш, Дж,

$P_1$  — идиш ичидаги абсолют босим, МПА,

$P_2$  — ташқи муҳитдаги абсолют босим, МПА,

$V$  — газнинг бошланғич ҳажми,  $\text{м}^3$ ,

$$K = \frac{C_p}{C_v}$$

Бу ерда:  $K$  — адиабатик коэффициент

$C_p$  — газнинг иссиқлик сифими, ўзгармас босим остида, Дж/кгК

$C_v$  — газнинг иссиқлик сифими ўзгармас ҳажм остида, Дж/кгК

Бу вақтда бажариладиган иш ва портлаш қуввати аппаратнинг босимига, ҳажмига, портлаш вақтига, адиабатик кўрсаткичига боғлиқдир. Портлаш жараёнида идиш ичидағи босимнинг жуда тез пасайиб кетиши натижасида газ ёки буғнинг ҳажми бир неча баробар кўпаяди (сув буғи 700 баробар кўпаяди) ва идиш реактив куч таъсири остида қолади. Портлаш натижасида катта қувват вужудга келиб бузилиш рўй беради.

Портлашнинг қуввати қуйидагича изоҳланади:

$$N = \frac{L}{\tau}, \text{ МВТ}$$

Бу ерда:  $N$  — портлаш қуввати, МВТ  
 $\tau$  — портлаш вақти.

Шунинг учун босим остида ишлатиладиган идиш ва аппаратларни лойиҳалашда, тайёрлашда, ишлатища Давлат техника назорати тасдиқлаган маҳсус қоидаларга амал қилинади.

Бу қоидалар қўшимча босим 0,7 атм.дан юқори бўлган идиш ва аппаратларга, 50°C гача ҳароратда буғларнинг қўшимча босими 0,7 атм.дан юқори бўладиган, суютирилган газлар учун мўлжалланган сифим ва цистерналарга, шунингдек газ баллонларига тегишли.

Босим миқдорига қараб барча аппарат, идиш ва қурилмалар тўрт гуруҳга бўлинади:

- 1) паст босимда ишлайдиган (16 атм.гача),
- 2) ўргача босимда ишлайдиган (16 дан 50 атм.гача),
- 3) кўтарилилган босимда ишлайдиган (100 атм.гача),
- 4) юқори босимда ишлайдиган (босим чегараланмайди).

Идиш ва аппаратларни хавфсиз ишлатиш, қўллаш мақсадида уларни тайёрлашда ишлатиладиган материални тўғри танлашга алоҳида эътибор берилади. Тайёр бўлган идиш ва аппаратлар, сифимлар, баллонларнинг пайвандланган бирикмалари, ташқи томони текширилади, пишиклиги, герметикилиги турили йўллар билан синалади. Барча текшириш ва синаш ишлари ишлаб чиқариш корхонасида «давлат техника назорати» инспектори иштирокида олиб борилади. Тайёрланган идиш ва аппаратларнинг маҳсус ёслиғи, техник паспорти бўлиб, унда барча механик бирликлар кўрсатилади. Корхоналарга келтирилган тайёр идиш ва аппаратлар ишлатилишдан аввал кўриқдан

үтказилиб, синаб кўрилади ҳамда қўллаш учун рухсатнома берилади.

Босим остида ишлатиладиган идиш ва аппаратлар зарур бўлган ҳимояловчи, бошқарувчи, қўриқловчи мослама ва воситалар билан жиҳозланади. Ҳимояловчи арматура-мосламалар босим рухсат этилган миқдордан ошиб кетмаслиги учун хизмат қиласиди. Бу вазифа газ йўлини беркитувчи, очувчи, редукторли ва қайтарма клапанлар ёрдамида бажарилади.

Бошқарувчи вентиллар, дроселли ва таъминланувчи клапанлар идиш ва аппаратда берилган иш параметрларини-бирликларни ушлаб туришга хизмат қиласиди. Махсус қўриқловчи қурилмаларга бўлинувчи, ажralувчи клапанларнинг сақловчи ва қуршовчи хиллари киради. Аппаратларга иккитадан (ишчи ва назорат) сақловчи клапанлар қўйилади. Уларнинг мустаҳкамлиги ўтказиш қобилиятини тўғри ҳисоблаш ва аниқ бошқариш билан таъминланади.

Клапанлар сони ва катталигини ҳисобга олинганда аппаратлардаги босим 60 атм.гача бўлса 15% гача, 60 атм.-дан юқори бўлганда эса ортиқча босим 10% дан оширмайдиган даражада белгиланади. Алюминий, чўян, пўлат, бронза, картон, резина, полиэтилен, қўргошин, кумуш, калий ва бошқа материаллардан тайёрланган мемброналардан фойдаланиш корхоналарда идиш ва аппаратларни қандай шароитларда ишлатилишга боғлиқ.

#### 14.4. Баллонларни хавфсиз ишлатиш

Саноат корхоналарида сиқилган, суюлтирилган, эритилган газларни сақлаш, ташиш, тўлдириш учун ҳар хил баллонлар ишлатилади. Баллонлардан нотўғри фойдаланиш, уларни суюлтирилган газлар билан тўлдириб юбориш, уларнинг тушиб кетишига, қуёш нури таъсири ва бошқа ташқи сабаблар натижасида портлаш, аварияга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, кислородли баллонларнинг портлашига вентилнинг ички қисмига ёғ тушиши, ёғли қистирмадан фойдаланиш, занг йигилиши, металл резбанинг шикастланиши сабаб бўлади. Водородли баллонлар водородни кислород билан ифлосланишидан портлайди.

Ацетиленнинг портлаши юқори бўлганлиги учун уғовак массали ва ацетон солинган маҳсус баллонларда сақла-

нади. Баллонларни бошқа газ билан нотұғри тұлдириш, алмаштириб юбориш портлашга олиб келади. Шунинг учун ҳам текшириш, тұлдириш, хавфсизликни таъминлаш мақсадида баллонлар ичидә қолдик босим камида 0,5 атм. бўлиши керак.

Ишлатиладиган баллонларнинг ранги, белгиси, маркаси—номи аниқ бўлиши талаб қилинади. Баллонларнинг ҳолати газ тұлдириледиган заводда текширилади ва расмийлаштирилади. Коррозияга учрайдиган баллонлар ҳар икки йилда бир марта, коррозияга учрамайдиган баллонлар эса ҳар беш йилда бир марта синовдан ўтказилади.

Сиқилган, суюлтирилган, эритилган газлар учун мўлжалланган стандарт баллонлар бешта (А, Б, В, Г, Д) турга бўлинади.

А турдаги баллонлар 150 атм.иш босимида кислород, водород, этилен, метан, ҳаво, инерт газлар учун мўлжалланган.

Б турдаги баллонлар 125 атм.гача иш босимида нефть гази учун мўлжалланган.

В турдаги баллонлар 16 атм.босимида ацетилен учун мўлжалланган.

Г турдаги баллонларда 6 атм.босимида фақат сульфат ангидриди сақланади.

Д турдаги баллонларда эса 20 атм.иш босимида аммиак, хлор, фосген, фреонлар сақланиши мумкин.

Баллонлар бир-биридан фарқланадиган рангга бўялиб, унга тұлдириледиган газнинг номи ёзіб қўйилади. Масалан, азот — қора, аммиак — сариқ, ацетилен — кўк, ҳаво — қора, кислород — ҳаво ранг, олтингугурт водород — оқ, этилен — гунафша, метан ва пропан — қизил рангли баллонларда сақланади.

#### 14.5. Компрессорларни ишлатиш хавфсизлиги

Газларни сиқилишида босим ва ҳароратнинг ошиши портлаш ва шикастланишга олиб келадиган хавфли вазиятларни вужудга келтиради. Ҳар қандай газ совутилмасдан қисилганда ҳарорат тез кўтарилади. Масалан, ҳаво учун босимнинг 0 дан 50 атм.гача ошиши ҳароратнинг 20 °C дан 563 °C гача кўтарилишига олиб келади. Натижада газнинг сиқилиши учун сарф бўладиган қувват микдори ошиб, компрессор тайёрланган металл пишиклиги камаяди, мойловчи ёғнинг ажралиши тезлашиб портлаш учун

имконият яратилади. Мойловчи ёғларни ўта қиздириш натижасида ҳаво билан портловчи аралашма ҳосил бўлади. Шу жумладан, компрессор цилинди, клапанлари деворларида ишқаланиши тезлаштирадиган қаттиқ моддалар—курум, кокс, смолалар ҳосил бўлади. Шунинг учун компрессорлар иш цилиндрларида ишлатиш учун алангалиниш ҳарорати, қовушқоқлиги, кимёвий хоссалари маълум бўлган ва аниқ иш шароити талабларига жавоб берадиган мойловчи ёғлар текширилиб, танлаб олинади. Масалан, мойловчи ёғнинг алангалиниш ҳарорати сиқилган ҳаво ҳароратидан  $70^{\circ}\text{C}$  юқори бўлиши керак.

Ҳаво компрессорларида ишлатиладиган мойловчи ёғнинг алангалиниш ҳарорати  $216\text{--}242^{\circ}\text{C}$ , ўт олиш ҳарорати эса  $400^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади.

Юқори босимда тозаланган, оксидланишга чидамли ёғ ўрнига глицеринли совун эритмасидан ҳам фойдаланиш мумкин. Кислород сиқиладиган компрессорларда мойловчи ёғ сифатида 10% глицеринли дистилланган сув, шунингдек сунъий фторорганик ёғлар ( $3\Phi, 4\Phi$ ) ишлатилади.

Хлор учун мўлжалланган компрессор цилиндрларида сульфат кислота, кокс, нефть ва бошқа газларни сиқилишида эса маҳсус цилиндр ёғи ва гудрондан фойдаланилади.

Компрессор ускуналарни хавфсиз ишлатишда уни етарли даражада совитиш, кўлланадиган ҳаво таркибини тозалаш, компрессорнинг тўғри тузилиши ва жойлашиши катта аҳамиятга эгадир. Совитиш учун сув ва ҳаводан фойдаланиладиган компрессорда ишлатиладиган ҳаво чанг, коррозия маҳсулотлари, ёғ томчиларидан тозаланиши керак. Акс ҳолда ифлосланган ҳавонинг ҳаракати статик электр зарядларининг тўпланишига, газ аралашмаларининг алангалишига сабаб бўлади.

Компрессорнинг ҳаракатланувчи қисмлари тўсиқлар билан беркитилади, монометр, термометр, қўриқловчи клапанлар билан таъминланади ва тебранишга қарши чоралар кўрилади. Компрессорлар ишлаш қувватига қараб ўтга чидамли материаллардан тайёрланган бир қаватли алоҳида биноларга жойлаштирилади. Маҳсус тайёргарликдан ўтган ва имтиҳон топширганлиги ҳақида гувоҳномага эга бўлган шахсларгагина компрессорлар билан ишлашга рухсат берилади.

## КОРХОНАЛАРДА ЮК КҮТАРИШ, ТАШИШ ТРАНСПОРТЛАРИ ВА МОСЛАМАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ

Корхоналарда юк ташиш, тушириш, ортиш ишларида күлланадиган барча воситалардан ҳамма вақт ёки вақтингча фойдаланилади. Бу ишларда механизация яхши йўлга қўйилмаган бўлса, шикастланиш, касб касаллиги кўпроқ содир бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам корхоналарни лойиҳалашда, қайта қуришда юк кўтариш, ташиш, тушириш транспорт воситаларини комплекс механизациялашга катта эътибор бериш талаб қилинади.

Ҳозирги вақтда қувур орқали юк ташиш турлари талабга кўпроқ жавоб беради. Бўлакли материаллар, юклар, пакетлар, қоплар, бочкалар, баллонлар тўхтосиз ҳаракатланувчи конвейер ва транспортёрлар ёрдамида ташилади. Тўкилувчан материаллар, пасталар учун шнеклар, элеваторлар, қувурли транспортёрлардан кенг фойдаланилади.

Материалларни вақти-вақти билан ташишда осма йўл вагонларидан, кранлардан, тельферлардан, автокараплардан, изли ва бошқа транспорт воситаларидан фойдаланилади.

Портлаш хавфи бўлган цехларда ишлатиладиган барча юк ташиш мосламалари портлашдан ҳимояланган ҳолда тайёрланган бўлиши лозим.

Бўйлама ҳаракатланувчи барча юк ташиш воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш учун техникавий тадбир-чоралар амалга оширилади. Масалан, ҳаракатланувчи йўл охирига юкни автоматик узуб қўядиган мослама ўрнатиш, ишга тушириш мосламаси, вақт релеси, товушли даракчилар, конвейер ва транспортёрлар атрофини ўраш, тўхтатиш тутгмаларини ўрнатиш, иш жойи устидаги транспорт йўлини пишиқ металл тўрлар билан тўсиш, вагон, тележка, автокараплар ҳаракатланадиган юзада ташиладиган юкнинг ҳажм ва микдорини белгиланган нормадан оширмаслик ва бошқалар.

Саноат корхоналарида салникли юк ташиш воситаларидан кўпроқ фойдаланилади. Кимёвий моддаларни агрегат ҳолатига қараб ташиш учун маҳсус вагонлар, контейнерлар мавжуд. Очиқ вагонларга юк ортиш, тушириш

ишлари механик белкурак, ҳаракатланувчи транспортёр ва пневматик қурилмалар ёрдамида олиб борилади.

Юк күттарувчи мосламалардан хавфсиз фойдаланишда мавжуд бўлган «Юк күттарувчи кранларни хавфсиз ишлатиш ва ўрнатиш», «Лифтларни хавфсиз ишлатиш ва ўрнатиш» нормалари талабларига қатъий амал қилиш лозим.

Юк күттарувчи мосламаларнинг муҳим ва асосий қисмлари юқори пишиқлик захирасига эга бўлиши ҳисоблаб чиқилади ва улар талабга жавоб берадиган материаллардан тайёрланади. Мосламаларнинг юк күтариш миқдори, ҳаракатланиш йўли ва күтариш баландлиги чегаралаб қўйилади.

Тўхтатиш, юргизиш мосламаларининг иш қобилияти, хавфли жойларнинг ҳимояланганлиги, ўралганлиги вақти-вақти билан жавобгар масъул ҳодимлар томонидан текшириб турилади.

Саноат ва тоғ ишлари хавфсизлиги бўйича давлат техника назорати (Саноаткон техназорат агентлиги) қоидаларига асосан барча турдаги юк күтариш, ташиб мосламалари инспектор иштирокида техник кўрикдан ўтказилиб, расмийлаштирилиши керак.

Бир тоннагача юк кўтарадиган кранлар ва бошқа во-ситалар корхона маъмурияти томонидан текширилади. Тажрибали мутахассислар ҳар бир ускуна ва қисмларни синаб, текшириб, олинган маълумотларни техник китобчага ёзиб берадилар. Богланадиган арқонлар, занжирлар, трослар икки марта қўп юк билан синалади ва ҳар ўн кунда қайта текшириб турилади.

Юк күттарувчи ҳамма ускуналар ҳар йили таъмирлашдан кейин бир марта статик ва динамик синовдан ўтказилиди. **Статик синов** белгиланганидан кўра 25% кўпроқ юкни 100мм баландликка кўтариш билан олиб борилади. Одамларни ва хавфли маҳсулотларни кўтарадиган ускуналар фолияти икки марта кўп юк билан текширилади, синалади.

**Динамик синовда** эса 10% кўпроқ юк билан тормозлар, чегаралаш қисмлари, тутқичлар ва бошқаларнинг ишлатиш қобилияти текширилади. Барча юк күттарувчи мосламаларнинг ишлатиш даражасини ифодалайдиган техник паспорти бўлиши керак.

Суюқликларни ташибшда вакуум ёки маҳсус насослар билан таъминланган герметик қувурлардан фойдалани-

лади. Суюлтирилган газлар (хлор, аммиак, карбонводородлар), азот кислотаси, сульфат кислотаси, бензин, керосин, нефть ва бошқа кимёвий маҳсулотларни жўнатиш учун маҳсус белгили, бўялган темир йўл цистерналари ишлатилади. Суюлтирилган, сиқилган газлар жўнатила-диган цистерналар иссиқликдан ҳимояланган ёки металл ҳимоя қобигига эга бўлиши керак.

Енгил қотувчи ёки кристалланадиган моддаларга мўлжалланган цистерналар эса қобиқ ёки иссиқлик ҳимояси билан жиҳозланади. Суюқ кислород маҳсус термосларда ва 13,5—50 тонна ҳажмдаги цистерналарда ташилади. Енгил алангланадиган суюқликларни ташишда маҳсус автозистерналардан фойдаланилади.

Суюқ моддалар ташиладиган воситаларда ёнғин ва портлаш ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда статик зарядларни тўпламаслик мақсадида хавфсизлик чоралари кўрилиши талаб қилинади. Ишқорлар, кислоталар, енгил ёнувчи суюқликларни шиша идишларда ташиш, жўнатиш хавфли ҳисобланади.

Кам миқдордаги суюқликларни ташиш учун шиша идишлардан фойдаланилади. Бу вақтда идишнинг сават ёки тахта яшикда бўлиши, уни икки киши қўтариши ёки жойлаши талаб қилинади. Ҳозирги вақтда шиша ўрнига полимер материаллар асосида тайёрланган идишлардан фойдаланилмоқда.

Хавфли юклар ГОСТ 19433-81га асосан тўққиз синфга бўлинган:

- 1) портловчи моддалар;
- 2) суюлтирилган, сиқилган, эритилган газлар;
- 3) енгил алангланувчи суюқликлар;
- 4) енгил алангланувчи модда ва материаллар;
- 5) оксидловчи моддалар;
- 6) заҳарли моддалар;
- 7) радиоактив моддалар;
- 8) ўювчи ва емирувчи моддалар;
- 9) камроқ хавфли моддалар.

Улар учун маҳсус белгилар мавжуд.

Хавфли юклар маҳсус тайёрланган, якка тартибдаги ҳимоя воситалари билан таъминланган шахс кузатувида, алоҳида вагон ва автомашиналарда жўнатилади. Кундузи автомашиналарда хавфли юкни ташиш учун Ички ишлар вазирлигидан рухсатнома бўлиши керак. Хавфли юкларни

жамоат транспортларида ташиш, олиб бориш қатъий ман этилади.

Хавфли юкларни ортиш, тушириш ишлари маҳсус түшунтириш — инструктаж олган шахслар томонидан жавобгар киши назоратида бажарилади.

### **15.1. Ускуна, мослама ва аппаратларнинг хавфли зонасини ҳимоялаш**

Саноат корхоналарида ишлатиладиган машина ва аппаратлар тузилиши, тайёрланиши, ишлатиш йўли, турлари, катта-кичиклиги бўйича ҳар хил бўлиб, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш асосан тайёрлашдан бошлилади.

Ишчиларни хавфли ва заарли вазиятдан ҳимоялаш учун зарур бўлган замонавий ҳимоя воситаларини топиш ва ишлаб чиқариш талаб этилади. Ускуна ва аппаратларда мавжуд бўлган хавфли зоналар инсон ҳёти ва саломатлигига таъсир этадиган муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Саноатда қўлланадиган қориширувчи реакторларда, фильтрларда, аралаشتиргич ва сепараторларда, центрифуга ва майдалагичларда, фальцовкалар ва прессларда, винтли ва лентали конвейерларда, экструдер ва қуювчи ускуналарда, компрессорларда, насосларда, материалларни қайта ишлаш дастгоҳларида ва бошқаларда «хавфли зона» мавжуд. Шунинг учун ускуна ва аппаратларни тайёрлашда, технологик жараённи лойиҳалашда хавфли зона ва вазият аниқ кўрсатилган бўлиши, одамни хавфли жойга кириб қолиш эҳтимолини бартараф қилиш учун барча чора-тадбирлар кўрилиши, ҳимоя воситалари ва қурилмалар танлаб ишлатилиши керак.

Инсоннинг хавфли зонага киришига ёки хавфли жисм, буюмнинг унга таъсир этишига йўл қўймайдиган қурилмага тўсиқ дейилади.

Тўсиқ ҳаракатланмайдиган, ҳаракатланадиган ва вақти-вақти билан очиладиган турларга бўлинади. Тишли фидираклар атрофига, буюмларнинг отилиши ва улоқтирилиши йўлига ҳар хил панжара, экранлар ва бошқа кўринишдаги тўсиқлар ўрнатилади.

Ҳаракатланмайдиган ва очиладиган тўсиқлар фақат таъмиrlаш вақтида олиниб, кейин яна болтлар билан маҳкамлаб қўйилади. Ҳаракатланадиган тўсиқлар ишчи-

нинг машина ишчи қисмлари билан доимо алоқада бўлиши вақтида кўлланади.

Ҳимоя тўсиқлари яланг, филоф, яхлит девор, ҳимояловчи металл тўр кўринишида тайёрланади ва фарқланадиган рангга бўялади. Корхонада тайёрланган аппарат, машиналар ҳимоя тўсиқлари, мосламалари билан таъминланган бўлиши керак. Уларни ишга тушириш жойида яна қўшимча ҳимоя чоралари кўрилади.

Вальц, каландр, центрифуга ва бошқа айланувчи қисмларга эга бўлган ускуналарда ишлаш жараёнида қўл, кийим, сочни ушлаб қолиши хавфи мавжуд. Авария вақтида бундай ускуналарни тўхтатиш учун дастак (ричаг), трос, тутгмача(кнопка), автоматик тормозлаш тизими билан боғланган ўчиргичлардан фойдаланилади.

Куршовчи қурилмалар ускуналар ва ишлаб чиқариш жараёни хавфсизлигини таъминлаш учун хизмат қилади. Куршаши-мажбурий боғланиш механик воситалар, электр, фотоэлементлар, радиоактив моддалар ёрдамида амалга оширилади.

Электр ёрдамида қуршовчи қурилмалар ускуналарнинг хавфсизлигини таъминлашда қўлланади. Ишлаш усули ҳимоя тўсиғини машина ёки аппарат билан боғлашдан иборат, яъни тўсиқ олиниши билан машина, аппаратни ток билан таъминланиши узилади. Ускуналарни ишга тушириш учун ҳимоя тўсиғини ўз жойига қайта тўлиқ тиклаш керак бўлади.

Механик қуршов қурилмаларининг тузилиши ҳар хил бўлиб, улар саноат корхоналарида ишлатилади. Масалан, автоклав қопқоғи тўлиқ ёпилмаса, буг берилишига йўл кўймайди, тўсиқ олинса мосламани тўхтатади ёки синиш ва тўсиқ ўйқлигига машинанинг ишга туширилишига тўсқинлик қилади.

Фотоэлемент ёрдамида қурилманинг ишлаш усули хавфли зонадан нур ўтказишга асосланган. Ёруғлик манбаидан чиққан нур хавфли зона орқали фотоэлементга йўналтирилади ва ёруғлик электр токига айлангач, кучайтиргич ва текшириш релесидан ўтиб электромагнитни ишга тушириш занжирини улади. Агар тананинг бирор қисми хавфли зонага тушиб қолса, фотоэлементга нур тушмайди, электр занжир узилади ҳамда ускуна, қурилма ёки аппаратларнинг ҳаракати тўхтайди.

Радиоактив модда ёрдамида қуршов мосламасининг ишлаши қўлга тақилган узук ёки ҳалқага жойлаштирилган радиоактив модданинг нурланишига асосланган.

Вальц, каландр, пресслар ва бошқа ускуналарнинг ҳавфли зонасига узукли қўл тушиб қолса, радиоактив нурланиш уларни тезлик билан тўхтатади.

## 15.2. Қувурлардан фойдаланишда техника ҳавфсизлиги бўйича қўйиладиган талаблар

Кимё ва озиқ-овқат саноатида (консерва, ёғ ишлаб чиқаришда ва ҳ.к.) ҳар хил мақсадлар учун қувурлар ишлатилади: иссиқ сув, буғ, ёнувчи ва заҳарли газлар учун (аммиак, олтингугурт оксиди), енгил ёнувчи, портловчи суюқликлар (спиртлар, бензин), кислота ва ишқорлар учун ва ҳ.к.

Энг кўп ишлатиладигани иссиқ сув ва буғ қувурлари бўлиб, улардан фойдаланишда «Иссиқ сув ва буғ қувурларининг тузилиши ва улардан фойдаланиш ҳавфсизлик қоидалари» га амал қилинади.

Қувурлар иссиқ сув ва буғ ҳарорати босимиға қараб 4 категорияга бўлинади:

4 - жадвал

№		Ҳарорат °C	Босим мПа
1	Қизитилган буғ	580	Чекланмаган
		540—580	Чекланмаган
1	Иссиқ сув, тўйинган буғ	450	Чекланмаган
		115	
2	Қизитилган буғ	350—450	3,9
	Иссиқ сув, тўйинган буғ	350	2,2—3,9
		115	3,9—8
3	Қизитилган буғ	250—350	2,2
	Иссиқ сув, тўйинган буғ	250	1,6—2,2
		115	1,6—3,9
4	Қизитилган ва тўйинган буғ	115—250	0,07—1,6
	Иссиқ сув	115	1,6

Моддалар группасининг рақамлари	Қувурлар орқали үтадиган моддалар	Ажратиш бўёклари
1	Сув	Яшил
2	Буғ	Қизил
3	Ҳаво	Кўк
4	Газ: ёнувчи ёнмайдиган	Сариқ Сариқ
5	Кислота	Пушти
6	Ишқорлар	Бинафша
7	Суюқлик: ёнадиган ёнмайдиган	Жигарранг Жигарранг
8	Қолганлари	Кулранг

0,07 МПа босим ва 115°C дан юқори ҳароратда ишлайдиган қувурлар ишга туширилиши олдидан ва ишга тушгандан кейин ҳар 3 йилда 1 марта Давлат шаҳар техника назорати томонидан кўриқдан ўтказилади. Шунингдек, бу қувурлар камида бир йилда 1 марта завод маъмурияти томонидан синовдан ўтказилади.

Иссиқ сув ва буғ қувурлари бошқа хил қувурларга нисбатан анча оғир шароитда ишлайди. Масалан қувурларнинг ўзини оғирлигидан ташқари улар ичидаги юқори ҳарорат ва босимнинг таъсири, устидаги иссиқликни камайтириш учун қопланган қопламанинг (теплоизоляция) оғирлиги ва ҳ.к.

Иссиқ сув, буғ ва газ қувурлари асосан қуйидаги сабабларга кўра аварияга учрашиши мумкин: қувурларда носозликларнинг мавжудлиги, қувурларни лойиҳалашда, материалларни нотўғри танлаш, қурилиш-монтаж ишларида лойиҳада кўрсатилган нормалардан четга чиқиш, қувурлардан фойдаланишда технологик режимларни бузиш,

вақтида сифатли таъмирлаш ишларини олиб бормаслик, гидравлик зарбалар, текшириш асбоб-ускуналарини ўз вақтида сифатли техника кўригидан ўтказмаслик.

Кувурларда носозлик бўлмаслигининг олдини олиш учун, улар дефектоскопия йўли билан рентген нурлари орқали текширилади.

Кувурларни бир-биридан фарқлаш, бунда хато қилмаслик мақсадида улар ҳар хил ранг ва белгилар билан белгиланади.

### **15.3. Таъмирлаш, тузатиш ва тозалаш ишлари хавфсизлиги**

Саноат корхоналарида таъмирлаш-тузатиш ишлари олиб борилаётганда баҳтсиз ҳодисалар, шикастланиш рўй бериши мумкин. Чунки тузатиш вақтида баъзи ишларни механизациялаш мураккаб жараён бўлиб, ишчиларнинг аппарат ичида, заҳарли газ ва буғ бўлган атмосферада, нам ҳавода ёки юқори ҳароратда узоқ вақт нокулай шароитда бўлишларига, қўл меҳнатидан фойдаланишга тўғри келади. Шунинг учун ҳам ишчиларни таъмирлаш ишларини режали уюштириш, иш жойини тайёрлаб таъмирлашни хавфсиз бажаришга ўргатиш катта аҳамиятга эга.

Аввало аппарат ва ускуналар авариясиз, тўхтовсиз ва хавф-хатарсиз ишлаши учун уларни вақти-вақти билан кўздан кечириб туриш, тозалаш, кундалик хизмат кўрсатиш, синаш ва доимий назорат ўтказиб туриш керак.

Жадвал бўйича режали олиб бориладиган барча тузатиш ишлари йигиндиси режали-огоҳлантирувчи тузатиш тизими (РОТТ) дейилади. Бу тизимнинг вазифаси ускуналарни эскириш вақтидан аввал ва авария содир бўлишдан огоҳлантириш ҳамда уларни ишга қобилияти ҳолатда ушлаб туришдан иборат. Ҳар бир аппарат, ускуна учун тузатиш вақти оралиғи, ишлатиш вақти, муддати, нормаси белгиланган бўлиши керак.

Ускуналарни тузатиш режасига кўра кундалик хизмат кўрсатиш давомида уларнинг ташқи томони, ҳолати, тозалиги, ҳимояловчи ва тўсиқ мосламалари, назорат-ўлчов асбоблари доимо кузатиб, ишлаш қобилияти текшириб борилади, камчилиги ва бажариладиган тузатиш ишларининг ҳажми ҳамда тури аниқланади. Режали огоҳлантирувчи тузатиш тизими (РОТТ) давомли, ўртача ва капи-

тал тузатишдан иборат. Давомли тузатишда ускуна ва аппаратларнинг айрим бўлаклари кўрилади, тез эскирадиган майда қисимлари алмаштирилади, маҳкамловчи ва бошқарилувчи қисмлар ҳаракати ва ҳолати чукур назоратдан ўтказилади.

Ўртача тузатиш вақтида аппарат ва ускуналарни тозалаш, иш ҳолатини текшириш учун хоҳлаган қисмларини очиш, йифиш, аппаратларни барча тозалаш турлари, ускуналарнинг айрим бўлакларини тузатиш ва қисмларини алмаштириш, босим остида ишлайдиган идиш ва аппаратларни, кўтарувчи мосламаларни техник кўрикдан ўтказиш ва расмийлаштириш, аппарат, ускуна, қувурлардаги бирлаштирувчи қисмлардан газ ёки суюқлик чиқишини бартараф қилиш ишлари меҳнатнинг муҳофаза қилиш бўйича, назорат органлари кўрсатмалари асосида амалга оширилади.

Капитал тузатишда эскирган ускуна, аппаратлар ёки уларнинг йирик қисмлари алмаштирилади, қайтадан тикланади, қийин ва хавфли ишларни механизациялаш, автоматлаштириш бўйича янги қурилмалар ўрнатилади. Шунингдек, шамоллатиш тизими, тозалаш иншоотлари ҳам бир вақтда тузатилади.

#### **15.4. Режали тузатишни уюштириш ҳамда аппарат ва ускуналарни тузатишга тайёрлаш**

Тузатиш ишларини режали уюштириш хавфсизлик техникаси талабларига риоя қилган ҳолда тажрибали ишчилар томонидан ишларни хавфсиз, қониқарли шароитда бажарилишини кўзда тутади. Тузатиш керак бўлган ҳар бир аппарат ёки ускуна учун тузатиш картаси тузилиб, унга бажариладиган ишнинг ҳамма тури ёзib борилади. Режали тузатиш ишларига машғул бўладиган мухандистехник ходимлар, ишчилар билан маҳсус тушунтириш-инструктаж ўтказилади. Тузатиш ишларига ёзма равишда руҳсат олингач, унга жавобгар шахс раҳбарлигига киришилади.

Тузатиш ишлари кимёвий моддалар, маҳсулотларнинг хавфлилиги ва заарарлиги жиҳатидан тўрт разрядга — турга бўлинган. Янги цехларни куриш ва барча хавфли маҳсулотларни олиб чиқилиб цехларда бажариладиган тузатиш ишлари биринчи разрядга киради.

Ишлаб чиқариш тұхтатилған ва кимёвий моддалар билан бажарылады. Ишлар иккінчи разрядда тааллуқты бўлиб, иш тури ва бажариш мұхитлари чегараланған ҳолда олиб борилади. Ҳаракатдаги цехларда бажарылады. Кундалик ва ўртача тузатиш ишлари юқори даражада чегаралғанлығы — учинчі разрядда киради. Авария вақтида бажарылады. Ишлар түртінчи разрядда тегишли бўлиб, юқори даражадаги хавфли вазиятда олиб борилади. Чунки бу вақтда аппаратнинг носозлиги, технологик режимнинг бузилиши хавфли моддаларнинг чиқиб ҳаво билан ёнувчи ёки портловчи аралашмалар ҳосил қилишига олиб келиши мумкин.

Тузатишнинг разрядига қараб ишни олиб бориш тури, жиҳозлар, ёритиш ва шахсий ҳимоя воситалари таңлаб олинади, ёнғиндан огохлантириш чоралари, ишнинг кетма-кетлигі ва замонавий юқ күтариш, ташиш қурилмаларидан унумли фойдаланиш йўллари кўриб чиқлади.

Тузатишга тўлиқ тайёргарлик кўриб бўлингач, ишга киришиш мумкин. Бунинг учун аввало аппарат ва ускуналарни тузатишга тайёрлаш керак, яъни аппарат ва коммуникациялардан вакқум чиқарилиб, хавфли маҳсулотлар олинади ва аппаратлар совитилади ҳамда ҳаракатдаги аппарат қувурлардан (газ, буғ қайта ўтмаслиги учун) пластишка тўсиқ билан узиб қўйилади.

Тузатишга мўлжалланған ҳар бир аппарат, ускуна, идиш, қувурлар нейтралланади, хавфли газ ва буғга қарши ишланади, ювилади, хавфли қолдиқлар инерт газ ёки буғ ёрдамида йўқотилади ҳамда шамоллатилади. Агар хавфли ёнувчи газлар, буғлар йўл қўйиш мумкин бўлган концентрациясидан ошиб кетмаса, аппарат ва ускуналар ичидагузатиш ишлари олиб боришга рухсат этилади.

Тұхтатилған ускуналар ва аппаратнинг қопқоғини очишдан аввал инерт газ билан пуркаш, нефть ва коррозия маҳсулотидан тозалаш, ювиш катта аҳамиятта эга. Бундай тадбирларни амалга ошириш хавфли вазиятнинг олдини олиб, тузатиш ишларини хавфсиз ва режали ўткашишга ёрдам беради.

Тузатиш ишларини хавфсиз бажариш учун аппарат, ускуна, машина, мосламаларни ток манбаидан узиб қўйиш, ҳаракатланадиган ускуна қисмларини иккі ёқлама ўчириш, айлантирувчи тасмақайишни олиб қўйиш ёки қўши-

лиш муфтасини ажратиб, күринағын жойга «Уланмасин, ремонт!», «Уланмасин, одамлар ишляяпти!» деган ёзув белгіни қўйиш талаб қилинади.

### **15.5. Таъмираш-тузатиш ишларини хавфсиз ўтказиш**

Таъмираш-тузатишга тайёрланган ҳар бир аппарат, машина-ускуна акт билан тузатиш ишлари бошлиғига топширилади, тузатишдан сўнг яна акт билан қабул қилинади. Тузатиш ишларида аппарат, ускуна, мосламаларнинг ўзига хос хусусияти, тузилиши ва шартлари хавфсизлик техникасининг қоидалари ва талабларига асосан ҳисобга олинади.

Ёпиқ аппарат, қурилма, ускуна ҳажмлар ва идишларда ҳар томонлама тайёргарлик қўрилгач цех бошлиғининг ёзма равищда берган рухсатидан сўнг тузатиш ишлари бошланади. Ишчи берилган тушунтиришдан сўнг шахсий ҳимоя воситалари, ёритувчи чироқлар, тўсиқ қурилмаларидан фойдаланиб тузатиш ишларини олиб боради.

Енгил аланталанадиган, тез ёнувчан ва портлаш жиҳатидан хавфли моддалар бўлган цехларда тузатиш ишлари латун, мис, бронза ва аралашмалардан тайёрланган жиҳозлар ёрдамида бажарилиши керак.

Ёнувчи газ, буг, суюқлик ажратиши мумкин бўлган аппарат ва қувурларни бир вақтда ажратиш ва пайвандлаш ишларини олиб боришга рухсат этилмайди. Шунингдек, тузатиш ишлари вақтида ишқорий ер металларнинг намлиқ ёки сув таъсиридан аланталаниши ҳисобга олиниши керак.

Электр ва газ ёрдамида пайвандлаш, металларни қиркиш, улаш, смола ва қолдиқларни куйдириб, аппарат ва қувурларни олиб ташлаш, лак, буёқ қатламини ёқиш, битумни эритиш ва бошқа оловли тузатиш ишлари маҳсус йўлланма — инструкция талабларига асосан бажарилади.

Оловли ишлар бош муҳандисдан берилган рухсатнома асосида, хавфсизлик қонун-қоидаларига риоя қилган ҳолда жавобгар шахс ва ёнғин муҳофазаси навбатчиси назорати остида олиб борилади.

Аппарат ва қурилмалар тузатилиб, монтаж-йигиши ишлари бажарилганидан кейин унинг пайвандлаган чоклари

текшириб, пишиқлиги, герметиклиги синаб кўрилади. Шундан сўнг аппарат ёки ускуна тозаланади, усти қопланади маҳсус рангга бўялиб маълум белги қўйилади.

Ускунани дастлабки синаш цех муҳандиси иштирокида сув ёки бошқа хавфсиз суюқлик билан ўтказилиб, барча ҳимояловчи клапанлар, мемброналар, ўлчов асбоблари, буғ ва газни ўчириш воситалари, автоматик ва куршовчи курилмалар, тозалаш ва шамоллатиш қурилмалари кўриб чиқилади, тузатилади. Аппарат ва ускуналарни синашда кўлланган сув, ҳаво ёки инерт газ чиқариб юборилгач, кўлланмада кўрсатилган технологик режимга асосан синов ўтказилади.

Давлат техника хавфсизлиги назорати ихтиёридаги барча ускуна, курилма, мослама ва аппаратларни текшириш, уларни техник жиҳатдан расмийлаштириш инспектор раҳбарлигига бажарилади.

Айрим муҳим қурилмалар, машина ва аппаратлар, цехлар капитал таъмирангандан кейин уларни Давлат касаба ўюнмаси техник инспектори (Гостехнадзор), санитария ва ёнғин назорати инспекторлари иштирок этган комиссия қабул қиласи ва ишга туширишга рухсат беради.

## 16 - б о б

### ЭЛЕКТР ХАВФСИЗЛИГИ

#### **16.1. Электр токининг одам танасига таъсири ва уларни шикастланишдан ҳимоялаш йўллари**

Электр ускуналарнинг носозлиги ёки уларни ишлатиш қоида-талабларига амал қилмаслик одамнинг шикастланишига олиб келади. Электр токи одам танасига термик, электролитик ва биологик хилда таъсир этиши мумкин. Натижада одамнинг нафас олишида, юрак фаолиятида, моддалар алмашувида, қон таркибида ва бошқа аъзоларида ўзгариш бўлиши мумкин.

Электрдан шикастланиш электрик куйишга, терининг металланишига, электр белгиларига, электроофтальмияга, механик таъсирга фарқланади. Электрдан куйиш тўрт даражада ифодаланади, яъни термик қизариши (1), пулфакчалар ҳосил бўлиши (2), тери юзасининг мўртланиши (3), тери тўқимасининг тўлиқ куйиб кетиши(4) на-

мойн бўлади. Шунингдек, одамни ток уриш ҳолати ҳам тўрт даражада баҳоланади:

I - даражада одам хушини йўқотмайди, мускуллар қисқаради,

II - даражада мускуллар қисқаради, хушини йўқотади, лекин нафас олиши сақланиб, юрак ишлаб туради.

III - даражада нафас олиши, юрак фаолияти бузилади, хушини йўқотади.

IV - даражада ток уриш билан қон айланиши ва нафас олиш тўхтаб, клиник ўлим юз беради.

Электрдан шикастланиш ҳодисалари кўпроқ 1000 вольтгача кучланишдаги курилмаларни қўллашда, ток уриши эса 1000 вольтдан юқори кучланишда ишлайдиган электр курилмалари ток ўтказувчан қисмларига одам танасининг бирор жойи тегиши натижасида содир бўлади.

Электр токини организмга—танага таъсири шикастланишга олиб келиши кўп хусусиятли бўлиб, куйидаги омилларга боғлиқ:

- токнинг тури ва миқдорига, частотасига;
- таъсир қилиш вақти ва йўлига;
- кучланишдаги қисмларни улаш жойига, юзасига ва кучланиш миқдорига;
- ташқи муҳит шароитига ва инсон танаси қобилиятига;
- ҳимоя воситаларидан фойдаланишига ва бошқалар.

Ўзгарувчан ток (50 Гц да) ўзгармас токка нисбатан хавфли ҳисобланади. Хавфсиз ўзгарувчан ток кучи миқдори 10 мА, ўзгармас ток учун 50 мА қабул қилинган. Таъсир этадиган вақт эса 0,01—0,03 секундни ташкил этади, вақт ортиб бориши билан (0,2—1 с) юрак фаолияти ўзгаради.


Одамнинг танаси тери қатлами қуруқ ва тоза, шикастланмаган ҳолатда солиштирма қаршилиги  $10^5$ — $10^6$  Ом · см ни ташкил этади, диэлектрик ҳисобланади. Тана тери қатлами қаршилиги 300—500 Ом бўлиб, танасининг қаршилиги эса 3 дан 100 КОм гача ва ундан юқори миқдорни ташкил қиласди. Ток ўтиш вақтининг ошиши, тери қуриши ҳисобига баданнинг қаршилиги бир неча марта камаяди. Тана қаршилигини ўртача 1000 Ом деб қабул қилинган. Токнинг ўтиши ва щикастланиш, қаршилик кўрсатиш одамнинг ёшига, соғлигига ва жинсига боғлиқ.

Электр токининг инсон танасига таъсири хиллари 6-жадвалда кўрсатилган.

Ток таъсириниң хиллари	Таъсир ҳолати	Инсон танасидан ўтайдын токнинг кучи (MA)	
		ўзгарувчан (50-60 Гц)	ўзгармас
1. Сезадиган	Құл панжалари енгил титрайди ва иссиқлик сезилади	0,5—1,5	5—7
2. Күйіб юборадиган	Құлларда қаттық оғриқ билинади, қизиди	8—10	20—25
3. Ушлаб қоладиган	Құлларни ушлаб қолади, шок ҳолати кузатиласы, нафас олиш қийинлашади, юрак фаолиятида ўзгариш бўлади.	20—25	50—80
4. Ўлимга олиб келадиган	Юракнинг тұхташи кузатиласы, фалаж, ўлим ҳолати намоён бўлади	90—100	500

Электр токидан шикастланиш қўпроқ одамнинг электр шохобчалари ва электр қурилмаларига қаңдай боғланганлиги билан баҳоланади.

Чизиқли кучланиш остидаги шохобчани икки фазасига одам танасининг бир вақда боғланиши энг хавфли ҳисобланади (10 а-расм). Шикастланиш ток кучи, вақти ва одам-



10 - расм.  
Инсоннинг электр токи билан боғланиши мумкин бўлган ҳоллари схемаси

нинг қаршилик кўрсатиш қобилиятига боғлиқ бўлиб, ток миқдори  $J = U_q / R_o$  тенглама билан аниқланади. ( $U_q$  — чизиқли кучланиш;  $R_o$  — одам қаршилиги).

Ер билан нейтралли уланган уч фазали электр тармоқнинг бир фазасига одамнинг боғланишида (10 б-расм) шикастланиш хавфи икки фазага боғланишга нисбатан камроқ бўлиб, одам танасидан ўтадиган ток миқдори  $J = U_q \sqrt{3} R_o$  тенглама билан аниқланади.

Нейтрал қопламали тармоқдаги фазаларнинг ток берувчи қисмларидан бирига одам танаси тегиб туриши натижасида ундан ток ўтади (10 в-расм) ва одам шикастланиши мумкин. Таъсир этадиган ток миқдори куйидаги тенглама билан топилади:

$$J = U_q / \sqrt{3} R_o + R_{iz} / \sqrt{3} (R_{iz} — қоплама қаршилиги).$$

Бу вазиятда токнинг таъсири қопламанинг ҳимоя ҳолатига, қаршилигига боғлиқдир. Токни ўтказмайдиган ҳимоя воситалари ёрдамида икки фазага боғланиш ҳам хавфли ҳисобланади. Бир фазага уланиш ҳимоя воситалари ёрдамида хавфсиз ҳисобланиб, бу вазият воситаларнинг қаршилигига, хоналарнинг турига боғлиқ.

Ишлаб чиқариш бинолари, хоналари электр хавфлилиги жиҳатидан уч турга бўлинган.

1. Юқори хавфли бино-хоналар. Уларга ток ўтказадиган чанг, 75 % дан юқори намлик, ток ўтказадиган қоплама-поллар, юқори ҳарорат ( $35^{\circ}\text{C}$ ) билан бир вақтда одамнинг ерга уланган симга, технологик аппарат, курилма, ускуналарга тегиб кетиш ёки боғланиш хавфи бўлган шароитли хона, бинолар тааллуқлидир.

2. Махсус хавфли бино-хоналар юқори намлик (100 %), кимёвий актив ёки органик муҳит борлиги, шунингдек юқори хавфли биноларга хос икки ва ундан кўпроқ бирликларнинг мавжудлиги билан ифодаланади.


3. Хавфсиз хона-бинолар юқори ёки махсус хавфли муҳит яратувчи шароитнинг йўқлиги билан ифодаланади.

Одамларни электр токи ёрдамида шикастланишдан ҳимоя қилиш учун ишлаб чиқариш шароитларида хавфсиз ток (12-36 в), усти қопланган симлар, ерга уланган ва нейтралловчи ҳимоя тизимлари, хавфни бартараф қилувчи ва огоҳлантирувчи автоматик мосламалар, ҳимоя воситалари, механик тўсиқлар, огоҳлантирувчи белгилар иш-

латилади. Шунингдек, электр ускуналарини таңлаш, ўрнашиш, ишлатишда мавжуд бўлган қонун-қоида нормалари ГОСТ 12.1.019-79 га амал қилиш талаб қилинади.

## 16.2. Электрдан ҳимоя воситалари

Электрдан шикастланишинг олдини олиш ва огоҳлантиришда ерга уланувчи ҳимоя симларни жойлаштириш катта аҳамиятга эга. Бундай ҳимоя (ерга улаш) тури электропаралларни, ускуналарни, машиналарни, жиҳозларни, дастгоҳларни, трансформаторларни, генераторларни, ёритгичлар қобигини, металл воситаларни, симларнинг металл қобигини, электр ўтказадиган пӯлат қувурлар ва электр ускуналар билан боғланган бошқа барча қисмларни металл сим ёки пластина орқали ерга боғлаш билан амалга оширилади. (11-расм).



11-расм. Асбобни ерга улаш ҳимоя воситаси схемаси.  
1 — электр асбобнинг корпуси; 2 — ерга улагичлар.

Ерга улаш ҳимоя воситаси умумий қаршилигини қуидаги ҳисоблаш мүмкін.

Ерга улагич орқали ўтаётган ток ёйилмаслиги учун керак бўлган қаршилик қуидаги формула орқали аниқланади:

$$R_{t\bar{e}k} = 0,366 \frac{\rho}{l} \left( \lg \frac{2l}{d} + 0,5 \lg \frac{4h+1}{4h-1} \right), \text{Ом} \quad (1)$$

$\rho$  — тупроқнинг солишиштирма қаршилиги, Ом см;

$l$  — ерга улагичнинг узунлиги, см;

$d$  — ерга улагичнинг диаметри, см;

$h$  — ер юзасидан ерга улагичнинг ярмигача бўлган чукурлик, см.

Ерга улагичларнинг сони ( $n$ ) қуидаги формула билан аниқланади:

$$n = \frac{R_{t\bar{e}k} \cdot Kc}{R_3 \cdot \eta_{tp}}$$

$Kc$  — фасл коэффициенти (куруқ ёки музлаган тупрок);

$Kc = 1 - 1,75$ ;

$R_3$  — ерга улагичнинг ҳисобланган қаршилиги;

$\eta_{tp}$  — ерга улагични ишлатиш коэффициенти (маълумотномадан олинади).

Ерга улагичлар бир-бири билан ўзаро эни 30 мм, қалинлиги 4 мм бўлган пўлат тасма билан уланади. Ана шу пўлат тасманинг узунлиги қуидаги аниқланади:

$$hn = 1,05 \cdot a \cdot n \quad (3)$$

$a$  — ерга улагичлар ўртасидаги узунлик

$n$  — ерга улагичларнинг сони.

Пўлат тасмадан ўтаётган ток ёйилиб кетмаслиги учун керак бўлган қаршилик қуидаги ҳисобланади:


$$R_{n t\bar{e}k} = 0,366 \frac{\rho}{ln} \lg \frac{2l_n}{b \cdot h} \cdot \frac{1}{\eta_n}, \text{Ом} \quad (4)$$

$B$  — пўлат тасманинг эни;

$\eta_n$  — пўлат тасмани ишлатиш коэффициенти (маълумотномалардан олинади).

Умумий қаршилик қуидаги аниқланади:

$$R_{yn} = \frac{R_{t\bar{e}k} \cdot R_{n t\bar{e}k}}{R_{t\bar{e}k} + R_{n t\bar{e}k}} \leq 4 \text{ Ом} \quad (5)$$



12-расм. Асбобни «ноль» рақамли сим орқали ерга улаш ҳимоя воситаси схемаси.

1- электр асбобининг корпуси; 2- ерга улагич.

Ерга улаш қурилмаси икки хил —якка ва контурли бўлиши мумкин. Ерга якка ҳолда уланишда диаметри 8-10 мм бўлган ерга уловчи сим орқали зах ва пастроқ жойга қоқилган, диаметри 50 мм бўлган қувур, узунлиги 3 м бўлган бурчакли пўлат восита билан боғланади. Контурли ерга уланишда ерга уловчи ускунна ўрнатилган майдон контурига жойлаштириб, ускунна қобигига металл сим билан бириктирилади. Ерга уланиши талаб қилинадиган ҳамма қисмлар ерга уловчи сим—шинага параллель ҳолда бирлаштирилади.

Асбоб-ускунанинг электр хавфсизлигини таъминлаш учун бир вақтнинг ўзида уни тўғридан-тўғри ва ноль сими билан ерга улаш мумкин эмас. Нолли ҳимоя қўлланишда, албатта, ишончли тўсиқлаш мосламалари бўлиши хавфсизликни таъминлайди. Шунингдек, электр хавфсизлигини таъминлаш мақсадида зарур жойларга тақиқловчи, эслатувчи, огоҳлантирувчи ва рухсат этувчи маҳсус белгилар ўрнатилиди. Уларнинг ўрнатилиши доимий ёки вақтинча бўлиши мумкин.

Электр ёрдамида амалга ошириладиган тузатиш, созлаш ишлари мутахассис ва ваколати бор шахс томонидан муҳофаза воситалари ёрдамида бажарилиши қонунлаштирилган.

Одамларни электр токидан шикастланишининг олдини олиш, ҳимоялаш мақсадида электр қурилмаларда, жиҳозларда, дастгоҳларда ҳимоя воситаларидан фойдаланилади. Ишчилар эса маҳсус воситалар ва анжомлар билан таъминланади. Кўчма тўсиқлар ўрнатилади. Ҳимояланиш воситалари мустаҳкамлигига қараб асосий ва қўшимча воситаларга бўлинади. Уларга ток ўтказмайдиган поёндоз, гилам, тагликлар, резина калиш, этиклар, қўлқоплар, кўзойнаклар, ёнмайдиган кийимлар, ҳимоя камарлари, занжирлари мисол бўлади.

Ҳимоя анжомлари сифатида штангалар, клешлар, кучланиш кўрсаткичи, индикаторлар, монтёр жиҳозлари ишлатилади. Электрдан ҳимояланиш воситалари маълум муддатда кўриб чиқилади ва текширилади. Уч, олти ва ўн икки ойда бир марта ўтказиладиган синов натижалари дафтарга ёзилади.

Шунингдек, электр ускунанинг тармоқдан ажратиб кўйилган участкаларида иш бажарилганда кўчма ерга улаш воситасидан фойдаланиш ҳимоялашнинг энг ишончли тури деб ҳисобланади.

Электр токидан жароҳатланган кишининг ҳаёти ёрдамнинг ўз вақтида кўрсатилишига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришдаги ҳар бир ишчига электр токидан шикастланганда биринчи ёрдам кўрсатиш турлари ўргатилади. Шикастланишининг биринчи дақиқасидаёқ ёрдам берилса, шикастланганларнинг 90 %ини, агар ёрдам кечиқтирилса уларнинг фақат 10 %инигина ҳаётини саклаб қолиш мумкинлиги исботланган.

Агар одам кучланиш остида бўлса, уни тезда ток таъсиридан озод қилиш зарур. Бунинг учун хавфсизлик чораларини кўриб, токни тармоқдан узилади. 1000 В гача кучланишдаги қурилмаларда ток узатувчи қисмлардан жароҳатланган одамни ажратиш учун куруқ ёғоч, тахта, арқон, куруқ кийимдан фойдаланилади.

Агар инсон тармоқнинг бир фазасига ёки битта манбаига боғланган бўлса, уни ердан тахта ёки бошқа усул билан ажратиш кифоядир. Зарур бўлганда ток ўтказмайдиган дастали болта ёки қайчи билан резина калиш,

Күлкөп ёрдамида симларни узиш керак. Юқоридаги усуллар билан ёрдам бериш имкони бўлмаса, сим ташлаб ток ўтказувчи симларни қисқача туташтириш талаб қилинади.

Ток таъсиридан кутқарилган кишига шифокор келгунга қадар тезлик билан биринчи ёрдам кўрсатиш керак. Агар шикастланган кишининг нафас олиши суст бўлса ёки сезилмаса, сунъий нафас олдириш, ҳамда жонлангунгача юраги массаж қилинади. Кейинги ёрдам жароҳатланиш дарражасига қараб мутахассислар ёрдамида шифохонада давом эттирилади.

### **16.3. Ишлаб чиқаришда қўлланадиган электр ускуналарнинг ёнгин ва портлашдан хавфлилиги жиҳатидан синфланиши**

Кимё, нефтни қайта ишлаш, нефть кимёси саноати корхоналарида портлаш ва ёнгин хавфи бўлган технологик жараённи амалга оширишда қўлланадиган электр ускуналарнинг тузилишига алоҳида талаб қўйилган.

Электр қурилмалари ўрнатиш қоидасига асосан ишлатиладиган моддаларнинг ёнфинга ва портлашга хавфлилигини ҳисобга олиб бинолар, ташқи қурилмалар ёнгидан ва портлашдан хавфли биноларга ажратилади. Бунда бинолар қуйидаги синфларга бўлинган:

П – I синфига суюқлик буғларининг чақнаш ҳарорати  $45^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлган суюқликлар сақланадиган ёки ишлатиладиган бинолар киради.

П – II синфига муаллақ ҳолатга ўта оладиган ёнувчи чанг ёки толалар ажралиб чиқадиган (ҳаво билан портловчи аралашмалар ҳосил қилмайдиган) бинолар киради.

П – III синфига буғларининг чақнаш ҳарорати  $45^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлган суюқликлар, қаттиқ моддалар сақланадиган ёки ишлатиладиган ташқи қурилмалар киради. П – биноларни ёнувчанлик белгиси.

Юқорида номланган ёнгиндан хавфли биноларда ёпик, ҳаво пурковчи, сачрашдан ҳимояланган электр ускуналар қўлланади.

Портлашдан хавфли бинолар ва ташқи қурилмалар олти синфга бўлинган ва қўйдагича ифодаланади:

В – I синфида нормал иш режимида буғлар, газлар ажралиб чиқиб, ҳаво ва бошқа оксидловчилар билан портловчи аралашма ҳосил қиласиган бинолар.

В – Ia синфида фақат авария вақтида ёки бузук ускуна ишлатилганда портловчи аралашма ҳосил бўладиган бинолар киради.

В – Ib синфида портлаш куйи чегараси 15 % ва ундан юқори бўлган, чегарали концентрацияда ўткир ҳидли ва айрим жойда портлайдиган концентрация ҳосил қиласиган ёнувчи газлар бўлган бинолар, тегишли.

В – Ig синфида портлашдан хавфли газлар, буғлар, ёнувчи ва аллангаланувчи суюқликлар бўлган ташқи қурилмалар киради.

В – II синфида нормал иш режимида ҳаво ва бошқа оксидловчилар билан портловчи аралашма ҳосил қиласиган чанглар ва толалар ажралиб чиқадиган бинолар мансуб.

В – III синфида фақат авария натижасида ёки ускуна бузуқлигидан ёнувчи газлар, чанглар ва толаларнинг портлаш концентрацияси ҳосил бўладиган бинолар киради.

В – биноларни портлашга мойиллик белгиси.

Ишлаб чиқариш биноларининг қайси синфа мансублигини аниқлаб, у ерда ишлатиш, қўллаш учун электр ускуналар, аппаратлар, ёритгичлар ва бошқа электр во-ситаларини танланаётганда «Электр ускуналарни жойлаштириш ва қўллаш» қоидасига асосланилади.

Электр ускуналарни танлашда биноларда ёки участкаларда, майдонларда портловчи аралашма ҳосил қиласиган газлар, буғларнинг гуруҳи ва категорияси, синфланиши ҳисобга олинади. Портловчи аралашмаларнинг портлаши натижасида ташқи муҳитга алланга берадиган фланец бўшлиғи диаметрига қараб тўртта гуруҳга, аралашманинг аллангаланиш ҳарорати бўйича эса бешта гуруҳга ажратилган. Уларнинг синфларга, гуруҳларга бўлиниши қўйдагича ифодаланади: (7-жадвал).

Ёнгин ва портлашдан хавфли биноларда ишлатиладиган портлашдан ҳимояланган электр ускуналар қўйидаги саккиз турга бўлинади: қобиги портлашга чидамли ва босимга бардош берадиган (B), учқунланадиган ва ток ўтказидиган қисми диэлектрик ерга туширилган (M), учқун-

Фланец бўшлиғи кенглиги, мм	Аралашма категорияси	Алангаланиш ҳарорати (°C)	Аралашма гуруҳи
I дан юқори	1	450дан юқори	T1
0,65 гача	2	400 – 500	T2
0,65–0,35	3	200–300	T3
0,35–0,16	4	135–200	T4
0,16 дан кич.	4a	100–135	T5

лаш ва қизитиш мумкин бўлмаган, портлашга юқори чидамли (Н), кўшимча босим остида пуфланадиган ва портловчи аралашмаларни қобиқ ичига сўрилишига йўл бермайдиган (П), учқундан хавфсиз ва учқуни хавфли муҳитни аланглантиришга қодир бўлмаган (И), маҳсус (С), автоматик ўчириладиган (А) ва сопол насадкали (К) турларга бўлинади.

Портлашдан ҳимояланган электр ускуналарга уларнинг тузилиши, қандай муҳитда ишлатилиши, портлашдан хавфли аралашмаларнинг категорияси ва гуруҳига қараб шартли белгилар қўйилади ҳамда мўлжалланган жойда фойдаланиш учун танлаб олинади.

Масалан, В1T2 белгиси унинг қобиғи портлашга чидамли, биринчи категория ва иккинчи гуруҳга тегишли бўлиб портлашдан хавфли аралашмаларга мўлжалланганligини кўрсатади. Электр ускунанинг шартли Н2T1 белгиси эса, уни портлашга юқори чидамлилигини ва иккинчи категория биринчи гуруҳга кирадиган портлашдан хавфли аралашмалар учун ишлатилишини кўрсатади.

Электр ускуналар билан бир қаторда ишлаб чиқариш биноларини ёритиш учун мўлжалланган чироқ-лампалар ҳам ёпиқ, чангдан, намдан, газлардан, сув томчисидан, портлашдан ҳимояланган ва герметик пишиқ тайёрланган турларга бўлинади. Биноларни ёритишида уларни портлашдан, ёнғиндан хавфлилиги жиҳатидан синфларга бўлишдан ташқари барча ёритувчи электр ускуналарнинг

тузилиши ҳам эътиборга олинади ва мўлжалланган жойда ишлатиш учун шартли белгиси билан танлаб олинади.

Лабораторияларда ёнгин, портлашдан хавфли моддалар билан ишлашда ва бошқа мақсадларда фақат стандарт асбоблардан, ёпиқ усулдаги электр қиздиргичлардан фойдаланиш, ишни аниқ бажариш, иш жойини назоратсиз қолдирмаслик талаб қилинади. Бундай талабларни бажариш биноларда, курилмаларда ёнгин ва портлашнинг олдини олишда муҳим чора бўлиб ҳисобланади.

#### **16.4. Статик электр ва ундан ҳимояланиш чоралари**

Статик электр ҳар хил турдаги иккита модданинг бирбирига тегиб туриши, ишқаланиши натижасида электронлар ёки ионларнинг қайта тақсимланиши билан ҳосил бўлади. Статик электрнинг пайдо бўлиши ва учқунли разрядланиши кимё саноати корхоналарида ёнувчи моддаларнинг алангаланишига, портлаши ва ёнишига олиб келади.

Нефть, нефть маҳсулотлари ва табиий газлар, синтетик толалар, смолалар, спиртлар, каучуклар, пластик массалар ва бошқаларнинг электр ўтказувчанлик қобилияти паст бўлганлиги учун улар д и з л е к т р и к л а р деб аталади. Дизлектрик моддалар юзасида ёки ҳажмида узоқ муддат давомида электр зарядлари йифилиши ва сақланиши мумкин. Оқибатда (разрядланиш жараёни ҳисобига) ҳар хил баҳтсиз ҳодисалар содир бўлиши мумкин.

Электр ўтказиши қобилиятига эга бўлган моддаларнинг ишқаланишидан ҳосил бўладиган электр зарядлари ерга (уловчи маҳсус курилма ёрдамида) осон ўтиб кетади.

Электр зарядларининг ҳосил бўлиши моддаларнинг электрланиши деб аталади. Модда юзаси ёки ҳажми бирлигига тўғри келган заряд юза ҳажм зичлиги деб аталади. Шунингдек, зарядланган тананинг ( $Q$ ) зарядланиши даражаси ерга нисбатан ( $C$ ) потенциал ( $V$ ) микдори билан ҳам ифодаланади ( $Q=VC$ ).

Саноатда кўп ишларни бажаришда статик зарядлар туфайли электр токи пайдо бўлиши ва тўпланиши мумкин. Масалан, нефть маҳсулотларини идишларга қўйиш, резинали қувурлар — шланглар орқали узатиш, тўкилиш вақтида говак материаллар ёрдамида фильтраш, ифлосларни тозалашда материалларни аралаштириш, идишларни буғлатиш, сиқилган ва суюлтирилган газларни уза-

тиш, чангли ва тўкиладиган материалларни пневмотранспортёрда ёки аппаратда ҳаракатланиши, аралаштириш, газламаларни резина билан қоплаш, ускуналарда материалларни қайта ишлаш, ҳимояланган полда транспорт ва одамларнинг юриши, сунъий ва синтетик тола, каучук, қофоз ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқиш жараёнлари фикримизга мисол бўлади.

Нефтни қайта ишлаш, нефть кимёси саноати кўпгина маҳсулотларининг солишишима электр қаршилиги  $10^6$  ом.см дан юқори бўлиб, улар диэлектрик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам диэлектрик моддаларни ишлаб чиқаришида статик электрдан ҳимоялаш, унинг ҳосил бўлмаслиги учун бир қанча тадбир-чоралар кўриш катта аҳамиятга эга.

Статик электрдан ҳимоялашда мавжуд бўлган «Статик электрдан ҳимоялаш» қоидасига амал қилинади. Ёнувчи аралашманинг аллангаланиши учкун билан ажралиб чиқадиган энергия ( $W$ ) миқдорига боғлиқ ва у қуидаги tenglama ёрдамида топилади:

$$W = 0,5CV^2$$

Бу ерда:  $W$  — энергия, Дж;  
 $C$  — сифим,  $\Phi$ ;  
 $V$  — потенциал фарқи, вольт.

Агар ҳосил бўладиган энергия миқдори ёнувчи аралашманинг аллангаланиш қуи энергиясидан кам бўлса, учкун разрядлари хавфсиз ҳисобланади, яъни

$$W_g < \alpha W_{\min}$$

Бу ерда:  $W_{\min} = 0,5$  га тенг.

Баъзи портловчи моддалар қуи энергияда ҳам хавфли ҳисобланади. Масалан, олтингугурт углероди 0,009 мДж да, водород — 0,019, бензол — 0,2, ацетон — 0,6, метанол — 0,95 да ҳам хавфли ҳисобланади. Шунингдек, чангхаво аралашмалари юқори энергияда, фенол смолоси — 10 мДж да, полиметилметакрилат — 17, резина — 30, полиэтилен — 80, полистирол — 120 мДжда аллангаланади.

Кишилар ток ўтказмайдиган резинали оёқ кийим ва сунъий тола (нейлон, капрон ва ҳ.к.), шерстъ, шойидан тайёрланган устки кийимдан фойдланиб диэлектрик моддалар билан турли ишларни бажарганларида хавфли ста-

тик электр зарядлари ҳосил бўлади. Разрядланиш вақтида одам танасидан 2,5 — 7,5 мДж энергия ажралиб чиқиб, кўп моддаларнинг ёнишига олиб келади.

Махсус қоидаларга асосан ишлаб чиқариш шароитларида статик электрдан ҳимоя қилиш учун куйидаги тадбир-чоралар амалга оширилади:

1) ускуна, идиш, коммуникациялар ва бошқа восита-лардан уловчи мосламалар ёрдамида статик электр зарядларини ерга узатиш;

2) хавфли жойларда ҳавонинг нисбий намлигини 70 % гача ошириш;

3) электрланиш содир бўладиган муҳитга материалларнинг электр ўтказувчанлигини оширадиган моддалар кўшиш;

4) муҳитни ёки ҳавони радиоактив моддалар, юқори кучланишли ва частотали, иссиқлик ионизаторлари ёрдамида ионлаштириш;

5) газларни муаллақ ҳолдаги қаттиқ ва суюқ заррачалардан тозалаш;

6) суюқликларни ифлос моддалардан тозалаш;

7) идиш, аппарт, аралаштиргичларни инерт газ билан тўлдириш;

8) ишчиларни ток ўтказадиган оёқ кийим билан таъминлаш;

9) синтетик материаллар (нейлон, перлон, капрон ва х.к.), шойи, шерстдан тайёрланган диэлектрик хоссага эга бўлган кийимлардан, металл узук, ҳалқалардан фойдаланишини тақиқлаш.

## 16.5. Яшиидан ҳимоя қилиш

Атмосферадаги булутлар таркибидаги сув томчиларининг ишқаланиши ва ҳаракатланиши натижасида томчи юзасида манфий, ички қисмида мусбат зарядлар тўпланди. Ҳаво оқими таъсирида сув томчилари бўлиниши натижасида булут манфий ва мусбат зарядланган бўлади. Юзаси ер ва булутдан иборат улкан сифим (конденсатор) ҳосил бўладики, электр майдони кучланиши маълум қийматга етганда зарядланиш ҳосил бўлади. Кучли ёритилган яшин йўли кўриниб кучли товуш эшитилади. Бу вақтда яшин каналида ток кучи 200000 ампер, кучланиш 150 млн. В, ҳарорат 6000—8000 °С гача етиши мумкин.

Яшин ер устида жойлашган иншоотларга икки хил таъсир кўрсатади.

Яшиннинг ер устидаги иншоот, қурилмаларга тўғри урилиши унинг бузилишига, ёнувчи модда ва материалларнинг алангаланишига олиб келади. Яшиннинг иккиламчи тасьири ҳимояланувчи бино ва иншоотларнинг мебтали контурига яшин урилиш вақтида зарядларнинг электростатик ва электромагнитли индукцияланиши билан боради. Натижада учкунланиш билан боғлиқ хавфли вазият вужудга келади.

Саноат корхоналарида яшиннинг бирламчи ва иккиламчи тасьири натижасида содир бўладиган ёниш, портлаш, бузилиш каби ҳодисаларнинг оддини олиш мақсадида СН 305-79 га асосан муҳим тадбир-чоралар кўрилди.

Атмосфера электрини нейтраллаш учун мўлжалланган тадбирлар тизими ҳимоя мосламалари комплексига «яшиндан ҳимоялаш» дейилади. Биноларни, иншоотларни яшин уришдан сақлайдиган мосламани «яшин қайтаргич» деб айтилди. У яшинни қабул қилувчи, токни узатувчи ва ерга уловчи воситадан ташкил топади.

Яшин қабул қилувчи восита ўзакли, антеннали ва тўрсимон шаклда бўлиши мумкин, кесим юзаси қамида 100 кв. мм бўлиши керак. Яшиндан ҳимоя қилинадиган барча бино ва иншоотлар учта категорияга бўлинган.

I категорияга В-I, В-II синфига кирувчи бинолар, қурилмалар, А категорияга мансуб ишлаб чиқариш киради.

II категорияга В-Ia, В-Ib, В-IIa, В-IIg синфига тааллукли бинолар, қурилмалар ва Б категорияга мансуб ишлаб чиқариш киради.

III категорияга П-1, П-2a, П-III синфига оид бинолар, қурилмалар ва ёнғиндан хавфли В, Г, Д категориядаги ишлаб чиқаришлар киради.

Ўзакли яшин қайтаргичнинг баландлиги ( $h = 60$  м ва ундан кам бўлганда ҳимоя зонаси асоси доирадан иборат бўлган конус шаклида тасвиirlаниб, зона радиуси  $r = 1,5$  h га тенг деб олинади.

Ер юзасидан иншоотни баландлиги  $hx$  бўлганида яшин қайтаргичнинг баландлигига ҳимоя зонаси радиуси қуйидаги tenglamalardan топилади ва яшин қайтаргич сони белгиланади:

$$rx = 1,5 (h - 1,25 hx) \quad 0 \leq hx \leq h \quad \text{ҳолатида}$$

$$rx = 0,75 (h - hx) \quad 2/3h \leq hx \leq h \quad \text{ҳолатида}$$

Бу ерда:

$r_x$  — ҳимоя зонаси радиуси, м;

$h$  — яшин қайтаргич баландлиги, м;

$hx$  — ҳимояланувчи бинонинг ер юзасидан баландлиги, м.

Ернинг солиштирма қаршилиги  $5 \cdot 10^4$  Ом · см ва ундан юқори бўлганда ерга улагичнинг қаршилиги 4 Ом, солиштирма қаршилиги кам бўлганда эса ерга улагич қаршилиги 10 Ом дан ошмаслиги керак.

## 16.6. Шахсий ҳимоя воситалари

Кимё, озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноати корхоналарида асосий ва қўшимча технологик жараёнларни амалга оширувчи барча ишчилар шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланишлари керак.

Қўлланаётган ускунга ва мосламанинг тузилиши, жарённи ташкил қилиш услуби, меъёрий режалаш қарорхулосалари ва жамоа ҳимоя воситалари бажариладиган ишларнинг хавфсизлигини таъминламаса, албатта шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмаси Федерацииси ва Меҳнат вазирлиги қарорига асосан ишчи ва хизматчилар белгиланган нормада шахсий ҳимоя воситалари билан бепул таъминланадилар.

Шахсий ҳимоя воситалари қўлланишига қараб бир неча синфларга бўлинади. Масалан, ҳимоя костюмлари (пневмо, гидрокостюм, скафандрлар), маҳсус кийимлар (комбинzonлар, ярим комбинzonлар, курткалар, шимлар, костюмлар, халат, плаш, фартук, нимча, пальтолар), маҳсус оёқ кийимлар (этик, ярим этик, ботинка, туфли, калиш ва ҳ.к.), нафас олиш органларининг ҳимоя воситалари (газниқблар, респираторлар, пневмокостюмлар, пневмомаскалар), бошни ҳимоялаш воситалари (каска, шлем, шапка, қалпоқ, шляпалар), қўлқоплар, кўзойнаклар, шовқиндан ҳимоя воситалари ва ҳ.к.

Корхоналарда, шунингдек бажарилаётган ишнинг турига қараб ҳимоя камар-тасмалари, белбоғлари, диеэлектрик поёндоз, қўл ушлатгич-илгаклар монипуляторлар, дермотологик ҳимоя воситалари—совун, паста, крем, мазлар ишлатилади.

Ишлаб чиқариш корхоналарида хона ҳавоси заарли моддалар билан зақарланган мұхитда зарур ишларни ба-жарыш учун ҳимоя костюмларидан фойдаланилади.

Махсус кийимлар одам танасини заарли ишлаб чи-қариш мұхитидан ҳимоялайдиган, осон ювиладиган, тана ҳароратини мейеріда ушлаб турадиган ҳамда қулай бўлиши керак.

ГОСТ 12.4.103-83 га биноан махсус кийимлар бир не-ча турга бўлинади: умумий фойдаланадиган, намдан ҳимоялайдиган, сув ўтмайдиган, радиоактив ва рентген нури таъсиридан ҳимоялайдиган. Махсус кийимларнинг кислота ва ишқор, нефть маҳсулотларидан, чанг ва органик эритувчилардан, зақарли моддалардан, иссиқликдан, электр таъсиридан ҳимоялайдиган хиллари мавжуд.

Оёқ кийимлар ишловчи шахсларни атроф-мухитнинг заарли таъсиридан—шикастланишлардан, куйишдан, паст ҳароратдан, агрессив, чангловчи ва ифлосланувчи моддалардан ҳимоялаши керак.

Оёқ кийимларнинг намланишдан, ишқор-кислотадан ҳимоялайдиган, нефтга, иссиқлик ва совуққа, тебранишга чидамли диэлектрик антистатик хиллари мавжуд. Улар резина, чарм, синтетик материаллардан этик, калиш, пийма, ботинка, тапочка кўринишида тайёрланади.

Саноат тармоқлари ишчилари учун оёқ кийимлар ишлаб чиқариш тавсиясига кўра махсус каталогдан танланади, мазкур махсус оёқ кийимларни тозалаш, ювиш, ким-ёвий тозалаш ишларини корхона маъмурияти санитария-эпидемиология станцияси билан келишилган ҳолда амалга оширади.

ГОСТ 12.4.034—85га кўра нафас олиш органларини ҳимоялаш воситалари ишлаш услубига кўра тўсиқловчи ва фильтровчи ҳимоя воситаларига бўлинади.

Атмосферада маълум миқдорда заарли моддалар бўлиб, кислород 18 % (ҳажм)дан кам бўлмаса, ташқи мұхитдаги ҳавони тозалаш учун фильтровчи воситалар қўлланади.

Ҳаво таркибида заарли моддалар бўлиб, кислород миқдори 16% (ҳажм) дан кам бўлган шароитда тўсиқловчи воситалар қўлланади.

Ҳимоялаш воситаларининг шлангли ва кислородли турлари мавжуд. Нафас олиш йўлларини ҳимоялаш воситалари асосан газдан-чангдан ҳимоялаш мақсадида иш-

латилади. Фильтровчи восита газниқоб цилиндр шаклидаги тозалагич, резинадан тайёрланган ойнали ниқоб, гофрланган резина шланг ва халтадаги захира қисмлардан иборат.

Атмосферадаги зарарли моддаларнинг таркиби ва миқдорига қараб газниқобларнинг А, В, Г, Е, КА, СО, М, БКФ турлари кўлланади. Уларни қуруқ, сувсиз биноларда сақлаш тавсия этилади, сақлаш ва кафолат муддати 3—4 йил.

Идиш, сифим, қудук ичидаги иш бажарилганда фильтровчи газниқоблардан фойдаланиш мумкин эмас. Газниқоблар 0,1,2,3,4 размерда (шлем-маска) тайёрланади. Фойдаланишдан аввал унинг иш қобилияти, бутунлиги текшириб кўрилади. Бунинг учун резина-ниқобни юзга тутиб, коробка тешиги резина тиқин билан бекитилади ва 3-4 марта чуқур нафас олинади. Нафас олиш қийинлиги, ҳаво ўтмаганлиги газниқобнинг бутунлигини кўрсатади.



Тўсиқловчи восита газниқоблардан шлангли ДНА-5, ПШ-1, ПШ-2 хили кўпроқ кўлланади. ПШ-1ни қўллаш фильтровчи коробка узунлиги 10 м бўлган шланг орқали нафас йўлига ҳаво сўрилишига асосланган.

ПШ-2, ДНА-5 газниқобларида узунлиги 20 м бўлган шланг орқали шамоллатгич (вентилятор) компрессор ёрдамида ҳаво узатилади. Бериладиган ҳаво тезлиги 50 л/мин бўлиши керак.

Кислородли ҳимояловчи газниқоб РВЛ-1, КИП-5, КИП-7, КИП-8 резинали ниқоб, гофрланган шланг, тозалагич (регенерация) мосламасидан ташкил топган. У одамнинг нафас олиш органларини тўлиқ изоляциялаши билан бошқа асбоб-воситалардан фарқланади.

Кислородли ҳимоя газниқоблари атмосферада кислород миқдори етишмаган иш зонасида номаълум зарарли модда концентрацияси кўпроқ бўлган шароитда кўлланади. Бу воситалар ёрдамида карбонат диоксиди нафас олинидиган ҳаво кислороди билан тўйинтирилади. Унинг оғирлиги 8-10 кг бўлиб, зарур жойда 2 соат давомида қўллаш мумкин.

Фильтровчи респираторлар нафас олиш органлари ни атмосферада бўлган зарарли модда—буғ, газ, чанглардан ҳимоялайди. Унинг Ф-62Ш, У-2К, Астра-2, Лепесток, РУ-60, Кама каби турлари мавжуд (13- расм).



13-расм.  
Шахсий ҳимоя воситалари:

а—Астра; б—РУ-60;  
в—Ф-62Ш; г—Лепесток.

Респираторлар одатда ҳаво таркибида кислород миқдори 18% дан кам бўлмаган ва йўл қўйиш мумкин бўлган концентрациясидан 10—15 марта ортиқ бўлган ҳолларда қўлланади.

Ҳавода чанг миқдори кўп бўлса, Ф-62Ш, Астра-2 респиратори, ўртача оғир ишларда, чанг бўлганда У-2К респиратори, енгил ишларда эса — Кама, бир марталик фойдаланишида Лепесток респираторлари қўлланади.

Ф-62Ш респиратори резинали ярим мослама, очиладиган пластмасса коробка, филоф, алмаштириладиган фильтр ва нафас олинадиган клапандан иборат.

Респиратор У-2К фильтрлайдиган юмшоқ материалдан тайёрланган паралон билан қопланган. Ички қисми полиэтилендан тайёрланган. Нафас олинадиган, чиқариладиган иккита клапани бор. Таркибида  $200\text{mg}/\text{m}^3$  гача чанг бўлган ҳавода нафас олиш йўлларини ҳимоялашда қўлланади.

Ҳаво таркибида кўзга таъсир этмайдиган газ, буг моддалари бўлганда нафас олиш йўлларини ҳимоялаш учун РУ-60М, РУ-60МУ, РПГ-67 респираторлари ишлатилиди.

Қўл кучи билан бўёқ ишлари бажарилганда РПМ-62 респираторидан фойдаланиш тавсия этилади. Бино хоналарида қисқа вақтда газли ҳаво мавжуд бўлганда кислородли кутқариш аппаратларининг СК-4, СК-5, ШС-5М, ШС-7М каби турлари қўлланади.

Одам бошини механик шикастланишдан, электр токи таъсиридан ҳимоялаш мақсадида ҳар хил каскалар (текстолитли, пластмассали, винипластли, шишапластикли) ва бошқалардан фойдаланилади. Оғирлиги 0,39—0,47 кг ли каскалар амортизаторлар билан таъминланган бўлиб, у 45—80 Дж гача қувватда бўлган тик ҳолатдаги урилиш юкига чидайди.

Саноат корхоналарида ишчи, хизматчилар ҳимоя каскаси кийиб юришлари керак. Аёллар эса сочларини ихчамлаштириб, рўмолча ўраб иш юритишлари фойдалидир.

Механик шикастланишдан, термик қўйишдан, кислота, ишқор, тузлар, эритувчилар, заарли ва терини қизартирадиган моддалар, электр токи таъсиридан ҳимоя қилиш учун ҳимоялаш воситалари қўлланади. Бу мақсадда иш юритганда пахтадан, лубканопдан, шерст газламадан, чарм,

мех, резина, полимер материаллардан тайёранган құлқоп-лардан фойдаланилади.

Паста, мазлар ишловчиларнинг терисини ҳимояловчи зарур воситадир. Құлланадиган пасталар, мазлар терига таъсир этмайдиган, енгил суркаладиган, терини тириштирмайдиган, иш вақти давомида тери юзасида сақданадиган, ишдан сүңг енгил олинадиган хусусиятларга эга бўлиши керак. Улар иш давомида терига икки марта сурилади. Паста, мазлар тавсиясига қараб уч турга — гидрофил воситалар (курилма құлқоп ХИОТ, ИЭР-1, АЙРО ва б.к.), гидрофоб воситалар (ИЭР-2 пастаси №1, Селинский мази ва б.к.) ва тозалагич моддалар (Авирол, Прогресс ва б.к.)га фарқланади.

Ишчи кўзини ташқи таъсирлардан ҳимоялаш учун ГОСТ 12.4.013-85 га асосан икки хил, яъни очиқ ва ёпиқ ҳолатдаги ҳимоя кўзойнакларидан кенг фойдаланиш тавсия этилган.

**17- бөб**

**ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ**

Саноат корхоналарида содир бўладиган ёнгин, портлашлар кўплаб моддий зарар кўришга, одамларнинг қурбон бўлишига олиб келади. Туар жой, жамоат бинолари, хом ашё, маҳсулотлар, ускуна, дастгоҳлар, ишлаб чиқариш бинолари, тайёр маҳсулотлар (ёнувчан хусусиятга эга бўлганлиги учун) ёниб кетади. Натижада бу халқ хўжалиги ривожланишига салбий таъсир қўрсатади.

Ёнгин ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон ва чет эл давлатлари мисолида жуда кўп. Брюссель (унив., магазин, 1967й.), Сеул (мехмонхона, 1971й.), Сан-Паулу (мехмонхона, 1972, 1974й.), Япония (универмаг), Бразилия (банк), АҚШ (Янги Орлеан шаҳри), Россия мехмонхонаси (1977й.), Москва мехмонхонаси (1990й., Ленинград), Жиззах (мехмонхона, 1988й.), Янгийул (МЭЗ), Бекобод металлургия комбинати, Чирчиқ эл. хим. комбинати (1978й.), Тошкент ёғ-мой комбинати ва бошқалар фикримизга мисол бўлади.

Дунё бўйича ҳар 10 секундда, жами 5 млн. ёнгин содир бўлмоқда. МДҲда эса бу кўрсаткич 8500 ни ташкил этади, натижада 1 млн. сўмдан кўп зарар кўрилади. Ўзбекистон Республикаси ИИВ маълумотига қараганда, Ўзбекистонда 1991 йили 24000 ёнгин содир бўлиб, 241 киши ҳалок бўлган, 23 млн. сўм зарар кўрилган. Ёнгиннинг 20%и электр токи таъсирида содир бўлган, 1992 йили Тошкент шаҳрида 2489 ёнгин бўлиб, 183 киши ҳалок бўлди, 367 млн. сўм зарар кўрилди. 1993 йилнинг 9 ойида Ўзбекистонда 16000 ёнгин бўлиб, 209 киши ҳалок бўлди, кўрилган зарар 386 млн. сўмни ташкил этди. 1998 йилда эса Тошкентда 2573 ёнгин содир бўлиб, 236 млн. сўм зарар кўрилди. 38 одам (8 бола) ҳалок бўлди, 78 одам жароҳатланди.

Саноат корхоналарини, тураг жой биноларини ёнгин, портлашдан ҳимоялаш давлатнинг муҳим ва бош вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Бу вазифани бажариш технологик ускуналардан тўғри фойдаланиш, бино, қурilmа, иншоотларни ёнгинга қарши умумий нормаларга асосланиб тўғри лойиҳалаш, қуриш билан узвий боғланган.

Ишлатиладиган қурилиш материаллари ва жиҳозларнинг ёнувчанлигини аввалдан ҳисобга олиш, қайта ишланадиган, олинадиган модда, маҳсулотларнинг ёнишга майиллигини, физикавий-кимёвий хусусиятларини эътиборга олиш ёнгин хавфсизлигини таъминлашда ва ундан огоҳлантиришда, одамларнинг хавфсизлигини тамиллашда катта аҳамиятга эгадир. Бу мақсадда ёнгинга қарши кўлланиладиган умумий норма талабларига мос тушадиган ва амалга ошириладиган техникавий ечимлар, тадбир-чоралар ишлаб чиқилиб, корхоналарда, ишлаб чиқаришда жорий этиши талаб қилинади ҳамда шу талабларнинг амалга оширилиши қаттиқ назорат қилинади.

Бўлажак мутахассисларни ёнгин хавфсизлигига оид муаммоларни тўғри ва ижобий ҳал қилишга қизиқтириш, назарий билим бериш, ишлаб чиқаришда меҳнат шароитини яхшилаш, содир, бўладиган ёнгин, портлашларнинг олдини олиш, огоҳлантириш ёки таъсирини камайтиришда катта аҳамиятга эга.

## 17.1 Ёнгин муҳофазасини ташкил этиш ва хуқуқ вазифалари

Саноат корхоналарининг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш давлат аҳамиятидаги вазифа ҳисобланганлиги учун 1918 йил 18 апрелда «Ёнгинга қарши курашишда давлат чораларини ташкил этиш» ҳақида декрет қабул қилиниб, унда ёнгин муҳофазасини ташкил этиш, ёнгин ишлари асослари кўрсатилган эди. Шу жумладан мамлакатда ёнгин муҳофазасини мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор йўриқнома ва қарорлар чоп этилган эди.

«Ёнгинга қарши муҳофаза илмий тадқиқот институти» ёнгин муҳофазаси ишлари бўйича бош ташкилотчи бўлиб ҳисобланади. Институт давлат стандартлари, норма, қоида ва йўриқномаларни ишлаб чиқади, ишлаб чиқаришга тадбиқ этади.

Мамлакатимизда «Давлат ёнғин назорати»ни Ички ишлар вазирлиги (ИИВ) ихтиёридаги «Ёнғин муҳофазаси бош бошқармаси» олиб боради. Назорат олиб бориша вилоят, шаҳар, туман ижроия қўмитаси ички ишлар бўлими ва халқ депутатлари ёрдам беради. Давлат ёнғин назорати хуқуқ ва вазифалари Низомда кўрсатилган. Низомга асосан, халқ хўжалигининг барча тармоқларида ёнғин назорати Ёнғин муҳофазаси Бош бошқармаси ва унинг маҳаллий органлари ёрдамида олиб борилади.

Давлат ёнғин назорати қўйидаги вазифаларни бажаради:

1. Ёнгинга қарши муҳофаза бўйича қоида, йўлланма, техникавий нормалар тайёрлаб, нашр этади, уларни ҳаётга тадбиқ қилиш мақсадида ва ёнғин хавфсизлигини тъминлашга қаратилган қоидаларга корхона, ташкилот, муассасаларда қандай амал қилинаётганлигини текшириб боради.

2. Республика ва маҳаллий ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар айрим фуқаролар томонидан ёнғинга қарши чора-тадбирларнинг бажарилишини текширади.

3. Ёнгинга қарши зарур ишларни ташкил этишда, техникавий воситаларни қўллаб ёнғиннинг олдини олиш, огоҳлантириш ва ёнғинни, табиий оғатларни бартараф этишда тартиб ўрнатади.

4. Саноат корхоналари ва ҳоли манзилгоҳларини лойиҳалашда ёнғинга қарши муҳофаза талабларининг бажарилишини текширади.

5. Лойиҳалар, ёнғинга қарши ускуналар-воситалар бўйича хулосалар беради.

6. Ёнғинни ўчириш воситаларининг имкониятларини, ёнғинни учирис ташкилотларининг жанговар ҳолатини текширади.

7. Ёнғинларни ҳисобга олади ва ҳисобот беради

Давлат ёнғин назорати қўйидаги хуқуқларга эга:

— барча бинолар, қурилмалар, хоналар, бўлимлар, майдонлар ва омборларнинг ҳолатини текшириш;

— корхона, муассаса, айрим фуқаролардан ёнғин хавфсизлигига боғлиқ бўлган хужжатларни талаб қилиш;

— халқ хўжалиги объектларидаги камчиликларни йўқотиш, чора-тадбирлар кўриш ҳақида ёзма буйруқ бериш;

— ёнғин хавфсизлиги бўйича асосий ва тармоқ хужжатлари талаблари бузилишига алоқадор шахсларни маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиш ва ҳ.к.

Корхоналарда ёнғин мұхофазаси уч хил — касбий, маъмурый ва жамоат усулида амалга оширилади. Касбий ёнғин мұхофазаси объектларда амалга оширилади. Ҳарбий-лашган касбий ёнғин мұхофазаси таркибида отряд, қисмлар бўлиб, улар замонавий аппарат-асбоблар билан таъминланган ва мўлжалланган жойларда ёнғинга қарши норма ва қоидаларга амал қилиниши устидан кундалик назорат олиб боради. Касбий ёнғин мұхофазаси халқ ҳуҗалигининг турли тармоқларида амалга оширилади, ташкил этилади.

Маъмурый ёнғин мұхофазасига корхона, цех, бўлим ва бошқа жойлар бўйича ёнғин хавфсизлигига тайинланган шахс жавоб беради. Ишни ташкил этиш, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун корхонада технологик ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ ёнғиндан огоҳлантириш мақсадида бош мұхандис раҳбарлигига «Ёнғин техник комиссияси» (ЁТК) ташкил этилади. ЁТК вазифаси давлат ёнғин назоратига, корхона ёнғин мұхофазасига ёрдам беришдан иборат.

Корхона цехларида, омборларида ёнғинга қарши чоратадбирлар олиб боради, тартиб-интизом ўрнатади, назорат уюштиради. Комиссия ҳар уч ёки олти ойда ўтказилган текшириш натижаларига асосан камчиликлар, зарур тадбир-чораларни кўрсатиб далолатнома тайёрлайди.

Жамоат ёнғин назорати корхонада ташкил этиладиган кўнгилли ёнғин дружинаси зиммасига юқлатилган. Кўнгилли ёнғин дружинаси объект ёки цех бўйича алоҳида бўлиши мумкин. Уларнинг вазифаси иш жойларида, цехда ёнғинга қарши мавжуд бўлган қонун-қоидаларга амал қилиб иш юритишни талаб қиласди. Шунингдек, ишчилар ўртасида инструктаж ўтказади, имтиҳон қабул қиласди.

Ёнғиннинг олдини олиш учун ҳар бир ишчи мутахассисда хавфсиз иш юритиш, ёниш ва унинг турлари, ёниш шартлари, ёнувчи моддалар тури ва хусусиятлари, ёнғинни ўчириш усуллари ҳақида тушунча бўлиши керак.

## 17.2. Ёниш жараёни, турлари ва ёниш шартлари ҳақида тушунча

Кимё саноати корхоналарини ёнғин ва портлашга хавфлилиги жараён бажарилишида ишлатиладиган ҳом ашё ва унинг турига боғлиқ. Чунки саноатда енгил аланталана-диган ва ёнадиган суюқликлар, ёнувчи газлар, суюлтирил-


ган газлар, ёнувчи қаттиқ моддалар ишлатилиши мумкин. Ёниш мұхитини баҳолаш учун ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратылған чора-тадбирлар ишлаб чиқиши, ёниш, портлаш жараённининг физикавий-кимёвий асосини, ёнишга хавфли модда ва материалларнинг бирликтарини, уларни құллаш чегарасини, хавфли вазиятни аниклаш усууларини билиш зарур.

Ёнувчи модданинг ҳаво кислороди билан оксидланиб, манба таъсири остида иссиқлик ва нур чиқиши билан якунланадиган жараён «ёниш» дейилади. Ёниш моддаларнинг оксидланиши натижасыда ҳам намоён бўлади.

Жараённинг тезлигига қараб ёниш шахсан ёниш, портлаш ва детонация кўринишида бўлиши мумкин. Ҳаво таркибида 14-15% кислород бўлса, юқори тезликда турғун ёниш бўлади. Таркибида кислород бўлган моддалар ҳам оксидланишга олиб келади.

Моддаларнинг ёниши уларни солиштирма юзасига, кислород билан аралашышига боғлиқ. Ёниш жараёни содир бўлиши учун учта шарт — ёнувчи модда, оксидловчи кислород, аланга манбай бўлиши шарт. Кислород миқдорига қараб тўлиқ ва чала ёниш намоён бўлади. Ёниш ҳудудида кислороднинг иштироки билан диффузияли ёниш содир бўлади (14-расм).

Биринчи зонада буғ, газлар бўлиб, ёниш бўлмайди. Иккинчи зонада чала ёниш бўлади, қисман углерод ҳосил бўлади. Учинчи зонада маҳсулот тўлиқ ёниб, аланга-нинг юқори ҳарорати сезилади.



14-расм . Диффузияли ёниш

Аланга баландлиги диффузия коэффициентига тескари пропорционал, ўз навбатида ҳароратга 0,5-1 даражада түгри пропорционал.

Газ, буғларнинг ҳаво билан аралашмаси ёниш зонасига маълум тезликда берилганда конуссимон шаклда турғун алангали ёниш содир бўлади. Ёниш тури аралашма таркибига боғлиқ. Ёнувчи модда газ, буғ, қаттиқ, кукунсимон, чант ҳолда бўлиши мумкин. Оксидловчи эса ҳаво, кислород, кислородли бирикмалар кўринишида мавжуд.

Аланга манбанинг иссиқлик, электрик, механик, кимёвий ва микробиологик хили бўлиши мумкин.

Ёниш жараёни гомоген ва гетероген хилда бўлади. Тўлиқ ёниш натижасида карбон ангидриди, сув, азот ва олтингутурт ангидриди, фосфор ангидриди ҳосил бўлади. Чала ёнишда ўювчи, заҳарли, ёнадиган, портлашга хавфли маҳсулотлар — карбон ангидриди, спирт, кетон, альдегид, кислоталар ҳосил бўлади. Бир килограмм модда ёниши учун зарур бўлган ҳаво миқдори қўйидаги тенгламадан топилади:

$$Vx = 1,12 \cdot Q/1000, \text{ куб.м.}$$

Бу ерда:  $Q$  — ёнувчи модданинг иссиқлик бериш қобилияти, кДж/кг.

Масалан, ёғоч учун — 4,18 куб м/кг; нефтга — 11,6; бензолга — 10,25; метанга — 9,52; бензинга — 11,6; ацетилен учун 11,9 куб м/кг га teng.

Газлар учун иссиқлик бериш қобилияти қўйидаги тенгламадан топилади:

$$Q = 1000 \cdot Q_e/22,4 \text{ кДж/кг}$$

Қаттиқ моддалар учун  $Q = 1000 \cdot Q_e/M$  га teng.

Бу ерда:  $Q_e$  — ёниш иссиқлиги, кДж/кг;

$M$  — модданинг молекуляр оғирлиги.

Ёнишнинг назарий ҳарорати тенглама билан топилади, агар иссиқлик ёнувчи моддани қиздиришга тўлиқ сарф бўлиши шарти бажарилса:

$$Q = mc(te - t_b)$$

Бу ерда:  $m$  — ёнадиган модда, маҳсулот миқдори, ҳажми куб м,кг.

$c$  — модда, маҳсулотнинг ўртача иссиқлик сифими, кДж/куб см °C;

$t_e$  — ёниш ҳарорати, °C;

$t_b$  — ҳавонинг бошланғич ҳарорати, °C

Баъзи моддалар учун ёниш ҳарорати ва иссиқлиги қўйидаги миқдорга тенг: масалан, ацетилен учун — 57700 кДж/кубм (2270 °C), бензинга — 44150 (1865), водородга — 10830 (2230), ёғочга — 13850 (17200), тошкўмирга — 30290 (2010), керосинга — 44050 (1925), нефть газига — 35180 (2020), суюлтирилган газга — 105000 (2370). Ҳақиқатда ёниш вақтидаги ҳарорат назарий миқдордан 30—50% кам бўлади. Бу ҳолат иссиқликни атроф муҳитга сарфланиши билан тушунтирилади.


Ёниш вақтида аланганинг нурланиши сезилади, ранги ўзгаради. Бу ҳолат атомларни иссиқликдан қўзғолишига, модданинг таркибига боғлиқ. Иссиқликнинг асосий қисми алангадан атроф муҳитга нурланиш энергияси кўринишида ажralиб, буюм, жиҳоз ва хонадаги бошқа нарсларни қиздиришга сарф бўлади.

Қаттиқ, суюқ, газсимон моддаларнинг ёниш жараёни бир-бирига ўхшаш бўлиб, оксидланиш, ўз-ўзидан алангаланиш ва мустақил ёнишдан иборат. Уларнинг ёниш хусусиятларини, ҳавфсизликка боғлиқ бўлган бирликларини навбати билан кўриб чиқамиз.

### 17.3. Ёнишнинг иссиқлик ва занжирли механизми

Н.Н. Семенов, В.Н. Кондратьев, Я.Б. Зельдович, Д.А. Фрак-Каменский, Б.Б. Воеводский каби олимларнинг илмий ишларида ёниш реакциясининг физикавий, кимёвий механизми ҳақидаги замонавий тушунча берилган.

Ёнишнинг иссиқлик механизми иссиқлик асосида тушунтирилади. Яъни ёниш жараёни содир бўлишида асосий шарт сифатида ажralаётган иссиқлик тезлиги атрофга таъсир этаётган ва берилаётган иссиқлик тезлигидан кўпроқ деб қабул қилинган. Реакция бошланиши учун дастлаб ёнувчи аралашма ҳажмини маълум ҳароратгача қиздириш талаб қилинади, сўнгра реакция кичикроқ тезликда бошланиб, ажralаётган иссиқлик ҳисобига ёниш тезлиги ортади. Тезлик чегараси ортиши билан иссиқлик портлаши, ўз-ўзидан алангаланиш содир бўлади. Реакция бошқарилиши бузилади, мавжуд физик-кимёвий қонунларга



15-расм. Босим ва ҳарорат орасидаги боеланиш.

бўйсунмайди. Иссиклик механизми ўз-ўзидан алангаланиш ҳолати босим ва ҳарорат орасидаги боеланиш билан тушунтирилади (15-расм).

Доимий ҳарорат, бир хил таркибда иссиқлик узатилиши 1-чизиқ билан тушунтирилади. 2,3,4 - эгри чизиқлар бир хил таркибли аралашмадан ҳар хил босимда иссиқлик ажралишини ифодалайди.  $t_1$  нуқта ажралаётган, сарфланаётган иссиқлик миқдори бир-бирига тенглашганини ва бу ҳолатда ёниш жараёни бўлмаслигини ифодалайди.

Н.Н. Семенов тенгламасига асосан ёнувчи аралашманни аниқ шароитда алангаланиши мумкинлигини назарий аниқлаш мумкин:

$$\lg \frac{P_{kr}}{T_a} = E/NRT + B$$

Бу ерда:

$P_{kr}$  — алангаланиш минимал босими,

$T_a$  — ўз-ўзидан алангаланиш ҳарорати,

$E$  — активлик энергияси,

$RT$  — универсал газ доимийлиги,

$N$  — реакция тартиби,


$B$  — аралашма таркиби, хоссасига боелиқ доимий миқдор.

Иссиклик механизми кўлгина моддаларнинг агрегат ҳолатига, босимга, таркибига, миқдорига боелиқ ҳолда ёниш жараёнини тўлиқ тушунтира олмайди. Бу жараён хусуси-

ятлари ёнишнинг занжирли механизми билан тушунтирилади.

Агар тўқнашаётган молекулаларнинг энергия захиради активлик энергиясидан кўп бўлса, кимёвий боғланиш, реакция содир бўлади. Ана шунда боғланишдан сўнг маҳсулот кўп энергияга эга бўлиб, унинг, атрофга тарқалиши ёки аралашмани қиздиришга сарфланиши намоён бўлади. Бирламчи реакция маҳсулоти энергияси бошқа маҳсулотга узатилиб, уни актив ҳолатга келтириш эҳтимоли ҳам мавжуд. Натижада реакция янги актив молекула ҳосил бўлишига, бирлашишга ва реакциянинг занжирли давом этишига олиб келади. Актив молекулалар кимёвий энергия ҳисобига озод атом ва радикалларнинг тўйинган гурӯхларининг кўринишини ифодалайди.

Водород, кислород, хлор, гидрооксид, нитрооксид, метил ва бошқалар кимёвий тўйинмаган ва юқори реакцион хусусиятга эга бўлиб, улар аралашманинг бошқа компонентлари билан боғланиб, яна озод радикаллар, атомлар ҳосил қиласи. Кимёвий актив гурӯхлар занжирли реакция учун актив марказ ҳисобланади. Масалан, водороднинг оксидланиш жараёни қуйидагича ифодаланади:



Реакциянинг давом этиши, ўз навбатида, иккиламчи актив марказнинг ҳосил бўлишига боғлиқ. Боғланиш натижасида тармоқланиш, реакциянинг тезлашиши, занжирнинг узилиши содир бўлади. Актив марказнинг қолдиқлар билан реакцияга киришиши, кимёвий энергиянинг тақсимланиши, ноактив молекула билан тўқнашиши натижасида занжир узилади.

Занжирли ёниш механизми мусбат ва манфий катализни тушунтиради. Мусбат катализаторлар (перекис маҳсулотлари) актив марказ ҳосил қилиб, карбонводородларнинг оксидланишини тезлаштиради. Манфий катализаторлар актив марказларни йўқ қиласи, ёниш жараёнини

тұхтатади. Галогенли карбоноводородлар шундай хусусиятта эга.

Нефть маҳсулотлари, аралашмалар қизиб, актив марказ ҳосил бўлиб, ўзидан ўзи аланталаниб кетмаслиги учун улар таркиби га манфий катализаторлар қўшилади.

#### **17.4. Ёнувчи моддаларнинг ўзидан ўзи аланталаниш жараёни, аланталаниш ҳароратини аниқлаш усуслари**

Экзотермик реакциянинг тезлиги ортиб алантали ёниш билан якунланадиган кичик ҳарорат миқдори моддаларни ўзидан ўзи аланталаниш ҳарорати дейилади. Бу ҳарорат учун аралашма ўзидан ўзи аланталанадиган сифим дефори ҳарорати қабул қилинган.

Ўзидан ўзи аланталаниш сифим-идиш ҳажмига, иссиқлик ва масса алмашиш шароитига, атроф-мухитга, реакцияга киришаётган аралашма ҳажми ва моддалар концентрациясига, катализаторлар миқдорига, босимга ва бошқа бирликларга боғлиқ. Ўзидан ўзи аланталаниш ҳарорати портлашга хавфли аралашма ва моддаларнинг синфланишига қараб портлашдан ҳимояланган ускуналарни танлашда ва уларни ишлатиш жараёнида ҳисобга олинади. Одатда модда, аралашмаларнинг тўлиқ алантали ёниши ўзидан ўзи аланталаниш ҳароратидан юқориоқ миқдорда содир бўлади ва ривожланади. Масалан, бензин учун ўзидан ўзи аланталаниш ҳарорати  $260^{\circ}\text{C}$  бўлса, ёниш ҳарорати  $1200-1300^{\circ}\text{C}$  га тенг. Аралашма бундай ҳароратга эга бўлиши учун буғ ва ҳаво аралашмасини ўзидан ўзи қизишига вақт керак. Бу вақт индукция даври дейилади.

Ёнувчи модданы иситиш ҳарорати қанча паст даражада бўлса, индукция даври шунчак кўп бўлади. Индукция даври аралашманинг таркиби, ҳажмига, ҳарорат ва босимга боғлиқ. Суюқликларнинг таркиби ошиши, моддаларнинг молекуляр оғирлиги ортиши билан ўзидан ўзи аланталаниш ҳарорати пасаяди. Аксинча ингибиторлар ўзидан ўзи аланталаниш ҳароратини  $100^{\circ}\text{C}$  ва кўпроқقا оширади.

Тўйинган карбон водородларнинг ўзидан ўзи аланталаниш ҳарорати тўйинмаган турига нисбатан юқори. Кўпгина газлар ва суюқликларнинг ўзидан ўзи аланталаниш ҳарорати  $400-700^{\circ}\text{C}$  миқдорида. Қаттиқ моддалар эса  $250-450^{\circ}\text{C}$  (ёғоч, кўмир, торф),  $450-800^{\circ}\text{C}$  (рух, магний, алюминий кокси)ни ташкил этади.

Модда ва материалларнинг ўзидан ўзи алангаланиш ҳароратини аниқлайдиган тўртга усул мавжуд:

1. **Юбориш (напуск) усули.** Араплашма идиш деворидан иссиқлик бериб қиздирилади. Маълум босимда юборилган араплашма алангаланадиган ҳарорат ўзидан ўзи алангаланадиган ҳарорат деб қабул қилинади.

2. **Сиккиш усули.** Сиккилган ҳаво босими ҳаракати ёрдамида араплашма сиқиб қиздирилади. Араплашмани сиқкиш босими ва ҳароратига қараб адабатик қонун асосида ўзидан ўзи алангаланиш содир бўлади:

$$P_c = P_0 \cdot E^k, \quad T_c = T_0 \cdot E^{k-1}$$

бу ерда:  $P$  — араплашманинг охирги сиқилиш вақтидаги босими;

$T$  — араплашманинг охирги сиқилиш вақтидаги ҳарорати;

$P_0$  — араплашманинг бошланғич сиқилиш вақтидаги босими;

$T_0$  — араплашманинг сиқилиш бошланиши вақтидаги ҳарорати

$E$  — сиқилиш ҳажм даражаси бўлиб, куйидагича аниқланади:

$$E = Y_0 / Y_{\text{сиқилиш}}$$

бу ерда:  $Y_0$  — араплашманинг сиқилиш бошланишидаги ҳажми

$Y_{\text{сиқилиш}}$  — араплашманинг охиригача сиқилгандаги ҳажми

$K$  — газларни адабатик кўрсаткичи бўлиб, куйидагича аниқланади:

$$K = C_p / C_y$$

бу ерда:  $C_p$  — ўзгармас босим остидаги газларнинг иссиқлик сифими;

$C_y$  — ўзгармас ҳажм остидаги газларнинг иссиқлик сифими.

3. **Оқим усули (струйн.).** Газ, буғ, оксидловчи алоҳида қиздирилади. Қиздирадиган қувурдан чиқаётган оқимларнинг араплашиши билан ўзидан ўзи алангаланиш содир бўлади. Бу вақтда араплашма иссиқ деворга тегмайди.

4. **Томчи усули.** Текшириладиган суюқлик томчиси бюреткадан қиздирилган тигелга тушиши билан аниқланади

диган ҳарорат миқдори орқали ўзидан ўзи аланталаниш ҳарорати ифодаланади.

### 17.5. Моддаларниң ўзидан ўзи ёниши ва синфланиши

Қаттиқ, ғоваксимон ёнувчан моддалар юзасида адсорбцияланган ҳаво қатлами билан оксидланиш реакцияси тезлиги ортиб боради. Иссикликни кам ўтказадиган ва ғовакли моддаларда йиғилган иссиқлик ҳароратни, оксидланиш жараёнини тезлаштиради. Полимерланишда, биологик ва физик жараёнларда кўплаб иссиқлик ажраби чиқади ва ўзидан ўзи ёниш содир бўлади.

Ўзидан ўзи қизиб, ўт манбаи иштирокисиз тўлиқ ёниш билан якунланадиган экзотермик реация ўзидан ўзи ёниш дейилади. Ўзидан ўзи ёниш ҳарорати паст бўлган моддалар жуда хавфли ҳисобланади. Моддалар ўзидан ўзи ёнишга мойиллиги бўйича тўрт синфга бўлинган.

**Биринчи синфга** табиий ўсимликлар (пичан, қипик, сомон) тааллуқли. 60—70 °C да биологик жараён кимёвий оксидланиш жараёнига ўтиб, ўзидан ўзи ёниш билан якунланади.

**Иккинчи синфга** торф ва кўмир киради. Норма ҳароратида кўмир оксидланиб, қизиб ўзидан ўзи ёниб кетади. Торф 60 °C да қизиб оксидланади.

**Учинчи синфга** ёғ ва мойлар киради. Таркибида тўйинмаган карбон водородли бирикмалар бўлган ўсимлик мойи ва ёғлари оксидланиш, полимерланиш хусусиятига эга.

Ёғ-мой томчилари бўлган кийим-кечаклар ўзидан ўзи ёниб кетадиган хавфли даражада бўлиб, улар иш жойларидан ва хоналаридан дарҳол йўқ қилиниши керак.

**Тўргинчи синфга** кимёвий моддалар ва аралашмалар киради. Улар, ўз навбатида, уч гурухга бўлинган.

**Биринчи гурухга** ҳаво билан тўқнашганда аланталана-диган моддалар киради. Масалан, оқ фосфор, фосфор, фосфор водороди, рух ва алюминий чанги, арсин, стибин, фосфин, ёғоч, кўмир, кул, металлорганик бирикмалар. Фосфор галогенли бирикмалар металл билан бирикади, оксидланади. Оксидловчи билан аралашиб портлайди (селитра, хлорат, перекись). Парофорли моддалар — калий, кальций, темир, натрий сульфидлари оксидланиб ўзидан ўзи ёниб кетади.

**Иккинчи гурухга** сув билан аралашиб аланталанадиган моддалар киради. Масалан, ишқорий металлар, кальций

карбиди, ишқорий ва еришқорий металлар гидриди, кальций ва натрий фосфорити, силанлар, натрий гидросульфиди ва бошқалар сув билан бирикиб, ёнадиган, алантланадиган газлар ҳосил қиласы. Металл карбидлари ҳам хавфли ҳисобланади.

Учинчи гурұхға органик моддалар билан құшилғанда алантланышта олиб келадиган оксидловчилар киради. Масалан, кислород, галогенлар, азот кислотаси, барий ва натрий перекиси, калий перманганати, хром ангидриди, құрғошин оксиidi, селитра, хлорат, перхлоратлар, хлорли оқак ва бошқалар.

Ацетилен, водород, этилен хром билан аралашып нұтасирида үзидан үзи ёнади ва портланди. Юқорида айттылған барча хавфли кимёвий моддалар турига қараб омборларда алоқида сақланиши ва құрсақталарға асосланиб ишлатилиши талаб қилинади. Моддаларнинг үзидан үзи ёништа майиллиги Денштадт, Манкей, ВНИИПО усуллари билан аниқланади.

## **17.6. Суюқликларнинг ёниши. Уларнинг чақнаш ҳарорати бўйича бўлинниши**

Суюқликларнинг ёниши суюқлик юзасида фақат буғ фазасида содир бўлади. Ёниш буғнинг миқдорига, суюқлик таркибига ва ҳароратга боғлиқ. Суюқлик юзасида ҳосил бўлған газ ёки буғлар ҳаво билан аралашып манба иштирокида чақнай оладиган кичик ҳарорат миқдори **чақнаш ҳарорати** дейилади.

Суюқликларнинг чақнаш ҳароратигача қиздирилиши унинг алантланышига тайёргарлик ҳолатини ифодалайди.

Чақнаш ҳароратига қараб суюқликларнинг ёнгинга хавфлилик даражаси белгиланади. Чакнаш ҳарорати  $61^{\circ}\text{C}$  гача бўлған суюқликлар енгил алантланадиган (ЕАС), чақнаш ҳарорати  $61^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлғанлари эса енгил ёнадиган суюқликлар (ЕЁС) дейилади.

Чақнаш ҳароратидан юқори даражада олиб бориладиган технологик жараёнларда қўлланиладиган суюқликлар портлашга хавфли ҳисобланади. Суюқликларнинг чақнаш ҳарорати ГОСТ 12.1.044-89 га асосан аниқланади. Баъзи суюқликлар учун чақнаш ҳарорати қуйидаги миқдорни ( $^{\circ}\text{C}$ ) ташкил этади. Масалан, ацетон учун —  $1,8^{\circ}\text{C}$ , бензин —  $50\text{--}28^{\circ}\text{C}$ , бензол —  $15^{\circ}\text{C}$ , толуол —  $6^{\circ}\text{C}$ , ксилол —  $-23^{\circ}\text{C}$ , этанол —  $9^{\circ}\text{C}$ , керосин —  $28\text{--}45^{\circ}\text{C}$ , скапидар —

34 °C, мотор ёқилғиси — 70—120 °C, минерал ёғлар — 158—195 °C га тенг. Суюқликлар учун чақнаш ҳарорати Орманда ва Грревен қоидаси билан топилади:

$$T_y = T_k K$$

Бу ерда:  $T_k$  — қайнаш ҳарорати,  
 $K$  — коэффициент, 0,736.

Бұғларни босимига қараб ҳам Торитон тенгламаси билан чақнаш ҳароратини анық ҳисоблаш мүмкін:

$$P_6 = P_{\text{атм}} / 1 + (N - 1) 4,76$$

Бу ерда:  $P_6$  — бұғ босими,

$P_{\text{атм}}$  — атм. босими,

$N$  — моль атом кислород сони.

Чақнаш ҳароратига хос босим қүйидагича аниқланади:

$$P_y = P_{\text{умум}} / 8M$$

Бу ерда:  $P_y$  — чақнаш ҳарорати босими,

$P_{\text{умум}}$  — аралашма босими,

$M$  — бир моль суюқлик ёнишига керак бўлган кислород моль сони.

## 17.7. Газ, бұғларни ҳаво билан аралашмаларининг ёниш хусусиятлари. Уларниң ҳарорат ва концентрацияли аланталаниш чегаралари

Ишлаб чиқариш шароитида ёнувчи газ, бұғнинг ҳаво билан турли аралашмалари ҳосил бўлади ва шароит бўлса ёнади, портлаб кётади. Аралашмаларнинг ёниши, портлаши қиздириш манбаига, кимёвий ўзгаришга, диффузияга, иссиқлик узатилишига, алантанинг тарқалишига, бошланғич босимга, ёнувчи модданинг маълум миқдори — концентрациясига боғлиқ. Газ, бұғ — ҳаво аралашмасида ёнувчи модда концентрацияси 100% га ўзгариб, аралашмалар учун аланталаниш чегараси мавжуд.

Ёнувчи модда аралашмаларини маълум концентрацияли чегарада ёкиш мүмкін. Чегарадан юқори концентрацияда аланталаниш содир бўлмайди. Шунинг учун аралашмаларда қуйи ва юқори аланталаниш чегаралари мавжуд.

Аланга манбай иштирокида алангаланадиган, тарқала-диган ёнувчи модда-газ, буғларнинг ҳаво аралашмасида-ги энг кам миқдори алангаланиш (портлаш) қуи кон-центрация чегараси (ПККЧ) дейилади.

Аланга манбай иштирокида аввалроқ алангаланиб, тарқалиб кетадиган газ, буғларнинг ҳаво аралашмасидағи энг күп миқдори алангаланиш (портлаш) юқори концен-трация чегараси дейилади (ПЮКЧ).

Алангаланиш концентрация чегаралари аралашмалар учун ҳажм % ва мг/л бирлигиде ифодаланади. Ҳарорат ҳар 100 °С га ошиши билан (ПККЧ) 10% га камаради, ПЮКЧ 15% га ортади. Аралашма таркибиға бошқа кү-шимча моддаларнинг киритилиши ёки алмаштирилиши билан газ аралашмаларининг алангаланиш чегараси ўзга-ради. Портлаш қуи ва юқори чегара концентрациялари қуидаги тенгламалар билан аниқланади:

$$\text{ПККЧ} = \frac{100}{(1 + (N-1) \cdot 4,76)} / (\text{ҳажм}) \text{ ёки}$$
$$\text{ПККЧ} - M / (N-1) \cdot 4,76 \cdot Vt, \text{ г/л}$$

$$\text{ПЮКЧ} = 4 \cdot \frac{100}{(4+4,76 \cdot N)} / (\text{ҳажм}) \text{ ёки}$$

$$\text{ПЮКЧ} = 4M / (4+4,76 \cdot N) \cdot Vt, \text{ г/л}$$

Бу ерда:  $N$  — 1 моль газни ёқишида иштирок этадиган кислород атомлари сони,

$V$  — бошланғич ҳароратда 1 моль газнинг ҳажми,

$M$  — 1 моль ёнувчининг аралашмадаги массаси.

Баъзи моддалар учун ПККЧ, ПЮКЧ % ҳисобида қуидаги миқдорга тенг: амиак учун - 16—27; бензин - 0,76—5,4; ацетилен - 1,5—82; ацетон - 1,55—12,8; метан - 2,5—15; этан - 2,5—15; пропан - 2,0—9,5; бутан - 2,8—8,41; водород - 4—17, олтингугурт водороди - 1,5—50; метанол - 3,5—38,5; этанол - 2,8—19; олтингугурт углероди - 4,3—44,5; бензол - 1,5—9,5%.

Маълум таркибдаги мураккаб аралашмаларнинг порт-лаш чегараси қуидаги Ле-Шателье тенгламаси билан то-пилади:

$$C = \frac{100}{(C_1/\Pi_1 + C_2/\Pi_2 + C_3/\Pi_3 + \dots + C_n/\Pi_n)}, \text{ \%}$$

Бу ерда:

$C$  — қуи ёки юқори алангаланиш чегараси, %

$C_1, C_2, C_3$  — ёнувчи модданинг аралашмадаги концен-трацияси,

$P_1, P_2, P_3$  — ёнувчи моддаларнинг портлаш чегараси, %.

Портлаш вақтидаги босим қуйидаги тенгламадан топилади:

$$P_n = P_{0x} T_{nxt} / t_0 x n$$

Бу ерда:

$P_0$  — бошланғич босим;

$T_n$  — портлаш ҳарорати, С;

$t_0$  — бошланғич ҳарорат, С;

$m$  — портлашдан сўнг газнинг моль · сони;

$n$  — портлашгача газнинг моль · сони.

Кўпгина портловчи газлар учун портлаш ҳарорати 1500-3000 °С атрофида бўлиб, портлашдаги босими 1,1 МПа дан ошмайди. Кислород миқдори ортиши билан (21% юқори) босим 2 МПа га етади.

Суюқлик буғларининг портлаш хусусияти алангаланиш ҳарорати чегараси билан ифодаланади.

Алангаланишнинг паст ҳароратдаги чегараси деб шундай энг паст ҳароратга айтиладики, бунда суюқликларнинг тўйинган буғлари ҳаво билан бириккан ҳолда манба ёрдамида алангаланади.

Алангаланишнинг юқори ҳароратдаги чегараси деб шундай энг катта ҳароратга айтиладики, бунда суюқликларнинг тўйинган буғлари ҳаво билан бириккан ҳолда манба таъсири остида аввалроқ алангаланиш хусусиятига эгадир.

Аланга манбаи иштирокида суюқлик буғларининг ҳаво билан аралашмаси алангаланадиган қуйи ҳарорат портлаш қуйи ҳарорат чегараси (ПҚҲЧ) дейилади. Аланга манбаи иштирокида суюқлик буғларининг ҳаво билан аралашмаси аввалроқ алангаланадиган юқори ҳарорат суюқликнинг портлаш юқори ҳарорат чегараси (ПЮҲЧ) дейилади.

Портлашнинг ҳарорат чегаралари қуйидаги тенглама билан топилади:

$$ПҚҲЧ = P_1 \cdot 100 / P_{atm}, \% \quad ПЮҲЧ = P_2 \cdot 100 / P_{atm}, \%$$

Бу ерда:

ПҚҲЧ, ПЮҲЧ — портлаш қуйи, юқори ҳарорат чегаралари;

$P_1$ ,  $P_2$  — алангаланиш ҳарорат чегарасига мос келган босимлар;  
 $P_{\text{атм}}$  — атмосфера босими.

Буғларнинг юқори ҳарорат чегарасидаги концентрацияси портлаш (алангаланиш) юқори концентрациясига мос келади. Газ, буғ, аралашмаларнинг портлаш чегара миқдорлари ишлаб чиқариш корхоналарининг портлаш, ёнфиндан хавфлилигини баҳолашда, технологик жараёнларни, модда-маҳсулотларни сақлаш хавфсизлигини таъминлашда ҳисобга олинади.

## 17.8. Чанг-ҳаво аралашмаларишинг ёниши ва портлаши

Чанг ҳаво билан портлашга хавфли бўлган аралашма ҳосил қиласди. Ёнишга мойил модда чанглари ёнфинга хавфли бўлиб, уларнинг ёниш жараёни тезлиги чангнинг катта-кичиклигига, солишишима юзасига, миқдорига боғлиқ. Кўпгина чангларнинг ўзидан ўзи алангаланиш ҳарорати 700—900 С га teng. Чанглар алангаланиш, портлашга хавфлилиги жиҳатидан тўрт синфга бўлинган:

1-синфга портлаш қуий концентрация чегараси 15 г/куб.м. гача бўлган чанглар (нафталин, олтингутурт, эбонит, крахмал, қанд, антрацен, канифоль) киради.

2-синфга портлаш қуий концентрация чегараси 25—65 г/куб.м. бўлган чанглар (ёғоч уни чанги, торф, буёқлар, бошқалар) киради.

3-синфга ўзидан ўзи алангаланиш ҳарорати 250 С гача бўлган ёнфинга хавфли чанглар (ёғоч чанги, кўмир, пахта чанги) киради.

4-синфга ўзидан ўзи алангаланиш ҳарорати 250 С дан юқори бўлган чанглар (кўмир, ёғоч қипиғи) мансубдир.

Чангларнинг портлаш қуий концентрация чегараси 2,5 дан 30 г/куб.м. гача бўлиб, ўзгарувчан ҳисобланади, яъни заррачаларнинг катта кичиклиги, намлик, ҳарорат, учувчан моддалар иштироқи ҳисобга олинади. Баъзи чанглар учун портлаш чегараси г/куб.м. бирлигига қуийдаги миқдорга teng: масалан, антрацен учун - 5,0; дифенил - 12,6; ёғоч қипиғи - 65; канифоль - 5,0; камфора - 10,1; кўмир чанги - 114,0; буёқлар - 270,0; лигнин - 30,2; олтингутурт - 2,3; эбонит - 7,6; электрон чанги - 30,6; глюкоза - 15,0; қанд чанги - 8,9; қунжара - 21,7; ун - 25,0; нўхот чанги - 25,2; арпа уни - 32,8; буғдой чиқиндиси - 30,4; картошка крахмали - 40,3; чой - 32,8; тамаки 68 г/куб.м.

Портлаш вақтидаги босим 400-600 КПа ни ташкил этади. Портлаш ҳодисасининг олдини олиш учун ва огохлантириш мақсадида чангли ускуна-жихозларда узиладиган мембраналар, тез ҳаракатланадиган тўсиқ ва инерт газ берадиган мосламалар ўрнатилади. Чангларнинг портлаш хавфи уларни қуи аланталаниш чегараси билан баҳоланади. Шунингдек, индукция вақти-даври, аланталаниш ҳарорати, ўзидан ўзи ёнишга мойиллик хусусиятлари ҳам ҳисобга олинади.

### 17.9. Қаттиқ моддаларнинг ёниши

Қаттиқ моддалар алантали, алантасиз ёниш хусусиятига эга. Алантасиз ёниш икки фаза бўлиниш юзасида содир бўлади. Моддаларнинг ёниши ҳароратга, босимга, солиштирма юза миқдорига, чегара қатламда диффузия оксидланиш тезлигига боғлиқ. Чегара қатлам қалинлиги камайиши билан ёниш тезлиги ортади. Бу ҳолат ёнғин вақтида яққол сезилади.

Моддаларнинг ёнувчанлиги қуидаги нисбат билан баҳоланади:

$$K = Q_{\text{тзо}} / Q_n$$

Бу ерда:

$K$  — ёнувчанлик кўрсаткичи;

$Q_{\text{тзо}}$  — намунани ёқишида маълум ҳароратда ажраладиган иссиқлик, КДж;

$Q_n$  — иссиқлик импульси, КДж.

Қаттиқ моддалар кўрсаткичи  $K > 2,1$  бўлса ёнадиган,  $K < 0,5$  бўлса қийин ёнадиган ва  $K = 0$  бўлса ёнмайдиган хили деб ҳисобланади.

### 18- б о б

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ХАВФЛИЛИГИНИ БАҲОЛАШ УЧУН МОДДАЛАРНИНГ ЁНҒИНГА МОЙИЛЛИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Резина-техника буюллари, шиналар, полимер материаллар, ўғитлар, кимёвий маҳсулотлар, моддалар ва бошқа нарсалар ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари ёнғинга хавфли ҳисобланади, чунки қўлланадиган хом ашё, тайёр маҳсулотлар ёнишга мойилдир.

Ёниш ва портлаш эҳтимоли бўлган модда ва материаларнинг ёнгин ва портлашга боғлиқ кўрсаткичларини билиш ва аниқлаш талаб қилинади. Бу кўрсаткичлар ишлаб чиқариш бинолари ва қурилмаларини лойиҳалаш, қуриш норма қоидаларига асосан (ГОСТ 12.1.004-84, ГОСТ 12.1.004-85 ССБТ) корхоналарни ёнгин ва портлаш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, шунингдек ОНТП-24-86 асосида категорияларга бўлинишда зарур бўлган дастлабки маълумотни олишда аскотади.

Модда ва материалларнинг ёнгин, портлашга хавфлийлик кўрсаткичларини аниқлаш, танлаш уларнинг агрегат ҳолатига, қўллаш шароитига боғлиқ. Модда ва материалларнинг ёнфинга, портлашга хавфлилигини белгилайдиган кўрсаткичларга газ, суюқлик ва чангларнинг ёнувчанлик гуруҳи, суюқликларнинг чақнаш ҳарорати, моддаларнинг аллангаланиш ва ўзидан ўзи аллангаланиш ҳарорати, паст ва юқори портлаш концентрация чегаралари, алланганинг тарқалиш ҳарорати чегаралари, минимал ёниш энергияси, кислород индекси, тутун ҳосил бўлиш коэффициенти, ўзидан ўзи ёниш иссиқлик шароитлари, парчаланиш ҳарорати, ёниш маҳсулотларининг заҳарлилиги кўрсаткичлари ва бошқалар киради.

Суюқлик ва газлар ёнувчанлик бўйича уч гуруҳга бўлинган, яъни ёнадиган, қийин ёнадиган ва ёнмайдиган. Ёнмайдиган газ, суюқликлар ҳаво иштирокида ёнмайди, ёниш хусусиятига эга эмас. Қийин ёнадиган газ, суюқликлар мустақил ёнмайди, алана манбай ва ҳаво иштирокида вақтингча ёнади. Ёнадиган газ, суюқликлар алана манбай иштирокида ва манбай олинганда ҳам ёнади, ўзидан ўзи аллангаланади.

Чақнаш ҳарорати деб, суюқлик юзасида ҳосил бўлган газ ёки буғлар ҳаво билан аралашиб, ўт манбай иштирокида чақнай оладиган кичик ҳарорат миқдорига айтилади.

Аллангаланиш ҳарорати деб, маҳсус синов вақтида суюқлик ёнувчи газ ажратиб ёқилганда маълум тезликда аллангали ва доимий ёниш бўладиган ҳароратга айтилади.

Ўзидан ўзи аллангаланиш ҳарорати деб, синов вақтида экзотермик реакция тезлиги ортиб аллангали ёниш билан якунланадиган ҳароратга айтилади.

Алланганинг тарқалиш қуий ва юқори концентрация чегараси деб, хоҳлаган масофага алана тарқатадиган ара-

лашмадаги ёнувчи модданинг кичик ва катта миқдорларига айтилади.

Аланганинг тарқалиш ҳарорат чегараси деб, суюқликкунинг шундай ҳарорати тушуниладики, бу вақтда туйинган буғлар оксидланиш муҳитида ҳосил қилган концентрация аланганинг тарқалиш қуи ва юқори концентрация чегараларига мос келади.

Ёнишнинг минимал-кичик энергияси деб, енгил алангаларадиган газ, буғ, чанг, ҳаво аралашмасининг алангалишига керак бўлган заряднинг кичик миқдорига айтилади.

Кислород индекси деб, маҳсус синовда материалларнинг ёниши учун керак бўлган кислород-азот аралашмасидаги кислород миқдорига айтилади.

Ёнгин вақтида ҳаётга хавфли бўлган вазиятга олиб келадиган материалларни тутун ҳосил қилиш қобилиятига тутун ҳосил бўлиш коэффициенти деб аталади. Моддаларнинг ёнишидан ҳосил бўлган ва маълум юзасида 50% ҳайвонларнинг ўлимига олиб келадиган маҳсулотларнинг нисбати заҳарлилик кўрсаткичи дейилади.

### **18.1. Ишлаб чиқаришда технологик жараёнларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш**

Корхонани лойиҳалашда, қуришда, технологик жараёни амалга оширишда эътиборга олинадиган ёнгин хавфсизлиги чора тадбирлари келажакда ёнфиннинг олдини олиш ва ундан огоҳлантиришда муҳим ҳисобланади.

Ёнгин хавфсизлиги қоида-талабларининг бузилиши, технологик жараённинг режимга тўғри келмаслиги, электротехник асбоб-ускуналарнинг носозлиги, улардан фойдаланиш қоидасининг бузилиши саноат корхоналарида ёнгин, портлаш бўлишига олиб келади.

Ёнгин содир бўлиши асосан техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, корхона ва цех маъмурияти томонидан камчиликларга йўл қўйилиши билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд бўлган сабаблар, бериладиган ёки қўйиладиган компонентлар таркиби ва тезлигининг ўзгариши, аралаштирилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларни йўқотиш усулининг бузилиши ва бошқа ҳолатлар аварияга, портлашга олиб келади.

Саноат корхоналарида ёнгин, портлаш билан боғлиқ авария 20% ни ташкил этади. Корхоналарда ёнфисиз порт-

лаш содир бўлиши ноорганик моддалар иштирокида 15%ни, ёнувчи газлар билан 15% ни, карбонводородлар ва унинг бирикмалари иштирокида 32,5 %, бошқа моддалар иштирокида 7,5% ни ташкил этади. Шу жумладан портлаш ёнгин билан бўлиши ноорганик моддалар иштирокида — 5%, ёнувчи газлар билан — 5%, ёнувчи суюқликлар билан — 7,5%, карбон водородлар ва унинг бирикмалари иштирокида 12,5% ни ташкил этади. Ёнувчи суюқликлар буғларининг портлаши иккиламчи ёнфинга олиб келади.

Корхоналарда ёнгин, портлаш хавфлилиги қайта ишланадиган моддалар миқдори, физик-кимёвий хоссалари ва хусусиятларига, ускуна ва жиҳозлар иш режимига, алана га манбаи борлиги ва ўтнинг тез тарқалашига боғлиқ.

Технологик жараёнларда ёнгин хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги умумий тадбирлар амалга оширилади:

1) хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;

2) ускуна-мосламаларни тўсиқланган ҳолатда жойлаштириш;

3) корхона биноларидаги қўлланадиган ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларнинг миқдорини камайтириш;

4) ускуна, газ қувурларида, ҳаво алмаштириш тизимида ёнувчи моддаларнинг портлашга хавфли концентрацияси ҳосил бўлишига йўл қўймаслик;

5) ёнувчи аралашмаларга ингибиторлар, инерт моддалар қўшиш;

6) енгил алангаларадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда инерт муҳитини яратиш;

7) ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаш, узлуксизлигини таъминлаш;

8) технологик ускуна ва коммуникацияларнинг герметиклигини таъминлаш ва жараёнда вакуум қўллаш;

9) белгиланган технологик режимни аниқ бажариш, стандартларга амал қилиш;

10) технологик ускуналарни таъмирлаш, тузатишдан сўнг ва ишга туширишдан аввал сув буғи ёки инерт газ билан ишлаш;

11) хавфли жойларда ўт манбаининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;

12) ёнгин ва портлашнинг тарқалишига йўл қўймаслик;

13) кўрик, синов, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишларини ўз вақтида олиб бориш, касб эгалари, мутахассисларни талабга мувофиқ танлаш.

Технологик жараён ва унга бөглиқ ишларнинг ёнгин хавфлилиги аввалдан баҳоланиб, сўнгра хавфни барта-раф этиш учун муҳим аниқ тадбирлар ишлаб чиқилади.

Паст босимдаги ускуналарда ёнувчи аралашма ҳосил бўлиш имконияти ҳаво сўриш билан аниқланади. Сўрилган ҳаво қуидаги tenglama билан аниқланади:

$$V = MF \sqrt{\frac{2h}{\rho}} - \frac{T}{T_0}$$

Бу ерда:  $V$  — сўриладиган ҳаво ҳажми,  $\text{m}^3/\text{s}$   
 $M$  — сарфлаш коэффициенти, (0,6-0,75)  
 $F$  — бўшлиқ юзаси,  $\text{m}^2$ ,  
 $h$  — босим миқдори, Па,  
 $\rho$  — зичлик,  $\text{g}/\text{cm}^2$ ,  
 $T$  — ҳаво ҳарорати,  $^{\circ}\text{K}$ ,  
 $T_0$  — 273  $^{\circ}\text{K}$ .

Суюқликларнинг тўлиқ тўкилмаслиги, газларнинг чиқарилмаслиги, ёнувчи газ бугларнинг ҳажмдан-идишидан бўшатилмаслиги, ускуна ва қувурларнинг герметик-бутун бўлмаслиги, хавфли маҳсулотлар қолдиги бўлиши ёнадиган аралашмалар ҳосил бўлишига олиб келади.

Ўтга хавфли енгил учувчан суюқликларни камроқ хавфли, қайнаш ҳарорати 110  $^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлган суюқликлар (амилацетат, этиленгликоль, хлорбензөл, ксиол, амил спирти) билан алмаштириш ёнгин хавфсизлигини таъминлашда самарали усувлардан ҳисобланади.

Ўтни тарқалишига йўл қўймаслик учун суюқлик ҳаракатланадиган қувурларда қарши клапанлар, турли фильтрлар-ўтни тўсиқлагичлар, гидравлик затворлар ўрнатилади. Газ қувурларида бўлинадиган мемброналар, затворлар, чангли ҳаво йўлларида эса узиб қўядиган маҳсус мосламашиберлар ўрнатилади.

## 18.2. Технологик жараёнларда ёнгин хавфсизлиги.

### Ишлаб чиқариш корхоналарининг ёнгин ва портлашга хавфлилиги жиҳатидан турлари

Кўлланадиган модда ва материалларнинг ёнгин-портлаш хавфлилиги кўрсаткичларини технологик жараён кўрсаткичлари билан таққослаш натижасида ишлаб чиқариш корхоналарини ёнгин хавфсизлиги бўйича категориялари аниқланади.

Технологик лойиҳалаш умумий норма (ОНТП-24-86)ларига асосан барча корхона ва ишлаб чиқариш бинолари кўлланадиган ва олинадиган моддаларга қараб ёнғин, портлаш хавфсизлиги бўйича бешта (А,Б,В,Г,Д) категорияга бўлинган:

А категорияга ёнувчи газлар, аланталанадиган суюқликлар чақнаш ҳаракати ( $T_r < 28^{\circ}\text{C}$ ) кўлланадиган корхона, хоналар киради. Бу ерда кўлланадиган модда миқдорига қараб портлайдиган газ-буф аралашмаси аланталаниши натижасида ҳосил бўладиган портлаш қўшимча босими ҳисобланганидан 5кПа га кўп бўлади деб шартлашилган. Шу жумладан, бу категорияга бир-бири билан, сув ва ҳаво билан аралашиб ёнадиган, портлайдиган модда ва материалилар ҳам киради.

Б категорияга ёнувчи чанглар, толалар, чақнаш ҳарорати  $28^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлган ёнгил аланталанадиган суюқликлар ишлатиладиган хона, корхоналар тааллуқли бўлиб, буф, чанг-ҳаво аралашмалари аланталаниб, ҳосил бўлган портлаш босими ҳисобланганидан 5кПа га кўп бўлади.

В категорияга ёнадиган, қийин ёнадиган суюқликлар, қаттиқ, ёнадиган чанг-ҳаво аралашмалари, толалар, қийин ёнадиган материал ва моддалар, бир-бири, сув, кислород билан бирикиб ёнадиган моддалар ишлатиладиган корхона, хоналар киради.

Г категорияга қиздирилган, тобланган, эритилган ҳолатдаги ёнмайдиган модда ва материаллар ишлатиладиган корхона, хоналар киради. Қайта ишлаш жараёнида учқун, алантга, иссиқлик нури ажралади. Шунингдек, бу категорияга ёқилғи сифатида ишлатиладиган ёнувчи газ, суюқлик ва қаттиқ моддалар бўлган хона ва корхоналар ҳам тааллуқлидир.

Д категорияга совуқ ҳолатда бўлган ёнмайдиган модда ва материаллар сақланадиган, кўлланадиган бинолар киради.

Ишлаб чиқаришда ёнғин хавфсизлигини тўғри баҳолаш, аниқлаш, хавфсизликни таъминлашга хос чора-тадбирларни танлаш, конструктив-loyiҳa масалаларини тўғри ечиш, ҳаво алмаштириш мосламаларини, электр ускуна-мосламаларни ўрнатиш, танлаш имконини беради.

Бино ва қурилмаларнинг ёнғин, портлаш хавфлилиги бўйича синфланиши ОНТП 24-86 нормасига асосан ва-

зирлик, хўжалик, лойиҳа ташкилотлари томонидан аниқланади ва ҳужжатларда аниқ кўрсатилади.

### **18.3. Портлаш ва ёнгинга хавфли бўлган ишлаб чиқариш хоналарининг синфланиши**

Портлашга хавфли аралашма ҳосил бўладиган ёки мавжуд бўлган бино, бинодаги чегараланган юза ва ташқи қурилмалар «портловчи зона» дейилади. Портлашга хавфли зонани синфлаш, унга мос келадиган электр қурилмаларни танлаш ишлари лойиҳачи ва ишлатувчи ташкилот, электрик, технолог билан биргаликда олиб борилади.

Агар буғ-газ-ҳаво ёки чанг-ҳаво аралашмаси алангаланиб, ҳосил бўладиган қўшимча портлаш 5кПа дан кўп бўлса, бинонинг ҳаммаси портлашга хавфли зона ҳисобланади. Портлашга хавфли аралашма алангаланиб ҳосил бўладиган қўшимча портлаш босими 5 кПа дан кичик бўлса, у ҳолда бинонинг тик ва бўйлама бўйича 5м масофаси портлашга хавфли зона деб ҳисобланади.

«Электр қурилмаларининг тузилиши ва ишлатилиши» қоидасига асосан портлашга хавфлилиги жиҳатидан А, Б категорияяга мансуб корхоналар бинолари 6 зонага, шу жумладан, ёнгинга хавфлилиги бўйича В категорияга мансуб бинолар 4 зонага-синфга тақсимланган.

Биноларни портлаш ва ёнгинга хавфлилиги зonasини-синфини белгилашда маҳсус ҳарф ва рақамлардан фойдаланилади. Портлашга хавфли бинолар зonasи куйидагича синфланади:

B-1 синфига ёнувчи газлар, суюқлик буғлари ажралиб нормал иш режимида портрайдиган аралашма ҳосил қилалигига бинолар киради.

B-1а синфига нормал иш жараёнида портрайдиган аралашмалар ҳосил бўлмайдиган, фақат авария ёки носозлик сабабли портлаш бўладиган бинолар зonasи таалуқли.

B-1б синфига портлаш куйи концентрация чегараси 15% дан кўпроқ бўлган ўткир ҳидли, ёнувчи газлар, портлаш қўшимча босими 5 кПа дан ошмайдиган портловчи аралашма мавжуд бўлган, шунингдек, очиқ аланга ишлатмасдан ёнувчи газ, суюқликлар билан бажариладиган ишларга хос зоналар киради.

**B-1г** синфига ёнувчи, енгил алангаланадиган суюқликлар ишлатиладиган, ташқарида жойлашган технологик қурилмалар, суюқлик қўйиладиган, сақланадиган ер ости ва ер усти сифимлари, майдончалар ва бошқалар киради. Ёнфинга хавфли зона тик ва бўйлама масофа бўйича 0,5-3-5-8-20м масофада бўлиши мумкин.

**B-11** синфига нормал шароитда портловчи аралашма ҳосил қиласидиган ва вазнсиз ҳолатга ўтадиган чанг ёки толалар ишлатиладиган хоналар зонаси киради.

**B-11а** синфига авария ёки носозлик сабабли портлайдиган аралашма ҳосил бўладиган чанг ёки толалар ишлатиладиган хоналар зонаси киради.

Ёнфинга хавфли бинолар зонаси қўйидагича синфланиди :

**П-1** синфига чақнаш ҳарорати 61 °С дан юқори бўлган ёнувчи суюқликлар мавжуд бўлган хоналар киради.

**П-11** синфига портлаш қути концентрация чегараси 65 г/м<sup>3</sup> бўлган ёнувчи чанг ва толалар мавжуд бўлган хоналар киради.

**П-11а** синфига қаттиқ ёнувчи моддалар мавжуд бўлган хоналар киради.

**П-111** синфига чақнаш ҳарорати 61 °Сдан юқори бўлган ёнувчи суюқликлар, қаттиқ ёнувчи моддалар бўлган, ишлатиладиган ташқи бино, қурилмалар киради.

Портлашга, ёнфинга хавфилиги бўйича ишлаб чиқариш биноларининг синфланишига қараб уларга мос келадиган портлашдан ҳимояланган электр қурилмалари, ташқи таъсирдан ҳимоялаш усуслари танланади. Бунда корхоналарнинг ёнгин, портлашга хавфилиги бўйича бешта категорияси ва портлашга хавфли аралашмаларнинг гурухлари ҳам эътиборга олинади.

#### **18.4. Ёнувчи ва портлашга хавфли аралашмаларнинг категория, гурухларга тақсимланиши**

Портлашга хавфли зоналарда қўллаш, ишлатиш учун электр ускуна, мослама, қурилмаларни танлаш ва ўрнатища ГОСТ 12.1.004-85 талабларига биноан портлашга хавфли зона, шунингдек аралашмаларнинг синфланиши ҳисобга олинади.

Портлашга хавфли барча аралашмалар икки категорияга бўлинган.

1-категорияга ер ости кон ишлари — метан киради.

11-категорияга саноат газ ва буғлари тааллуқли.

Электр асбоб-ускуналарида хавфсиз эксперименталь максимал бўшлиқ (мм) миқдорига қараб портлашга хавфли (газ, буғ) аралашмалар уч категорияга фарқланади:

11А категория —0,9 мм ва юқори (ХЭМБ),

11Б категория —0,5 дан юқори ва 0,9 дан кичик,

11С категория —0,5 мм ва ундан кичик (ХЭМБ).

ХЭМБ-хавфсиз эксперименталь максимал бўшлиқ, мм.

Бундан ташқари портлашга хавфли газ, буғ аралашмалари ўзидан ўзи алангланиши ҳароратига қараб олти гурӯҳга бўлинниши ҳисобга олинади.

Аралашма гурӯҳи	Ўзидан ўзи алангланиш ҳарорати
T1	450 дан юқори
T2	300—450 гача
T3	200—300 гача
T4	135—200 гача
T5	100—135 гача
T6	85—100 гача

Портлашга хавфли газ, буғ аралашмалари категория ва гурӯҳларга бўлинган.

Шунингдек, ҳозирги вақтда ПУЭ, ПИВЭ, ПИВРЭ талабларига асосан тайёрланган портлашдан ҳимояланган электр ускуналардан фойдаланилаяпти. Бу ускуналарга тааллуқли портловчи аралашмалар ўзидан-ўзи алангланиш ҳарорати бўйича бешта гурӯҳга ( $450\text{--}100^{\circ}\text{C}$ ) бўлинган, учун ўтадиган бўшлиқ-оралиқ эса (25мм узунликдаги юза бўйлаб) 1,0-0,35 мм ҳисобида олинган.

### 18.5. Электр ускуналарнинг синфланиши ва уларни ташлаш йўли

Электр ускуналар тайёрланиши бўйича бир неча синфларга бўлинади. Масалан, уларнинг умумий қўллашга, маҳсус, ҳимояланган, сувдан ҳимояланган, сачрашдан ҳимояланган хиллари мавжуд.

Ёпиқ ва портлашдан ҳимояланган электр ускуналарнинг асосий қисми ташқи муҳит таъсиридан сақлайдиган қобиқда жойлашган бўлиши керак. Ҳимояланган, ёпиқ ва портлашдан ҳимояланган электр ускуналарнинг асосий

қисми ташқи таъсирдан ҳимоялайдиган қобиқда жойлашган бўлиши керак.

Портлашдан ҳимояланган электр ускуналарда атрофдаги портлашга хавфли муҳитнинг аланталанишига йўл кўймайдиган, уни бартараф этадиган конструктив чоралар ҳисобга олинган бўлади.

Портлашга хавфли зона синфиға қараб ишлаб чиқариш корхоналарида қўллаш учун портлашдан ҳимоя даражасига мос келадиган электр ускуналар танланади.

ГОСТ 12.2.020-76 талабига асосан электр ускуналар портлашдан ҳимоя даражасига қараб уч хилга бўлинади, яъни портлашга хавфсиз (1), портлашга маҳсус хавфсиз (2), портлашга қарши юқори ишончли (3) электр ускуна хиллари мавжуд.

Ўз навбатида портлашдан ҳимояланган электр ускуналар қўйидаги турга бўлинган. Масалан, портлаш ўтмайдиган қобиқли -(d), қобиқ босим остида ҳимоя гази билан тўлдирилган -(p), учқундан хавфсиз-(i), қобиғи кварц билан тўлдирилган -(q), ёғ билан тўлдирилган-(o), портлашдан ҳимояланган маҳсус тури -(s), ҳимоя тури -(e) билан белгиланган турлари қўлланади.

Портлашдан ҳимояланган электр ускуналар турини қўйидагича изоҳлаш мумкин:

(d)-портлаш ўтмайдиган қобиқ —ички портлаш босимига бардош бериб, портлашни қобиқдан ташқарига тарқалишига имкон бермайди (ГОСТ-22.782.6-81);

(p) қобиқ ортиқча босим остида ҳимоя гази билан тўлдирилади ёки пуфланади, натижада портлаш учун имконият ёки вазият бўлмайди (ГОСТ-12.782.4-78);

(i)-учқундан хавфсиз электр занжирли-электр разряди ёки қиздириш электр занжирда маълум синов шароитида портлашга хавфли муҳитни аланталанишига имкон бермайди (ГОСТ 22.782.5-78);

(q)-қобиқ кварц билан тўлдирилган —электр ускунани ток ўтказадиган ёки кучланиш остидаги қисмлари кварцли қобиққа жойлаштирилган бўлади. (ГОСТ 22.782.2-77);

(o)-ёғ билан тўлдирилган қобиқ —ускунани ток ўтказадиган ёки кучланиш остидаги ускунанинг қисмлари ёғ ёки ёнмайдиган диэлектрик билан тўлдирилган хили (ГОСТ 22.782.1-77);

(s)-портлашдан ҳимояланган маҳсус хили—портлашдан ҳимояланган электр ускуналарнинг бошқа хили ва

тартиби ҳисобга олинганки, уларнинг талаби ГОСТ 22.782.3-77га асосан фарқланади;

(е)-ҳимоя тури —ускуналарда қисмлари бўлмаган, хавфли қиздиришга, электр учқуни чиқишига олиб келмайдиган чоралар қўлланган тури бўлиб ГОСТ 22.782.7-84 да ҳисобга олинган.

ГОСТ 12.2.020-76 га биноан электр ускуналарни портлашдан ҳимоя белгиси танланишида ҳимоя даражаси белгиси (2) ёки (о), портлашдан ҳимоя турини стандарт талабларга мос келишини кўрсатувчи белги (Ex), портлашдан ҳимоя тури белгиси (d,p,i,q,o,s,e), электр ускунанинг гуруҳи белгиси, ҳарорат бўйича синфланиши ҳисобга олиниши керак.

Портлашдан ҳимояланган электр ускуналарни танлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1) портлашга хавфли портловчи аралашма ҳосил қилалигандан моддаларнинг номи, физикавий хоссалари, категорияси, гуруҳи, электр ускуна ўрнатиладиган жойдаги портлашга хавфли муҳитнинг бирликлари аниқланади;

2) электр ускуна ишлатиладиган жой, шароит, шартлари, кимёвий ва механик таъсир этадиган хусусиятлар, атроф-муҳит ҳарорати аниқланади;

3) портлашга хавфли бино ва ташқи қурилмаларнинг тури (синфи) белгиланади;

4) портловчи хавфли зонанинг синфини пасайтириш мақсадида ҳимоялаш чора-тадбирларини қўллаш ҳисобга олинади;

5) электр-ускуна белгиси (маркаси) текширилади, келажакда ишлатиладиган шароит, портлашдан ҳимоя тури ва даражаси таққосланади.

Портлашдан ҳимояланган электр ускуналарни танлашда асосан портлашдан ҳимоя даражаси, тури, қўллаш шарти ҳисобга олинади. Бу шартлар -бирликларни портлашга хавфли аралашманинг синфи ва категориясига қараб маркаси-ёрлиғидан осонгина билиб олиш мумкин.

Электр ускуна қобигининг кўринадиган жойда белгиси аниқ ёзилган бўлади. Масалан, Iex SMBT4 белгиси қуйидагича ифодаланади, бу ерда:

1-портлашдан ҳимоя даражаси;

ех-электр ускунанинг портлашдан ҳимоя турини стандарт талабларга мос келиши;

S-портлаш ҳимоя тури (портлаш ўтмайдиган қобиқ),

МВ-портлаш хавфли аралашма категорияси, Т4-электр ускуна юзасининг қизиши ҳарорати ( $135^{\circ}\text{C}$ ) Электр ускуналарни талабга мувофиқ таңлаш, ишлатиш, технологик регламентга риоя этиш, хавфсизлик қонун ва қоидаларига амал қилиш корхоналарда ёнгин ва портлаш хавфсизлигини таъминлашга имконият яратади.

## 19 - б о б

### **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИНОЛАРИ ВА ИНШООТЛАРИДА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ. ЁНУВЧАНЛИК ВА ҚУРИЛИШ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИНГ ЎТГА ЧИДАМЛИЛИГИ**

Бино, иншоотларни ёнгин хавфсизлиги уларнинг ўтга чидамлилик даражаси билан аниқланади. Ўтга чидамлилик бино қисмларининг ёнувчанлик хусусиятига боғлиқ. СНиП-11-2-80 ва СНиП-2.01.02-85 га асосан қурилиш материаллари ва конструкциялари ёнувчанлиги бўйича уч гурӯҳга бўлинган, яъни уларнинг ёнмайдиган, қийин ёнадиган, ёнадиган хиллари мавжуд.

Ўт манбай иштирокида ёки манба олиб қўйилганида материалларнинг аланталаниш, ёниш, парчаланиш хусусияти ёнувчанлик дейилади. Юқори ҳарорат ёки ўт таъсиридан ёнмайдиган, букилмайдиган ва титилмайдиган материаллар ёнмайдиган материаллар деб ҳисобланади.

Юқори ҳарорат ёки ўт манбай иштирокида ёнадиган, титиладиган, эгиладиган ва манба олиб қўйилса ёниши тўхтайдиган материаллар қийин ёнадиган материаллардир. Ўт манбай, юқори ҳарорат таъсирида ёки манба олиб қўйилганида ҳам ёнадиган, букиладиган, титилиб кетадиган материаллар ёнадиган материаллардир. Ёнадиган органик материалларга ҳимояланмаган қурилиш конструкциялари мисол бўла олади.

Қурилиш материаллари ва конструкцияларининг хусусиятларини баҳолащда ўтга чидамлилик бирлиги ҳисобга олинади. Ёнгин пайтида юқори ҳароратга бардош бериб, ўзининг иш қобилияти, кўринишини сақлаш ўтга чидамлилик дейилади.

Материалларнинг ўтга чидамлилиги вақт бирлигida, кўтариш-чидаш қобилиятини пасайиши, тўлиқ ёрилиши—дарз ҳосил бўлиши ёки совуқ юза ҳароратининг  $140^{\circ}\text{C}$  дан

ортиб кетиши билан баҳоланади. Ўтга чидамлиликни дарражаси СНиП -11-2-80, СНиП-11.01.02-85 да аниқ ифодаланган.

Ишлаб чиқариш корхона бинолари ва иншоотларни талабга мос келадиган чидамлилик дарражаси СНиП-11-90-81, ОНТП-24-86 га асосан ёнгин хавфсизлиги категориясига, майдон юзасига, қаватлар сонига қараб аниқлауди. Агар қуидаги шарт бажарилса, биноларнинг ўтга чидамлилиги талабга жавоб беради.

$$Q_{\phi} \geq Q_{tp}$$

Бу ерда:

$Q_{\phi}$  — бинонинг амалдаги ўтга чидамлилик дарражаси;  
 $Q_{tp}$  — талаб қилинадиган ўтга чидамлилик дарражаси.

Бино, иншоот, конструкцияларнинг ўтга чидамлилигини аниқлашда, режали чоралар қабул қилишда ёнгин-портлашнинг содир бўлиши, тарқалиши, микдори, авария таъсири эҳтимоллиги ҳисобга олинади.

Темир, бетондан тайёрланган конструкцияларнинг ўтга чидамлилиги 2–3,5 соатни ташкил этади. Фишт эса 1000 °С гача чидайди, мармар 900 °С да парчаланади. Шифер 300 °С да таркибидаги сувни йўқотади ва 600–700 °С да сочилиб кетади. Сопол плиталар 1400 °С гача бузилмасдан чидайди. Қалинлиги 5 см бўлган гипс, шлак, тола асосидаги тўсиқ деворлар чидамлилиги 1,3 соатни ташкил қилса, қалинлиги 10 см бўлган деворлар 2,7 соатга чидайди.

Ёғоч асосидаги конструкциялар 270–280 °С гача қиздирилса, алангланади ва ёнгинга хавфли ҳисобланади. Ёғочларнинг ўтга чидамлилигини ошириш учун антипрен моддалар (аммоний фосфор кислотаси, аммоний сульфат, бура —  $Na_2B_6O$ , ва бошқалар) билан қайта ишланади.

Ёнгинга қарши эшикларни ўтга чидамлилиги камида 1,5 соат бўлиши керак. Бу талабни бажариш учун қалинлиги 3–4 см бўлган тахта бошқа ёнмайдиган материал билан қопланади.

Пластик массалар иссиқдан ҳимоя, пардоzlash материаллари сифатида кенг қўлланмоқда. Улар ёнгин шароитида хавфли. Лойиҳалаш, курилиш жараёнида бу хусусиятни албатта ҳисобга олиш керак. Термопласт, материаллар 100 °С дан паст ҳароратда юмшайди, парчаланади. Органик, анорганик элементлар бўлган баъзи пластмас-

саларнинг иссиқликка чидамлилиги 300 °С гача бўлади. Уларни ёнувчанлиги физик, кимёвий таркибига боғлиқ.

Поливинилхлорид, фторопласт, карбамид смолалар қийин алантганади, полиэтилен, полистирол, смолалар, резиналар, полизэфир асосидаги шиша пластиклар ёнади. Кўпгина пластик массалар, материаллар ёниши натижасида инсон ҳаёти учун хавфли бўлган заҳарли моддалар ажратади. Шунинг учун жамоат биноларида, одамлар кўпроқ бўладиган иншоотларда акустик ёки пардозлаш материаллари сифатида пластмассалардан фойдаланишини чеклаш керак.

### **19.1. Ёнгинга қарши тўсиқлар, бино ва иншоотлар орасидаги бўшлиқ-масофалар**

Бинода содир бўлган ёнгиннинг тарқалишини чеклайдиган мосламалар ёнгинга қарши деворлар дейилади. Уларга ёнгинга қарши деворлар (брандмауэр), йўлаклар, тўсиқлар, тамбур, шлюзлар, эшиклар, дарвозалар, деразалар, люклар, клапанлар, сув пардаси, портлашга қарши мосламалар мисол бўла олади.

Ёнгинга қарши тўсиқлар ёнмайдиган материаллардан тайёрланган ва ўтга чидамлилик даражаси талабга мувоғиқ бўлиши керак. Масалан, деворлар учун — 2,5 соат, эшик, дераза ва дарвозалар учун — 1,2 соат, тўсиқ ва ёпмалар учун — 0,75-1,0 соат бўлиши ҳисобга олинган.

Ёнгиннинг бир бино, иншоотдан бошқа жойга ўтиб тарқалишидан огоҳлантириш мақсадида қурилиш норма ва қоидаларига асосан маълум масофада ёнгиндан ҳимоя бўшлиғи ҳисобга олинади. Оралиқ масофа бўшлиғи миқдори бино, иншоотларнинг ўтга чидамлилик даражасига, корхонанинг ёнгин хавфлилиги категориясига, бинонинг ҳажмига, қаватлар сонига ва майдонига боғлиқ. Омборлар учун оралиқ масофани белгилашда сақланадиган моддаларнинг хавфлилиги, омборнинг ҳажми, жойланиши ҳисобга олинади.

### **19.2. Эвакуация — чиқиш йўллари, уларга бўлган талаблар**

Ёнгин ёки авария содир бўлишида одамларни хавфсиз бошқа жойга чиқиш йўллари бўлиши биноларни лойиҳалашда, қуришда ҳисобга олинади. Маълум вақтда одам-

ларни хавфсиз жойга чиқишига ёрдам берадиган йўллар чиқиш-эвакуация йўллари дейилади.

Масалан, бинонинг хоҳлаган қаватидан ташқарига, хавфсиз жойга чиқадиган йўллар, эшик, дераза, дарвоза, нарвон, зиналар, махсус дарчалар, айвонлар, йўлаклар чиқиш-эвакуация йўлларига мисол бўлади. Шунингдек, бунга хавфли бинодан қўшни бинога олиб ўтадиган хавфсиз йўллар тури ҳам тааллуқлидир.

Ёнгин хавфсизлиги норма, қоидаларига асосан эвакуация йўллари ўтга чидамли материаллардан тайёрланиши, ҳаракат йўлида бегона тўсиқлар бўлмаслиги керак. Ҳар бир хона ва бинода камида иккита чиқиш-эвакуация йўли бўлиши керак. Улар орасидаги масофа  $L = 1,5 \sqrt{P}$  тенглама билан топилади (бу ерда  $P$ - бино периметри). Чиқиш йўли кенглиги камида 0,8—1,0 м бўлиши талаб қилинади. Чиқиш йўли орасидаги масофа СНиП-2.09.02-85 га асосан бинонинг ҳажми, ўтга чидамлилиги даражаси, ёнгин хавфлилиги категориясига кўра метр ҳисобида белтиланган (б-жадвал).

6 - жадвал

Бино ҳажми, минг куб.м	Бино категорияси	Ўтта чидамлилиги даражаси	Одам оқимига қараб (одам/кв.м.) белтиланган масофа, (м.)		
			1 гача	1—3	3—5
15 гача	A, B, B	I, II, IIIa	40	25	15
		I, II, III, IIIa	100	60	40
		IIIb, IV	70	40	30
		V	50	30	20
30	A, B, B	I, II, IIIa	60	35	25
		I, II, III, IIIa	145	85	60
40	A, B, B	I, II, IIIa	80	50	35
		I, II, III, IIIa	160	95	65
		IIIb, IV	110	65	45

Бино хажми, минг куб.м	Бино категорияси	Үтпа чидамлилiği даражаси	Одам оқимига қараб (одам/кв.м.) белгиланган масофа, (м.)		
50	A, B, B	I, II, IIIa I, II, III, IIIa	120 180	70 105	50 75
60, күпроқ	A, B, B	I, II, IIIa I, II, III, IIIa	140 200	85 110	60 85
80, күпроқ	B	I, II, III, IIIa	240	140	100
хажмдан мустасно	G, D	I, II, III, IIIa IIIb, IV V	чегаралан- майды 160 120	чегаралан- майды 95 70	чегаралан- майды 65 50

Йўлақдаги эшиқдан ташқарига чиқиш жойигача бўлган  
масофа СНиП-2.09.02-85 га асосан қуидагича белгилан-  
ган (7-жадвал)

7 - жадвал

Чиқиш йўли жойла- ниши	Бино категорияси	Үтпа чидамлилiği даражаси	Одам оқимига қараб (одам/кв.м.) белгиланган масофа, (м.)			
			2 гача	2-3 гача	3—4	4—5
Ташқари- га чиқиш икки йўли орасидаги	A, B, B	I, II, IIIa I, II, III, IIIa IIIb, IV V	60 120 85 60	50 95 65 50	40 80 55 40	35 65 45 35
	G, D	I, II, III, IIIa IIIb, IV V	180 125 90	140 100 70	120 85 60	100 70 50
Берк йўлак	Катего- риядан мустас- но	I, II, III, IIIa IIIb, IV V	30 20 15	25 15 10	20 15 10	15 10 8

Ёнадиган полимер иситкичлар қўлланган бир қаватли (IV даражада) ва икки қаватли биноларда иш жойидан чиқиши йўлигача бўлган масофа А категория учун – 50 м; Б категория бинолари учун 80 м қилиб белгиланган. В категорияга мансуб икки қаватли бинолар учун масофа – 40 м; Г, Д категорияга мансуб бинолар учун масофа 60 м ни ташкил этади. Агар бир кишига 75 кв.м. майдон тўғри келса, бу масофани 50% га узайтириш мумкин.

Эни 1 м бўлган эвакуация - чиқиш йўлига рухсат этиладиган одамларнинг сони ҳам белгиланган (8-жадвалга қаранг).

### **19.3. Омборларда сақланадиган модда ва материаллар учун ёнгин хавфсизлиги талаблари**

Омборларда хомашё, тайёр маҳсулотлар, қўшимча материаллар, ускуна, жиҳозлар, захира қисмлар, мойлаш ёғлари, ёнувчи қурилиш материаллари ва бошқалар сақланади. Улар ташки қўриниши бўйича тўкиладиган, до надор суюқ, ўралган, ёнувчан, енгил алангаланадиган ва газ ҳолатида бўлиши мумкин.

Транспортда ташиш, туширишда ҳавога заҳарли ва ёнувчан бирикмалар, чанг ажратадиган моддалар сақланадиган омборларга катта эътибор бериш керак. Шу жумладан инсон танасига таъсир этадиган моддалар омборига хавфсизликка оид қаттиқ талаблар кўйилади. Бир-бири билан реакцияга киришадиган маҳсулотлар – моддаларни сақлашда ёнгин хавфсизлиги талаблари бажарилиши керак. Омборларни қуриш, фойдаланиш, хавфсиз иш юритишида моддаларни 8 гурӯҳга бўлиниши ҳисобга олинади.

Эни бир метр бўлган эвакуация- чиқиш йўлига рухсат этиладиган одамлар сони СНиП 2.09.02-85 га асосан кўйидагича белгиланган.

А, Б, В категорияга мансуб хоналар чиқиш йўлидан хавфсиз жойгача чиқиш вақти 0,5 – 3 минутдан ошмаслиги белгилаб кўйилган.

1-гурӯҳга портловчи моддалар;

2-гурӯҳга селитра, хлорат, перхлорат, нитро маҳсулотлар;

3-гурӯҳга сиқилган ва суюлтирилган газлар;

4-гурӯҳга ҳаво, сув билан қўшилиб ўзидан ёнадиган моддалар;

5-гурұхға енгил алангаланадиган суюқликлар;  
 6-гурұхға зақарловчи моддалар;  
 7-гурұхға алангаланишга олиб келадитан моддалар;  
 8-гурұхға енгил ёнувчи материаллар киради.

7-гурұхға тааллуқли моддалар омборда алоҳида сақла-  
 ниши керак. Омборлар ҳам ишлаб чиқариш бинолари каби  
 ёниш, портлаш хавфлилиги жиҳатидан 5 та категорияяга  
 (А, Б, В, Г, Д) бўлинади.

#### 8 - жадвал

Бино ҳажми, минт куб.м	Бино категорияси	Үтпа чидамлилиги	Одамларнинг сони
15	A, B,	I, II, IIIa	45
	B	I, II, III, IIIa	110
		IIIb, IV	75
30	A, B,	I, II, IIIa	65
	B	I, II, III, IIIa	155
		IIIb, IV	110
40	A, B,	I, II, IIIa	85
	B	I, II, III, IIIa	175
		IIIb, IV	120
50	A, B,	I, II, IIIa	130
	B	I, II, III, IIIa	195
		IIIb,	135
60 ва ундан күпроқ	A, B,	I, II, III, IIIa	150
	B	IIIb	220
80 ва ундан күпроқ	B	I, II, III, IIIa	260
ҳажмидан мустасно	Г, Д	I, II, III, IIIa	260
		IIIb, IV	180
		V	130

#### **19.4. Портловчи ва ёнғинга хавфли моддалар сақланадиган омборларга қўйиладиган талаблар**

Омборлар база ва сарфлаш турига фарқланади. База омборлари юзада, ярим юзада, ер остида жойлашиши мумкин ва корхона майдонидан ташқарида бўлади. Аммиак селитраси учун сифимлар ҳажми 240, 500 тонна бўлиши мумкин. Сарфланадиган материаллар омбори ер юзасида, ер остида бўлади, корхона биносидан камида 75 м масофада жойлаштирилади, ёнмайдиган материаллардан қурилади, девор шиплари оқланади, сувалади. Омбор атрофи хавфли зона ҳисобланиб 50 м кенгликда ўралади.

Газлар маҳсус пўлатдан тайёрланган идиш, сифимларда, баллонларда сақланади. Қизишдан сақлаш учун ёнмайдиган материалдан тайёрланган иссиқлик изоляцияси ёки металл-ҳимоя ниқоб бўлиши ҳисобга олинади.

Суюлтирилган ва босим остида сақланадиган газлар ёниш, портлашга хавфидир. Бу хусусият улар қайнаш ҳароратининг кичиклиги, ҳаво аралашмаси аланталаниш (портлаш) чегарасининг паст миқдори билан боғлиқ. Суюлтирилган газларни камроқ миқдорда сақлаш ва уларни корхоналарга қувурлар орқали жўнатишга ҳаракат қилинади.

Кам кувватли ишлаб чиқаришда, лабораторияларда сиқилган, суюлтирилган, эритилган газларни сақлаш, ишлатиш учун баллонлардан фойдаланилади. Туртки, юқори ҳарорат, нотўғри тўлдириш, кўпроқ қуиши, нотўғри фойдаланиш, коррозия таъсиридан баллонлар портлаши мумкин. Газларни узоқ муддат сақлаш ҳам хавфли ҳисобланади.

Баллонлар 2 ва 5 йилда бир марта тўлиқ текширилади. Баллонлар сақланадиган омбор биносининг ўтга чидамлилиги I –II даражада бўлиши, ёнмайдиган қоплама ишлатилиши, кўшни бинодан 20-30 м масофада, аҳоли яшайдиган жойдан 50 м масофада бўлиши талаб қилинади. Баллонлар тик ҳолатда тўсиклар билан ўралган ҳолда сақланади. Ишлатилган баллондаги газнинг қолдиқ босими камида 0,5 атм. бўлиши керак.

Баллонларни хона ичида иситиш тизимидан 5 м, иситиш асбобларидан 1,5 м, девордан 1 м масофада жойлаштирилиши ёнғиннинг олдини олишда муҳим шартdir.

## **19.5. Енгил учувчан заҳарли моддалар ва алангаланувчи суюқликларни сақлашга бўлган талаблар**

Суюқ моддалар маҳсус сифим, идишларда сақланади ва ташилади. Уларни қуийш, тўкиш учун жўмрак ва бошқа мосламалар бўлади. Олtingугурт кислотаси насос ёрдамида қуилади. Концентрацияси 60% дан юқори бўлган азот кислотаси бошқа моддалар билан аралашиб ўзидан ўзи ёнишга олиб келади. Чунки ҳосил бўлган нитро маҳсулотлар ёниш, алангаланиш хусусиятига эга.

Кислоталар учун мўлжалланган омборлар металлдан бошқа ёнмайдиган материаллардан қурилиши керак. Авария шароитида ишлатилиши учун кислоталар, коррозияга олиб келадиган ва заҳарли моддалар, суюлтирилган газлар сақланадиган омборларда қўшимча сифим—идишлар бўлиши ҳисобга олинади.

Кичик ҳажмдаги суюқ моддаларни сақлашда шиша идишлардан фойдаланилади. Кўтаришга осон бўлиши учун идишларнинг ёғоч яшикда, маҳсус корзинада бўлиши, 0,9 ҳажмда тўлдирилиши хавфсизликни таъминлайди. Омбор биносида кислота билан фақат ишқорий моддалар сақланиши мумкин.

Енгил алангаланувчи (ЕАС), ёнувчи (ЕЕС) суюқликларни сақлаш учун омборлар СНиП-II.106-79, СНиП-II-89-90 талабига асосан лойиҳаланади ва қуилади. Суюқликларни сақлаш сифимлари, идишлари ер остида, ер устида жойлаштирилиши мумкин. Ер ости сифимлари ҳажми 4000 куб.м, ер усти сифимлари ҳажми эса 2000 куб.м бўлишига рухсат этилади. Ёнувчи суюқликларни алангаланадиган суюқликларга нисбатан 5 марта кўпроқ миқдорда омборда сақлаш мумкин. Сифимларнинг барчаси статик электрдан ҳимояланган қуийш қувурлари билан жиҳозланган бўлиши керак.

Суюқликларни сақлаш омборларида шамоллатиш тизими бўлиши, атмосфера босимида ишлатиладиган идишларда нафас олиш, гидравлик клапанлар ва ўтни тўсиқлаш воситаларининг бўлиши ёнгин хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

## **19.6. Ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларни сақлаш талаблари**

Қаттиқ моддалар алангаланиши, чанг ва заҳарли хусусиятга эга бўлган моддалар ажралиши мумкин. Шунинг

учун улар контейнер, бункер, яшик, қопларда берк ҳолатда сақланади. Чанг, қукусимон ҳолатдаги моддаларни узатиш, қадоклашда берк ва маҳсус машина-мосламалардан фойдаланилади. Қаттиқ моддаларни сақлаш учун мүлжалланган омборларнинг тузилиши, қурилиши, ўзунингдек юқорида айтилган вазифалар тартиби ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларига мос олиб борилиши керак.

Моддаларни омборларда сақлаш хавфсизлигини таъминлаш маълум даражада уларнинг ёниш хусусиятлари ни ҳисобга олишни талаб қиласди. Масалан, бир кг каучук ёнганда 44000 кДж иссиқлик ажралиб, ҳосил бўлган учувчан модда эса ҳаво билан портлашга хавфли арашма ҳосил қиласди. Шунинг учун, каучукни сақлаётганда намлиқ, ҳарорат режими ҳисобга олинади. Омборда ҳаво алмаштириш даражаси талабга жавоб бериши, ўтни ўчириш воситалари билан таъминланган бўлиши керак.

Карбид моддаси маҳкам беркитиладиган металл барабанларда сақланади. Бино-омбор ёнмайдиган материаллардан қурилиши лозим. Унда сув, иситиш йўли, намлиқ бўлиши бутунлай тақиқланади.

Ишқорий металлар минерал кислоталар билан бирикиб, ўзидан ўзи аланталаниши, портлаши мумкин. Улар нам ҳавода оксидланади ва аланталанади. Шунинг учун ҳам улар керосин ёки ёғ қуйилган металл идишларда сақланади. Омборни ёнмайдиган материаллардан қуриш тавсия этилади. Сарфлаш омборидаги моддалар микдори 1,5 тонна, база омборида эса 50 тоннадан ошмаслиги керак. Бошқа бино билан омбор оралиғи 50 м дан кам бўлмаслиги талаб қилинади.

## 20-б о б

### ЁНФИННИ ЎЧИРИШ ВОСИТАЛАРИ

Содир бўлган ёнфинни чеклаш, бартараф этиш учун ёниш зонасига ўтадиган ҳаво ёки ёнувчи модда микдорини камайтириш керак. Шунда ёниш жараёни тўхтайди. Бушартни бажариш учун ёниш зонаси ҳароратини моддаларни аланталаниш ҳароратидан паст даражагача совитиш, пасайтириш ёки ёнмайдиган моддалар билан муҳитни араштириш, ёнувчи моддаларни ёниш зонасидан тўсиқлаш керак бўлади.

Ёнгинни ўчириш учун сув, сувнинг кимёвий эритмалари, кўпик, инерт газлар, газ таркибли қуқунсимон моддалар, турли аралашмалар ишлатилади.

Ёнгинни ўчириш воситаларини танлаш, қўллаш ишлаб чиқариш технологиясига, хом ашёнинг физик-кимёвий хоссаларига, маҳсулотларнинг хусусиятларига, қўшимча заарли ҳолатларнинг пайдо бўлишига, ўтни ўчирувчи воситани реакцияга кириши қобилиятига, ёниш жараёнининг давом этишига, ёнгин ўчириш усуllibарига боғлиқ. Ёнгинни ўчирадиган бирламчи ва стационар воситалар мавжуд.

Бирламчи ўт ўчириш воситаларига ҳаракатланадиган, қўлда ишлатиладиган ўт ўчиргичлар, гидропульпалар, челак, сувли бочка, белкурак, қумли яшик, асбест ёпгич, намат, ёнмайдиган намат материали ва бошқалар мисол бўлади.

Стационар ўт ўчириш воситаларига кўпик генераторлари, мотопомпалар, спринклер ва дренчер каллаклари, ҳавокўпик генераторлари, ўт ўчириш машиналари, гидрантлар ва бошқа турдаги воситалар киради.

## 20.1. Ёнгинни кўпик билан ўчириш

Ёнгинни ўчиришда кўпик самарали ва қулай восита бўлганлиги учун у турли моддалар, енгил алангаланадиган, ёнадиган суюқликларнинг ёнишини бартараф этишда кенг қўлланади.

Кўпик суюқликни юпқа пардаси билан ажратилган газ ёки ҳаво пуфакчалари массасидан иборат. Ҳосил бўлиш турига қараб кимёвий ва ҳаво-механик кўпиклари мавжуд.

Кимёвий кўпик генераторда сув билан кўпик ҳосил қилувчи порошокни аралаштириб тайёрланади. Порошок кислотали, ишқорий қисмдан, кўпик ҳосил қилувчи моддадан иборат. Ишқорий қисмни сода (натрий карбонат тузи), кислотали қисмни эса алюминий сульфат тузи ташкил этади.

Кўпик ҳосил қилишда оксид моддалар, синтетик ва сиртактив моддалар қўлланади. Реакция натижасида ҳосил бўлган карбонат ангидриди турғун – чидамли кўпик кўринишида маҳсус ствол, шланг орқали ёнгин юзасига сепилади.

Вақтингча ишлайдиган кимёвий күпикли ўт ўчиригич (ОХП-10, ОП-5, ОП-М) ларда күпик натрий бикарбонатнинг сувли эритмасини экстракт иштирокида темир сульфат тузи, сульфат кислотаси билан реакцияга киришишдан ҳосил бўлади. Сульфат кислотаси билан боғланишдан ҳосил бўлган таркиб 80%  $\text{CO}_2$ , 19,7%  $\text{H}_2\text{O}$ , 0,3% күпик ҳосил қилувчидан иборат ва зичлиги 0,15-0,25 га тенг.

Ҳаво-механик күпиги генераторларда (ПВГ) ҳаво, сув ва күпик ҳосил қилувчи модданинг механик аралашинидан ҳосил бўлади. Таркиби 90 % ҳаво, 9,7 % сув, 0,2 – 0,4% күпик ҳосил қилувчи (ПО –1, ПО –6) моддадан иборат бўлиб, зичлиги 0,11 – 0,17 ни ташкил этади.

Ёнгинни ўчиришда паст (8-40), ўргача (40-120) ва юқори (120 катта) каррали ҳаво-механик күпиклар қўлланади. Ёнадиган қаттиқ моддалар, материаллар, енгил алангаларапидан, ёнадиган суюқликлар ёнганда уни ўчиришда ишлатилади.

Ҳаво-механик күпиги тежамли, заарсиз бўлиб, электр токини ўтказмайди, тез ҳосил қилинади. У кимёвий күпикдан фарқ қилиб металларни коррозияга олиб келмайди. Күпик чидамлилиги ва бузилиш вақти, қаршилиги билан баҳоланади. Юқори каррали күпиклар чидамли эмас. Күпик одатда ер остида ва ёпиқ жойларда бўлган ёнгинни ўчиришда ишлатилади.

Күпикнинг хусусияти шундан иборатки, у ёнувчи моддани муҳит ҳавосидан тўсиб, ҳаво зонасида кислород миқдорини камайтиради ва муҳитни совитади. Натижада ёниш учун шароит бўлмайди ва жараён тўхтайди.

## 20.2. Ёнгинни инерт газлар билан ўчириш

Ёнгинни ўчириш учун инерт аралашмалар сув буғи, карбон диоксиди, азот, аргон, тутун гази, галоген бириклими моддалар ишлатилади, яъни бром этил, хлорброму метан, бромэтилфон ва бошқалар. Инерт газлар билан ёнгинни ўчириш бу ҳосил бўлаётган иссиқликни аралаштирувчиларни қиздириш учун сарфланишига, реакцияни, иссиқлик ҳароратини ва жараён тезлигини камайишига асосланган.

Сув буғи биноларда, очиқ майдонларда ёнгинни ўчиришда қўлланади. Буғ-ҳаво пардаси ҳосил қилинади. Ўтни ўчириш концентрацияси буғ учун 35 % ҳажмини ташкил қиласди.

Карбон диоксиди омборларда, аккумулятор станцияларида, қуритиш печларида, электр ускуналарни синаш жойларида ёнгинни үчиришда ишлатилади. Газни бериш учун ўт ўчиргичлар (ОУ-2, ОУ-5, ОУ-8, ОУ-15), стационар мосламалар (УП-1М, УП-2М ва б.к) қўлланади.

Инерт газ иштирокида ҳаво таркиби аралаштирилади. Оқибатда ҳавода ёниш учун зарур бўлган кислород миқдори камаяди, натижада ёниш тўхтайди.

Таркибидаги кислород, ишқор, ер-ишқорий металлар, металл гидридлари бўлган моддалар ёнганда ёнгинни үчириш учун карбон диоксидини қўллаш мумкин эмас.

### **20.3. Ёнгинни кукун моддалар билан үчириш**

Ёнгинни үчиришда натрий карбонат, натрий бикарбонат, фосфор кислотаси, калий, аммоний бирикмалари ишлатилади. Улар ўтни үчириш қобилиятига эга. Сув, кўпик билан ўчмайдиган ёнгинни кукун моддалари ёрдамида үчириш мумкин.

ПС-1, ОП, ПСБ туридаги кукун воситалар паст ҳароратда ҳам ишлатилади. Улар коррозияга олиб келмайди ва токни ўтказмайди. Шунинг учун ҳам электр ускуналар ёнгинни үчиришда кенг қўлланади.

Улар алангани қамраб олади, яъни ингибитор ўрнида ёниш жараёнини тўхташига олиб келади. Бу йўл билан ёнгинни үчириш самараси юқори ҳисобланади, бу хусусият ажralиб чиқадиган карбонат ангидрид миқдорига боғлиқ.

Кукусимон моддалар таркиби, тури ўт ўчиргичларда (ПС, СИ ва б.к.) алоҳида ҳолатга эга. Улар йирик ҳажмдаги ёнгинни үчириш мақсадида стационар мосламаларда ишлатилади.

### **20.4. Ёнгин ҳақида дарак бериш ва алоқа воситалари**

Ёнгин ҳақида тезда хабар бериш учун юқори хавфли ҳисобланган технологик ускуналарда, ишлаб чиқариш биноларида, омборларда даракчи воситалар үрнатилади.

Даракчи восита, алоқанинг бўлиши ёнгиндан огоҳлантиришда, ёнаётган маңба ёки жойни ўз вақтида билиб олишда, ўт үчириш бўлимини чақиришда, шунингдек

ёнгинни ўчириш вақтида бошқариш, аниқ раҳбарликни уюштириб ҳодисани бартараф этишда катта аҳамиятга эга.

Ёнгин алоқаси, ўз навбатида, дарак бериш, диспетчерлик ва ёнгин вақтидаги алоқа турига бўлинади. Ёнгин хавфи кўпроқ корхоналарда тўғридан-тўғри ишлайдиган телефон ўрнатилади. Алоқа асосан электр ёрдамида уюштириллади. Электр алоқаси автоматик ёки қўл билан бошқарилади. Автоматик алоқа воситаси ёниш бошланиши вақтида манзил ҳақида аниқ маълумот беради.

Ёниш манбани белгилаб маълумот беришда оптик нурлар, аланганинг ҳаракат тебраниши, тутун чиқиши, иссиқлик нури, атроф-муҳитнинг ионланиш даражаси, ҳарорат ва босимнинг ўзгариши каби муҳим ҳолатлар ҳисобга олинади.

Ҳисобга олиш ва маълумот бериш турига қараб ўрнатилган даракчилар ёруғлик, тутун, иссиқлик, ионланиш нури таъсирида ҳаракатланадиган, ишлайдиган хилда тайёрланади ва керакли жойларга ўрнатилади. Шу жумладан, босим таъсирида ва йиғма бирликлар (нур, иссиқлик, тутун ва б.к.) таъсирида ишлайдиган ва маълумот берадиган даракчилар ҳам мавжуд. Улар ишлаб чиқариш хоналарининг хусусиятига қараб танланади ва ўрнатилади. Шунингдек, уларнинг иш қобилияти вақти билан текшибирib турилади.

## ХУЛОСА

Меҳнат муҳофазасини яхшилаш давлатни муҳим вазифасидан биридир. Бунинг учун фан ва техника ютуқларини татбиқ этишга катта эътибор бериляпти. Натижада корхоналарда шикастланиш ва касалланиш йилдан-йилга камайиб, ишчи-хизматчиларнинг маданий ва моддий турмушки яхшиланиб бормоқда. Бу борада жараёнларни автоматлаштириш, меҳнатни илмий ташкил қилиш, фантехника тарраққиёти, янги техниканинг ўрни ҳисобга олинади.

Кимёвий, нефткимёвий, озиқ-овқат саноати корхоналарида жараёнларни хавфсиз бажариб, маҳсулотлар олишда «Меҳнатни муҳофаза қилиш» нуқтаи назаридан бакалаврларга алоҳида талаб қўйилади. Бу ишда, яъни ишлаб чиқариш хавфсизлигини таъминлашда, меҳнат шароитини яхшилашда жавобгар шахсларнинг билими, қобилияти, хавфсизлик масалаларини ҳал қилишга тўғри ёндашиши

муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун, «Меҳнатни муҳофаза қилиш» фанининг барча бўлимларини ўқиб, ўрганиш талабалар—бўлажак бакалаврлар учун жуда зарур. «Меҳнатни муҳофаза қилиш» фани бўйича билим олингандиги институтни якунлаш диплом ишида ҳам текшириб кўрилади. Диплом ишини тайёрлашда хавфсизликка оид бир қатор саволларга ёзма ва чизма кўринишида жавоб берилади.

Масалан, корхона тавсияномаси, модда ва материалларнинг физикавий-кимёвий потологияси, ёнғинга хавфли хоссалари, хусусиятлари, ишлаб чиқаришнинг санитария-гигиеник хусусиятлари, технологик жараёнлар ва қурилмаларнинг, ускуналарнинг хавфсизлигини, ишлаб чиқариш санитария-гигиенаси, электр хавфсизлиги, жараёнларнинг ёнғин хавфсизлиги ва бошқа масалалар акс эттирилади. Бу вазифани бажариш учун қатор дарслклар, кўлланмалар, норма ва қоидалар, услублар, йўлланмалардан фойдаланиш тавсия этилади.

Муҳандисларнинг чуқур билимга эга бўлиши хавфсизликни таъминлаб, халқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва ишчи-хизматчилар учун талабга мос келадиган меҳнат шароитини яратишга олиб келади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Т. 1992 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунлари кодекси, Т. 1993 й.
3. Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», Т. «Ўзбекистон», 1997 й.
4. Президент И. Каримовнинг 1995 йил февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруzasи. «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори», Т. 1997 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирилигинг 07.05.1997 й. № 129 «Меҳнатни муҳофаза қилиш қонунишининг бажарилиши ҳақида» ги бўйргути.
6. Ўзбекистон Республикаси корхона ва ташкилотларида меҳнатни муҳофаза қилиш ва жароҳатланиш тўғрисидаги маълумотлардан.
7. Основы безопасности жизнедеятельности. Ежемесячный журнал — Москва, 1996 г.
8. Н. В. Соловьев, Н. А. Стрельчук, П. И. Ермилов, Б. П. Канер. «Охрана труда в химической промышленности». М., Химия, 1969.
9. Г. В. Макаров и др. «Охрана труда в химической промышленности» М., Химия 1977.
10. В. П. Сулеманов. Охрана труда в нефтяной промышленности. М., Недра, 1980.
11. Санитарные нормы проектирования промышленных предприятий СН-245-7. М. 1972. СН-4088-86.
12. Нормы радиационной безопасности. НРБ-76, М. 1977.
13. Система стандартов безопасности труда (ССБТ) ГОСТ 12.0.002-74.
14. Строительные нормы проектирования промышленных предприятий.
15. А. С. Бабков. Охрана труда в резиновой промышленности. Л., Химия. 1998.
16. П. А. Долин. Справочник по технике безопасности. М., Энергоатомиздат, 1985.
17. М. Я. Ройтман. Противопожарное нормирование в строительстве. Справочное пособие.

18. В. В. Денисенко, В. Г. Точилкина. Пожарная безопасность в строительстве. 1989.
19. Правила устройства электроустановок (ПЭУ). М., Энергоатомиздат, 1986.
20. ОНТП 24-86. Определение категорий помещений и зданий по взрыво- и пожарной опасности.
21. Ю. Г. Сорокин, М. С. Сибилев. Охрана труда в нефтеперерабатывающей, нефтехимической промышленности. М., 1985.
22. ГОСТ 12.1.054-84 ССБТ (СТ СЭВ 4831-84). Пожаровзрывоопасность веществ и материалов. Номенклатура показателей и методы их определения. М., 1987.
23. Л. И. Никитин, А. С. Щербаков. Охрана труда в лесном хозяйстве, лесной и деревообрабатывающей промышленности. М., Лесная промышленность, 1985, 1990.
24. Д. Г. Сегеда, В. И. Дашевский. Охрана труда в пищевой промышленности. М., Пищевой промышленность, 1983.
25. В. С. Никитин, Ю. М. Бурашников. Охрана труда на предприятиях пищевой промышленности. Москва, ВО Агропромиздат, 1991.
26. Л. И. Семенов, Я. В. Васильев. Взрывобезопасность на предприятиях по хранению и переработке зерна. М., 1983.
27. П. А. Долин. Справочник по технике безопасности. М., 1984.
28. В. Р. Емельянов. Охрана труда и пожарная безопасность в винодельческой промышленности. М., 1984.
29. А. М. Медведев, И. С. Анципович и др. Охрана труда в мясной и молочной промышленности. М., 1989.
30. О. Т. Русак. Безопасность жизни человека. Ленинград, 1981.
31. Х. Раҳимова. Саноат газ чиқиндиларини олтингутурт диоксидидан тозалашнинг янги усули. Журнал «Янги техника» № 2, 1983.
32. Х. Раҳимова. Хемосорбционная каталитическая очистка отходящих газов от диоксида серы, кандидатская диссертация. Ташкент, 1986.

## **МУНДАРИЖА**

Кириш .....	3
-------------	---

### **I қисм**

#### **МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ МАСАЛАЛАРИ**

<b>1 боб. Меҳнатни муҳофаза қилиш қонуниятлари асослари .....</b>	<b>9</b>
1.1. Саноат корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини уюштириш .....	12
1.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини режалаштириш ва маблағ таъминоти .....	15
<b>2 - б о б . Ишлаб чиқаришда соғлом ва хавфсиз меҳнат қилиш шароитини яратиш .....</b>	<b>16</b>
2.1. Инструкциялар ва ишчиларни хавфсиз ишлаш усуулларига ўргатиш .....	18
2.2. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоида ва нормаларини бузгандлик учун жавобгарлик .....	20
2.3. Меҳнатни муҳофаза қилишнинг давлат назорати ташкилотлари .....	22
<b>3 - б о б . Ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат шароитини текшириш ва баҳолаш .....</b>	<b>26</b>
3.1. Жароҳатланиш, баҳтсиз ҳодиса ва касб касалликлари хақида тушунча .....	26
3.2. Саноат корхоналарида жароҳатланиш ва касб касаллик- ларини ўрганиш усууллари .....	29
3.3. Жароҳатланиш сабабларини ўрганиш .....	30
3.4. Баҳтсиз ҳодисалардан келадиган моддий зарар .....	33

### **II қисм**

#### **САНОАТ САНИТАРИЯСИ ВА ГИГИЕНАСИ**

<b>4-б о б . Меҳнатни муҳофаза қилишда эргономиканинг аҳамияти .....</b>	<b>36</b>
4.1. Хавфсизликни таъминлашда психологиянинг аҳамияти .....	38

4.2. Зараарли моддалар ва касб касалликларидан огоҳлантириш .....	40
4.3. Ишлаб чиқариш чангى .....	42
4.4. Ишлаб чиқариш ҳаво мұхитида заарарли моддаларни йүл күйиш мүмкін бўладиган чегара концентрациялари (ЙҚБЧК) .....	43
4.5. Ишлаб чиқариш мұхитидаги заҳарли моддалар миқдорини аниқлаш .....	45
4.6. Кимёвий, термик күйиш ва улардан огоҳлантириш .....	48
<b>5- б ө б . Ишлаб чиқариш мұхитида метереология шароитлари .....</b>	<b>51</b>
5.1. Ишлаб чиқариш микроклимининг тигиеник нормалари ...	55
5.2. Нормал метереология шароитларини яратиш чора-тад-бирлари .....	56
5.3. Ишлаб чиқариш биноларини шамоллатиш ва унинг турлари .....	59
5.4. Портлашга хавфли ишлаб чиқаришда ва авария вақтидаги шамоллатиш .....	65
5.5. Шамоллатиш тизимлари ва мосламаларини текшириш .....	66
5.6. Ишлаб чиқариш корхоналарида иситиш .....	67
<b>6 - б ө б . Радиация хавфсизлiği асослари .....</b>	<b>68</b>
6.1. Ионловчи нурларнинг асосий тавсифиомалари .....	68
6.2. Нурларнинг дозиметрик миқдорлари ва уларнинг ўлчов бирликлари .....	70
6.3. Радиоактив моддалар, цурланиш манбалари билан ишлашни ташкил қилиш ва нурланишдан ҳимоялаш чоралари .....	72
<b>7-б ө б . Ишлаб чиқариш хоналарини ёритиш .....</b>	<b>74</b>
7.1. Сунъий ёруғлик манбалари .....	77
7.2. Чүгләнувчи ёритгич лампалар .....	77
<b>8-б ө б . Ишлаб чиқаришдаги шовқин, титраш (чайқалиш) ва тебраниш .....</b>	<b>80</b>
8.1. Шовқин ва тебранишга қарши курашиш усуллари .....	83
<b>9 - б ө б . Ишлаб чиқариш нурланишидан ҳимоя. Радиочастота доимрасида электромагнит цурланишидан ҳимоя .....</b>	<b>84</b>
9.1. Ўта юқори частотали (ЎЮЧ) нурланиш нормаси .....	86
9.2. Ўта юқори частотали энергиядан ҳимояланишни ташкил қилиш чоралари .....	88
9.3. Инфрақизил нурланишдан ҳимоя .....	88
<b>10 - б ө б . Лаборатория хоналарига бўлган хавфсизлик талаблари .....</b>	<b>90</b>
10.1. Кимёвий лаборатория тузилишига қўйиладиган талаблар .....	90

10.2. Лабораторияларда ишлашни ташкил этишга қўйиладиган талаблар.....	92
10.3. Шиша ва шиша (идишлари) апаратлари ёрдамида иш бажариш .....	93
<b>11 - б о б . Саноат чиқиндиларини тозалаш .....</b>	<b>94</b>
11.1. Саноат газларини атмосферага чиқариш .....	96
11.2. Атмосферага чиқариб ташланадиган ҳаво аралашмаларини зарарли моддалардан тозалаш .....	97
11.3. Саноатда газ чиқиндиларини олтингугурт диоксидидан тозалашнинг янги усули .....	98
11.4. Газларни чангдан ва суюқлик заррачаларидан тозалаш .....	101
11.5. Саноат корхоналарида сув таъминоти .....	102
11.6. Канализация ва унга бўлган талаблар .....	103
11.7. Ифлосланган сувни тозалаш усуллари .....	104
<b>III қисм</b>	
<b>ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ</b>	
<b>12 - б о б . Камё саноати корхоналари бино, иншоатларининг лойиҳасини тузиш ва курилишга бўлган меҳнат мухофизаси .....</b>	<b>106</b>
12.1. Саноат корхоналарининг санитария жиҳатидан синфланиши .....	106
12.2. Корхона бош лойиҳасини тузиш .....	110
12.3. Санитария-маиший хизмат кўрсатиш биноларига қўйиладиган талаблар .....	111
<b>13 - б о б . Технологик жараёнлар хавфсизлиги .....</b>	<b>113</b>
13.1. Технологик жараённинг хавфсизлигини таъминлашда автоматлаштиришнинг роли .....	115
13.2. Технологик регламент .....	118
<b>14 - б о б . Технологик ускуна, мослама, курилма – апаратларининг хавфсизлиги .....</b>	<b>119</b>
14.1. Ускуна, апарат ва жиҳозларни коррозиядан сақлаш .....	121
14.2. Технологик ускуналар герметиклигининг аҳамияти .....	123
14.3. Босим остида ишлатиладиган апарат ва идишларнинг хавфсизлиги .....	125
14.4. Баллонларни хавфсиз ишлатиш .....	127
14.5. Компрессорларни ишлатиш хавфсизлиги .....	128
<b>15- б о б . Корхоналарда юқ кўтариш, ташиб транспортлари ва мосламаларидан фойдаланиш хавфсизлиги .....</b>	<b>130</b>
15.1. Ускуна, мослама ва апаратларнинг хавфли зонасини ҳимоялаш .....	133
15.2. Кувурлардан фойдаланишда техника хавфсизлиги бўйича қўйиладиган талаблар .....	135
<b>14-11</b>	<b>209</b>

15.3. Таъмирлаш, тузатиш ва тозалаш ишлари хавфсизлиги .....	137
15.4. Режали тузатиши уюштириш ҳамда аппарат ва ускуналарни тузатишга тайёрлаш .....	138
15.5. Таъмирлаш-тузатиш ишларини хавфсиз ўтказиш .....	140
<b>16- б о б . Электр хавфсизлиги .....</b>	<b>141</b>
16.1. Электр токининг одам танасига таъсири ва уларни шикастланишдан ҳимоялаш йўллари .....	141
16.2. Электрдан ҳимоя воситалари .....	145
16.3. Ишлаб чиқаришда қўлланадиган электр ускуналарнинг ёнгин ва портлашдан хавфлилиги жиҳатидан синфланиши .....	149
16.4. Статик электр ва ундан ҳимояланиш чоралари .....	152
16.5. Яшиндан ҳимоя қилиш .....	154
16.6. Шахсий ҳимоя воситалари .....	156

#### IV қисм

<b>17- б о б . Ёнгин хавфсизлиги асослари .....</b>	<b>162</b>
17.1. Ёнгин муҳофазасини ташкил этиш ва ҳуқуқ вазифалари ....	163
17.2. Ёниш жаравёни, турлари ва ёниш шартлари ҳақида тушунча .....	165
17.3. Ёнишнинг иссиқлик ва занжирли механизми .....	168
17.4. Ёнувчи моддаларнинг ўзидан ўзи алангланиш жаравёни, алангланиш ҳароратини аниқлаш усувлари .....	171
17.5. Моддаларнинг ўзидан ўзи ёниши ва синфланиши .....	173
17.6. Суюқликларнинг ёниши. Уларнинг чақнаш ҳарорати бўйича бўлинishi .....	174
17.7. Газ, буғларни ҳаво билан аралашмаларининг ёниш хусусиятлари. Уларнинг ҳарорат ва концентрацияли алангланиш чегаралари .....	175
17.8. Чанг-ҳаво аралашмаларининг ёниши ва портлаши .....	178
17.9. Қаттиқ моддаларнинг ёниши .....	179
<b>18- б о б . Ишлаб чиқаришнинг хавфлилигини баҳолап учун моддаларнинг ёнгинга мойиллик хусусиятларини аниқлаш .....</b>	<b>179</b>
18.1. Ишлаб чиқаришда технологик жараёнларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш .....	181
18.2. Технологик жараёнларда ёнгин хавфсизлиги. Ишлаб чиқариш корхоналарининг ёнгин ва портлашга хавфлилиги жиҳатидан. турлари .....	183
18.3. Портлаш ва ёнгинга хавфли бўлган ишлаб чиқариш хоналарининг синфланиши .....	185
18.4. Ёнувчи ва портлашга хавфли аралашмаларнинг категория, гуруҳларга таъсими .....	186
18.5. Электр ускуналарнинг синфланиши ва уларни танлаш йўли .....	187

<b>19- б о б . Ишлаб чиқарып бинолари ва иншоотларда ёнгин хавфсизлиги. Ёнувчанлык ва курилиш конструкцияларининг ўтга чидамлилиги .....</b>	<b>190</b>
19.1. Ёнгинга қарши түсиқдар, бино ва иншоотлар орасидаги бўшлиқ-масофалар .....	192
19.2. Эвакуация-чиқиш йўллари, уларга бўлган талаблар .....	192
19.3. Омборларда сақланадиган модда ва материаллар учун ёнгин хавфсизлиги талаблари .....	195
19.4. Портловчи ва ёнгинга хавфли моддалар сақланадиган омборларга қўйиладиган талаблар .....	197
19.5. Енгил учувчан заҳарли моддалар ва алангаланувчи суюқликларни сақлашга бўлган талаблар .....	198
19.6. Ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларни сақлаш талаблари .....	198
<b>20- б о б . Ёнгинни ўчириш воситалари .....</b>	<b>199</b>
20.1. Ёнгинни кўпик билан ўчириш .....	200
20.2. Ёнгинни инерт газлар билан ўчириш .....	201
20.3. Ёнгинни кукун моддалар билан ўчириш .....	202
20.4. Ёнгин ҳақида дарак бериш ва алоқа воситалари .....	202
Хулоса .....	203
Фойдаланилган адабиётлар .....	205

**Хурсаной Раҳимова,  
Ахрор Аъзамов,  
Тўлқин Турсунов**

**МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

Бадиий муҳаррир *У. Салиҳов*

Техник муҳаррир *У. Ким*

Мусаҳҳих *Ш. Мақсудова*

Теришга берилди 24.01.2003 Босишига рухсат этилди 23.04.2003. Коғоз бичими 84×1081/32. Офсет босма усулида босилди. Шартли б.т. 11,24. Нашр т. 10,25 Нусхаси 3000. Буюртма №11.

«Ўзбекистон» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий 30,  
Нашр № 10—2003.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент китоб-  
журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси,  
Муродов кўчаси, 1.

65.9(2)248

**Раҳимова Ҳ. ва бошқ.**

Меҳнатни муҳофаза қилиш: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма. — Т.: Ўзбекистон, 2003.—216 б.

**ББК 65.9(2)248**

**«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТИ 2003 ЙИЛДА  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ  
УЧУН ҚУЙИДАГИ ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ  
ҚЎЛЛАНМАЛАРИНИ НАШР ЭТАДИ**

**М. Исроилов  
ХИСОБЛАШ МЕТОДЛАРИ**

**Ў. Икромов  
ИШҚАЛАНИШ ВА ЕЙИЛИШ**

**А. Бойдедаев  
СТАТИСТИК ФИЗИКА АСОСЛАРИ**

**А. Эргашев  
УМУМИЙ ЭКОЛОГИЯ**

**Қ. Ахмеров ва бошқ  
УМУМИЙ ВА АНОРГАНИК КИМЁ**

**И. Солиев  
ИНГЛИЗ ТИЛИ**

**Б.Асқаров, Ш. Низомов  
ТЕМИРБЕТОН ВА ТОШФИШТ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ**

**М. Миркомилова  
АНАЛИТИК КИМЁ**

**М. Ҳушвақтов  
МАТЕМАТИК АНАЛИЗДАН ЛЕКЦИЯЛАР**

**Т. Турғунов  
АМАЛИЙ ФИЗИКА**

**Р. Маматқулов ва бошқ.  
ТЕРМОДИНАМИКА АСОСЛАРИ**

**М. Аҳмедова ва бошқ.  
ИНГЛИЗЧА-ЎЗБЕКЧА-РУСЧА  
БОТОНИКА АТАМАЛАРИ ЛУФАТИ**

Т. Сиргибоев ва бошқ.  
ОРГАНИК КИМЁ АСОСЛАРИ

А. Ҳолиқов  
РАДИОТЕХНИК ТИЗИМЛАР НАЗАРИЯСИ

В. Мирбобоев  
КОНСТРУКЦИОН МАТЕРИАЛЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ

А. Бубнов и др.  
ТЕХНОЛОГИЯ МОНТАЖА И ИСПЫТАНИЙ  
ЛЕТАТЕЛЬНЫХ АППАРАТОВ

Э. Тоштемирова и др.  
ПРАКТИЧЕСКИЙ КУРС РУССКОГО ЯЗЫКА.

Н. Парниев ва бошқ.  
АНОРГАНИК КИМЁ

Т. Очилов ва бошқ.  
ТҮҚИМАЧИЛИК МАТЕРИАЛЛАРИНИ СИНАШ

Б. Қорабоев ва бошқ.  
МАТЕРИАЛЛАР ҚАРШИЛИГИДАН ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ

Т. Дўстмуродов ва бошқ.  
УМУМИЙ ВА ОРГАНИК КИМЁДАН МАСАЛАЛАР

Т. Отакўзиев  
КИМЁ САНОАТИДА МАЙДАЛАШ

ва бошқа китоблар нашр этилади.

1882 00

65 9/27/24  
P 271

“ЎЗБЕКИСТОН”